

3. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тарихи

1. Хетт давлати (салтанати)

Хетт давлатининг вужудга келиши, ривож, буюк давлатга айланиши тарихи ўз ичига икки даврни олади.

1. Қадимги Хетт салтанати (милоддан аввалги XVIII - XVI асрлар) даври;

2. Янги Хетт салтанати (милоддан аввалги XIV - XIII асрлар) даврида Буюк Хетт давлати;

Милоддан аввалги II мингинчи йил бошларида Кичик Осиёда қабилалар иттифоқи асосида ҳудудий жихатдан у қадар йирик бўлмаган шаҳар - давлатлар вужудга келади. Улар сафига Канес, Куссар, Бурусханда, Неса, Цальпа ва Хаттуса кирарди. Бундай шаҳар - давлатлар шаклланишида Кичик Осиёда милоддан аввалги XX - XVIII асрларда пайдо бўлган савдо колониялари муҳим роль ўйнаган. Ҳалқаро савдо алоқалари ана шундай колониялар орқали амалга оширилар эди. Савдо ишларида олтин, кумуш, қўрғошин, мис каби товарлар асосий ўрин тутган. Ҳалқаро савдо алоқалари - Кичик Осиёнинг иқтисодий ривожда муҳим омил эди. Бу ерда судхўрликнинг турли шакллари ҳам мавжуд бўлган. Шаҳар-давлатлар шоҳлар томонидан бошқарилишига қарамай, уларнинг ички ишлари озод аҳолининг умумий мажлисида ҳал қилинган. Озод аҳоли ўртасида бой савдогарлар, судхўрлар катта мавқега эга бўлган.

Савдо колониялари маҳаллий қабилаларнинг ҳўжалик тараққиёти учун кенг имконият яратар ва қулдорчилик муносабатларини янада ёйилишига шароит туғдиради. Бундай ижтимоий, иқтисодий жараёнлар хетт жамиятида табақаланиш пайдо қилди.

Кичик Осиёда илк бор йирик давлат тузишга интилиш милоддан аввалги XVIII асрнинг 1 ярмида юз беради. Куссар шаҳри ҳокими Титхана кўкқисдан тунда Неса шаҳрига ҳужум қилиб уни босиб олади. Титхананинг вориси шоҳ Анитта пойтахтини Несага кўчириб, бу ерда истехкомлар, ибодатхоналар барпо этади. Шундан кўп ўтмай Цальпа, шиддатли жанглardan сўнг Хаттуса шаҳрини босиб олади. Бундан хабар топган Бурусханда шаҳри ҳокими Аниттага ўз хоҳиши билан таслим бўлади ва тахтини топширади. Тез орада Канес шаҳри ҳам Анитта ихтиёрига ўтади. Шундай қилиб, Анитта йирик давлат ҳокими - шоҳи бўлиб қолади. Тадқиқотчилар бу давлатни Қадимги Хетт салтанати деб аташди (милоддан аввалги XVIII - XVI асрлар). Бу давлатда уруғ - қабила тузуми сарқитлари жуда кучли бўлган.

Хетт шоҳлари давлатга халқ лашкарларига таянган ҳолда ҳукмронлик қилар эдилар. Мамлакатда қурол олиб юриш ҳуқуқига эга бўлган барча шахслар шоҳ қошидаги мажлисда иштирок этганлар. Бу мажлисни хеттлар тилида “панкус” деб аталган. Зодагонлар, олий лавозим эгалари халқ мажлиси фаолиятига раҳбарлик қилар ҳамда уни бошқаришда фаол иштирок этардилар.

Давлат аҳамиятига молик бўлган энг муҳим масалаларни ҳал этишда зодагонлар деб аталган кенгаш “тулия” га йиғилганлар. Зодагонлар ичида шоҳ оиласи аъзолари, шоҳнинг ака-ука, ўғиллари, яқин қариндошлари жиддий ўрин тутганлар.

Қадимги анъаналарга кўра шоҳлар шоҳ оиласи аъзоларидан, кўпроқ шоҳ невараларидан, хусусан, сингилларининг ўғилларидан сайланарди. Хетт салтанатини бирлаштириш сиёсати Аниттанинг тўртинчи вориси шоҳ Лабарна ҳукмронлиги даврида (милоддан аввалги 1680 - 1650 йиллар) тугалланди.

Ўз қудратига ишонган Лабарна мавжуд анъанани бузиб, тахт вориси этиб ўғли Хаттусили I (милоддан аввалги 1650-1620 йиллар) ни тайинлайди. Хаттусили I пойтахтини Хаттусага кўчиради. У ўзидан аввалги шоҳларга хос ташқи сиёсатни давом эттиради ва Шимолий Суриянинг йирик савдо маркази - Халпа (Алеппо)ни босиб олишга уринди. Тарихий ҳужжатда айтилишича, шоҳ саломатлиги ёмонлиги сабабли зафарли юришини амалга оширолмай, ўз туғилган шаҳри – Куссарга қайтиб келади. Хаттусили томонидан тахт ворисини тайинлаш шов – шувга сабаб бўлиб, кескин курашлар келтириб чиқаради. Ўғлини тўсатдан казо қилганидан сўнг Хаттусили қадим анъаналарга амал қилиб ўз неварасини тахтга ўтқизади. Бу ҳолдан норози бўлган шоҳ оиласи аъзолари ўртасида ғулғула кўтарилади. Аммо панкус шоҳнинг тарафини олиб, унинг қарорини маъқуллади.

Шоҳ Мурсили I даврида (милоддан аввалги 1620 - 1590 йилларга яқин) Хетт салтанатида мамлакатни марказлаштириш жараёни кучаяди. Хаттуса мамлакатнинг ягона пойтахти бўлиб қолди. Бошқа йирик шаҳарлар, ҳатто Куссар ҳам иккинчи даражали шаҳарга айланди. Мурсили I Алеппони эгаллашга муяссар бўлиб, сўнг у жануби-шарққа - Бобил томонга йўл олади ва милоддан аввалги 1595 йилда Олд Осиёнинг бош марказини осонлик билан босиб олади.

Бироқ секин - аста ташқи сиёсат ютуқлари ички зиддиятлар туфайли барбод бўла бошлади. Хетт зодагонлари шоҳ ҳокимиятининг мустаҳкамланишини истамас эдилар. Улар қадимги тизим – шоҳ кўп сонли даъвогарлар орасидан танланадиган тизимга қайтишни истардилар. Ўзаро келишмовчиликлар вақтида Мурсили синглизининг эри томонидан ўлдирилади. Ўзаро ички курашлар бир неча ўн йиллар давом этиб, бу ҳол Хетт давлатининг сиёсий мавқеига путур етказди.

Сиёсий беқарорликка шоҳ Телепин даврида (1520 - 1490 йиллар) чек қўйилди. У қабул қилган фармонга кўра тахт вориси этиб кўпроқ шоҳ фарзанди шахзода тайинланар эди. Шоҳнинг ўғли бўлмаган ҳолда тахтга унинг она томонидан жияни ўтириши керак эди. Бунинг ҳам иложи бўлмаса, у вақтда тахтга шоҳнинг “учинчи даража ворислари” - куёвлари даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Тохт ворисига оид бу тартиб доимий бўлиб қолди. Шоҳ доимо ака - ука, ўғил, қариндошлари ва имтиёзли ҳарбий вакиллари мажлис - панкусга чақириб туриши шарт эди. Панкусда тулия ҳал қилувчи роль ўйнаган. Шоҳ тулиянинг руҳсатисиз оила аъзоларидан биронтасини ҳам ўлимга ҳукм қила олмаган. У ўз оиласини қувғин қилиш, мол - мулкни мусодара қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган.

Бундан маълумки, Хетт давлатида шоҳ ҳокимияти чекланган эди. Телепин ўлиmidан сўнг унинг ўғли ҳукмдорлик қилган қисқа вақт ичида Хетт давлатида сиёсий беқарорлик даври бошланди. Бу давр Ўрта Хетт салтанати номини олиб (тахминан милоддан аввалги XV аср), ўша вақт тахтни бир неча шахзодалар эгалладилар. Ўша даврга келиб, Хетт давлати анча заифлашади.

Янги Хетт салтанати даврида Буюк Хетт давлати. Милоддан аввалги XIV аср бошларида Хетт салтанатининг тикланиш даври бошланади. Бу тикланиш Хетт ҳукмдорлари ичида энг кўзга кўрингани, тажрибали дипломат, қобилятли саркарда шоҳ Суппилиуми номи билан чамбарчас боғлиқ.

Олд Осиёда қудратли Миср салтанати, Бобил ва Митанни давлатларининг заифлашуви оқибатида вужудга келган қулай халқаро вазиятдан Суппилиуми усталик билан фойдаланиб Хетт салтанатининг қудратини янада оширишга муваффақ бўлади.

Хеттлар ҳарбий қўшинида от қўшилган енгил ва тезюрар аравачалар жорий қилинди. Аравачаларда уч жангчи: ҳайдовчи, ёяндоз, қалқон кўтарган аскар жойлашиб, улар душманга қақшатқич зарба бериш имконига эга эди.

Суппилулиума пойтахти Хаттусу ва бошқа шаҳарлари атрофини қалъалар билан ўраб, мустаҳкамлади. Аввало у қўшинини Арцави шоҳлигига қарши қаратди. Суппилулиума дипломатия йўли билан ўша даврнинг қудратли давлати - Кишсувадна устидан назорат ўрнатди. У ўз қизини шоҳ Хайясига эрга бериб, Суппилулиума Понтий тоғларининг жанубий этакларида мавқеини мустаҳкамлади. Бу ерлар металл, жумладан, темирга бой эди.

Бу вақтда Мисрнинг заифлашуvidан фойдаланиб, Суппилулиума Ўрта ер денгизининг шарқидаги шоҳликларнинг ўзаро курашига фаол аралаша бошлади. Хеттлар Ўрта ер денгизи соҳиллари, Иорданнинг денгизга қуйилиш қисмига қадар кириб бордилар. Суппилулиума хеттларнинг энг хавфли душмани – Митанни давлатини бўйсундирди. Бунда у аввал Суриянинг Хальпу, Нухашше, Нию ва Каркемиш шаҳарларини босиб олади. Каркемиш Хетт давлатининг энг мустаҳкам ва асосий қалъасига айлантирилди. Ниҳоят Суппилулиума туфайли Митанни давлати шоҳи Тушраттининг ўғли Тушратти Мативасу тахтни эгаллади. Суппилулиуманинг фаолияти туфайли Хетт салтанати қудратли ҳарбий давлатга айланди.

Мурсили II ҳукумдорлиги даврида (милоддан аввалги 1340 йилга яқин) Хетт давлати янада кучаяди. Бу вақтда хеттларнинг асосий душмани – Арцова салтанати билан қатъий кураш борди. Улар ўртасидаги ҳал қилувчи жанг Жанубий Фригиядаги Вальма шаҳрида юз беради. Жангда Арцова қўшинлари мағлуб бўлиб, шоҳ Арцова ва унинг вориси қўшни Аххиява давлатига қочиб кетишади. Хетт қўшини Апасу шаҳрини қўлга олиб, Эгей денгизига қадар чиқдилар. Арцова давлати Хетт шоҳига тобе бўлиб қолди. Шундай қилиб, Кичик Осиёнинг йирик қисми хеттлар қўли остига ўтди. Бу – Хетт давлати ҳарбий қудратининг энг юксалган даври бўлиб тарихда қолди.

Аммо Мурсили II ҳукмронлиги якунида Олд Осиёдаги сиёсий вазият бирмунча мураккаблашди. Рамзес II даврида Миср ўз ҳарбий - сиёсий қудратини анча мустаҳкамлаб, Ўрта ер денгизининг шарқидаги вилоятларни қайтариб олиш учун урушлар олиб борди. Олд Осиёда ҳукмронлик учун ўша даврнинг икки қудратли давлати - Миср империяси билан Буюк Хетт салтанати ўртасида дахшатли жанглар бошланди.

Миср шоҳи Рамзес II билан Хетт давлати ҳукмдори Муваталла ўртасидаги ҳал қилувчи жанг Оронт дарёси соҳилида Кадеш шаҳри яқинида юз берди. Бу жангда Рамзес II мағлубиятга учради.

Рамзес II мағлубиятдан тегишли хулоса чиқариб, кучли қўшин тузади, шу билан бирга дипломатия усуллари ишга солади ва хеттларни Ўрта ер денгизининг шарқий қисмидан сиқиб чиқаради. Ана шу даврда Фаластин ва Сурияда Миср томонига ўтиш мақсадида ҳаракат бошланди. Бу вақтга келиб, Хетт салтанатида ҳам ички аҳвол анча мураккаблашди. Мутавалладан сўнг тахтни унинг укаси Хаттусили III эгаллайди, аммо у Мисрга қарши кураша олмайди. Бунинг устига Хетт подшолигининг жануби-шарқ тарафида Оссурия яна кучая бошлаган эди.

Миср билан Хетт салтанати ўртасида милоддан аввалги 1280 йилда тузилган сулҳ шартномасига биноан Суриянинг катта қисми ва Шимолий Финикия хеттлар ихтиёрига, Фаластин билан Жанубий Финикия эса Миср ихтиёрига ўтди. Икки

давлат ўртасида савдо алоқалари ўрнатилди. Хетт ҳукмдорининг қизи Рамзес II никоҳига ўтди. Хаттусили III билан Ассирия ўртасида тўқнашувлар бошланди.

XIII асрнинг охирларига келиб "денгиз халқлари" номини олган қудратли коалиция вужудга келди. Бу иттифоққа ахайваша, шердан, турша каби қабилалар кирди. Улар Олд Осиёга тўфон каби ёпирилдилар. Миср улар ҳужумини бир амаллаб қайтарган бўлса, Хетт давлати улар ҳуружига дош беролмади. Пойтахт – Хаттуса душман ҳужуми натижасида таслим бўлди. Милоддан аввалги 1190 йилга яқин Буюк Хетт давлати инқирозга юз тутди. Милоддан аввалги XII - VIII асрларда омон қолган кичик-кичик хетт давлатлари Оссирия томонидан босиб олинди. Хетт тиллари ва ёзувлари йўқолди, уларнинг номи бутунлай унут бўлди.

Янги хеттлар салтанати даврида иқтисодиёт ва ижтимоий муносабатлар. Янги хеттлар салтанати даврида иқтисодий, ҳўжалик ва ижтимоий муносабатларни ўрганишдаги асосий манба - бу ўша даврда қабул қилинган қонунлар тўпламидир. Ундан маълум бўлишича, иқтисодиёт асосини чорвачилик ташкил этган. Ҳўжалик ишларида ишчи қорамоллар ва юк ташувчи ҳўкизларнинг аҳамияти катта эди. Отлардан асосан ҳарбий мақсадда фойдаланилган. Чўққачилик у қадар тараккий этмаган.

Хеттларда деҳқончилик иккинчи ўринда турар ва у асосан кўпроқ об-ҳаво ёғингарчилигига боғлиқ эди. Сунъий суғоришдан деярли фойдаланилмаган. Хетт салтанатида йирик сунъий суғориш иншоотлари жуда оз бўлган. Деҳқончиликда асосан арпа етиштирилар эди, ҳамда у баъзан қиймат меъёри вазифасини ўтаган. Арпадан ташқари буғдой навлари ҳам етиштирилар, боғдорчилик, узумчилик ҳам бир қадар ривож топган эди.

Кичик Осиёда Шумер, Аккад ва Мисрдан фарқли ўлароқ хурмо дарахтидан фақат манзарали ўсимлик сифатида фойдаланилган, чунки табиий шароитда унинг меваси пишиб улгурмасди. Шоҳ мамлакат барча ерларининг эгаси ҳисобланиб, уларнинг маълум қисми ҳукмдорнинг хусусий мулки бўлган. Бундан ташқари ибодатхоналар, жамоаларга тегишли ҳудудлар ҳам бор эди. Жамоа ерларининг бир қисми амалда хусусий мулкка айланган.

Ҳунармандчилик анча ривожланиб, қонунлар ва бошқа ҳужжатларда айтилишича, Хетт давлатида темирчи, дурадгор, кончи, кулол ва тикувчилар бўлган.

Қурол-аслаҳа ясашда асосан мисдан, кейинчалик бронзадан фойдаланилган. Темир дастлаб Кичик Осиёда топилган бўлишига қарамай, бу даврда ҳўжалик аҳамиятига эга бўлмаган. Темирдан асосан (хайкалча) диний урфлар мақсадида фойдаланилар, тахтача, ҳарбий қуроллар тайёрланар эди.

Ҳунармандлар ичида озод ишчилардан ташқари қуллар ҳам анчагина бўлган. Устахона эгаси шогирд сотиб олар, маълум вақтдан сўнг улар устага шогирд тушардилар. Кўп ҳунармандлар шахсий эҳтиёжлари мақсадида ёки давлат хизмати учун ҳўжалик ишлари билан ҳам шуғулланганлар.

Янги Хетт давлатида ташқи савдо ривож топди. Унинг устидан давлат назорати ўрнатилди. Олий ҳокимият кенг миқёсда иқтисодиётга аралашар эди. Бу ерда диний - ҳўжалик маҳкамалари катта рол ўйнаган. Улар одатда "тош уйлар" деб аталиб, улар ўлган шоҳлар бошидан ташкил қилинган. Маҳаллий "тош уйлар" марказий "тош уйлар"га бўйсунган. Уларнинг ихтиёрида ибодатхона хазиналари, олди-сотти билан шуғулланувчи ташкилотлари, миршаблари бўлган. Расман бу "тош уйлар" бирон - бир ибодатхонага тегишли бўлсада, амалда подшо ёки унинг хотинига тегишли эди.

“Тош уй” нафақат маъмурий - молия ишлари, балки қисман ҳарбий ишлар билан ҳам шуғулланган. Катта - кичик ер эгаларига тегишли ерлар сотилган ва сотиб олинган. Эгаси жиноий иш қилган ерлар шоҳ фойдасига мусодара қилинган.

Муқаддас шаҳарларнинг бошида шоҳ ёки малика турар, бу шаҳарлар ерлари подшо мулки ҳисобланган. Янги хетт давлатида ҳукмдорларни илоҳийлаштириш яна кучайди. Ҳукмдор мулкига қасд қилган одам қаттиқ жазо олар, “тош уй” ни бузган киши эса ўлимга ҳукм қилиниб, мол-мулки мусодара қилинган.

Янги хетт даврида жамиятнинг табақалашув жараёни ҳам кучаяди. Қуллар асосан ҳарбий асирлар ҳисобига кўпая бошлади. Шу билан бирга асирга тушганларнинг маълум қисми хетт қўшинларига қўшилар ва шундан сўнг уларга ер берилган. Босиб олинган ерларнинг аҳолиси эса том маънода қулга айлантирилган. Қулларнинг маълум қисмини қарздорлар ташкил этар, яъни очлик йилларида “отаси ўғлини кумушга сотган” қуллар ҳам бор эган. Қулларнинг аҳволи ниҳоятда оғир бўлиб, ўғирлик қилган қулнинг бурни ёки қўли кесилган, эркин одамлар камдан - кам ўлимга ҳукм қилинган.

Оила муносабатларида патриархал принциплар ҳукмрон бўлиб, аммо аёлни уриш, унга жароҳат етказиш, уни гаровга бериш ман этилган. Онасини хафа қилган ўғил уйдан ҳайдаб юборишлиши мумкин эди. Ота онага нисбатан кўпроқ ҳуқуқларга эга бўлган. Қул билан озод кишилар ўзаро турмуш қуриши рухсат этилган. Қулга эрга теккан озод аёл, тўрт йилдан сўнг қулга айланиб, ундан туғилган фарзанд ҳам қул ҳисобланган.

Хетт маданияти. Хетт маданиятига қадимги Миср ва Месопотамия цивилизациялари муайян таъсир кўрсатди. Хеттлар мамлакатада худолар ҳақида минглаб эсдаликлар учрайди. Масалан, момақалдиноқ худоси Хаттуса шаҳрининг олий ҳимоячиси ҳисобланиб, у бир қўлида чакмоқ, иккинчи қўлида ой болта тутган ҳолда тасвирланган.

Хаттусда аёл худо момақалдиноқ худосининг рафикаси сифатида иззатланган. Ҳосилдорлик худоларига эътиқод кенг қулоч ёйган. Муқаддас жониворлар – ҳўкиз, шер ҳамда қушларга эътиқод ҳам муҳим ўрин тутган. Баъзан шоҳлар қуёш худосига ўхшатишган.

Хетт ёзма асарлари орасида ҳукмдорларнинг ўзига хос таржимаи ҳоллари ҳам сақланиб қолган. Улар сарой мирза (котиб) лари томонидан битилган. Хетт солномаларида мамлакат тарихини уч даврга бўлиб тасвирлашга ҳаракат қилинади. Архивларда милоддан аввалги XXIII аср охирида Кутий шоҳи Импакрунинг Аққадга қилган юриши ҳақидаги тарихий дoston сақланган.

Хетт салтанатида саккиз маҳаллий ва чет тилларида сўзлашилган. Шунинг учун бу ерда уч тили: шумер - бобил - хетт луғатлари мавжуд бўлган. Шунингдек, исмларга оид машҳур дарслик ёзиб қолдирилган. Бу дарслик хетт тилида ёзилиб, унда кўплаб қадимги ҳинд тилига оид атамалар учрайди. Хетт давлати аввало ҳарбий давлат бўлгани учун фортификация иши, ҳарбий истехкомлар қуриш ишларига алоҳида эътибор берилган. Шаҳарлар икки қаторлик деворлар билан ўралган. Шаҳар деворлари йирик тош блоклардан тузилган.

Хетт ҳайкалчалари, бўртма нақшлари хуррит ҳайкалчаларини эслатади ва баҳайбат ва вазминлиги билан ажралиб турар, ҳамда улар томошабинларга жиддий таъсир қиларди.

Қадимги Хетт маданияти ўзига хос кўринишга эга бўлиб, археологик қазилма ишлари айниқса Язили - Қоядаги бўртма расмлар орқали бой маълумотга эга бўлиш мумкин.

Бу расмларда хетт аҳлининг ўнлаб худолари тасвирланган бўлиб, бу расмлар хурритлар ва бобилликлар санъати таъсирида ижод қилгани кўриниб турибди.

Бўғоз-Қоя яқинида археологлар томонидан Хетт давлати пойтахти – Хаттуса шаҳри қолдиқлари топилган бўлиб, бу шаҳар антиқа меъморчилик намуналари билан ажралиб турган. Шаҳар баҳайбат тошлардан терилган девор билан ўралиб, улар баланд миноралар билан бирга мустаҳкам қалъа ташкил этган. Шаҳардаги қасрларнинг деворлари тош плиталар билан безатилган бўлиб, шаҳар дарвозаси олдида душманга ваҳима солиш учун икки улкан шер ҳайкали ўрнатилган.

Хетт давлатида бинокорлик ишларида катта-катта тошлардан фойдаланилиб, мудофаа иншоотлари тизими, саройларнинг қурилиш режаси, гўзал ҳайкаллар билан безатилган, пойдевор устига қурилган ўзига хос устунлар хетт меъморчилигининг Эгей ва Микен архитектурасидан андаза олганини кўрсатади.

О.Герни ўзининг “Хеттлар” китобида турк археологлари Алож - Хююкда милoddан аввалги III минг йилликка мансуб бир қанча қабр ва уларда сақланаётган ажойиб буюмларни қазиб олганлари ҳақида ёзади. Бу буюмлар орасида кумуш ва бронзадан ясалган турли ҳайвон ҳайкаллари, олтин кўза ва идишлар, олтин такинчоқлар ва бошқалар бор эди. Жониворлар ҳайкалчалари ичида энг кўп учрайдигани - кийик ҳайкали. Чунки хеттликлар кийикни муқаддас ҳисоблардилар.

Хетт давлатида ясалган буюмларнинг бошқа ўлкаларда ва ўзга ерда ишланган буюмларнинг ушбу қадимги давлат худудида топилиши, Кичик Осиёда яшаган хетт қабилалари билан Сурия ва Шимолий Месопотамиядаги хурритлар, шунингдек, Эгей денгизи ороллари ва Юнонистоннинг минтақавий қисмида яшаган эгей қабилалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар анча ривожланганлигини кўрсатади.

Хетт давлатида Шоҳлар ҳам илоҳийлаштирилиб, худога тенглаштирилган. Шоҳ ҳаёт вақтида давлатни бошқариш билан бирга бош руҳоний сифатида энг муҳим диний маросимларни амалга оширган. У ўлганидан кейин руҳига атаб мотам - маърака маросими адо этилган.

Подшо ва маликаларнинг мотам маросимлари 13 кун ва ундан ортиқ давом этган. Мотамнинг биринчи куни жасад махсус печда куйдирилган. Кейинги кунлари марҳумнинг куйдирилган ҳоки йиғиб олиниб, махсус стол устига жойланган. Унинг атрофига нон, турли пиширик ва ичимликлар қўйилган. Хеттлар марҳумнинг руҳи таомларни истеъмол қилади деб ишонганлар.

Шоҳлар қўлида куёш худоси ҳассасини тутган ҳолда тасвирланган. Язили - Қоядаги бўртма расмларда момақалдиروқ худоси Тешубнинг шоҳни ўз ўғли каби кучоғига олиб тургани тасвирланган. Сарой таомилларига мувофиқ Хетт шоҳини “куёшим” деб аташ лозим бўлган. Худди шу каби унвонлар Сурия ҳукмдорларининг милoddан аввалги XIV асрга оид дипломатик хатларида учрайди. Хетт давлатида худо даражасига кўтарилган шоҳга эътиқод қилиш ана шу тариқа ташкил топган.

Дин ва адабиёт. Сўнгги вақтларга қадар сақланиб келган баъзи бир ибтидоий хусусиятлар хетт динида ҳам мавжуд бўлган. Матриархатнинг қадимги шакллари билан бири бўлган хетт динида ҳосилдорлик кучларини ўзида акс эттирган табиат онаси - улуғ маъбуда эътиқоди асосий ўрин тутди. Хетт санъатида бу маъбуда, одатда, узун кийим ва цилиндр шаклидаги бошкийимидан парда тушиб туради. Шу билан бирга Хетт ўлкаларида тоғлар, табиат кучлари – момақалдироқ,

яшин, шу билан бир вақтда ёгин туфайли юзага келадиган ҳосилдорлик худоси Тешубга сиғинилган. Тешуб Хетт давлатининг ташкил топиш даврида шоҳ, давлат ва шоҳ ҳомийси бўлган худога айланади. Уни белига қилич таққан, чап кўлида бир тутам яшин, ўнг кўлида эса жанг болтаси ушлаган зўр жангчи қиёфасида тасвирлайдиган бўлдилар; бу чакмоқ ва яшин худосининг қудратини ифодалаган. Шу билан бирга, биз хетт динида яна бир худо, яъни ўлиб, қайта тирилувчи табиат худоси Телепин образини учратамиз. У худо, одатда, калта кийимда, ёнига ханжар таққан ва икки томонли болта тутган, соқол – мўйлови чиқмаган ёш йигит қиёфасида тасвирланган. Хетт худолари кўпроқ ёввойи ҳайвонлар устида ёки тоғ чўққиларида тасвирланган, бу эса тоғлик халқ ва овчиларга оид диннинг ўзига хос жиҳатларини ифодалайди. Олий давлат худолари билан бирга хеттлар узоқ вақт турли маҳаллий худоларга эътиқод қилиб келдилар, бу эса қадимги уруғчилик тузумининг қолдиғидир. Масалан, Хетт давлати битимларида олий худолар билан бирга “Хетт мамлакатининг 1000 та худоси” тилга олинади.

Жодугарлик Хетт динидаги ибтидоий замондан қолган сарқитлардан бири бўлиб, узоқ вақтга қадар ўз аҳамиятини сақлаб келган. Ҳақиқатда, жодугарлик хетт адабиётида ўзига хос ўрин эгаллаган эди. Хетт давлати қонунларида ёмон ниятли жодугарлик билан шуғулланиш жиноят ҳисобланиб, шундай жодугарлар қаттиқ жазоланган. Жодудан касалликларни ҳайдаш, одам аъзоларининг ишдан чиққан аъзоларини қайта тиклаш учун фойдаланилган. Унинг ёрдамида хеттликлар турли фалокат ва омадсизликларга қарши курашишган: оилаларда низоларга барҳам бериш, уйлардан ёвуз руҳларга ҳайдаш, ҳосил тақчиллигига йўл қўймаслик ва ҳ.к. Жодугарлик орқали душманга тавқи лаънат йўлланиб, дўстларга омад тиланган.

Бутун хетт маданияти сингари, хеттлар адабиёти ҳам Оссурия ва Бобилнинг кучли таъсири остида юзага келган. Хеттликлар Шимолий Сурия ва Шимолий Месопотамия орқали кириб келган Бобил миҳхат ёзувидан кенг фойдаланишган. Хеттликлар ўз ёзувларини ярата олмаганлар. Кўпгина Бобил диний асарлари хетт тилига таржима қилинган. Бобил - аққод тили узоқ вақт давомида Хетт давлатидаги ҳукмрон давлат тили ва адабий тил бўлиб келди. Бироқ замонлар ўтиши билан хетт адабиётида ўзига хос маҳаллий хусусиятлар ҳам пайдо бўлди. Унга оид баъзи асарларда муаллиф номи ҳам берилиб, масалан, коҳин Келлнинг худолар кураши ҳақидаги афсонаси ёки митаннилик Киккулининг йилқи боқарликка оид асари шулар жумласидандир.

Бўғоз қоя архивларида Гисгиммас ҳақидаги ривоятлар сақланиб қолган. Бу ривоятлар матнини ўрганиш шуни кўрсатадики, Гисгиммас афсоналари Шумер ва Аққодда мавжуд Гилгамеш ҳақидаги афсонанинг айнан ўзи. Гарчи қаҳрамоннинг исми хетт тилига мослаштирилганига қарамай, аммо Гилгамеш ва Гисгиммас ягона образ бўлиб қолаверган.

Хетт давлати тарихи ва маданиятини ўрганиш Кичик Осиёда яшаган хеттлар Олд Осиё ва Шарқий Европа мамлакатлари ўртасида воситачи вазифасини ўтаганлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, хетт маданиятининг ўзига хослиги, унинг ғоялари ва негизлари ҳарбий монархия эҳтиёжларига мувофиқлиги билан ажралиб турган.

Таянч иборалар

савдо колониялари, тулия, панкус, “тош уйлар”, “учинчи даража ворислари”, “денгиз халқлари”, Бўғоз қоя, Язили қоя, миххат, хурритлар, Тешуб, Телепин, “Хетт мамлакатининг 1000 худоси”.

Саволлар

- 1. Қадимги Хетт салтанати билан Янги Хетт салтанати ўртасида асосий фарқ нимадан иборат эди?**
- 2. Хетт маданияти ва унинг ривожланиш хусусиятлари қандай?**
- 3. Хетт меъморчилигига қайси қадимий давлат меъморчилигига ўхшаб кетади?**
- 4. Маданиятнинг қайси соҳасида Месопотамиянинг Хетт давлатига таъсири кучлироқ бўлган?**

2. Қадимги Фаластин

Фаластин Ливаннинг жанубий тоғ этакларидан то Арабистон чўлининг шимолий чегараларигача бўлган ерни эгаллаган. У ғарб томондан Ўрта денгизга бориб туташган, шарқда Сурия - Месопотамия даштига чегарадош. Фаластиннинг худуди жуда кичик бўлиб, тахминан 26 минг кв. км келади. Жўғрофик жиҳатидан Фаластинни 4 қисмга: қирғоқ бўйи, Иордан ғарбидаги Ясси тоғлиққа бўлиш мумкин. Қирғоқ бўйининг жанубий қисми суғориладиган унумдор ерлардан иборат. Қадимда бу ерларда дехқончилик анча ривожланган. Мисрдан Сурияга борадиган катта савдо йўли ҳам шу ердан ўтган. Сарон пасттеккистлиги айниқса унумдор бўлиб, у “жаннат боғи” номини олган. Ғарбий Фаластиндаги баъзи вилоятларнинг ерлари ҳам серунум. Вади - Кельт дарёсидан суғориладиган Иерихон текислиги ана шундай вилоятлардан бири бўлган. Иқлими иссиқ, суви сероб бу ерларда ҳатто хурмо пальмаси ҳам ўсади.

Археологик қазилма ишлари Фаластинда қадимги тош давридаёқ одамлар яшаганлигини кўрсатди. Масалан, Геннисарет кўлининг шимоли-шарқий қирғоғидаги ғордан неандертал одамнинг бош суягига ўхшаш бош суяк топилган. Бу ердан яна пайшаха, қирғич, найза ва кейинги мустъе ва ориняк каби жиҳозлар ҳам чиққан. Юқори палеолит даврига оид шундай қуроллар Қуддуснинг шимоли-шарқидаги Шукбах ёнидаги ғордан ҳам топилган. Марказий Фаластинни мамлакатнинг жанубий қисмидан ажратиб турадиган Аялон водийсининг ғарбий қисмидан қадимги Гезерда ўтказилган қазилмалар вақтида неолит даврига хос ноёб ёдгорликлар комплекси топилган. Гезер ёнидаги қояларда табиий ва сунъий ғорлар жуда кўп. Неолит даврининг одамлари ана шу ғорларда яшаганлар. Гезернинг энг кўхна қатламлари ва Фаластиннинг бошқа жойларидан топилган сопол буюмлар ҳам неолит даврига хос. Археологик қазилмалар натижасида Фаластин худудида қадим замонларда катта иқтисодий, ҳарбий ва маданий аҳамиятга эга бўлган шаҳарлар ҳаробалари топилди. Масалан, Фаластиннинг жанубий қисмидаги Газа билан Хеброн ўртасидаги Лахиш шаҳри ҳаробалари ана шунга мисол бўла олади. Денгиз бўйидан мамлакат ичкарисига қараб кетган савдо йўлида жойлашган Лахиш шаҳри милoddан аввалги III минг йилликда равақ топган. Шаҳар ғишт девор билан ўралган бўлиб, деворнинг бурчакларида мудофаа миноралари қурилган. Шаҳар ичкарисида милoddан аввалги XV асрга оид ибодатхонанинг қолдиқлари топилган.

Лахиш харобаларида мис курол-яроғлар, шунингдек XVIII - XIX сулолаларига мансуб ёзувларда битилган Миср қўнғизларининг тасвири топилган. Миср ва Ханаан ёзувлари айниса диққатга сазовор. Бунда топилган сопол идишлардаги чизгилар ўзига хос аломатли ёзув пайдо бўлганини кўрсатади. Ҳарсанг тошлардан кўтарилиб, девор билан ўралган ва тўғри бурчакли миноралар билан ҳимояланган кўҳна қалъа Гезер қалаъсининг харобалари ҳам диққатга сазовор. Ўлик денгизининг шимоли-ғарбида жойлашган Иордан водийсининг ғарб тарафида қадим шаҳар харобалари топилган. Тадқиқотчилар бу шаҳарни тавротда тасвирлаган Иерихон шаҳрига ўхшатадилар. Қазилмалар натижасида бу шаҳар милoddан аввалги IV ва III минг йилликдаёқ яхши ҳимоя қилинган қалъа бўлганлиги аниқланган. Шаҳар харобаларидан топилган буюмлар орасида тошдан ясалган куроллар, хусусан Сурия ҳудуди учун ўзига хос мис куролларни айтиб ўтмоқ жоиз: бу куроллар маҳаллий ҳунармандчиликнинг мустақил тарзда тараққий этганини кўрсатади. Исроил текислигининг жануби-ғарбидаги Мегиддо шаҳридаги қазил ишлари ҳам яхши натижа берди. Бу шаҳар ўта қадим замонларда вужудга келган бўлишига қарамай, милoddан аввалги I минг йилликда ҳўжалик маркази ва кучли қалъага айланиб, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ерда бутун бошли сопол буюмлар устахонаси топилиб, унда ёғочдан ясалган кулол чархи ишлатилганлиги маълум бўлди.

Гиксослар истилоси даврида Мегиддо маҳаллий гиксос салтанати таркибига кирган: бу ерда миср қўнғизининг тасвири топилганлиги ҳам шундан гувоҳлик беради. Шоҳ Сулаймон замонига оид қалъа қолдиқлари ҳам шу ердан топилган. Фаластин ҳудудида ўтказилган археологик қазилмалар натижасида жуда кўп шаҳар харобалари ва улардан кўплаб уй рўзғор буюмлари, ҳамда динга оид буюмлар топилган. Финикия ва Самариядаги Аҳам саройидан ҳўжалик ҳисоботида доир санаси кўрсатилган ҳужжатли 75 дона сопол парчаси топилган. Қуддусдан Яҳудия шоҳи Хизкия замонига (тахминан 715 йиллар) оид Силоам ёзуви Иордан дарёси ортидан топилган. Унда Маавит ҳукмдори Меша ва қадимги яҳудийлар ҳудоси Яхвенинг номи тилга олиниб, маавитларнинг қўшни қабилалар билан урушлари тасвирланади. Ниҳоят яқинда Лахиш қалъаси харобаларидан Кериат - Иеарим шаҳри ҳокими билан Лахиш шаҳри ва унга қўшни қалъаларнинг ҳарбий қўмондонлари ўртасидаги ёзилмалар топилди. Бу ёзилмалар милoddан аввалги 586 йилга оид.

Энг қадимги замонларда Фаластин ҳудудида яшаган қабилалар ҳақида Таврот ривоятларида сақланиб қолган маълумотлар бир мунча мавҳум. Таврот ривоятларида бу қабилалар яшаган туманлар кўрсатилади. Унда айтилишича, қабилаларнинг бари кирилиб, йўқ қилиб ташланган. Ҳар ҳолда Фаластинда ўта қадим замонлардаёқ одамлар яшагани аниқланган. Тирдан жануброқда, Ўрта денгиз қирғоқ бўйларида Эгей қабиласи, қадимги яҳудийча Пелиелит (қадимги мисрликларда Пелест) номи шу қabila номидан келиб чиққан. Милoddан аввалги II-III минг йилликларда қисман Сурияда яшаган энг қадимги семей қабилалари Фаластинда яшаб, уларнинг номи Тавротда ҳам келтирилади. Бу қабилалар ўз мамлакатларини Ханан (Миср ёзувларида Канан) деб атаганлар. Тавротда айтилишича, ханаанейлар асосан Фаластининг энг қадим ва муҳим савдо шаҳарлари жойлашган шимолий қисмида яшаганлар. Бироқ ханаанейлар янада катта ҳудудни эгаллаганлар деган фараз мавжуд, чунки Миср ёзувлари, ҳамда Амарна архивидаги ёзилган ҳужжатларга кўра Ханаан мамлакати бутун Фаластинни, ҳатто Финикия ва

Фаластинга қўшни ўлкаларни ҳам ўз ичига олган. Аморийлар ғарбий семит қабиаларининг алоҳида гуруҳини ташкил қилганлар. Улар Ўрта Сурия, Ливан ва Антиливан ўлкаларини эгаллаганлар. Ниҳоят милоддан аввалги XV-XIV асрлардан бошлаб Фаластин ва Сурияда пайдо бўлган ва номи айниқса Амарна хатларида кўп тилга олинган ғарбий қабила ҳам (қабила милоддан аввалги III минг йилликнинг ўрталарига келиб Олд Осиёнинг баъзи ўлкаларида яшаган) ғарбдаги селий қабиалари билан бирга тилга олинади. Амарна хатларида айтилишича, ғарбий қабиалар Фаластинга босиб кирган ва унинг шаҳарларини бирин - кетин ишғол қилган. Ҳарбий қабила номи Қадимги мисрликлар томонидан “аперу” деб аталишига асос бор: мисрликлар Янги подшолик даврида Сурияга босқинчилик мақсадида қўшин тортиб борганида, Фаластинда қўлга олинган асирлар шу ном билан аталган.

Қадимги Фаластин аҳолиси турли қабиалардан таркиб топганлиги мамлакатнинг ягона давлат бўлиб бирлашувиغا халал берган ва истилочиларнинг мамлакатни бўйсундиришини осонлаштирган. Фаластин ва унга туташган Финкия ўлкалари гарчи ягона ва нисбатан мустақкам давлат бўлиб бирлашмаганига қарамай, у милоддан аввалги минг йилликдаёқ муайян маданий-тарихий бирлик ҳосил қилган. Бу мамлакатда яшовчи ханаанийлар ўзига хос маданият барпо этиб, у Шумер, Бобил, Миср таъсири остида шаклланган. Мисрликлар милоддан аввалги минг йилликдаёқ Фаластинга бир неча марта юриш қилганлар. Пировардида XVIII сулола фиръавнлари мамлакатни буткул истило қилиб, мустақкамланиб олганлар. Мисрликлар XIV асрдаёқ мамлакатни Канан деб номлаб, мамлакатнинг кейинги номи, яъни Ханан унинг бузилган шаклидир. Хананда аҳоли зич яшаб, бир қанча шаҳар, қишлоқлари бўлган, Миср ёзувларида бу тўғрида маълумотлар бор. Бу шаҳарларнинг баъзиларида олиб борилган қазилма ишлари натижасида Хананда хўжалик ва маданиятининг қай даражада тараққий этганини аниқлаш мумкин бўлди.

Милоддан аввалги XVIII асрда, яъни Мисрнинг Фаластин ва Суриядаги сиёсий таъсири сусайгач, мамлакат савдо шаҳарлари ривожланиши учун имкон туғилди. Маҳаллий ҳунармандликка хос бўлган буюмлар Тал - Байт - Мирсим ва Мегиддодан топилиб, улар ўрта бронза даврига мансуб. Ханан ҳунармандчилигига оид нодир буюмлар Гезер, Иерихон, Бет - Шмеш каби жойлардаги мақбалар ва хашаматли уй харобаларидан топилган. Ўша замон ижтимоий тузумининг баъзи хусусиятларини очиб берадиган маълумотлар жуда оз. Тал - Байт - Мирсимда қатламларидан катта ғишт зал ва бир нечта хонадондан иборат уйнинг қолдиқлари топилган эди. Танах ва Мегиддо харобаларидан топилиб, “тўра уйлари” номини олган бинолар анча кейинги даврга мансуб.

Милоддан аввалги III минг йилликда Фаластин шаҳарлари Сурия ва Финикия шаҳарлари билан Ўрта ер денгизи қирғоғи, Сурия ва Миср билан боғлайдиган муҳим савдо йўллари устида бўлган. Мисрдан бошланиб, Фаластин ва Сурияни кесиб ўтган йўл савдо-сотик ишларида муҳим ўрин тутган. Фаластиндан ташқарига асосан қишлоқ - хўжалиги маҳсулотлари: ғалла, лива, мум, зиғир ва жун ҳамда ҳунармандчилик буюмлари чиқарилган. Хананга кўпроқ Микен идишлари келтирилиб, булар эвазига ташқарига қизил тўқима, ҳунармандчилик маҳсулотлари ва дон чиқарилган. Милоддан аввалги XVIII - XVI асрларда Ханаан маданияти, ҳунармандчилиги ва саънати тушкунликка юз тутди. Бунга Миср истилочиларининг, яъни семит қабиалари зулми, Ўрта ер денгизи бўйида яшовчи

қабилаларнинг босқини сабаб бўлса керак. Улар Фаластин ва унга қўшни мамлакатларда милoddан аввалги II минг йиллик ўртасида пайдо бўлган. Фаластиннинг қадимги яҳудий қабилалари томонидан истило қилинганлиги ҳақидаги маълумот сўнги Таврот афсонасида сақланиб қолган. Маҳаллий ҳанааний қабилалари Исроил ва яҳудий қабилаларига қаттиқ қаршилиқ кўрсатган.

Фаластиннинг турли жойларида ўтказилган қазилма ишлари Фаластин маданиятини ўрганишга имкон беради. Фаластинликлар Сурия ва Фаластинда милoddан аввалги XII асрда пайдо бўлган деган тахмин бор. Улар Кармил тоғидан жануброқда, қирғоқ бўйидаги унумдор ерларни босиб олганлар. Мамлакатнинг шу қabila номи билан Фаластин деб аталиши ҳам фаластин қабилаларининг катта ҳудудларни истило қилиб, унда ўрнашиб олганини кўрсатади. Фаластиннинг жанубий қисми ва Иордан дарёсидан шарқдаги тоғли ўлкаларда яшаган қадимги қабилалар сингари яҳудий қабилалари ҳам милoddан аввалги минг йилликда кўчманчи чорвадорлик билан шуғулланганлар. Синай ярим ороли чўлларида ва жанубий Фаластинда яшаган бу қабилалар билан тез-тез тўқнашиб турган мисрликлар уларни маданий жиҳатдан қолоқ ҳисоблаб, паст назар билан қараганлар ва уларни миср тилидаги “кўчманчи чодир” деган маънони англатган “иехер” деб айтганлар. Мисрликлар бу иборани ўша даврда Осиёда кўчманчи чорвадор қабилалардан олган бўлишлари керак. Қадимги яҳудийлар “уйга қайтамыз” дейиш ўрнига “чодиримизга қайтамыз” деганлар. “Жўнаймыз” жумласи ўрнига, “чодир қозикларини суғурамыз” сўзини ишлатганлар, “уларнинг қозиклари суғурилган” гап, вафот этган кишилар ҳақида гап бораётганини англатган. “Йўл” сўзи, “ҳаёт кечириш, тирикчилик” маъносини, “яйлов” сўзи “турар жой” маъносини англатган.

Катта уруғ қабилалари Фаластинда узоқ вақт давомида кўчманчи чорвадор ҳаётини кечирганлар, аммо ҳар бир гуруҳнинг қатъий белгиланган ўз яйловлари бўлган. Исроилнинг Ёқубдан ажралиб чиққани Тавротда образли қилиб тасвирланган: “чунки уларнинг мол-мулки, подалари шуқадар кўп бўлганки, кўчиб юрган ерларига сиймай қолган”.

Фаластиннинг ўз маҳаллий аҳолиси кам бўлгани ҳунармандчилик ривожига ҳалал берган. Хом ашёнинг асосий турлари тош ва гил бўлган. Руда кам учрайди, ёғоч эса етарли бўлмаган. Шу сабабдан баъзи хом ашё турлари қўшни мамлакатлардан келтирилган. Фаластинда ҳунармандчилик ва ишлаб чиқариш қадим замонлардаёқ хорижий мамлакатлар таъсири остида ривож топган. Топилган буюмлар ҳам шу фикр тасдиғи бўла олади. Ҳатто X асрда ҳам Исроил - Яҳудия шоҳлари моҳир усталарни қўшни мамлакатлардан олиб келишга мажбур бўлишган.

Ишлаб чиқаришнинг айрим турлари билан алоҳида туманлар шуғулланган (Тал-Байт-Мирсимда ип йигирилган) масалан: Қуддусда айрим маҳаллалар ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳаси билан шуғулланган. Катта устахоналар (ёғочсозлик, ғишт пишириш, кулолчилик) давлат қўлида бўлган. Кулолчилик қадимги шарқнинг бошқа мамлакатларида нима сабабга кўра ва қандай шаклда юзага келган бўлса, қадимги Фаластинда ҳам худди шу тарзда пайдо бўлган. Дехқончилик хўжалигида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши қўшимча меҳнатдан фойдаланиш йўли билан ишловчилар сонини кўпайишини тақозо этган. Ишчи кучи зарур бўлганда қуллар сотиб олинган. Қарз тўлашга қурби етмаганлар, урушда асир тушганлар мамлакатда қуллар сонини кўпайтирган.

Фаластинда милoddан аввалги III минг йилликдан бошлаб кўчманчи ва ўтроқ деҳқон қабилалари яшаган. Фаластинга қўшни бўлган юксак маданиятли давлатлар,

чунончи Миср мамлакатада деҳқон хўжалигининг янада тараққий этишига савдо ишлари ривожланиши ва шаҳарлар ўсиши таъсир кўрсатган. Қадимги яҳудий салтанатида юзага келган хусусий ер эгалиги шу қадар илдиз отганки, ҳатто ҳукмдорлар ҳам шаҳар қуриш учун ерларни хусусий ер эгаларидан сотиб олишга мажбур бўлганлар. Кунларнинг бирида ҳукмдор Ахоз Набот исмли одамга қарашли ерни мусодара қилгани, бу ўзбошимчалик жиноят деб топилиб, Яхве худоси ғазабига сабаб бўлган экан.

Шундай қилиб, жамоа ер эгалиги билан бир қаторда хусусий ер эгалиги ҳам таркиб топди. Жуда кўплаб ер-сув шоҳ ва зодагонлар қўлига ўтди. Урушлар давомида қўшни ҳудудларни босиб олиш, ер сотиб олиш, жамоаларга қарашли ерларни тортиб олиш натижасида ҳукмдорлар қўлида йирик ҳудудлар тўпланди. Урушлар ҳамда айирбошлаш савдосининг ривожланиши уруғдошлик муносабатларининг емирилишига туртки бўлди. Айрим уруғ бошлиқлари ва оксоқолларнинг бойиб кетиши ва жамоалардаги камбағалларнинг хонавайрон бўлиши мулкӣ ва синфӣй жиҳатдан кескин табақаланишга олиб келди. Уруғдошлик тузуми емирила бошлаган даврида уруғ зодагонлари қабила йўлбошчилари ва оксоқолларини “хон” ёки “бошлиқлар” деб атаганлар. Улар қўшинларга бош бўлиб, суд ишларида ҳакамлик қилганлар. “Оксоқол ҳассаси”, “ҳаттот қалами” улар қўлидаги ҳокимиятнинг тимсоли бўлган. Шоҳ ҳокимияти эса синфлар ва давлат ташкил топаётган бир пайтда шаклланган. Фаластиннинг энг қадим қулдорлик жамиятида вужудга келган синфӣй зиддиятлар қуллар билан камбағалларни эксплуатациясини таъминлайдиган давлат тузишни талаб қилган.

Милоддан аввалги XI - X асрларда Мисрнинг заифлашиши айнаи вақтда Фаластинда айрим мустақил давлатлар ташкил топишига ёрдам берган. Бу ерда майда давлатларнинг мустахкамланишига ташқи савдо ривожӣ ёрдам берган. Миср, Сурия ва Месопотамияни ўзаро боғлаган йўллар Фаластин ҳудудидан ўтган. Мисрдан чиқиб Ўрта ер денгизи қирғоқларидан Финикия шаҳарларига, Кипр ороли ва Кичик Осиёнинг жанубий ўлкаларига энг муҳим савдо – карвон йўллари ҳам Фаластин ҳудудидан ўтган.

Милоддан аввалги XI асрда Фаластиндаги давлатлардан энг каттаси ва қудратлиси, ривоятга кўра, Саул томонидан барпо этилган Исроил салтанати бўлган. Фаластиннинг истило қилиниши ва энг қадимги Исроил салтанатининг ташкил топгани ҳақида ҳикоя қилинган зафарномаларда энг қадимги Исроил шоҳининг афсонавий қаҳрамонликлари тасвирланади. Бу парчаларда халқ қаҳрамони – Саулнинг Иабеш шаҳрини озод этгани баён қилинган. Иабеш шаҳри аморийлар қабиласи томонидан қамал қилинган. У озод қилингандан кейин, Саул асосан биёмин қабиласидан катта лашкар тўплаб, яҳудийларнинг азалий душмани бўлган фаластинликларга қарши қаттиқ кураш бошлаган. Саул бутун Исроилни ўз ҳокимияти остида бирлаштиришга ва таъсирини қўшни мамлакатларга ёйишга ҳаракат қилган. У Шимолда яшайдиган исроил қабилаларини ҳимоя қилиб, Сабаннинг Арами салтанатига қарши отланиб, ханаанейларнинг бир неча шаҳарларини Исроилга қўшиб олади.

Саул тўғрисидаги афсоналарда унинг тақводорлиги алоҳида уқтирилади. Унинг “Худо Яхве” руҳи билан йўғрилганлиги айтилади ва Саул ўзини “Худо Исроил” вакили қилиб кўрсатилганлиги тасвир этилади.

Саул ва унинг уч ўғли фаластинликларга қарши урушда ҳалок бўлганлар. Саулнинг бирлашиш йўлида олиб борган ишини Довуд (X аср бошида) давом

эттирди. Довуд Фаластиннинг жанубий қисмига ўрнашиб, у ерда мустақил Яҳудия салтанатини ташкил этади ва Хеброн шаҳрини унинг маркази қилиб олади. Саул вафотидан кейин Довуд Саулнинг вориси ва ўғли Ишвааъламга қарши 7 йил давомида қаттиқ кураш олиб бориб, уни мағлуб этади. Бу ғалаба Довудга Исроил шоҳлиги ва Яҳудияни ўз қўли остида бирлаштириш имконини беради. Довуд бу давлатнинг катта ҳарбий кучига таяниб, фаластинликларга қарши кураш бошлайди.

Довуд подшолиги даврида юз берган энг муҳим воқеалардан бири-қадимги Ханан шаҳри Қуддуснинг истило этилиши бўлди. Довуд Қуддусни қўлга киритиб, уни бирлашган давлатнинг пойтахти қилиб олади. Қуддус Фаластиннинг қадимги шаҳарларидан бири бўлиб, бунда ғоят мустаҳкам Сион қалъаси бор эди. Шу вақтдан бошлаб Қуддуснинг бу истехкоми “Довуд шаҳри” номини олди ва Қуддус мамлакатнинг бош диний маркази деб эълон қилинди. Давлатда ягона дин ўрнатиб, унинг обрўсини кучайтириш ва унинг бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида Довур қадимги яҳудийларда муқаддас рамзи бўлган “Васиятлар кутиси” ни келтиради ва қадимги Ханан санамлари, муқаддас чашмалар ва қояларига эътиқод қилишни худо Яхвега сиғиниш билан бирга қўшиб олиб боради.

Довуд ёлланма қўшинлар билан бирга мунтазам қўшин ҳам тузган. Довуд шоҳлиги даврида давлат бошқарув маҳкамаси ташкил топиб, ундаги мирзалар, хакамлар, истило қилинган ҳудудлардан солиқ ва хирож тўловчилар муҳим ўрин тутган. Солиқ тўловчи энг қадимги амалдор – бош ҳазинабон қўли остида иш юритган. Давлатдаги энг катта лавозимлардан бири “шоҳнинг ахборотчиси” номланган махсус лавозим бўлган.

Тавротда сақланган тарихий анъанага кўра Сулаймон шоҳлиги даври Исроил-Яҳудия салтанатининг гуллаб-яшнаган даври деб ҳисобланади. Исроил-Яҳудия салтанати ички томондан яна ҳам мустаҳкамланди. Сулаймон Фаластинда хунармандчилик ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида Финикиядан хунармандларни, Тирдан темирчиларни ва Бобилдан ёғочсозларни олиб келган. Сулаймон подшолиги даврида савдо ишлари ғоят тараққий этган ва қўшни давлатлар билан сулҳга эришиб, тинчлик ўрнатилган. Сулаймон Финикиянинг Тир шаҳридан қурилиш ашёлари, Киликиядан отлар келтириб, мамлакат бўйлаб соттирган. Акаб қўлтиғи қирғоғида жойлашган Эзионгабер шаҳри орқали Қизил денгизга савдо йўли очиб, Офир мамлакати билан савдо алоқаларини ўрнатган. Офирдан Фаластинга энг соз ёғоч, қимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш, фил суяги, маймун ва товуслар келтирилган. Савдо карвонлари Фаластиндан Финикияга дон ва мой олиб борганлар.

Қуддусда ҳашаматли саройлар, худо Яхве шарафига машҳур ибодатхона солинган ва қалъа қурилган Қуддус шаҳри стратегия ва иқтисодий жиҳатдан муҳим ўрин тутган, бошқа шаҳарлар ҳам қўрғонларга айлантирилган. Мегиддо ва Газер ана шундай шаҳарлар сирасидандир. Бу шаҳарлар харобаларидан топилган буюмлар ўша даврлардаги қурилиш иши ва моддий маданиятини ўрганиш имконини беради.

Фаластиннинг шимоли-шарқида арамейларнинг Дамашқ давлати кучайиб борди. Дамашқ Сулаймон шоҳлигига қарши душманлик сиёсатига чек қўйиш ниятида Тир подшоси Хирам билан дўстона муносабатда бўлади. Миср маданиятига таяниб, **Эдом** билан тинчлик битими тузади. Сулаймон Мисрнинг ХХІ сулоласидан бўлган сўнгги шоҳларнинг бири билан иттифоқ тузган деган фаразлар ҳам бор. Сулаймонга теккан Миср маликаси сеп тариқасида Газер шаҳрини Сулаймон давлатига қўшиб беради.

Хўжалик ҳаёти ҳамда ташқи сиёсий муносабатларининг ривожланиши ички идора ишлари ва давлат бошқарув маҳкамасини жиддий қайтадан қуришни талаб этади. Бутун давлат 12 ҳудудий вилоятга бўлинади. Бу вилоятлар Исроил ва Яҳудиянигина эмас, балки бўйсундирилган ханааней қабилалари ерларини кам ўз ичига олган эди. Ҳар бир вилоятнинг тепасида солиқ тўлаш ишини бошқарадиган амалдор ўтирарди. Шу билан бир вақтда қўшин ҳам қайтадан ташкил қилиниб, унинг таркибига суворийлар ва араваларда жанг қилувчи қисмлар киритилди.

Тавротда айтилишича, Сулаймон Тирдан 120 мутахассис олиб келиш учун Галилеянинг 20-та шаҳар ва қишлоғини шоҳ Хирамга беришга мажбур бўлган. Қуддусда зодагонлар билан сарой аҳллари зеб - зийнат ичида ҳашаматли ҳаёт кечирар, лекин уларнинг бу ҳаёти кенг қашшоқ халқ омма ҳисобига қурилган эди.

Тарихий ривоятларда Сулаймон образи муболаға қилиб, бўрттириб кўрсатилади. Сулаймон ҳукмронлиги даври тарихий манбаларда Исроил-Яҳудия салтанатининг “олтин даври” деб тасвирланади. Шоҳ Сулаймон афсоналарда идеал подшо, донишманд ҳукмдор ва олий ҳакам деб кўрсатилади. Шоҳ Довуд сингари, Сулаймон ҳам ваъз - насиҳатлар мажмуини тузган дейилади. Шоҳ Сулаймон яна 1005 лирик асар ва 3 минг масал яратган деб ривоят қиладилар. Сулаймон ҳукмронлиги даврида дастлабки халқ қўшиқлари тўплами тузилган бўлиши эҳтимол.

Бирлашган Исроил Яҳудия салтанати мустаҳкам эмас эди. Фаластиннинг шимолий қисмида жойлашган Исроил мамлакати деҳқончилиги ривож топган Финикия, Шимолий Сурия ва Дамашқ билан иқтисодий ва маданий алоқалари мустаҳкам ва бой ўлка эди. Сулаймон вафотидан кейин тахтга ўтирган вориси Равоам Исроил устидан ҳукмронлигини сақлаб қола олмайди. Херовоам Миср мадади билан ватанига қайтиб келади ва Ровоамга қарши кўзғолон кўтариб, мустақил Исроил салтанатини тиклайди ва ўзи унинг шоҳи бўлиб олади. Миср шоҳи Шешонк Херовоамга анча катта ҳарбий ёрдам беради. У милoddан аввалги 928 йилда катта қўшин бошида Фаластинга бостириб киради, яҳудийларнинг қўшинлари устидан бир неча бор ғолиб чиқиб, Қуддусни қўлга киритади ва уни вайрон қилади. Шу тариқа Исроил - Яҳудия салтанати бўлиниб кетди.

Узоқ давом этган урушлар меҳнаткаш оммани оғир аҳволга солган. Ҳарбий сиёсат ва ташқи савдо ривожига зодагонларнинг бойиши, эркин деҳқонларнинг хонавайрон бўлиши ва камбағаллар асоратга тушиб, қўлга айланишлари учун шароит яратиб берган. Йирик қулдорлик хўжалиги тобора тараккий этди. Бу хўжалик қуллар меҳнати ҳамда қарздорлар, моддий аҳволи оғирлашиб асоратга тушган ва кўпроқ камбағаллар – ерсиз деҳқонлар меҳнатидан фойдаланишга асосланган. Ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви ижтимоий ҳаракатларни келтириб чиқарди. Улар асарлар, хусусан пайғамбарларнинг машҳур китобларида ўз аксини топган. Муқаддас китоблар милoddан аввалги VII асрдан камбағаллар ҳисобидан бойиб, зеб - зийнат ичида яшаган бойлар ҳаётини фош қилади. Коҳинлар аҳолининг ўрта табақаси билан муайян алоқада бўлиб, бойларнинг камбағалларни эзишига қарши чиққанлар. Айниқса Амос, Михей, Исаяя пайғамбарлар хонавайрон бўлаётган камбағаллар ҳисобига бойлик орттиришга уринган бойларни каттик танқид қилганлар.

Кескин тус олган синфий кураш Исроил ва Яҳудия давлатларини заифлаштириб қўйди. Қўшни давлатлар ва халқлар билан урушлар, айниқса Оссурия шоҳларининг Фаластинга юришлари уларни бутунлай ҳолдан тойдирган. Оссурияликлар Исроил давлатига жиддий зарба берганлар. Милoddан аввалги XI асрдаёқ Салмонасар II

Сурия ва Фаластинни босиб олиш мақсадида қўшин тортиб келади. Оссурия шоҳи Саргон II Исроил салтанатини тор - мор қилган. У милоддан аввалги 722 йилда Самарияни қўлга киритиб, Исроил шоҳи Осия ва у билан бирга 27290 исроилликни асир олиб кетган, сўнгра уларни Мидия ва Месопотамияга қўчирган. Исроилга бобиллик ва оромий аҳолисини олиб келиб жойлаштиради. Исроил салтанати шу тариқа нураб боради.

Исроилнинг тор-мор келтирилиши унинг рақиби – Яхудияни кучайишига хизмат қилиши керак эди. Халқаро шароитнинг ўзгариши бунга қулай вазият яратиб берди. Оссуриянинг тушкунликка юз тутиши Яхудияга ўз мустақиллиги учун курашиш имконини берди. Милоддан аввалги 622 йилда Қуддус ибодатхонасидан “Қонун китоби” топилган бўлиб, у ўша вақтда коҳинлар томонидан динга эътиқод қилишни марказлаштириш мақсадида тузилган эди.

Бу “Китоб”да ягона худо Яхвега сиғиниб, Қуддус ибодатхонасида унга эътиқод қилиш берилди. Синфий зиддиятларни бўшаштириш мақсадида асоратга тушиб, қул қилиб сотилган яхудийларни 6 йил хизмат қилгандан кейин мол бериб қўйиб юбориш тўғрисида кўрсатма берилган эди. Кейинчалик айнан “Қонун китоби” баъзи қўшимча ва тузатишлар билан Тавротнинг “Иккинчи китоби” учун асос бўлган бўлса ажаб эмас. Яхудийларнинг диний қонун-қоидалари ана шу вақтда таркиб топа бошлади. Бироқ давлатни ичидан мустаҳкамлаш учун қилинган ҳаракатлар Яхудия салтанатини ҳалокатдан сақлаб қола олмади. Милоддан аввалги 597 йилда Қуддусни Бобил шоҳи Навуходоносор II қўшинлари ишғол қилдилар ва 586 йилда бу шаҳар бутунлай вайрон қилинди. Навуходоносор ҳам ўзидан аввалги Оссурия ҳукмдорлари каби Қуддусни ишғол қилгач, бу мамлакатдан қўплаб асир олиб кетди. Барча ҳукмдорларни, қўшин, рассомлар ва бинокорларни Бобил шоҳи мажбурий тарзда қўчириб олиб кетди. Машҳур Бобил тутқунлиги ана шу тариқа бошланган.

Қадимги Фаластин маданияти Мисрликлар Ханан деб атаган бу мамлакат худудида Гезер, Мегиддо, Лахиш ва Иерусалим каби шаҳар-давлатлар гуллаб яшнаган. Улар Финикия, Сурия, Миср, Месопотамия каби мамлакатлар билан кенг савдо алоқалари ўрнатганлар.

Фаластинда қадимдан меъморчилик, тўқимачилик, заргарлик, темирчилик, кулолчилик ва кemasозлик ривожланган. Милоддан аввалги XIX - XVIII асрларда Фаластин шаҳарлари гуллаб яшнаган. Фаластиннинг бойликлари қўшни давлатларни ўзига тортган. Асрлар давомида мисрликлар Бобил, Акқод, Оссурия, Хетт, Эрон, Юнон, Рим қўшинлари Фаластинга қўплаб юришлар қилиб, мамлакатни вайрон қилиб, талофатлар келтирганлар.

Дин ва адабиёт. Қадимги яхудийлар дини азалдан Фаластин, Сурия ва Финикияда яшаб келган қадимги халқлар диний эътиқодлари таъсирида таркиб топган. Бу қадимий халқлар мисрликлар, бобилликлар томонидан яралган буюк маданият билан яқин алоқада бўлганлар. Масалан, Бет-Шан харобаларида Мисрнинг XVIII - XIX сулола фиръавнлари замонида, жумладан Сети I ва Рамзес II даврида, қурилган ибодатхоналар қолдиқлари аниқланиб, Сурия - Финикиянинг Ваал - Дагон ва Ваалат-Ашторет замонида оид ибодатхонадан мисрликлар услубида ишланиб, Миср ёзувлари битилган қабр тоши топилган. Унда Сурия - Финикия худоси Мекал номи билан аталади. Шу билан бир вақтда Бет - Шанда муқаддас илонга ҳам сиғинганлар. Қазилган вақтида топилган қўплаб буюмлар, жумладан, қадимги Бобил ёзувларида “Шан” номи билан учрайдиган муқаддас илон уялари ҳам шундан

далолат беради. Бу диний эътиқод шакллари энг қадим яҳудий қабиаларининг диний қарашларига мос келади.

Қадимги яҳудийлар ҳам ўша даврнинг ўзга халқлари каби турли табиат кучлари ҳамда ҳайвонларга топингани тўғрисида маълумотлар бор. Миср ёзувларида Фаластиннинг “Тангри Эл тоғи” деб аталган жойи хатга олинган. Исроилнинг илк шоҳи Хероваам тепалик устида ибодатхона қурган. Фаластиннинг турли жойларидан муқаддас ҳисобланган тошлар топилган. Тавротда “далолат учун” тош уюми қилиш одати таъриф этилади. Таврот китобларида таърифи келтирилган олтин бузоқ ва мис илон ўша даврда ҳайвонлар илоҳийлаштирилиб, уларга сиғинишни кўрсатади. Шу вақтда уруғчилик тузумида аждодларга сиғиниш ҳам юзага келиб, бу одат энг сўнгги динларда ҳам сақланиб қолган.

Синфий жамият таркиб топиб, қулдорлик давлати пайдо бўла бориши билан қадимги табиат худолари, шунингдек, уруғ, гуруҳ ва қабиаларнинг ҳомийлари бўлиш худолар маҳаллий ва оқибатда давлат худоларига айланган. Бир қанча бошқа худо ва маъбудалар (Анат, Бетэл, ал-Элон, Ал - Шаддай) билан бирга қадимги яҳудийларнинг бош худоси – Яхвега сиғиниш айниқса кенг расм бўлган. Яхве бора-бора жанг худоси, давлат ҳамда шоҳ ҳокимияти ҳомийси бўлиб қолди. Милоддан аввалги 722 йилда Исроил шоҳлиги қулагач, айниқса Бобил асирлигидан кейин яҳудийларнинг ягона худоси – Яхвега оид теология (худо ва унга сиғиниш) таълимоти яратилди.

Шундай қилиб қадимги яҳудийларда якка худога эътиқод қилиш улар дини тарихида кеч юзага келди. Ушбу диннинг синфий негизи шоҳ ҳокимиятини илоҳийлаштириш тенденцияси ва қўбчилик билан шоҳ ҳокимиятининг узвийлигида яққол намоён бўлади.

Қадим афсоналарда дастлабки руҳоний-шоҳ Мельхиседек ҳақидаги эслатмалар мавжуд. Мельхиседек “Салим шоҳи”, шу билан бирга худо Ал-Элоннинг қўбини бўлган. Шоҳ “Яхве нафаси теккан” шахс ва унинг “вакили” бўлиб ҳисобланган. Худога тил текказиш мумкин бўлмагани каби, шоҳни ҳам сўқиш, қарғаш тақиқланган. Шоҳга, худога тил теккизган одам динсиз ҳисобланган. Қадимги яҳудийлар шоҳ ёмғир ва қуёшга таъсир қила олади деб ишониб, об - ҳаво ва ҳосил учун уни жавобгар деб билганлар. Шоҳ “худо фарзанди” номини олишга ҳақли бўлган. “Диний қасидалар китобида” худо Яхве унга “Сен менинг ўғлимсан. Бугун ўзим сени яратдим” дейди. Шундай қилиб, қўбчилар шоҳ ҳокимиятини, бу билан бутун синфий қулдорлик тузумини мустаҳкамлашга уринганлар.

Дин адабиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлган. “Таврот” китобларида қадимги адабиётнинг турли асарлари: диний асотирилар, тарихий афсоналар, қаҳрамонлар ҳақида халқ дostonлари сақланган. Таврот асарларида Ханаан ҳамда Бобил ва Миср адабиётининг таъсири сезилиб туради. “Таврот” ўз навбатида қадимги христиан адабиётига таъсир кўрсатган. Пайғамбарларнинг ваъзалари ва бадиий жиҳатдан ғоят юксак лирик шеърлар (диний қасидалар) жаҳон адабиётининг энг гўзал асарлари қаторидан жой олган.

Қадимги Фаластинда дехқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва савдо - сотиқ ривожланган. Хўжаликни бошқариш учун хат - саводли мирзолар, амалдорлар, ҳарбийлар, меъморлар, хунармандлар талаб этилган. Уларни қадимги мактаблар тарбиялаб чиқарган. Ўша даврда қадимги оромий ёзувидан фойдаланилган. Фаластинда ёзув ва амалий билимларнинг вужудга келиши хўжалик ривожига катта таъсир кўрсатди.

Таянч иборалар

Жаннат боғи, Миср ва Ханаан ёзувлари, Гезер харобалари, Иерихон, “тўрала уйлари”, ханааней, “иехер”, “кўчманчи чодири”, “оқсоқол хассаси”, “хаттот қалами”, “Васиятлар қутиси”, “Қонун китоби”, Бет - шанда, Мекал, Тангри Эл тоғи, Таврот, Херовоам, “Шан”, “Салим шохи”, теология.

Саволлар

- 1. Фаластиннинг қадимги тарихида исроил - яҳудий қабилаларининг ўрни**
- 2. Қадимги Миср давлатининг Фаластин билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари ҳақида маълумот беринг**
- 3. Қадимги Фаластин маданияти дунё цивилизациясига қандай ҳисса қўшди?**
- 4. Диний адабиётлар Фаластин маданиятини ўрганишда қандай ўрин тутди?**

3. Финикия

Финикиянинг табиий шароити ва аҳолиси. Финикиянинг жўғрофий ўрни ўзига хос. Суриянинг Финикия номини олган денгиз бўйи қисми қадим вақтда савдо йўллари орқали Ўрта ер денгизининг шарқидаги ороллар Кипр, Крит ва Эгей денгизи архипелаги билан боғланган. Энг қадимги денгиз ва карвон йўллари туташган ерда жойлашган Финикиянинг жўғрофий ҳолати бу мамлакатда ўша вақтдаёқ савдо ривожига ёрдам берган. Финикия ғарб ва шарқдан Ливан ҳамда Антиливан тоғ тизмалари билан ўралган. Оронг дарё водийсининг бир - биридан ажралганлиги, бутун мамлакатнинг тарихий ҳамда маданий жиҳатдан бирлашувига имкон берадиган катта дарёларнинг йўқлиги туфайли бу ерда ягона ва қудратли давлат вужудга келиши учун қулай шароит бўлмаган. Ҳақиқатдан ҳам, Финикия тарихининг бутун давомида доим ўзаро уришиб келган қатор майда давлатлардан иборат бўлган. Финикиянинг сиёсий жиҳатдан парчаланишига шу ҳам сабаб бўлганки, у қадимдан атрофи қудратли давлатлар билан ўралган бўлиб, улар бой ўлкани истило қилиш ва унинг доимо савдо шаҳарларини босиб олишга интилиб келганлар. Иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қудратли бўлмаган Финикия уларга қаршилик кўрсата олмас эди. Шунинг учун ҳам у ўша вақтдан, муттасил равишда гоҳ бир, гоҳ иккинчи қўшнисининг қўл остига ва маданий таъсири остига тушиб келган.

Финикиянинг баъзи ҳудудларидаги табиий шароит деҳқончиликнинг ривожланишига ёрдам берган. Финикиянинг суғориладиган денгиз бўйида, айниқса Марат, Берит, Сидон ва Тир ҳудудларида деҳқончилик ҳамда боғдорчиликнинг тараққий этиши учун тупроқ ва иқлимга оид барча шароит мавжуд бўлган. Бу ерда ҳозирда ҳам мевазор боғлар кўп. Финикияда асосан кўплаб зайтун ва узум етиштирилган. Мамлакатнинг асосий бойликларидан бири – Ливан тоғларида ўсадиган кедр (ингичкабаргли доимий яшил дарахт) ва бошқа қимматбаҳо дарахтлардан ташкил топган ўрмон ҳисобланган.

Қадим манбалар, Миср, Финикия ва Хетт ёзувлари, Таврот ҳамда антик муаллифлар маълумотларига, шунингдек лингвистик маълумотларга кўра, Финикиянинг қадимги аҳолисининг этник таркиби милoddан аввалги III минг

йилликдаёқ жуда мураккаб бўлган. Энг қадимги қабилалардан бири хуррийлар – шимоли - ғарбий Месопотамия ва Шимолий Сурияда яшаган. Улар шу ердан қўшни вилоятлар, жумладан Суриянинг чегарадош ҳудудлари орқали Финикия ва Фаластинга тарқалганлар.

Финикия аҳолисининг аксари ғарбий сом қабилаларидан ташкил топган. Милоддан аввалги I минг йилликда юнонлар асосан Ўрта ер денгизининг шарқий қирғоғида яшаган халқларга “финикияликлар” деган ном берган, ҳолбуки мустақил Финикия давлати милоддан аввалги X асрдагина вужудга келган. Унинг маркази Сидон ва Тир шаҳарлари бўлган. Финикияликлар ҳам Ханаанда (қадимги Фаластин ва у билан қўшни Сурия ва Финикия ҳудуди шундай аталган) яшаган ханаанейлар сингари, ғарбий сом қабилалари гуруҳига мансуб эди.

Финикия ҳудудидаги қадимги шаҳар давлатлар. Милоддан аввалги III минг йиллик охири – II минг йиллик бошларида Финикияда бир неча майда шаҳар - давлатлар мавжуд бўлган. Улар орасида давлатнинг бош шаҳарлари Угарит ҳамда Библ денгиз соҳилида жойлашган эди. Рас - Шамрадан топилган ёзувларда жўғрофий номлар, жумладан Ўрта Сурия, Финикия ва Фаластин шаҳарлари номи тилга олинади: шунга қараб, Угарит ҳам иқтисодий, ҳам маданий - сиёсий жихатдан бу мамлакатлар билан яқин алоқа қилган деб айтиш мумкин. Бундан ташқари, Угарит Эгей денгизидаги Крит, Кипр, Родос орол аҳолиси билан, шунингдек Миср билан қизғин савдо олиб борган.

Финикиянинг энг қадим шаҳарларидан бири Библ ҳам Миср билан кенг миқёсда савдо қилган. Милоддан аввалги III минг йиллик охирига келиб, Библ Мисрнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий таъсири остида қолган. Маълумки, Библда ҳокимлик қилган ҳукумдорларнинг номлари сурия тилида бўлса ҳам, унвонлари миср тилида битилган ва улар ўз ёзувларида миср иероглифларидан фойдаланганлар.

Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарига келиб Финикия Миср ҳукмронлиги таъсирига тушиб қолади. Мисрнинг Финикияни истило қилиб, ҳукмронлик қилиши, сўнг вақт ўтиши билан Миср таъсирининг заифлашуви бизга XVIII сулола давридан қолган миср ёзувларидан, жумладан Ал-Амарнада топилган дипломатия архивидан маълум. Унда ўша вақтдаги халқаро муносабатларни ёритган кўпгина дипломатия ҳужжатлари сақланган.

Милоддан аввалги II минг йилликда Угарит анча юксалган, у Ўрта ер денгизи қирғоқларида нисбатан кичик, аммо серуни текисликда жойлашган эди. Угарит арихвидаги ҳужжатларда қишлоқ хўжалигига оид маълумотлар кўплаб учрайди. Иқтисодий тараққиёт муҳим ижтимоий силжишларга олиб келди. Чек ерлар сотилавериш шахсий мулкдорлар қўлида тўпланган.

Ижтимоий табақаланиш жараёни ташқи савдо ривожига катта ёрдам берган. Угарит Олд Осиёнинг бошқа марказларидан илгари мисга бой бўлган Кипр билан, кейинчалик Крит – Микен дунёси билан ҳам алоқа боғлаган. Бунда ҳатто Микеннинг савдо факторияси топилган. Эгей денгизи ва Кичик Осиё моллари (хусусан, металл буюмлар) Мари ва Бобилга Угарит орқали олиб борилган. Мари ва Бобилдан эса Икки дарё оралиғининг моллари келтирилган. Миххат алифбеси айнан Угаритда пайдо бўлгани тасодиф эмас. Унга Бобил алифбеси асос қилиб олинган, аммо бу унинг бироз ўзгартирилган ва соддалаштирилган шакли эди. Бунда юзлаб миххат ҳарфларидан 29 таси танлаб олинган.

Жануброкдаги Финикия маркази – Бибилда Миср таъсири кучли бўлиб, бу ерда милoddан аввалги II минг йилликда ҳатто Мисрнинг сиёсий ҳукмронлиги ҳам ўрнатилган. Бу ерда мисрликларни иероглиф ёзувлари ва Миср рассомларининг асарлари топилган. Шу нарса қизиқки, Финикия шимолидаги Угарит билан унинг жанубидаги Библ ўртасида сиёсий бирлик бўлганлиги кўринмайди. Яна қизиқроғи шундан иборатки, униси ҳам, буниси ҳам мамлакат ичкарисига қараб ўз мулкларини кенгайтиришга ҳаракат қилмаганлар. Милoddан аввалги XIV асрда Угарит ҳеттлар ҳукмронлиги остига тушиб қолган (милoddан аввалги тахминан 1400 йилларда Угарит ҳатто вайрон қилинган).

Аммо II минг йилликнинг иккинчи ярмида жанубий Финикия шаҳарлари юксалиб борган. Миср билан Хетт подшолиги ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланиб мустақил бўлиб олган.

Жанубий Финикияда Библ билан бирга Сидон ва Тир шаҳарларининг роли ҳам ортиб борди. Тушкунликка юз тутган Угаритнинг Эгей денгизига элтувчи савдо йўллари ана шу шаҳарлар кўлига ўтади. Аввало Сидон етакчилик қилган. Гомер ўз достонларида финикияликларни сидонликлар деб аташи бежиз эмас. Лекин Сидон милoddан аввалги 1200 йиллар атрофида “денгиз халқлари” нинг истилосидан қаттиқ зарар кўрганидан кейин Тир шаҳри кўлига ўтиб, бир неча аср давомида у устувор бўлиб келган.

Финикия шаҳарлари бир томондан Осиё мамлакатлари ва иккинчи томондан Жанубий Европа ва Африка мамлакатлари ўртасидаги савдо ишларини секин-аста ўз қўлларига олганлар. Улар савдо йўлларининг ғарб ва жанубга кўчганлигидан фойдаланиб, дастлаб Мисрни қурилиш ёғочи, қурилган балиқ, вино ва зайтун мойи билан таъминлаган бўлсалар, кейин ҳунармандчилик буюмлари асосий товар вазифасини бажарган.

Финикияда сиёсий бирдамлик бўлмаган. Финикия шаҳар халқининг ўз номлари бўлиб, ҳар бир шаҳар аҳолиси ўзини шу шаҳар номи билан атаган. “Финикиялик” сўзи мисрликларнинг этник атамаси (англашилмовчилик туфайли юнонлар “Фенеху” сўзини “қизил” (“фойнекс” деб талқин қилганлар)) бўлиб, уни юнонлар ўзларича талаффуз қилганлар. Ҳар бир шаҳарнинг ўз шоҳи бўлиб, у зодагонлар кенгаши ва халқ мажлисига бўйсинган.

Аммо вақт ўтиши билан финикиялик оддий фуқароларнинг мавқеи тушиб борган. Хонавайрон бўлган ҳамшаҳарларининг ғалаён қилишларидан қўрқиб, уларни денгиз ортидаги мустамлакаларга жўнатганлар. Зодагонлар қуллардан ҳам хайиққанлар (қуллар кўзғолони тўғрисида ривоят сақланган, аммо унда кўзғолоннинг қачон бўлганлиги кўрсатилмаган). Ҳар ҳолда Финикия шаҳар - давлатлари ичида вазият нотинч бўлган. Давлатлар бу мамлакатни бирлаштиришга уриниб кўрган бўлсалар ҳам, аммо бунга қурби етмаган.

Ижтимоий - иқтисодий муносабатлар. Финикиянинг аксар ҳудудида деҳқончиликни ривожлантириш ноқулай бўлган. Айниқса Ливан тоғ тизмалари денгиз томон сиқиб қўйилган тор Финикия соҳилида деҳқончиликка яроқли серунум ерлар жуда оз бўлган. Бу мамлакатда энг қадимги уй ҳайвони чўчка бўлиб, кейинчалик йирик қорамол пайдо бўлди, ҳўкиз кейинроқ ҳўжаликда иш ҳайвони сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Фақат Финикия табиий шароити деҳқончилик ривожланиши имконини берган. Бу ерларнинг тупроғи унумлиги ва суви етарли эди. Бу ерларда қадим неолит давридан буғдой, арпа ва тарик экилган. Донли ўсимликлар билан бир қаторда дастлабки техника ўсимликлари ҳам

етиштирилган. Милоддан аввалги III минг йилликда зиғир экиб, ундан мато тайёрлашни билганлар. Бу матоларнинг излари сопол синиқларида сақланиб қолган. У вақтдаги деҳқончилик қурол-асбоблари жуда содда бўлиб, аввал чопки ишлатилиб, сўнг унинг ўрнини оддий омов эгаллаган. Омов одатда эшак, ҳўкиз, баъзан одам (қул) лар ҳам қўшиб ер ҳайдалган. Донни ҳайвонлар ва махсус асбоб воситаси билан янчганлар, бу эса деҳқончилик асбобларини такомиллаштириш соҳасида эришилган муваффақиятлардан далолат беради. Қадимги ёрғучоқ ўрнини тегирмон тоши эгаллаганлиги ҳам деҳқончилик бир қадар юксалганлигини кўрсатади. Шулар туфайли Финикия қадимги Шарқ мамлакатлари орасида иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган мамлакатлардан бири бўлган.

Денгиз бўйидаги ерлари унумдор, лекин ниҳоятда тор ва кичкина бўлган финикияликлар қадимги замонлардаёқ деҳқончилик қилишга яроқли ернинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Аҳоли соҳилдаги ва дарё водийларидаги ерни ишлаш билангина чекланмай, терраса (нишоб ерларда пол - пол қилиб экин экиш) усулини яратиб, бу мақсадда Ливан тоғларининг ёнбағирларидан фойдаланганлар. Деҳқончиликда ер тузилишининг ва суғоришнинг бу усули қадимда Кичик Осиё, Оссурия, шунингдек инклар мамлакатаида (Жанубий Америкадаги Перуда) кенг тарқалган ва ҳозирги кунга қадар Филиппин оролларида сақланиб қолган. Бу усул шундан иборатки, тоғ ёнбағирларидаги ерларга сунъий равишда устма - уст жойлашган қатор терраса шаклида ишлов берилади ва тоғдан тушадиган сув билан текис суғорилади. Одатда шундай тоғ террасаларида мевали боғлар ва тоқзорлар етиштирилган. Финикияда ғаллакорлик билан бирга деҳқончиликнинг янада интенсивроқ турлари, жумладан узумчилик ва унинг самараси сифатида виночилик шу тариқа вужудга келган. Финикия виноси машҳур бўлиб, унинг таърифи Рим давригача сақланиб қолган. Рим аҳли узумчилик хусусида карфагенлик Магонни далил сифатида келтирадилар. Магон Шимолий Африкадаги Финикия мустамлакаларида йирик узумчилик ва виночилик ҳўжаликларининг тажрибасидан фойдаланган.

Деҳқончилик ҳўжалигининг янги шакллари маҳаллий аҳолининг баъзан қўшни мамлакатларга қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, масалан, зайтун мойи ва вино каби маҳсулотлар чиқариш имконини берган. Миср ёзувларида Оронт дарёси водийсидаги Жаҳин давлатининг бойликлари қуйидагича таърифланади: “Боғларда турли мевалар тўлиб тошган. Вино сув каби оқади. Террасаларда тўкилиб ётган ғалла ҳатто қумдан ҳам кўп”.

Ўша даврлардаёқ Финикияда турли ҳўнарлар пайдо бўла бошлаган. Ливан тоғларидан темир рудаси қазиб олинган. Уни қазиб олиш ва ишлаш усули нисбатан енгил бўлган. Мамлакатда айниқса тўқимачилик тараққий эган. Финикияликлар мато бўйаш маҳорати билан ном қозонганлар. Бўёқ Финикия экспортида жуда муҳим ўрин тутган. Бу бўёқларнинг финикияча номланиши Оссурия ва қадимги яҳудий тилларидаги шу маъноли сўзларга яқин бўлган. Оч қизил рангга бўйалган жун матолар тайёрланганлиги Рас - Шамрадан топилган ва милоддан аввалги XIV асрга оид ёзувларда учрайди. Тўққизил бўёқлар тайёрлайдиган устахоналар Угарит шаҳрининг денгизга туташ қисмида жойлашган. Ойна тайёрлаш соҳасида Финикия аҳли катта ютуқларга эришган. Бироқ бу техникани Финикияликлар мисрликлардан ва қисман оссурияликлардан ўрганганлар.

Ливан тоғларида қурилиш ва мачта ясашда ишлатиладиган яхши дарахтларнинг кўплиги ёғоч буюм ясаш ва кемасозликнинг ривожланиши имконини

берган. Библ, Сидон ва Тир верфларида (схемалар қуриладиган ва таъмирлайдиган корхоналар) эшакли катта кемалар қурилган. Эшакчилар одатда қуллардан иборат бўлиб, улар курсиларга кишанлаб қўйилган. Кема ҳалокатга учраганда қуллар ғарқ бўлганлар. Финикияликлар ўз даврининг моҳир кемасозлари ҳисобланганлар. Қадимги Шохлик давридаёқ мисрликлар кема турларидан бирини “библ кемаси” деб атаганлар. Қабила номининг “Финикияликлар” деб аталиши ҳам мисрча “кемасоз” деган маънони англатган “фенеху” сўзидан келиб чиққан бўлса, эҳтимол. Ҳатто милoddан аввалги V асрда яшаган юнон тарихчиси Геродот ҳам, форс флотидаги кемалар ичида “финикияликлар ясаган кемалар бошқалардан яхши сузиши билан ажралиб турарди” деб ёзади. Финикия кемасининг қадимги тури оғир бўлса ҳам, лекин денгизда сузишга мослашган, у елканлар ёрдамида ҳаракатланиб, катта юк ташишга мўлжалланган.

Савдо. Финикияда савдо тараққий этган. Бунинг сабаби қишлоқ хўжалигида юқори ҳосилдорлик, ҳунармандчиликдаги муваффақиятлар ва қулай жўғрофий шароит мавжудлигидир. Финикия шаҳарлари Олд Осиё мамлакатларини Эгей денгизи ҳавзаси, Африка ва Арабистон билан боғлайдиган муҳим савдо йўллари туташган ерда жойлашган. Бу савдо қуруқликдаги йўллар ва денгиз йўллари орқали олиб борилган. Кичик Осиё, Месопотамия, Арабистон, Қизил денгиз ва Мисрдан савдо қарвонлари Финикия шаҳарларига келганлар. Юқлар одатда, от-ўловда, аммо шу билан бирга араваларда ҳам ташилган. Ибодатхонадаги суратлар икки ғилдиракли арава мавжуд бўлганидан далолат беради. Рас - Шамрадан топилган ва милoddан аввалги III минг йилликка оид энг қадимги ёзувлар ҳам Угарит давлати аҳолисининг савдо фаолиятини таърифлаб беради. Қарвон йўллари орқали олиб борилган савдо Суриянинг шимолий қирғоғидан то Қизил денгиз соҳилидаги Ақаба қўлтиғигача бўлган ҳудудларни, шу билан бирга Ханаанни ўз ичига олган.

Финикияда айниқса денгиз савдоси равақ топди. Милoddан аввалги IV минг йилликда, қадимги шохлик давридаёқ мисрликлар Финикиядан турли хил моллар олиб кетганлар. Улардан зайтун мойи ва ёғоч алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Финикияликлар шу билан бирга вино, кедр мойи, чорва моллари, дон, упа-эликлар ва шифобахш дори – дармонлар келтирганлар. Савдо ва иқтисодда ёғоч муҳим ўрин тутган. Финикия савдо шаҳарларига яқин жойлашган Ливан ва Антиливан тоғ тизмалари, шунингдек Кичик Осиё, Кавказорти, Ўрта ва Шимолий Сурия ҳамда Фаластиннинг ёндош тоғ ўлкалари ўша вақтда катта ўрмонлар билан қопланган эди. Кедр, Киликия қарағайи ва денгиз бўйи қарағайлари ҳамда бошқа қимматбаҳо дарахт навларининг мўл - кўллиги ва бу ҳудудлар дарахтга бойлиги ерлик савдогарларга катта миқдорда ёғоч, бинокорлик ва елканли кемалар учун зарур ёғочларни Миср, шунингдек Месопотамияга сотиш имконини берган. Бу жараёнлар Сети I давридаги бўртма нақшда яхши ифодаланиб, унда Ливан султонларининг Миср шоҳи учун кедр дарахтлари кесаётганлари тасвирланган. Финикияликлар бошқа мамлакатларга ҳам ёғоч олиб бориб сотганлар. Масалан: Тир шоҳи Хиран I Исроил - Яҳудий салтанати шоҳи Сулаймонга Қуддус ибодатхонаси қурилиши учун кедр дарахтлари юборган. Милoddан аввалги VIII асрда финикияликлар Оссурия шоҳи Саргон II нинг саройи қурилиши учун ёғоч етказиб берганлар. Баъзан Финикия Оссурия шоҳларига хирожни кедр дарахти билан тўлаган.

Финикия шаҳарларининг Миср билан олиб борган савдоси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бу савдонинг маркази Библ шаҳри бўлиб, унинг номи Қадимги шохлик давридаги миср ёзувларида ҳам учрайди. Библда олиб борилган

қазилмалар натижасида архаик давргача бўлган вақтга оид кўплаб Миср буюмлари топилган бўлиб, улар Библ билан Миср ўртасидаги савдо алоқалари қадимдан мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Ўрта шоҳлик даврида улар ўзаро қизғин савдо олиб борганлар. Финикия шаҳарлари, асосан Библнинг Миср билан савдоси милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярмида, яъни Финикия билан Сурия, Миср фиръавнлари томонидан босиб олиниб, Миср давлати таркибига қўшилган даврида янада раванқ топади. Амарна архивида сақланган дипломатик хатлар бу савдо ривожланганлиги ҳақида аниқ маълумот беради. Улардан бирида, Миср учун Мемфис қандай аҳамиятга эга бўлса, Библ ҳам шундай аҳамиятга эга бўлганлиги қайд этилган. Бу даврда мисрликлар Финикиядан кўплаб турли моллар олиб кетадилар. Амарна архивидаги хатларда Финикиядан Мисрга дон, чорва моллари ёғоч, кул ва чўрилар юбориб турилганлиги баён қилинган. Хетт давлати, Митанни, Бобил ва Оссуриядан Мисрга моллар ҳам Финикия шаҳарлари орқали етказилган. Финикиянинг савдо шаҳарлари – Арад ва Беритдан моллар ортилган кемалар Мисрга тўхтовсиз жўнатиб турилган. Финикия султонлари ўз хатларида Мисрга савдо қарвонлари юбориб турилганлигини баён қилганлар. Финикия милоддан аввалги III минг йилликдан бошлаб қатор қўшни мамлакатлар, жумладан, Месопотамия ва Кичик Осиё билан яқиндан алоқа ўрнатган эди. Финикия учун хетт қабилалари билан савдо ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Қадим замонда Финикияда ҳам Шарқдаги бошқа мамлакатлардаги каби ижтимоий тузум бўлган. Рас-Шамрадаги қазилма ишлари вақтида топилган афсона ва достонларда ўз ифодасини топган жамоа - деҳқончилик анъаналари бу ерда қадимги жамоа тузumi бўлганлигини кўрсатади. Бироқ савдонинг тараққий этиши милоддан аввалги III минг йиллардаёқ қадимги қишлоқ жамоларининг аста - секин табақаланиб, емирилишига, кулдорлик муносабатларининг ривожланишига олиб келган. Рас - Шамрадан топилган ва милоддан аввалги II минг йилликка оид расмий ҳужжатларда савдогарлар, бадавлат кишилар ва ҳатто хусусий ер эгалари тилга олинади. Бу нарса синфий табақаланишни анча ривожланганлигини кўрсатади. Ўрта шоҳлик даврига оид Миср ёзувларида фираъвннинг душманлари орасида “таванлик кишилар” ҳам тилга олинади: улар Финикия шаҳарларининг нотинч савдогар ва ҳунарманд аҳолиси бўлиб, улар Миср истилочиларига қарши тез - тез кўзғолон кўтариб турганлар.

Финикия шаҳар - давлатларининг гўллаб яшнаши. Мисрнинг Янги подшолиги ва Хетт шоҳлигининг заифлашуви натижасида Финикияда Тир, Сидон, Библ ва Арвад каби мустақил давлатларнинг вужудга келиши учун қулай шароит яратилди. Мустақил бўлиб олган бу давлатлар милоддан аввалги X - IX асрларга келиб раванқ топади. Бу вақтда Миср билан Оссурия тушкунликни бошидан кечириб, Финикиянинг савдо шаҳарларига таҳдид қилишга қурби етмай қолди. Библ билан бирга бошқа йирик савдо шаҳарлари – Сидон билан Тир майдонга чиқди. Сидон Финикиянинг энг қадим савдо марказларидан бири бўлган. Шу туфайли исроилликлар ва қадимги юнонлар ҳам финикияликларни сидонликлар деб атаганлар.

Кейинчалик ташкил топган Тир - Сидон салтанати шоҳи, одатда Сидон шоҳ унвонини олган. Ниҳоят, Финикиянинг энг катта ибодатхонаси – Астарта Сидонда жойлашган. Бу ибодатхонанинг мавқеи бутун Финикияда юқори бўлган. Бироз вақт ўтгач, Тир йирик савдо ва сиёсий марказ сифатида майдонга чиқади. Тир шоҳи Хирам I (милоддан аввалги 969 - 936 йиллар) жуда кенг миқёсда савдо ва

истилочилик сиёсатини олиб боради. У Кипр ороли, Африкадаги Утика ва Офир мамлакатларига юриш қилган. Хирам I Шимолий Африкадаги кичик ярим оролда (ҳозирги Тунис ҳудудида) ўз манзилгоҳини барпо этиб, Карфаген шаҳрига асос солади. Карфаген финикияча “Карт Хадаий”, яъни “янги шаҳар” маъносини англатган. Хирам I олиб борган кенг қўламли истилочилик сиёсати Тирнинг равнак топишига сабаб бўлди. Оролнинг қулай ерида жойлашган Тир юксалиб, катта ва бой шаҳарга айланади. Шаҳарнинг шарқий қисми тупроқ билан тўлдирилиб, унинг ҳудуди сунъий равишда кенгайтирилади. Ана шу ҳудудда Хирам I даврида янги турар жойлар, бозор ва халқ йиғилишлари учун кенг майдон барпо этилади. Тир мустаҳкам ва қудратли денгиз қалъасига айланади. Милоддан аввалги IX асрда Финикия давлати янада ўсиб, гуллаб-яшнади. Мамлакат шоҳларидан бири – Итобаал Ливияда Авзу шаҳрини курди. Бу даврда Берит, Библ ва Сидон каби йирик савдо шаҳарлари бўлган Финикия соҳилининг катта қисми Тирга тегишли бўлган.

Ўрта ер денгизи ҳавзасидаги Финикияликлар мустамлакалари.

Финикияликлар бутун Ўрта ер денгизи ҳавзасида бир қанча мустамлака давлатларга эга эдилар. Милоддан аввалги XVI асрдаёқ Финикия мустамлакалари Кипр ороли ва Кичик Осиё жанубий соҳилининг бир қисмини ва бундан ташқари бутун Эгей денгизи ҳудудини ҳам ўз ичига олган. Финикияликлар ўзларининг савдо факториялари учун қирғоққа яқин ороллар, муҳим савдо ва ҳарбий йўллари туташган, табиий бойликлари сероб ва табиий жиҳатдан ҳимояланган жойларни топганлар. Улар Кипрни босиб олиб, сўнг Родос, Киклад ва Спорад гуруҳидаги айрим оролларни, олтинга бой Фасосни, Самофракияни истило қилганлар, ҳамда Гелеспонт ва Босфор орқали Қора денгизга, Кичик Осиёнинг шимолий қирғоқларига қадар етиб борганлар. Финикия савдо йўли билан Кичик Осиё ва Юнонистоннинг минтақа қисмидаги ҳудуд ва шаҳарларига ҳам кириб борган. Троя, Микен ва Тринфада ўтказилган қазилмаларда Финикияга хос бир қанча буюмлар топилган.

Финикиянинг энг катта савдо шаҳри – Тир савдогарлари Ўрта денгизнинг шарқий қисмида кенг савдо ишларини юритганлар. Бу ерда тирликлар талайгина мустамлакалар барпо қилганлар. Финикияликлар мустамлакаларни, асосан, Ўрта ер денгизининг ғарбий қисмидаги оролларда ва денгиз бўйида қурганлар. Улар Финикия соҳилларидан Иберия қирғоқларига, асосан, Тартессга олиб борадиган денгиз йўлидан аста-секин олға силжиганлар. Бу йўл Сицилия, Мальта, Пантеллерия орқали Турдитаниянинг асосий дарёси **Гвадалквивирнинг** қуйилиш жойига яқин оролда финикияликлар асос солган қадимги Гадер шаҳрига (лотинча Гадес, ҳозирги Кадис) олиб борган. Сицилия оролида финикияликлар “Рош-Мелькарт” (Тир) бош худоси “Мелькарт боши” шаҳрини бунёд этганлар. Сардиния оролидаги Каралис (Кальяри) шаҳри ҳам Финикия мустамлакаси ҳисобланган. Сардинияда сақланиб қолган кесик конус шаклидаги мақбаралар (тошдан ишланган) Финикия таъсирини кўрсатади. Финикияликлар ғарб томонга силжиб бориб, Шимолий Африканинг баъзи ҳудудларини босиб олганлар ва бу ерда ўзларининг савдо факториялари ва шаҳарларини қурганлар. Булар ичида Карфаген алоҳида ўрин тутиб, бу шаҳар милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида мавжуд эди. Карфаген финикияликлар томонидан милоддан аввалги 825 - 823 йилларда бунёд этилган.

Милоддан аввалги VI - V асрларда Карфаген Ўрта ер денгизининг ғарбий қисмидаги Финикия мустамлакаларини ўз атрофида бирлаштириб, йирик ва қудратли қулдорлик давлатини ташкил этади. Ғарбда Финикия савдосининг энг узоқ таянч нуқталари – ғарбий Африка соҳилидаги қишлоқлар: Тингиз (Танжа, Танжер),

Целис (Азила) ва бошқалар бор эди. Ундан жанубда, кейинги ривоятларга кўра, тирликлар асос солган ва 30 кунлик йўлда 300 та Финикия қишлоғи жойлашган. Финикиянинг денгиз орқали савдоси ва мустамлакачилигининг кенг қулоч ёйганлиги тўғрисида “Карфагенлик Гоннон Перипл” аниқ ва батафсил маълумот беради. Бу маълумот Карфагендаги Эль тангриси ибодатхонасидаги ҳужжатдан олинган. “Перипл” матни милоддан аввалги VI асрга оид бўлиб, унда саёҳатга чиқиш ҳақидаги буйруқ келтирилади ва Гонноннинг Африка атрофидаги саёҳати таърифланади. Бу таърифга кўра, Гоннон океанга Геракл устунлари (Гибралтар бўғози) орқали чиққан. Унинг флоти ҳар бири 50 эшакли 60 та кемадан иборат бўлиб, унда 30 минг эркак ва аёл хизмат қилган. Финикиянинг бу улкан экспедицияси оқибатида ғарбий Африка қирғоқлари ўрганилган, бу ерда янги шаҳар ва ибодатхоналар барпо қилинган. Финикияда денгизчилик тараққий этганини Миср фиръавни Нехо II нинг буйруғи билан Финикия денгизчиларининг қилган Африка бўйлаб саёҳатидан ҳам билиш мумкин. Финикияликларнинг Пиреней ярим оролининг ғарбий қирғоғи бўйлаб шимолга сузиб борганликлари тўғрисида маълумот сақланиб қолган. Лекин улар тўла тасдиқланган эмас. Финикияликлар денгиз йўли билан Британиядан қалай ва қаҳрабо ҳам келтирганлар.

Финикияликлар шарқдаги мамлакатларга ҳам етиб борганлар. Тир бозорларида Арманистондан келтирилган моллар сотилган. Улар Месопотамияда Фрот дарёси бўйида Эддона шаҳрини барпо қиладилар. Сурия билан Фаластин Финикияни хом ашё, турли буюмлар, шунингдек ишчи кучи билан таъминлаб турган. Арабистондан эса зираворлар келтирилган. Финикияликлар савдо ва маданий алоқалар орқали Мисрда ҳам бир неча мустамлакалар барпо қилганлар.

Шундай қилиб, Финикия савдоси ва мустамлакачилиги милоддан аввалги XVI – XII, айниқса, X - IX асрларда кенг қулоч ёйди.

Денгизнинг нариги томонидаги мамлакатларда олиб борилган савдо ҳамда судхўрлик билан боғлиқ бўлган қулдорлик хўжалиги Финикия шаҳарларида милоддан аввалги VII-VI асрларда ривож топди. Кескин синфий зиддиятлар халқ кўзғолонларига сабаб бўлиши мумкин эди. Антик муаллифлар асарларида Тирдаги қуллар кўзғолони ҳақидаги маълумотлар сақланган. Юстин маълумотига кўра, кўзғолон кўтарган қуллар озод эркакларнинг барини қириб ташлаб, аёлларни ўзларига хотин қилиб олганлар ва ягона омон қолган озод шахс Стратонни ўзларига ҳукмдор қилиб кўтарганлар.

Милоддан аввалги IX асрда жуда равақ топган Тир - Сидон шоҳлиги Оссурия каби кучли душманга дуч келиб, узоқ чидаш бермади. Бироқ Финикиянинг энг катта шаҳарлари—Тир билан Сидон аҳолиси Финикия денгиз бўйини қўлга киритишга интилган Оссурия шоҳларига узоқ вақт қаршилиқ кўрсатди. Фақат Асархаддон (милоддан аввалги VII аср) Финикиянинг бу шаҳарлар қаршилигини енгиб, Финикияни Оссурия таркибига қўшиб олишга эришади.

Финикия маданияти Финикия маданияти милоддан аввалги IV-I минг йилликларда Финикия ва унинг мустамлакалари ҳудудида вужудга келган. Унинг ривожига мисрликлар, шунингдек Оссурия, Бобил, Хетт, Эгей ва юнон маданиятлари катта таъсир кўрсатди. Финикияликларнинг энг катта ютуқларидан бири милоддан аввалги II минг йилликда бу ерда ундош ҳарфларнинг кашф этилишидир. Бу кашфиёт кейинчалик барча ҳарф - товуш тизимидаги хатларда ишлатиладиган бўлди.

Тарихчиларнинг фикрига кўра, Финикия ёзуви библ “псевдоиероглифик” ёзув, яъни сўзлардан таркиб топган хат ёки Синай ёзуви ва унинг илк Фаластин вариантларидан келиб чиққан.

Финикия адабиётининг энг қадимги намуналари Угарит мифологик матнлари ва Финикия шоҳларининг ёзишмалари (Библлик Ахиром ва Иехимиль, Сидонлик Эшмуназар ва бошқалар) дан иборат.

Финикия адабий ва тарихий асарлари бизгача етиб келмаган, лекин сўнгги (ҳозиргача унинг ҳақиқатда ҳам мавжудлиги аниқ эмас) ёзувлардан бири – Санхотиатон мактублари замонамизгача етиб келди.

Рим империяси ҳукмронлиги ва эллинлар даврида Финикияда юнон тилидаги адабиёт ривож топди: космогония ва теогонияга оид Менандранинг тарихий афсоналари, Дий (милоддан аввалги II - I асрлар), Феодот (милодий I аср), Бобиллик Филон (I-II асрлар) ва бошқаларнинг асарлари. Бу муаллифларнинг ишлари “Тир солномаси” ва бошқа асарларда акс этади. Шимолий Африкада ривожланган Финикия адабиёти, Ганнон ва Гамилькон денгизчиларининг Атлантика океанидаги саёҳатлари ҳақидаги ҳикоялар ва қишлоқ хўжалиги ишларини самарали юритишга бағишланган Магон асарлари бизга маълум.

Финикия фани ривожда астрономик ва жўғрофий тадқиқотлар алоҳида ўрин тутган. Финикияликлар антик фалсафа ривожига ҳам жиддий ҳисса қўшганлар. Финикиялик файласуф Мох атом таълимоти асосчиларидан бири ҳисобланади. Юнонистонда Клитомас номини олган Диогнетнинг ўғли карфагенлик Гастурбал милоддан аввалги II асрнинг сўнгги чорагида Афина Илмий Академияси раҳбари лавозимини эгаллаган.

Финикияликлар томонидан айни эллинлар даврида грамматик назария ишлаб чиқилган бўлиши мумкин. Финикия шаҳарлари қадимдан ривожланиб, улар хунармадчилик марказига айланди. Финикияликлар таъсирида Сурия, Фаластин ва Кичик Осиё халқлари адабиёти ва маданиятининг бошқа соҳалари ривож топди.

Финикиянинг маданий таъсири бу даврда финикия алифбоси Ўрта ер денгизи давлатларида кенг тарқалганлигида намоён бўлди. Ушбу маданиятга улкан таъсир кўрсатган омиллар дин ва мифология бўлди. Лекин бу соҳалар манбалар танқислиги ва финикия худоларининг исмларини айтиш тақиқланганлиги сабабли яхши ўрганилмаган.

Маълумки, Финикияда олий худони Эл деб атаганлар. Бунинг маъноси худо, унинг рафиқаси Элат ёки Ашерат (денгиз руҳи). Қолган худолар - шоҳлар (малк) ёки соҳиблар (балл, валл), шу билан бирга, осмон худоси – Баалшамем, куёш худоси (иссиқлик эгаси) - Баалхаммон, шунингдек алоҳида жой, дарёлар худолари бўлган.

Финикия шаҳарларининг танланган худолари бўлган, масалан Тирда - Мелькарт (шаҳар ҳокими), Сидонда - Эшмун (табиб - даволаш худоси), Беритда - Буюк Берит эгаси, Библда - (Финикия умумий худоларидан бири) севги ва ҳосилдорлик худоси Аштарта (Астарта). Финикияда айниқса ҳосилдорлик худосига кенг эътиқод қилинган эди.

Рас Шамрадан топилган мифологик дostonларда арпани суғориш, ток новдаларини экиш вақтида қилинадиган қадимги диний урф - одатлар таърифланган. Худо Мот ёз охирида маъбуда Анат ўроғи билан қирқилувчи “етилган бошоқ” шаклида тасвирланади. Қадимги финикияликларнинг диний қарашларида ўлиб – қайта тирилувчи табиат худоси Балл ва унинг ўғли Алийян образи алоҳида ўрин тутган. Алийян тўғрисидаги афсона ва бу худога эътиқод йил

фасллари алмашинувининг “сирли маъно”сини ҳам диний, ҳам шоирона тарзда изоҳлаб берган. Бу диний тасаввурлар Рас - Шамрадаги қазилда топилган мифологик достонларда ўз ифодасини топган.

Балл ва Алийян ҳақидаги достонда айтилишича, худо Балл учун ҳашаматли ибодатхона бино қилинади. Бу ибодатхонада Балл ўлим худоси Мот (Мотом) устидан ғалаба қозонганини маълум қилади. Бироқ Баллга ўлим ҳамла қилади ва у ўғли билан бирга нариги дунёга рихлат қилади. Бундан кейин, марҳум худолар шарафига адо этиладиган мотам маросимлари, ҳосил маъбудаси (айрим манбаларда уруш худоси) Анатнинг ўлим худоси Мот билан кураши, ўлган худоларни излаш, ниҳоят Баллнинг Мот устидан ғалаба қозониши ва тирилиши ҳақида ҳикоя қилинади. Бу қадимги афсона ҳамда табиат худосига эътиқод қилиш кейинчалик худо Адонисга сиғинишга асос бўлиб, сўнг бу эътиқод Сурия ва Финикияда кенг тарқалди.

Марказида меҳроб жойлашган очик жойлардаги ибодатхоналарда қўбонлар жамоаси жойлашиб, муҳим сиёсий воқеалар рўй берган, шаҳар деворига тамал тоши қўйилган, ўлим ҳавфи пайдо бўлган ҳолларда тақводор одамлар ёш фарзандларини қўбон қилганлар.

Финикиялик рассомлар Миср, Хет - хуррит ва Бобил санъати мотивларида асарлар яратганлар. Шу билан бирга улар ўзига хос йўналишларига ҳам эга бўлган. Айниқса ўша даврда Финикия ҳунармандлари ясаган буюмлар юқори баҳоланган.

Угаритнинг машҳур икки эпик асари - Керет ва Данела ҳақидаги достонлар - фақат диний асар бўлмай, балки дунёвий аҳамиятга эга бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Кейинги даврларда пайдо бўлиб, кўпинча қисқа матндан иборат бўлган қабртош ёзувларини эса шартли равишда ёзма асар сифатида қабул қилиш мумкин.

Финикияликларнинг энг катта ютуқларидан бири алифбонинг ихтиро қилиниши бўлди. Финикия ҳаттотлари мисрликлар кашфиётини мантикий жиҳатдан ниҳоясига етказишди. Маълумки, Мисрда 24 та ундош белгидан иборат алифбо тузилган эди. Лекин тўлиқ тушунча ифодаловчи юзлаб бўғин - белги ва белгилар сақлаб қолинган.

Олимларнинг фикрича, ёзув ривожланишининг кейинги босқичи гиксос босқинчилиги даврига тўғри келади. Балки айнан улар Миср иероглиф ёзуви асосида 26 ундош белгидан иборат ва “синай ёзуви” номини олган биринчи алифбо ёзувини тузишган бўлса ажаб эмас. Бу ёзув Миср иероглиф ёзувларига бориб тақалади деб тахмин қилинади. Гиксослар давлатининг қисқа муддат ҳукм сурганлиги сабабли уларнинг алифбоси тўлиқ шаклланиб улгурмаса ҳам, аммо у жанубий Финикияда алифбо ёзуви пайдо бўлишига таъсир қилган. Шимолда, яъни Угаритда шу асосда 29 ҳарфдан иборат ва сопол тахталаларда ёзишга мўлжалланган алифбо ёзуви юзага келди.

Айрим олимларнинг тахминича, Финикия ёзуви умуман Миср ёзуви эмас, балки Крит-Микен ёки Финикия бўғин ёзуви асосида ривожланган бўлиши мумкин. Бизнинг давримизгача етиб келган, Библиядан топилган ёзма манбалар ҳам шундан далолат беради. Лекин айнан финикияликлар биринчи бўлиб ёзувнинг алифбо тизимини қўллай бошлаганлари шак-шубҳасиз. Яна шу нарса маълумки, бунда Миср ёзувидаги ундош ҳарфларни ифодалаган алифбо белгилари мавжудлиги катта роль ўйнаган. Миср хати эса финикияликларга аввалдан маълум бўлган.

Финикиянинг турли ўлкаларида ёзувга эҳтиёж сезила бошланган. Аҳолининг катта қисми машғул бўлган денгизчилик ва савдо муносабатларининг ривожланиши

билан фақат айрим ҳаттотлар ёза оладиган ёзувни соддалаштириш зарурати юзага келди.

Финикия ёзувининг камчиликлари кўйидагилардан иборат бўлган: у фақат ундош товушларни ифодалар ва миср ёзуви каби матн ўқишни осонлаштирадиган кўшимча белгиларга эга эмас эди. Шунинг учун матнларни ўқиш осон бўлмай, мураккаб матнларни тушуниш эса янада қийин келган.

Вақт ўтиб, шимолий финикия алифбоси 22 белги жанубий финикия алифбоси томонидан сиқиб чиқарилди ва у кейинчалик бутун мамлакатда тарқалди. Юнон алифбоси ҳам унинг асосида қурилган. Бу юнон ҳарфларининг қадимий шакли ҳамда қатор юнон ҳарфлари номларининг келиб чиқиши семитча эканлиги кўринади. Масалан “алфавит” сўзининг ўзида биринчи икки “алеф” ва “бет” (ғарбий семит тилида “буқа” ва “уй” маъносини билдиради) Финикия ҳарфларига тўғри келади.

Бу алифбо ҳарфлари асосида қадимги расм - белгилар ётар эди. Аксарият юнон ҳарфларининг номлари Финикия ҳарфлари номига тўғри келади. Юнон ва оромий алифболари кўпгина замонавий алифболар учун асос бўлиб хизмат қилган.

Дин. Финикиянинг сиёсий тарқоқлиги унинг Бобилдаги каби, мифлар тизимини билмаслигига олиб келди. Шаҳар қўҳинлари Мисрда Фива ҳукмронлиги даврида Фива худоси Амонни “худолар шоҳи” деб эълон қилгани каби, ўз худосини “худолар шоҳи” даражасига кўтара олмас эдилар. Осмон худоси Финикия шаҳарларида бош тангри ҳисобланиб, у ўз исми билан эмас, балки турли номлар билан аталган. У оддийгина “эга” (Ваал), “шаҳар шоҳи” (Мелькарт), “ҳокимият” (Молох) ёки “худо” (Эль) деб аталган.

Осмон худоси Ваал ёнида унинг хотини Астарта (Аштарт, Ашерат) жой эгаллаган. Осмон ва ер тангрлари билан бирга, ўлиб, тирилувчи ўсимликлар худоси ҳам эъзозланган. Кўпинча уни Адонис - “менинг жанобим” деб атаганлар. Ушбу тангрининг айрим сифатлари Ваал ва унинг синглиси Анат (баъзи тахминларга кўра, хотини Астарта) ҳақидаги мифологик достонда ўз аксини топган. Ушбу достоннинг асосий мавзуси Ваалнинг ўлиб қайта тирилиши, унинг хотини эри вафотидан кейин ҳам вафодорлик ўлганлиги ҳақида бўлган. Достоннинг айрим лавҳалари мазмуни Осирис ва унинг синглиси Исида ҳақидаги Миср мифологик достонига яқин. Ўлувчи ва қайта тирилувчи худо эътиқоди билан бирга диний драмалар ҳам вужудга кела бошлади. Угарит матнларидан бирини айти шундай диний характерга эга бўлган драма сифатида талқин қилиш мумкин.

Финикияда Фаластин ва Суриядаги каби одам қурбон қилиш одати узоқ сақланиб қолди. Кўпинча ёш болалар, айтиқса янги туғилган чақалоқлар қурбонлик қилинган. Давлатга хавф туғилган пайтда бу урф амалга оширилар эди. Масалан: милoddан аввалги IV асрда Тир юнон - македон қўшинлари томонидан қамал қилинган пайтда, шаҳар девори устида македониялик ҳарбий асирлар қурбонлик сифатида қатл этилган.

Таянч иборалар

денгиз халқлари, терраса, “гаванли кишилар”, “Мелькарт боши”, “библ кемаси”, “Карт Хадаий”, “Рош-Мелькаот”, Геракл устунлар, “етилган бошок”, **псевдоиероглифик** ёзув, тангрлар шоҳи, космигония, Мох, Клитомас, Мот, гиксос, “синай ёзуви”, Адонис

Саволлар

1. Финикия савдосининг ривожланишига қандай омиллар сабаб бўлган?
2. Финикия мустамлакачилик сиёсати ривожланишининг асосий сабаблари нимада деб ўйлайсиз?
3. Финикия ёзувининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат эди?
4. Финикия маданиятининг бошқа мамлакатлар маданиятига таъсири ҳақида нима дея оласиз?

4. Қадимги Сурия

Табиий шароити. Суриянинг жўғрофий ўрни ўзига хос бўлиб, у уч материк минтақа ўртасида жойлашган. Унинг асосий қисми Олд Осиёга туташ, шарқий ўлкалари Сурия - Месопотамия чўлига, шимолий қисми Кичик Осиёга, жанубий қисми эса Фаластин билан биргаликда Арабистон ярим оролига чегарадошдир. Яъни, Суриянинг жўғрофий жиҳатдан бўлинганлиги, бутун мамлакатнинг тарихий ва маданий жиҳатидан бирлашувига кўмаклашадиган катта дарёларнинг йўқлиги бу ерда ягона ва қудратли давлат барпо бўлиши учун имкон бермаган.

Қадимги Шарқнинг қудратли давлатлари Сурия билан Финикияни талашиб, доимо ўзаро курашиб келганлар. Бутун Сурия катта бир жангоҳ каби бўлиб, қадимги Шарқнинг энг йирик давлатлари ҳарбий кучларини кенг миқёсида шу ерда қўллаганлар, чунки бу ерлар табиий бойликлари, ривож топган қишлоқ хўжалиги, савдо йўллари туташган марказлар уларни ўзига жалб қилар эди.

Қазилмалар ва ёзма манбалар. Бу ерда, яъни Шимолий Суриянинг Соқчи - Гоз ерида қадимий манзил топилган. Тел-Тайнатда, Шимолий Сурияда, Антиохия билан Алеппо ўртасида ёдгорликлар топилиб, бу ерда археологлар 14 археологик қатламни очишга муваффақ бўлганлар. Ушбу қатламлар тош даврдан тортиб то милоддан аввалги I асргача маданият тараққий этиш жараёнини кузатиш имконини беради.

Нихоят, Шимолий Сурияда, Оронт дарёси ўзидан 50 км жанубдаги Рас - Шамра яқинида, денгиз қирғоғида йирик шаҳар харобалари топилган. Қадимги бу шаҳардан муҳим савдо йўли ўтган. Шаҳар қалин девор билан ўралиб, савдо порти ва қалъадан иборат бўлган. Унда ибодатхона, сарой ва кутубхона бўлган. Бу харобалар, топилган буюм ва ёзувлар бу ерда катта қулдорлик давлати бўлгани ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Унга қараб милоддан аввалги III минг йиллик охирларидан милоддан аввалги II минг йиллик ўрталаригача бўлган тарихни кузатиш мумкин. Угарит деб номланган бу давлат ҳудудида энг муҳим савдо йўллари туташиб, Миср ва Эгей денгизи соҳилини Кичик Осиёдаги хетт қабилалари билан ўзаро маҳкам боғлаб турган.

Шаҳар харобаларидан топилган ва махсус миҳхат ёзувида битилган эсдаликлар катта аҳамиятга эга. Афсоналардан олинган матнлар Шимолий Суриядаги қабилаларнинг милоддан аввалги II минг йиллик ўрталаридаги динига оид муайян маълумот беради.

Сурия ва Финикиянинг бу даврдаги сиёсий тарихини ўрганиш учун Амарна архивидан топилган (дипломатияга оид) хатлар, хетт ҳужжатлари алоҳида аҳамият касб этади.

Сурия ва у билан боғланган Финикия тарихини ўрганиш учун яна Бобил ва Оссурия ёзувлари, милоддан аввалги VIII-VII асрларда ўтган Оссурия шоҳларининг маъмурий ёзишмалари муҳим ўрин тутди. Антик муаллифлари Иосиф Флавий,

Геродот, Евсевий асарларида қадимги Сурияга оид анча маълумот бизга қадар етиб келган.

Мисрнинг Сурия ва Финикияни истило қилиши. Миср-Хетт низолари.

Ички кураш натижасида кучсизланиб бораётган Сурия бир неча бор ажнабий босқинчилар асоратига тушган. Қадим Шарқдаги катта давлатлар ҳукмдорлари, Миср фиръавнлари ёки Бобил шоҳлари нисбатан кичик мамлакатлар – Сурия ва Шимолий Месопотамияни бир неча бор истило қилганлар.

Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарида Сурия ва Финикия Миср ҳукмронлиги остига тушиб қолади. XVIII сулола фиръавнлари Сурияни Фрот дарёсигача истило этадилар ва мамлакатга оғир хирож солиб, унинг табиий бойликларига эгалик қиладилар. Аммо Сурия Мисрнинг иқтисодий ва сиёсий назорати остида қолганига қарамай, қисман мустақиллигини сақлаб қолади.

Кўп шаҳарларда маҳаллий ҳукмдорларни қолдириб, уларни Мисрга келтириб, ўзларига садоқат руҳида тарбиялаганлар. Мисрнинг Суриядаги идора ишлари амалдорларнинг махсус маҳкамаси томонидан амалга оширилиб, улар маҳаллий ҳокимлардан хирож олар, шоҳ омборларини бошқарардилар. Сурияда Мисрнинг ҳарбий гарнизонлари жойлашган бўлиб, қалъалар ва ибодатхоналар бу ерда Миср ҳукмронлигининг таянч нуқталари бўлган.

Милоддан аввалги XIV асрга келиб Миср Сурияда ўз ҳукмронлик мавқеини сақлаш учун кучи етмай қолди. Мисрликларни ўрнини хеттлар эгаллаб, улар Шимолий Сурияни мустамлака қилиб, ўзига бўйсундирдилар.

Угаритда икки йўналиш – Миср ва Хетт давлати тарафдорлари ўзаро кураш олиб боради. Финикия ва Суриянинг Тир ва бир қатор бошқа катта шаҳарлари каби Угарит ҳам Мисрдан ажраб, хеттлар томонига ўтиб кетишга тайёр турарди.

Азирю бошчилигида бирлашган аморий қабилалари хеттлар билан иттифок бўлиб, мисрликларни Суриядан сиқиб чиқаришга уринадилар. Милоддан аввалги XIV асрда мисрликлар Олд Осиёдаги мавқеларини қўлдан бериб қўядилар. Кўп ўтмай Сурияда яна бошқа истилочилар – Ўрта ер денгизи бўйи халқлари бостириб кириб, улар Кичик Осиё ва Сурияни ишғол қиладилар. Угарит давлатининг ерлари ана шу эгей қабилалари томонидан истило этилган.

Ижтимоий – иқтисодий муносабатлар. Савдо. Суриянинг кўп ҳудудлари деҳқончиликнинг турли шакллари ривожлантириш учун бирмунча ноқулай бўлган. Шунинг учун бу ҳудудда, айниқса Сурияни Месопотамиядан ажратиб турган чўлларда яшаган қабилалар узоқ вақтгача кўчманчи ҳаёт кечириб, чорвачилик билан шуғулланишган. Фақат баъзи водийлар ҳамда Финикия табиий шароити деҳқончиликни ривожлантириш имконини берган.

Ғалла билан бирга деҳқончиликнинг янада интенсивроқ турлари, яъни узум етиштириш ҳамда виночилик таркиб топган. Бу ерда зайтун мойи ва вино ишлаб чиқариш имконияти бўлган.

Турли ҳунарлар ривожланиб, масалан, тўқимачилик маҳсулотлари, бўялган мато, ранг-баранг бўёқлар Финикия экспортида муҳим ўрин тутган. Савдо Сурияда ҳам тараққий топган.

(Рас- Шамрада) курукликдаги карвон йўллари орқали юритилган савдо Суриянинг шимолий қирғоғидан то Қизил денгиз соҳилидаги Ақаб қўлтиғигача кенг ҳудудни ўз ичига олади. “Ипувер насихати” да (Ўрта Шоҳлик даври), Суриядан саркофаг - тобутлар ясаш учун алоҳида ёғоч ва мўмиёлаш учун дарахт елими (смоласи) келтирилганлиги ҳақида сўз боради.

Қадимги Сурия маданияти Суриянинг жўғрофий жиҳатдан парчаланганлиги, унинг айрим қисмлари бир - биридан ажралганлиги, бутун мамлакатнинг тарихий ва маданий жиҳатдан бирлаштирадиган йирик дарёлар йўқлиги туфайли қудратли давлатни барпо этадиган қулай шароит бўлмаган.

Сурия қадим замонлардан ҳар томондан қадимги маданий ва қудратли давлатлар билан ўралган эди. Ундан жануби - ғарбда Миср, шарқда Бобил ва Оссурия, шимоли - шарқда Митанни, шимолда Хетт давлати жойдашган эди. Мазкур давлатлар Сурияга жиҳатдан маданий камроқ таъсир кўрсатган.

Шимолий Сурия Шарқий Ўрта денгиз миқёсида илк цивилизация марказларидан бўлган. Сўнгги йилларда археологик қазилмалар натижалари (XX аср 80 -йиллари бошида) шундан далolat бериб турибди. Суриянинг шимолий - ғарбий қисмида милоддан аввалги III минг йил маҳаллий цивилизация пайдо бўлганлиги ва унга Шумер цивилизацияси қандай маданий таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Ушбу цивилизация улкан қазил ишлари натижасида (Телль-Мардих шаҳар харобаларида) қадимги **Элба** шаҳридан топилди (ҳозирги Ҳалаб шаҳридан 50 км нарида). Археологлар Телль - Мардихнинг қуйи, энг қадим қатламларини очишга муваффақ бўлганлар. Ушбу қатламларидан Телль Мардих тарихининг икки босқичи аниқланди: Эбланинг **Ямхад** давлатининг қарамлигидаги даври (милоддан аввалги 1900 - 1600 йиллар) ва Эбла тарихининг мустақиллик даври (милоддан аввалги XXVI-XXIII аср). Ушбу маданиятнинг энг катта ютуғи бўлмиш Эбла матнлари айнан шумер ёзувида яратилган. Эблаит алифбесининг вужудга келишига ҳам шумер ёзуви катта таъсир кўрсатган. Матннинг 90 % шумер алифбо белгиларида битилган. Эблаит-шумер алифбо белгилари ташқи кўринишидан жанубий шумер анъанавий ёзувларига ўхшаб кетади (Лагаш, Ур, Урук ёдгорликларидан). Аммо олимлар фикрича, бу тизим шимолий (яъни Киш) ҳудудларида вужудга келган (милоддан аввалги 2500 йил). Телль-Мардихда ҳам шумер - эблаит қомуслари топилган.

Шундай қилиб, бу ердан топилган хат намуналари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, оддий Оссурия - Бобил ёзувидан анча фарқ қилади.

Меъморчилик соҳасида илк неолит даврига оид Рас - Шамрада “қалъа кўринишидаги ёдгорликлар”, милоддан аввалги III - II минг йилларда эса Эбла шаҳрида Месопотамиядаги каби ибодатхоналар топилган. Ўша даврдаёқ Сурия меъморчилигининг кўп намуналари (ибодатхона, қалъалар) ривож топди. Шу даврга оид архитектурада санъат билан диннинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлиги айниқса яққол намоён бўлади.

Сурия ва Финикия қабилаларининг энг қадимги дини қадимги жамоа - деҳқончилик культларига бориб тақалади. Рос - Шамра мифологик достонларида арпани суғориш жараёни ва бошқа қадимги диний урф - одатлар таърифланади.

Қайта тирилувчи табиат худоси Ваал ва унинг ўғли Алейян ҳақидаги достонда диний қарашлар ўзининг ёрқин ифодасини топган. “Ваал ва Алейян” номли бу достонда ҳикоя қилинишича, Ваал худоси учун ҳашаматли ибодатхона бино қилиниб, бу унда Ваал ўлим худоси Мот устидан қозонган ғалабасини нишонлайди.

Бу афсона ҳамда табиат худосига эътиқод қилиш кейинчалик Адонисга сиғиниш учун асос бўлган. Адонисга эътиқод қилиш эса кейинчалик Сурия ва Финикияда кенг тарқалган. Сурия санъати, хусусан архитектураси маданий ёдгорликлари катта аҳамиятга эга.

Таянч иборалар

Амарна архиви, Угарит давлати, аморий қабилалари, “Ипувер насихати”, Эблаит алифбеси, “Ваал ва Алийян” достони.

Саволлар

1. Суриянинг тарихида жўғрофий омил қандай аҳамиятга эга?
2. Миср - Хетт муносабатларида Суриянинг ўрни?
3. Қадимги Сурия маданиятининг ўзига хос хусусиятлари нимлардан иборат?
4. Сурия маданиятида диний тасаввурларнинг ўрни ва роли.

5. Фригия ва Лидия

Фригия - Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбида жойлашган тарихий вилоят. Фригия аҳолиси - фригияликлар (Европадан кўчиб келганлар). Милоддан аввалги II минг йилликда Фригия гуллаб-яшнади ва ўз ҳудудини кенгайтиришга эришди. Гомер “Илиада” сида Фригия Трояга юнонларга қарши курашишда ёрдам берган, сўнг Троя устидан ўз “ҳукмронлигини ўрнатди” деб езилган.

Милоддан аввалги XII асрда Фригия Хетт давлати қулашида катта роль ўйнади ва унинг катта қисмини ўзига кўшиб олди. Шу аср охирида эса Фригия Оссурия билан тўқнаш келди. Тиглатпаласар I ёзувларида Фригия “мушқлар давлати” деб тилга олинади (юнонча “мосхлар”).

Милоддан аввалги X - VIII асрда Фригия пойтахти Гордион шаҳри бўлган. Милоддан аввалги IX асрда Фригия Эгей денгизида ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Милоддан аввалги VIII асрда эса Фригиянинг халқаро мавқеи бироз ёмонлашди. Унинг шимолий ва шимоли - ғарбий ҳудудларини Европадан кўчиб келаётган янги халқлар эгаллай бошлашди, Шарқда эса Оссурия билан тўқнашувлар кўпайди.

Фригия шоҳи Мидас (оссурияча - Мита) милоддан аввалги 717 йилда Урарту билан иттифоқ тузади, лекин 713 йили Оссуриядан бир неча мағлубиятга учрагандан кейин Саргон II билан шартнома тузади ва ғолибга бож тўлашга мажбур бўлади. Фригияга киммер қабилалари ҳам хавф солар, милоддан аввалги VII аср 70 - йилларида улар Фригиянинг анча қисмини босиб олган эдилар.

Геродот сўзига кўра фригияликлар Европада яшаган пайтларида ўзларини бриглар деб аташган. Осиёга кўчиб келганларидан кейин эса ўз номларини фригияликларга ўзгартирганлар. Ёзув ва исмларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, фригияликлар тили ҳиндоевропа тиллари туркумига кирган ва юнон тили билан боғлиқ.

Хетт давлати билан бевосита алоқадаги маҳаллий аҳоли билан яқин фригияликлар тез орада Олд Осиёнинг қадимги жамоаларига хос бўлган цивилизация даражасига етиб олдилар. Археологик манбаларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, деҳқончилик Фригия жамоасининг иқтисодий асоси бўлган. Фригиянинг ҳудуди бўйлаб кўплаб истеҳкомлар қурилган эди. Фригияда қазилмалар пайтида топилган сопол идишлар ўтган даврдаги ҳунармандчилик анъаналарининг тараққиёт даражасини кўрсатади. Унда Хетт давлати, Кичик Осиё ва ҳатто Кипр кулолчилигининг намуналарини кўриш мумкин. Шоҳ ва амалдорлар кўрғонларда дафн қилиниб, ҳунармандчилик тараққий этиши туфайли тош мақбаралар қурила бошланди. Ғарбий соҳилдаги юнон шаҳар - давлатлари билан Фригия савдо алоқаларини ўрнатган бўлиб, бу юнон ва фригия жамиятлари маданияти

яқинлашувига олиб келган. Оссурия ва юнон манбаларида фақат икки Фригия шоҳи – Гордий ва Мидас исми келтирилади. Айрим мутахассислар бу исмлар эмас, балки шоҳлик амаллари номи деб ҳисоблашади.

Фригияликлар деҳқончилик, чорвачилик билан, шунингдек мармар қазиб олиш, олтин конларини ўзлаштириш, жунни қайта ишлаш билан шуғулланишган. Савдо-сотиқ ишлари кўпроқ юнонлар ва римликлар билан олиб борилган. Фригияликлар асосан қишлоқ жойларда яшашган, лекин бир неча Гордион, Келена, Котий каби катта шаҳарлар ҳам бўлган.

Фригия маданиятининг Эгей денгизи атрофида яшайдиган халқлар маданияти ва цивилизацияси билан ўхшаш томонларини кўриш мумкин. Қадимги Фригия алифбоси юнон алифбосининг варианты бўлиб, Фригия ва Юнонистон маданиятининг яқин алоқаларини кўрсатади. Қадимги Юнон афсоналарида Фригия шоҳи Мидасга катта ўрин берилган. Уларга кўра шоҳ қўли теккан нарсга олтинга айланган.

Сакарья дарёси воҳасида топилган қадимги Фригия ёзувлари, шунингдек Ғарбий, Кичик Осиё ва Каппадокиянинг шаҳарларидан ҳам топилган. Буларнинг бари, Фригия давлати гуллаган даврида унинг чегаралари ғарб ва шарққа томон кенг ҳудудларни эгаллаганлигини кўрсатади. Юнон маданияти Фригияга Герма воҳаси орқали кириб келган. Шу йўл билан Фригия маданияти ўз таъсирини Кичик Осиёнинг ғарбий соҳилидаги юнон аҳолисига ўтказган. Фригия мусиқаси юнонлар томонидан қабул қилиниб, қадимги юнон маданиятининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган.

Милоддан аввалги VIII асрда пайдо бўлган фригия ёзуви алифбелари бўлиб, юнон алифбеси билан ўхшаш жойлари бор эди. Айрим ҳарфларнинг маъноси ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

Шунингдек милоддан аввалги VIII-VII асрлардаги қадимги Фригия ёзуви Тиана, Ликаония ва Кичик Осиёнинг бошқа ўлкаларидан топилган. Бу эса Фригия киммерийлар босқинига қадар эгаллаган ҳудудни аниқлашга ёрдам беради. Милодий I асрларга оид янги Фригия ёзуви асосан юнон ҳарфларидан таркиб топган.

Фригияликларнинг дини Кибела худоси, унинг ёри, ўлиб, қайта тириладиган худо Аттисга эътиқод қилиш кенг тарқалиши билан ажралиб туради. Кейинчалик бу эътиқод Юнонистон ва Римда ҳам кенг тарқалиб кетди.

Фригия адабиёти мавжуд бўлганлигини фақат антик муаллифларнинг қисқа маълумотлари орқали билиб олиш мумкин. Юнон аъёналари Гомергача яшаган ва фригиялик ёки троялик “Илиада”ни ёзган фригиялик Дарес, маталчи Эзоп, файласуф – атеист Диоген ҳақида маълумотларни сақлаб қолган. Бир қатор юнон ривоятлари ва афсоналарининг қаҳрамонлари (Тантал, Пелопс, Ниобсе, Марсий) фригиялик бўлганлар. Шоҳлар Гордий ва Мидас ҳақидаги афсоналар ҳам кенг тарқалган. Буларнинг барчаси фригияликлар ва юнонлар маданияти ва маънавияти ўзаро яқинлигини кўрсатади.

Фригия мусиқаси ва чолғу асбоблари Шарқ ва Ғарбда ҳам машҳур бўлиб, юнон мусиқа шакллариининг пайдо бўлиши ва ривожланишида катта ўрин тутган.

Уйлар, мақбаралар, ибодатхоналарнинг қояларда қурилганлиги Фригия меъморчилигининг ўзига хос хусусияти эди. Бунга мисол қилиб, “Мидас мақбараси” ни (милоддан аввалги VIII аср Язил - қоя) келтириш мумкин. Фригияликлар

иншоотларида юнон, хетт меъморчилиги таъсирини кўриш мумкин. Шунингдек, Фригия кулолчилигида ҳам хетт ва кипрликлар таъсири номоеън бўлади.

Лидия. Фригиянинг бой маданияти Кичик Осиёнинг ғарбидаги Гермос дарёси воҳасида истиқомат қилган қабилаларга жиддий таъсир ўтказган. Ушбу воҳа Фригия давлати ҳудудида жойлашган бўлиши ҳам мумкин. Унинг марказий қисми Мидия тилида Сфарт, юнонча - Сару деб номланган. Милоддан аввалги VII асрда Герма водийси аҳолисини оссурияликлар ва юнонлар аввал мёонлар, сўнг лидияликлар деб атаганлар. Лидияликлар тили хеттлар тилига ўхшаган бўлиши мумкин.

Юнонларнинг далолат беришича, Герма дарёси водийси “жаннатмакон” юрт эди. У деҳқончилик ва боғдорчилик учун қулай ва сунъий суғоришга хожат бўлмаган. Бу ерда олтин конлари ҳам бор эди. Лидияда ҳунармандчилик юқори ривожланганлигини олтин, тош ва фил суякларидан ясалган буюмлардан билиб олса бўлади.

Заргарликдан ташқари Лидияда тўқимачилик ва терини қайта ишлаш ҳам раванқ топган. Ҳунармандчиликнинг ривожини учун турли хом ашё талаб этилган. Лидия ўз хом ашё базасига эга бўлмаганлиги сабабли хом ашё қўшни давлатлардан олиб келинган. Бу ўз навбатида савдо - сотикнинг ҳам ривожланишига сабаб бўлган.

Лидиянинг савдо йўлларининг кесишган жойида жойлашуви ҳам бу соҳанинг мамлакат ҳаётида муҳим роль ўйнаганини кўрсатади. Юнонларнинг тарихий анъаналарига кўра тарихда биринчи бўлиб лидияликлар тангалар зарб қилган. Геродот ҳам буни таъкидлаб “лидияликлар жуда кўп тангаларга эга” деб ёзади.

Герма водийсини эгаллаган Фригияда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ҳамда синфий муносабатлар таъсирида Лидияда кулдорлик тузуми кучайиб борди.

Лидия кучли ҳарбий қўшинга эга бўлиб, унинг асосини пиёдалар эмас, балки узун найза билан қуролланган отликлар ташкил қилган. Улар асосан зодагонлар, йирик ва ўрта ҳол кулдорлардан йиғилар эди.

Лидия тарихида бизга маълум бўлган дастлабки воқеалар киммер ва фракия қабилалари босқини (милоддан аввалги VII аср бошлари) ҳамда бунинг натижасида рўй берган сулолалар алмашуви эди. Милоддан аввалги 692 йил янги сулоланинг биринчи шоҳи Гигес (Гуггу) тахтга ўтирди. Оссурия шоҳи Ашшурбанапал ёрдамига таянган ҳолда у милоддан аввалги 665 йилда бостириб келган киммерийликларни мамлакатдан ҳайдаб чиқаради ва уларни шарққа чекинишга мажбур қилади. Кейинчалик Гигес Миср шоҳи Псамметих I билан алоқа ўрнатди. Миср шоҳи Гигес ёрдамида Оссурия истилосидан озод бўлиш мақсадида унга ёрдам бериш учун қўшин жўнатади.

Тез орада Лидия яна киммерийликлар босқини қурбони бўлади. Милоддан аввалги 654 йилда Гигес жанг майдонида ҳалок бўлади ва босқинчилар мамлакатнинг катта қисми, ҳатто Сардни ҳам босиб олишга эришадилар. Кўп йиллик кураш натижасида Гигеснинг ўғли Ардис (милоддан аввалги 654 - 505 йиллар) киммерийликларни Лидиядан қувиб чиқаришга муваффақ бўлади.

Мамлакат босқинчилардан озод қилинганидан сўнг, Ардис Кичик Осиёнинг ғарбий денгиз бўйида жойлашган юнон шаҳар - давлатларини босиб ола бошлади. Ардис соҳилнинг марказий қисмида, йирик юнон шаҳри Милет ва Приена шаҳрини истило қилади. Лекин Милетга қарши ҳарбий юришларда у муваффақиятга эриша олмайди ва кейинчалик бу ишни унинг ўғли ва набираси давом эттиради. Ички кураш ва низолар ушбу шаҳар - давлатларининг тез таслим бўлишига яна бир сабаб

бўлди. Лидия шоҳлари бундан фойдаланиб, бу шаҳарларни осонликча босиб олар, аксинча, шароити барқарор шаҳарларда қаттиқ қаршиликка дуч келар эдилар.

Ардис невараси Алиатт ҳукмронлиги даврида шарқда яна бир хавф – Мидия давлати пайдо бўлди. Мидия давлати шоҳ Киаксар даври - милoddан аввалги 615 - 605 йилларда Оссурия давлатини яксон қилади ва Урартуни эгаллагач, сўнг Кичик Осиёни истило этишга киришади.

Милoddан аввалги 591 йилда Лидия ва Мидия давлатлари ўртасида олти йил давом этган уруш бошланди. Бу уруш милoddан аввалги 585 йил 28 майда Гомис дарёси бўйида якунланди. Милетлик файласуф Фалеснинг айтишича, шу кун Күёш тутилиши содир бўлган. Геродот “Кун бирпасда тунга айланди” деб ёзади. Бу воқеа курашаётганларга кучли таъсир қилиб, афсонада айтилишича, улар бобилликлар ёрдамида тинчлик тузишга шошилишган. Ушбу шартномага кўра Гомис дарёси Мидия ва Лидия ўртасидаги чегара қилиб белгиланган. Икки давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилаш мақсадида Алиатт ўз қизини Мидия шоҳи Киаксарнинг ўғли Астиагга беради. Милoddан аввалги 585 йил эса Астиаг отасининг ўрнини эгаллаб Мидия тахтига ўтиради.

Шундай қилиб, шарқда Мидия давлати билан биргаликда ўз мавқеини мустаҳкамлаган Алиатт юнон шаҳар - давлатларига қарши босқинчилик юришларини давом эттирди. Бундан ташқари, у Кичик Осиёдаги қабилаларни (пафлагон, вифин, карий ва бошқалар) ҳам бўйсундириш ниятида эди.

Астиагнинг ўғли Крез (милoddан аввалги 560 - 546 йиллар) охир-оқибат Кичик Осиё юнонларини ўзига тобе қилиб, уларни Лидияга бож тўлашга мажбур қилди. Натижада Крез Кичик Осиёнинг ликиялик ва киликияликлар яшаш жойларидан бошқа барча ҳудудларнинг ягона ҳокимига айланди. Лидиянинг Кичик Осиёдаги юнон шаҳарлари билан муносабатлари маданиятнинг ўзаро муштараклашуви ва бойишига сабаб бўлди. Лидияликлар ҳам фригияликлар каби юнон алифбесини ўрганиб, ўзларида татбиқ этишди. Мамлакатда юнон тили кенг миқёсда ўргана бошланди.

Лидия шоҳлари Гигесдан бошлаб ўз юнон қўшинларига, сўнг эса халқига таъсир ўтказиш мақсадида юнон ибодатхоналарига қимматбаҳо совғалар йўллар ва уларнинг ёрдамига суянар эди.

Милoddан аввалги 550 йил Крез Лидия давлатига қарашли Мидияни босиб олган Эрон шоҳи Кирга қарши уруш очди. Лидия кучли отлик қўшинига эга бўлишига қарамай, милoddан аввалги 547 йил бу урушда мағлубиятга учради. Форс қўшинлари ҳеч қандай қаршиликка учрамай аввал Сардни, сўнг юнон шаҳарларини ҳам эгаллашди. Шу даврдан бошлаб Кичик Осиё Ахамонийлар давлати таркибига кириди.

Таянч иборалар

бриглар, “Илиада”, Гердий, Мидас, Кибела, Аттис, “мосхлар”, “мушклар давлати”, меонлар.

Саволлар

1. Фригиянинг ташқи сиёсатдаги ролинининг пасайишига қандай омиллар сабаб бўлди?

2. Лидия мавқеи ва иқтисодининг юксалиши сабаблари

6. Қадимги Мидия

Ғарбий Эрон вилоятларининг аҳволига оид маълумотлар билан милоддан аввалги IX асрга мансуб миҳхат ёзуви манбаларидан танишиш мумкин. Уларда Оссурия шоҳларининг Шарққа юришлари ҳақида айтилади. Оссурияликларнинг Эронга асосий юриши милоддан аввалги IX асрда бошланган. Улар аввалига яқин вилоятларга ҳужум қилганлар, Мазамуадан нарига ўтмаганлар (Мазамуа лулубейлар мамлакати эди) Жануби - шарқдаги Урми кўли яқинидаги ҳудуд “шоҳ”лар ёки “раҳбарлар” томонидан бошқарилган (шунга ўхшаш бошқариш усули Загрос тоғ вилоятларида мавжуд бўлган).

Милоддан аввалги VIII асрда ва VII асрнинг бошларига келиб Элам давлати кучайди. Элам Оссурия билан урушда кучли ҳокимият ўрната олмади. Баъзи тарихчилар милоддан аввалги VIII-VI асрларда Эрон ва Олд Осиёда кучли кулдорлик давлати вужудга келган деб айтадилар. Хоразм, Сўғдиёна ва Парфия ҳудудлари энг қадимий давлатлар сирасига кирган. Тахминан худди шу вақтда Каспий денгизидан жанубда ва жануби - ғарбда мустақил Мидия давлати пайдо бўлади. Мидия Загр дарёсининг тоғли ўлкалари, шарқдаги унумдор текисликларни ўз ичига олган. Милоддан аввалги IX асрга оид оссур ёзувларида мадай қабилалари тилга олиниб, уларда оссирийлар мадайларга қарши қаттиқ кураш олиб борганлари айтилади. Оссур подшолари Шарқнинг бу узоқ мамлакатига қўшин тортиб бориб, жуда кўп асир ва ўлжа билан қайтганлар. Милоддан аввалги 835 йилда оссур подшоси Салманасар III мадайлар мамлакатига бостириб келиб, Оссуриянинг Орбели шахридан шарқда, анча узоқда жойлашган Мидия ўлкасига кириб боради. Маълумот озлиги туфайли Мидия давлатининг ташкил топиш жараёни қандай кечгани деярли номаълум. Тарқоқ мадай қабилалари ягона иттифоққа бирлашганлар. Бу иттифоқ Мидиянинг ўзинигина эмас, балки Эроннинг бошқа ўлкалари, жумладан, Персидни ҳам ичига олган. Персид эса кейинчалик мамлакатда етакчилик қилган.

Геродот асарларида бу тўғрида баъзи маълумотлар сақланиб қолган. У Мидия шоҳлигининг ташкил топиш жараёни мидияликлар орасида “тақводор ҳакам” Дейоко ҳокимиятни эгаллаб олиши ҳақидаги ярим тарихий афсонада сақланиб қолган деб ёзади. Унда “Дейоко мидияликларни шахар барпо этишга мажбурлади ва уларни бир халқ сифатида бирлаштирди” деб хабар қилинади.

Оссур ёзувларида айтилишича, “мадайлар” мамлакатада қалъа бошлиғи “Дейоко” исмли шахс Саргон билан жанг қилган, аммо мағлубиятга учраган. Геродот гувоҳлигига кўра, Дейоко Мидия қабилаларини бир давлат қилиб бирлаштирган ва Экбатана шахрини қурган. Экбатана ҳақида қайдларни Хагматана (мажлислар жойи) номи билан Эрон ёзувларида учратиш мумкин. Бу шахар ҳозирги Хамадон шахри ўрнида бўлган деган тахмин бор. Юнон тарихчиси Полибий (милоддан аввалги II аср) ўз асарида Мидиянинг қадимги пойтахтини аниқроқ тасвирлайди. Бу асарда айтилишича, пойтахтда ҳарбий қабила демократиясига хос қадимий тартиб ҳукм сурган. Бу тартибга биноан шоҳ “мажлислар жойида” ги умумий йиғинда сайланган.

Бироқ Геродотнинг Мидиядаги қабилалар иттифоқи ҳақидаги ҳикояси у қадар ишонарли эмас, чунки унда Дейоко аҳолининг турли табақаларига таяниб, олий ҳокимиятга зўрлик билан эга бўлган золимга ўхшатилади. Геродот Дейокодан кейин ўтган шоҳлар ҳақида ҳам айтиб ўтади. Мидия шоҳи Фраорт (форсча Фравортиш) эронликлар ва Осиёнинг бошқа халқларини бўйсундиргач, ҳатто Оссурияга ҳам

аскар тортиб бориб, Мидиянинг барча қабилаларини ўз ҳокимияти остида бирлаштирган.

Мидиянинг кейинги шоҳи Киаксар (Хвакшатра) замонида мамлакат кучли давлатга айланди. Киаксар оссурийларнинг ҳарбий тажрибасидан фойдаланиб Мидия қўшинларини қайтадан тузган ва қўшинларни ишлатадиган қурол-яроғ турига қараб, ихтисослашган қисмларга бўлган. Бу янги қўшинида найзабозлар билан камончиларнинг махсус қисмлари ҳамда отлиқ бўлинмалар ташкил этилди. Шу даврдан бошлаб отлиқлар ҳарбий ишда алоҳида ўрин тутиб, аскарларнинг бир ердан иккинчи ерга жадал ҳаракат қилиши ва кенг кўламда ҳарбий машқ ўтқозиш имконини берган. Қадимги муаллифлар Киаксарнинг қабилалардан йиғилган аввалги терма қўшини ўрнига мунтазам қўшин яратгани унинг энг катта муваффақияти деб ҳисоблайдилар. Киаксар Мидиянинг ҳарбий қудратига ҳамда Бобил шоҳлиги билан иттифоқи ва унинг қўшинлари ёрдамида Оссурия давлатини (бир вақтлар шухрат қозонган қудратли давлат) буткул тор - мор қилди. Шу тариқа Оссурия харобаларида янги ва кучли Мидия салтанати қад кўтарди. Киаксар унга Эроннинг тоғли ўлкаларини, Каппадокия билан Арманистонни ҳам қўшиб олди. Мидия ҳукмдори Оссурия шоҳлигининг шимолий қисмини забт этиш билан чекланмай, Ўрта ер денгизига йўл очиш мақсадида ғарбга ҳаракат қилади. Геродот Мидия билан Лидия ўртасидаги курашни тасвирлаб, бу кураш беш йил давом этиб, икки йирик давлат ўртасида яраш битими тузиш билан якунланганини айтади. Шундай қилиб, бу жанг милоддан аввалги 585 йилда рўй берган деб аниқ айтмоқ керак.

Мидия шоҳи ҳарбий ютуқлари ва забт этилган ерларини дипломатик битимлар воситаси билан мустаҳкамлаб олади. Бу битимлар ўз навбатида подшолар ўртасида куда - андачилик муносабатлари билан мустаҳкамланади. Киаксар II ўз қизини Бобил шоҳи Навоҳудоносор II га бериб, ўғли Астиагни эса Лидия шоҳининг қизига уйлантиради. Киаксар милоддан аввалги 584 йили вафот этади. Мидиянинг сўнгги шоҳи Астиаг ўз салтанатини эронликлардан ҳимоя қилишга мажбур бўлади. Астиаг узоқ муддат шоҳлик қилганидан сўнг (милоддан аввалги 580 - 550 йиллар) Эрон давлатига асос солган Кайхисрав (Кирёвуш) билан курашда енгилади.

Зардушт динининг муқаддас китоби “Авесто” қадимги шарқий Эрон тарихини ўрганишда асосий манбалардан бири бўлган. Зардушт динининг олий маъбуди Ахурамазда ёмонлик тимсоли – Анхро Манью (Ахримон) билан кураш олиб боради. Ҳозирги вақтда зардушт динига мансуб бўлган форслар жамоаси (Эрон ва Ҳиндистонда) сақланиб қолган. Араб истилосига қадар (Сосонийлар даврида) зардуштийлик Эроннинг давлат дини ҳисобланган.

“Авесто” қадимги шарқий эрон тилида ёзилган. “Авесто” грамматик жиҳатдан қадимги форс тилидан деярли фарқ қилмайди.

Зардуштийларнинг сўнгги ўрта аср маълумотларига кўра, уларнинг мамлакати Мидия деб аталган. “Авесто” таъсиф доирасига кирган мамлакатлар ҳақида маълумот Ведеват деб номланган биринчи қисмда берилади. Бу қисмда яхшилик маъбуди Ахурамазданинг 16 мамлакатни яратгани, унинг душмани Ахриман эса шу мамлакатларнинг ҳар бирида ёмонлик қилиш билан машғул бўлгани баён этилади. Бу мамлакатлар Ўрта Осиё билан Шарқий Эрон ҳудудида жойлашган. Авесто рўйхатида шуниси қизиқки, Парфия ҳақида, шу билан бирга, Мидия ва Форс ҳақида умуман маълумот йўқ. “Авесто” маданияти ҳам анча қадим. Масалан, темир билан бронза бир сўз билан аталади.

Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто” қадимги шарқий Эрон ва Ўрта Осиё тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Кўп тадқиқотчилар фикрига кўра “Авесто” Ўрта Осиё, хусусан Хоразмда милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида вужудга келган. Муқаддас китобда келтирилган жўғрофий маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди. Масалан, худо яратган ўлкалар санаб ўтилар экан, бойлиги ва кўркемлиги жиҳатидан қадимги Хоразм, Гава (Сўғд), Марғиёна (Марв), Бактрия (Балх) биринчи бўлиб тилга олинади.

“Авесто” узоқ давр мабойнида шаклланган. Унда келтирилган маълумотларнинг энг қадимий қисмлари милоддан аввалги II минг йиллик охири – I минг йиллик бошига оид бўлиб, авлоддан-авлодга оғзаки тарзда ўтиб келган. Кейинги асрларда “Авесто” диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қоидалар ҳисобига бойиб борган. “Авесто” ни Зардушт диний асар сифатида тизимга солган. Унинг Дастлабки ёзма нусхаси 12 минг мол терисига битилган деб ривоят қилинади. “Авесто” Персеполда сақланган. Македониялик Искандар Эронни забт этганида, бу нусха ёқиб юборилган. Аршакийлардан Волочес I даврида (51-78 йиллар) қайта китоб шаклига келтирилган, лекин у сақланмаган. Сосонийлар даврида (III – VII асрлар) “Авесто” яна яхлит китоб ҳолига келтирилган.

12. Мидия маданияти

Эрон ясситекислигида ташкил топган қадимги давлатлар ичидан озми - кўпми аниқ маълумотга эгамиз, фақат Мидия салтанати ҳақида. Мидия шоҳлиги ҳозирги Эроннинг шимоли-ғарбий ва ҳозирги Озарбайжон ҳудудида жойлашган эди. Шарқшунос олим В.И. Авдиев “Қадимги Шарқ тарихи” асарида Мидия Загроснинг тоғли ўлкаларида ва ундан Шарқда жойлашган ҳосилдор ерлардаги ҳудудни эгаллайди деб ёзади. Оссур ёзувларида милоддан аввалги IX асрда мадай қабилалари ҳақида ҳам айтилиб, улар оссурияликлар билан шиддатли жанглар олиб борганлиги ҳақида сўзланади. Оссурияликлар билан мадайлар ўртасида савдо-сотиқ алоқалари асосида Мидияга оссур - бобил маданияти элементлари кириб келганлиги аниқланган.

Мидия ҳақидаги дастлабки маълумотлар милоддан аввалги X - IX асрларга оид бўлиб, унга кўра маҳаллий халқ чорвачилик билан ҳам кўчма, ҳам ўтроқлашган тарзда шуғулланганликлари маълум. Шу билан бирга, улар деҳқончилик ҳам қилганлар. Мидия шоҳлигида бу даврда ривожланган синфий давлат бўлмай, балки бир нечта қабилалар бирлашмасидан (конфедерация) иборат эди. Геродот асарларида улар олти қабиладан ташкил топганлиги эслатилади. Муаллиф улардан тўрттасини “номадлар” деб атайди.

Милоддан аввалги VII асрда Мидияда том маънода давлат эмас, балки қабилалар иттифоқи мавжуд бўлган, холос. Бу иттифокда олий ҳукмдор билан бирга унга тобе бошқа ҳукмдорлар (аслида қабила бошлиқлари) ҳам бўлганлиги тилга олинган.

Милоддан аввалги IX - VIII асрлардаёқ мидияликлар жамоасида уруғчилик тузумининг емирилиш жараёни бошланган ва синфий ажралиш юзага келган. Бир томондан, уруғ ичидан зодагонлар ажралиб чиқиб, бошқа томондан эса деҳқончилик ва ўтроқ чорвачиликнинг ривожланиши билан қулчилик пайдо бўлган. Милоддан аввалги IX-VIII асрлардаги оссурияликларни мидияликлар босқинидан мунтазам равишда муҳофаза қилиш учун қулчилик муҳим ўрин тутадиган бўлиб борди. Бу ҳол мидияликларнинг қабила иттифоқига бирлашиб, Мидияда қулдорлик давлатининг ташкил топишини тезлаштиради.

Бунга мулкый тенгсизлик ҳамда қуллар сонининг ошиб бориши ҳам сабаб бўлган. Лекин шунга қарамай, бу давлат эндигина шаклланаётган шаклда эди. Оссур ёзувлари ва бошқа манбаларда қайд этилишича, Мидия давлатини шоҳлар бошқарганлар.

Милоддан аввалги VII асрда Мидия шоҳлиги анча кучли шарқ салтанатига айланади. Унинг маркази Экбатана (ҳозирги Ҳамадон) шахри эди. Мидия пойтахтига оид нисбатан тўлиқ маълумот сақланиб қолган ва уларни бошқа манбалар билан қиёслаб унинг ҳақиқатга тўғри эканлиги аниқланган. Бу даврда Мидия қабила иттифоқини ўзида жамлаб, унда қадимги ҳарбий демократия анъаналарига кўра шоҳ жамоа мажлисида сайланган.

Киаксар Оссурийлар билан ҳал қилувчи жанги арафасида ҳарбий ислохотни амалга оширган: мамлакат ва халқлардан ёппасига олинадиган кўшин мунтазам отликлар, камончилар ва қалқончилар ташкил топган эди.

Таянч иборалар

Ахриман, Ахурамазда, деток, Хвакшатра (Киаксар), Фравартиш (Фраварт), мадай қабилалари, “такводор какам”, Дейоко, Хагматана, Ведевдат, номадлар, Экбатана

Саволлар

- 1. Давлатни мустаҳкамлашда Киаксар қандай дипломатик сиёсат юргизган?**
- 2. Тарқоқ мадай қабилаларининг бирлашувига қайси омиллар сабаб бўлган?**
- 3. Мидия қулдорлик жамиятининг ташкил топиш жараёнининг тезлашиб кетишига қандай омиллар сабаб бўлди?**
- 4. Давлатни марказлаштиришда ҳарбий ислохотларнинг қандай аҳамияти бор?**

7. Қадимги Элам

Қадимги Элам давлатининг тарихи Иккидарё қулдорлик жамиятининг тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Бу мамлакат (шумерларда “Ним”, аққодларда - “Эламту” номини олган) Шумердан шарқда жойлашган. Элам тоғли ерда жойлашиб, аммо фақат мол боқишга ярайдиган тоғлар билан бирга, Эламнинг икки катта дарёси-ғарбда Хоасл (ҳозирги Керхе) ва шарқда Эвлея (ҳозирги Карун) бўйида серҳосил водийлар ҳам бўлган. Хоаслнинг шарқий соҳилида (бу ерда унинг оқими Эвлея яқинидан ўтади) Сузи манзилгоҳи бўлиб, у ерда эътиқод қилинган бош худо Шумерда ҳам қадрланган. Эламдан ўтган энг муҳим йўллар чоррахасидаги Сузи, мамлакат тарихида ғоят муҳим ўрин тутган. Эламнинг жануби-шарқида, чамаси, қора танли қабилалар яшаган бўлса керак. Бу қабилалар Ҳиндистоннинг дравид қабилаларига қардош бўлган деган фараз мавжуд.

Хўжалик ҳаёт ва ижтимоий муносабатлар. Ҳозирга қадар Элам тилининг қайси тиллар гуруҳига оид эканлиги аниқланмаган. Қадимий Суза шахридаги узок йиллик қазилар ишлари бу ерда қатор маданий қатламлар мавжудлиги аниқланди.

Сузи I номини топган қатлам энг муҳим. Бу қатламнинг пастки чегараси (хронологияси) ҳали аниқ топилмаган. Унинг устки чегараси, яъни кейинги Сузи II қатламининг бошланиши милоддан аввалги III минг йиллик охирига оид. Сузи I қатламида манзилгоҳ излари билан бирга қабристон ҳам сақланиб қолган бўлиб, бу ҳол манзилгоҳнинг қадим аҳлининг марҳумга бағишланган маросимларидан далолат беради. Сузи I қатламида топилган буюмлар энеолит даврига оид деб ҳисоблаш керак. Пишиқ-пухта ясалган ва силлиқланган тош қуроллар билан бир қаторда бу

ерда мисдан ясалган буюмлар камдан-кам учрайди. Меҳнат куроллари, уларни ясаган одамлар ўтроқ бўлганлиги ва ов билан бир қаторда зироатчилик билан ҳам шуғулланганлиги ҳақида далолат беради. Арпа ва эммер (буғдой ва арпа) билан бирга улар зиғир ҳам ўстирар эдилар. Лой ҳайкалчалар орасида аёл ҳосилдорлик худоси тасвири учрайди. Мархум билан дафн этиш учун мўлжалланган махсус идишлар яхши пишитилган лойдан, кулолчилик чархисиз қўлда ясалган. Улар геометрик нақш ва одам, қуш, уй ва ёввойи ҳайвонлар сурати ҳамда меҳнат куролларининг шартли тасвирлари билан безатилган. Буларнинг бари қора бўёқда ишланган. Баъзи белгиларга кўра, Сузи I манзилгоҳи ёнғинда нобуд бўлган. У жанговар, қўшни тоғлик қабилалар қурбони бўлган деб тахмин қилинади.

Сузи I маданий қатламидан фарқли равишда, ундан кейинги Сузи II қатлами маданияти, нафақат Сузида, балки жануби - шарқий Эроннинг бошқа нуқталарида ҳам тарқалган бўлиб, Эламнинг ғарбидаги мамлакатлар, биринчи навбатда Шумер маданияти билан туташган. Шумер шаҳарлари - Эриду, Уре, Кишу ва бошқа шаҳарлардаги қазилма натижалари ҳам шундан гувоҳлик беради. Сузи II маданияти давридаёқ мисдан ясалган меҳнат асбоблари ва куроллар мавжуд бўлган. Мис Эламнинг ўзида қазиб олинган деб фараз қилинади. Будае ўз ёзувларидан бирида Кимаша тоғларида мис қазиб олинганидан хабар беради. Элам билан чегарадош худуддаги Сузи II қатламида олтин ҳам топилган. Бу юртда бронза пайдо бўлгани ҳам айнан шу вақтга оид. Темирчилик билан бир қаторда сопол идишлар ишлаб чиқариш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ҳақиқатан, Сузи I қатламида топилган идишлар Сузи II қатламидаги каби пишиқ ишланмаган, аммо улар ранг - баранг ва улардаги суратлар нисбатан хилма-хил: рассом манзара чизиб, ҳайвон ва одамларни тасвирлайди. Йирик қорамолнинг расмига қараганда, у вақт хўжалигида чорвачилик анча ривожланган деб айтиш мумкин. Шу даврда Эламнинг иероглиф асосидаги ўзига хос ёзуви пайдо бўлади.

Ишлаб чиқариш кучлари ўсган сари, айниқса, тош, металл куроллардан фойдаланишга ўтиш билан, мамлакатда ишлаб чиқариш кўтарилди ва бунинг оқибатида кулчилик тузуми таркиб топди.

Эламда кулчилик жамияти дастлаб дарё водийларида ривожланди. Бу ерларда ишлаб чиқариш кучлари яхши тараққий этиб, мол алмашиши тезроқ ўсган. Бу ўлкалар аҳолиси тоғли худудларга нисбатан, Шумернинг қўшни шаҳар - давлатлари, масалан Лагаш билан аввалроқ муносабат ўрнатган эди. Тоғли худудлар аҳолиси милoddан аввалги III минг йилликнинг иккинчи ярмида ва ундан кейин ҳам ибтидоий жамоа тузумида яшайверган. Бу аҳоли водийнинг бой ўлкаларини талаш мақсадида доимо безовта қилиб турар эди.

Давлатнинг гуллаб яшнаши ва инқирозга учраши. Элам давлати милoddан аввалги II минг йил олдин катта мавқега эга бўлган. Урни III сулоласи пайтида ҳам Элам бошқа давлатлар каби Шумер-Аққод давлати таркибига бутунлай кирмай, балки Эламнинг турли шаҳар ва вилоятларини маҳаллий ҳукмдорлар бошқариб турганлар. Эламитлар иштирокидаги Урни III сулоласи давлати инқирозга юз тутганидан сўнг, Элам давлати яна мустақилликка эришди. Шу вақтда унда Бобилдаги каби кулдорлик кучайиб, буни шу вақтгача етиб келган кўпдан - кўп ҳуқуққа оид ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди. Айрим вилоятларда шоҳ ёки “ота” лар (адда) ҳукмронлик қилганлар. Аммо тахт отадан ўғилга эмас, балки тоғадан жиянга яъни синглизининг ўғлига ўтган. Шу билан “сингилни ўғли” ибораси “меросхўр авлод” ни маъносини ифода этган.

Элам вилоятларига “буюк вакил” (шумер тилида суккаль-шах) унвонини олган буюк ҳукмдор ҳукмронлик қилиб, вилоят ҳукмдорлари эса кўпинча “буюк вакил” нинг яқин қариндошлари бўлганлар.

Хулоса қилиш мумкинки, ушбу жамиятда бошқариш она тарафидан авлоддан - авлодга ўтган. Элам ҳукмдорлари сулоласи тоғ водийларидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Умуман, давлат бошқаруви вилоятларни бошқарган уруғ - қабилавий зодагонлар қўлида бўлган.

Хаммураппи бошқарган давлат гуллаб-яшнаган даврида у эламликларни Эмутбалдан сиқиб чиқарган. Бу ҳол Эламни анча кучсизлантириб, Бобил шоҳига тобе қилиб қўяди. Кейинчалик Эламнинг мустақиллигини тиклаган сулола (касситлар) ва ундан кейинги шоҳлар аввалги Элам давлатининг кудратини тиклашди. Бу давлатга эндиликда Неренданинг бир қисми (ҳозирги Форс Эронни шарқида) ҳам кирди. Эламитлар яна Бобилга юриш қиладилар. Бу юришлар милоддан аввалги XIII асрда яна қайталанди. Элам тахтида ўтирган янги сулола вакиллари ҳудудларни бошқарган зодагонларни қаршилигини синдириб, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга эришдилар.

Милоддан аввалги XII аср бошида эламликларнинг янги босқинчилик даври бошланди. Улар Дажла дарёси воҳаси вилоятларини ва Эшкуппа шаҳрини босиб олишади. Шу ўлкадан Эрон орқали муҳим карвон йўллари ўтар эди. Эламликлар хатто Бобил шимолида жойлашган Сиппор, Бобил ва Ичинур шаҳарларини босиб олишга эришган.

Бу ғалабалар Бобилда касситлар ҳукмдорлигига чек қўйди. Элам давлати гуллаб-яшнаган давр шоҳ **Шильхакиншушинак** ҳукмронлигига тўғри келади. Бу шоҳ Элам ерларини анча кенгайтириб, Загрос тоғлари ва унинг шарқий ерларини, Оссурияга бостириб кириб, шарқий Оссуриядаги Эхаппате шаҳрини ҳам истило қилади.

Милоддан аввалги XII асрда Навоҳудоносор I тарафидан Элам қўшини мағлуб этилгач, ҳамда Бобилга Оссурия шоҳи Тиглатпаласар I зарба берганидан сўнг икки давлат - Элам ва Бобил инқирозга юз тутди. Эламда маҳаллий зодагонларнинг ҳокимияти тикланди. Аммо бу мамлакатда милоддан аввалги I-мингинчи йилликда барқарор ва марказлашган давлат бўлмай, шоҳлар ҳокимияти анча заиф бўлган.

Шумернинг жанговар қабилалар билан тўқнашувлари, шубҳасиз, қадим замонларда рўй берган. Лагаш ҳукмдорларининг милоддан аввалги XXV асрдаги ёзувлари пайдо бўлган вақтдан бошлаб бу урушлар тўғрисида маълумотлар мавжуд. Элам ўз ғарбий қўшниси – Икки дарё воҳаси билан яқин алоқада эди. Милоддан аввалги XXIV-XXIII асрларда Сузи Акқод давлати таркибига киритилиб, натижада Икки дарё маданиятининг Эламга таъсири анча кучайди. Ур III сулоласи шоҳлари даврида Элам яна Икки дарё ҳукмронлигида қолиб, сулоланинг энг забардаст вакили Шульги Сузида “Сузи худоси ва ҳукмдори”, яъни Иншушинак шарафига макбара қуради.

Ур давлати кучсизланган вақтда Элам ҳукмдорлари ўз мустамлакачиларини тор - мор қилишга муяссар бўлдилар. Бу воқеалар шоҳ Кутернаххунт даврида рўй беради. Милоддан аввалги 2024 йилда Кутернаххунт Урни босиб олиб, вайронага айлантирган, Элам бундан сал аввалроқ Фрот оқимининг ўрта қисмидаги Мари манзилгоҳида жойлашиб олади. Амореялар томонидан берилган зарбалар натижасида Ур III сулоласи барпо этган давлат қулади.

Таянч иборалар

Суза I, Суза II, адда, сингилнинг ўғли, меросхўр авлод, буюк вакил., касситлар, Будеа.

Саволлар

1. Суза I ва Суза II маданиятини асосий хусусиятлари нимадан иборат? (археологик қазилмалар натижаси)

2. Милоддан аввалги II минг йилликда Элам давлатининг ижтимоий ва сиёсий тузумини тасвирлаб беринг

4. Қадимги Ҳиндистон

1. Қадимги Ҳиндистон тарихнавислиги

Ҳиндистон энг қадимги даврларданок кўплаб узоқ ва яқин қўшинлари билан маданий ва савдо-сотик алоқалари ўрнатган. Хараппа маданияти даврида (милоддан аввалги III-II минг йилликлар) ҳинд хунармандлари яратган буюмлар Ўрта ер денгизи мамлакатлари, Месопотамия, Марказий Осиёгача етиб борган. Кейинги асрларда Ҳиндистон Ғарб ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари билан мустаҳкам алоқалар боғлади. Милоддан аввалги VI асрда Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон аҳмонийлар тасарруфига ўтганидан сўнг, македониялик Искандар бу ўлкага юриш қилди. Шундан сўнг бу ўлка ҳақидаги маълумотлар оламга янада кенгрок тарқалди. Ҳиндистон юриши иштирокчиларининг асарлари, Салавк элчиси Мегасфен хотиралари, юнон муаллифлари Арриан, Страбон, Плиний китобларида бу мамлакат ҳақида турли – туман ва диққатга сазовор маълумотлар мавжуд. Шарқнинг машхур комусий олими ва дастлабки буюк ҳиндшунос Абу Райхон Беруний (XI аср) ҳинд халқининг урф-одати, турмуш тарзи, дини ва дунёқараши, мамлакат ижтимоий тузumi, тарихи, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси, барча илм-фан тараққиёти ҳақида «Ҳиндистон» номли нодир асарини яратди. Беруний Ҳиндистонда шахсан бўлиб, бу ўлкани ўз кўзи билан кўрган, ҳар томонлама чуқур ўрганган эди.

Ҳиндистоннинг қадимий тарихи ва маданиятини илмий жихатдан ўрганиш XVIII аср охиридан бошланди. Инглиз тарихчиси У. Жонс (1746-1791) илк бор санскрит тилидаги қадимий ҳинд адабий ёдгорликларини тадқиқ этишга киришди ва «Мону қонунлари» ни инглиз тилига таржима қилди. 1785 йилда эса Ч.Уилкинс кўхна Ҳиндистоннинг диний-фалсафий асари - «Бхагавадгита» ни инглиз тилида чоп эттирди. Аввало Англия, сўнг Ғарбий Европа мамлакатларида қадимги Ҳиндистон тарихига оид илк асарлар пайдо бўлди. Аммо уларнинг жиддий камчилиги шунда эдики, муаллифлар инглиз мустамлака маъмуриятининг вакиллари бўлиш, улар қадимий Ҳиндистоннинг талай ютуқлари Ғарбдан олинган, бутун Шарқ маданияти сингари ҳинд маданиятига ҳам қолоқлик ва турғунлик хос деб уқтиришга интилдилар. Ҳинд тарихчилари XIX асрдаёқ бундай ғайри илмий қарашлар ҳақиқатдан йироқ эканлигини исботладилар.

XIX асрнинг охириги чораги ва XX аср бошларида Ҳиндистонда археологик текширишлар бошланди. 20-30 йилларда ҳинд қадимшунослари Ҳинд воҳасидаги энг қадимий маданиятни кашф қилдилар. Ҳинд дарёси водийсидаги қазилмалар Ҳиндистон тарихи минг йиллар аввал бошланганлигини исботлади. Қадимги Ҳиндистоннинг бой маданияти орийлардан мерос эмас, балки улардан анча аввал ҳам мамлакатнинг туб аҳолиси юксак маданиятга эга бўлганлиги аниқланди.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб, айниқса сўнгги ўн йилларда дунё ҳиндшунослигида мамлакат ижтимоий-иқтисодий муаммоларини тадқиқ этишга эътибор кучайди. Тарихнависликда қадимги Ҳиндистондаги кулдорлик муносабатлари масалалари ёрита бошланди. Қадимги ҳинд маданиятини ўрганиш, адабиётини таржима қилиб нашр этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Ҳиндистон мустақилликка эришгач, унинг қадимги тарихини ўрганишда янги давр бошланди. Ҳинд тарихчилари ватан тарихига оид кўплаб йирик асарлар ёздилар, талайгина илмий ва адабий китобларни қадим санскритдан ҳозирги ҳинд тилига ўгириб нашр этдилар.

Таянч иборалар

Мегасфен, Беруний, У.Жонс, Ч.Уилкинс

Саволлар

- 1. Қадимги Ҳиндистон тарихи бўйича қайси антик муаллифлар номи сизга маълум?**
- 2. А.Р.Берунийнинг “Ҳиндистон” асари ҳақида нималар биласиз?**

2. Цивилизациянинг пайдо бўлиши. Хараппа маданияти

Хараппа маданиятига қадар айрим олимлар Ҳиндистонда маданият бошқа Шарқ мамлакатларидан кейин вужудга келган, бошқалари эса Ҳиндистонга маданиятни орий қабилалари олиб келган деган фикрда эдилар. Яна бир хил мутахассислар қадимги ҳинд маданияти Шарқнинг бошқа маданиятларидан орқада қолиб, улардан ажралиб қолган деган мулоҳазани илгари сурадилар.

XX асрнинг 20-йилларида Хараппа маданиятининг кашф этилиши ва уни тадқиқ этиш қадимги ҳинд цивилизациясининг бой бўлиб, юксак даражада тараққий этганини исботлайди. Хараппа маданиятини ўша Ҳинд водийси ёки протоҳинд цивилизацияси деб ҳам атайдилар. Ушбу маданият ёдгорликларини қазиб олиш ишлари ҳамон давом этмокда. Протоҳинд цивилизацияси муаммоларига бағишланган асарлар сони 1971 йилда 1500 дан ошиб кетди. Уни ўрганишнинг аввалги босқичи Хараппа ва Мохенжо-Даро ёдгорликларининг очилиши билан боғлиқ. 1856 йили инглиз археологи Монтгомери Канингах(ҳозирги Покистон, Саҳивал шаҳри) шаҳридан 27 км жануби-шарқда жойлашган Хараппа яқинидаги тепаликлардан номаълум ёзувли муҳр ва бир неча кремний пластинка лycopчaлар топди. Орадан бир қанча вақт ўтиб, 1921 йили ҳинд археологи Р.Б.Сахни Хараппа тепаликларида дастлабки қазилар ишларини бошлади. Ана шу йил фанда Хараппа цивилизациясининг очилиш йили деб эътироф этилди. 1923-1925 ва 1926-1934 йилларда бу ишларни олим М.С. Ватс давом эттирди. Хараппа маданияти кашф этилиши билан бир вақт, яъни 1922 йили бошқа ҳинд олими Р.Д.Банержи Шимолий Синднинг Ларкан шаҳри яқинидаги Мохенжо-Дарода дастлабки металл даври маданиятининг қолдиқларини топди. Мохенжо-Даро синдхи тилида «Ўликлар тепалиги» маъносини беради. Р.Д.Банержи 1922 йилдан 1927 йилгача, кейинги даврда эса М.С. Ватс ва К.Н.Дикшит бу ерда тадқиқотлар олиб бордилар. Ушбу материалларни чоп эттирган машҳур археолог Джон Маршалл қазилар ишларига раҳбарлик қилди. Ундан ташқари, тадқиқотларда ҳинд олими Н.Мажумдор ҳам иштирок этди.

Ҳиндистон ва Покистон мустақилликка эришганидан кейин Хараппа маданиятини ўрганишда янги босқич бошланди. Покистонлик археологлар бошқа ёдгорликларни ҳам ўргандилар. Шулардан 1955-1957 йилларда тадқиқотчи олим Ф.А.Хон Мохенжо-Дародан (Ҳинд дарёси воҳаси) 41 км наридаги Кот-Джида қазилма ишларини олиб борди. Биринчи бор Хараппа қатламларида Кот-Джи шаҳрининг айлана деворлари ва қўрғон қолдиқлари топилди. Худди шундай ҳолатда Амрида 1959-1961 йилларда француз археологлари қазилмалар олиб бордилар. Бу йилларда Хараппа маданиятига оид ёдгорликлар топилди. XX аср 70-йилларнинг ўрталарида америкалик В.А.Ферсервис экспедицияси Карачидан 40 км узоқликдаги Аллоҳдинода қазилмалар амалга оширди. Илк маротаба 2800 кв.м. майдонда турар жойлар аниқланиб, очилди.

Ҳинд археологлари томонидан ҳам муҳим кашфиётлар қилинди. Ҳозирги вақтга келиб юзлаб манзилгоҳлар харитага киритилиши мумкин. Қазилма ишлари кенг майдонда олиб борилди. Калибанган, Латхал, Рангпур, Хараппа маданиятини очиш ва ўрганиш фавқулотда муҳим илмий аҳамиятга эга. 4000 йил аввал бу ерда бутун дунё цивилизацияси Месопотамия ва қадимги Миср каби тараққий этган маданият ўчоқларидан қолишмайдиган ва баъзи жиҳатлари улардан устун бўлган маданият мавжуд эди. Шундай қилиб, Ҳиндистон Эрон, Ўрта Осиё, Марказий Осиё, Месопотамия, Миср каби цивилизацияси ривожланган ўлкалардан бири бўлган. Ҳинд водийсидаги қазилмалар мамлакатда ҳинд – орий қабилаларининг келишига қадар юзага келган ҳинд маданиятининг ўзига хос ва қадимийлигини кўрсатади. Бу билан цивилизацияни орийлар келиши билан боғлаган муаллифларнинг назарияси шубҳа остига олинади. Хараппа маданияти у даврга қадар мавжуд бўлганлигини исботлайдиган қатор далиллар бор.

Қадимшунослар мазкур маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бердилар. Жумладан, Хараппадан топилган муҳр, ёзув, безакли сопол идиш ва бошқа буюмлар сўзимизнинг ёрқин далилидир. Аввалги қишлоқ маданиятидан фарқли ўлароқ, Хараппа шаҳар маданиятига мансуб бўлган. Бу маданиятнинг Ҳинд дарёси водийсида вужудга келиши ҳам табиий ҳолдир. Жуғрофий шароит, азалий моддий маданият ва иқтисод, шаҳар мақомидаги масканлар, қосибчилик ва савдо марказлари пайдо бўлиши учун Ҳинд водийсида шароит етарли эди.

Рожастон Гхагра водийсида жойлашган Калибанган бир-бирига яқин, аммо алоҳида икки тепаликдаги қадимги турар жой манзилдан иборат бўлган. Шарқдаги баланд ва кенг, ғарбдаги иккинчиси эса бир мунча паст. Ғарбий тепаликдан қандайдир бинолар ҳаробалари кўтарилиб турган хом ғиштдан қурилган пойдевор топилди. Узоқ тадқиқотлар натижасида археологлар Калибанган Хараппа ва Махенжо-Дародан кейин учинчи пойтахт эканлигини аниқлашди. Қазилма ишлари асосида Хараппа даври қурилишлари қисман сақланиб қолган ғарбий тепаликларда Калибанган маданияти кашф қилинди. Бу маданиятда мис ва броза буюмлардан ташқари Хараппа қўрғони остида топилган буюмларга ўхшаш ва Кот-Джида қатламларидаги илк Хараппа сопол идишларини эслатадиган ашёлар мавжуд эди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Хараппа маданияти фақат бу шаҳар билан чегараланмай, анча кенг ҳудудга ёйилган эди. Масалан, у Ганг ва Ямупа (Жампа) дарёларига қадар ерларни эгалаган. Қишлоқ хўжалиги, қосибчилик, савдони ривожлантириш мақсадида Хараппа аҳолиси янги-янги ҳудудларни ўзлаштира борган.

Кейинги йиллардаги археолог кашфиётлар Хараппа маданиятига берилган нотўғри ва бир томонлама баҳони рад этиб, бу цивилизация тўсатдан пайдо бўлиб, чуқур илдизларига эга эмас деган фикрни пучга чиқарди.

Олимлар Хараппа цивилизацияси солномасига турли йўллар билан аниқлик киритишга интиломқдалар, чунончи топилган Хараппа Месопотамияга оид буюмлар орқали Шумер, Аккоднинг шарқ билан савдо алоқаларига доир маълумотларни солиштириш, чинни буюмларни спектрал, карбон ва кимёвий таҳлил қилиш усуллари қўлланилмоқда. Топилмаларнинг ёшини аниқлашда энг аввало меҳр-туморлар ёрдам беради. Мисол учун, бундай туморлар Хараппа ва икки дарё оралиғидаги қадимги шаҳар қазилмаларидан топилган. Ж.Маршалл Хараппа маданияти милоддан аввалги 3250-2750 йилларга тўғри келади деб фикр билдиради. Месопотамия муҳрларининг кўпи Саргон ҳукмронлиги – милоддан аввалги 2316-2261 йиллар ҳамда Исни милоддан аввалги 2017-1794 ва Ларса-милоддан аввалги 2025-1763 йиллар билан боғлиқ эканлиги маълум бўлади. Бу алоқалар Ҳиндистон ва Месопотамия ўртасида милоддан аввалги XXIV-XVIII асрларда юзага келган деган хулосага олиб келади. Олимлар замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида тадқиқот олиб борганда, қишлоқ ва шаҳарларнинг ёшини аниқлик билан ўлчаш имкони туғилди. Масалан, карбон таҳлили усули билан Кот-Дижиддаги илк Хараппа қишлоқларининг ёши аниқланди. Бу милоддан аввалги тахминан 3155-2590 ёки 2700-2600 йилларга тўғри келади. Тараққий этган Хараппа маданиятини Калибанганда милоддан аввалги 2165-1955 ва 2135-1925 ва Лотхалда милоддан аввалги 2120-1600 ва 2125-1895 йилларда ривож топган деб белгилайдилар. Хараппа маданиятининг Ҳинд водийсидаги асосий марказлари инқирозга юз тутганидан сўнг ҳам бошқа шаҳарлар гуллаб яшнайверган. Ҳинд олимларининг Панжоб ва Хараппадаги қазилма ишлари ҳам буни тасдиқлайди. Хараппада топилган муҳрлар милоддан аввалги уч мингинчи йил охири икки мингинчи йил бошларига тўғри келади деб тахмин этилади.

Хараппа маданияти аввалига фақат Ҳинд водийсида, кейин шимолдан жанубга ва ғарбдан шарққа томон бўлган улкан ҳудудда тарқалган. Хараппа маданияти ёдгорликлари ғарбда Суткагендордан (Макрон) шарқда Аламгирнургача (Утар Прадеш), шимолда Сивалик тоғларидан тортиб, жанубда Парбада ва Танти дарёсининг қуйилишгача мавжуд бўлганлиги маълум бўлди. Илк Ҳинд цивилизацияси ҳудуди у билан бир давирдаги Миср ва Месопотамия цивилизациялари майдонидан икки марта катта бўлган. Кўпчилик археологларнинг фикрича, кейинги қазилмалар Хараппа цивилизацияси майдонини янада кенгайтирди. Катҳиявар ярим оролидаги қазилмалар шуни кўрсатадики, аҳоли секин аста ерларни ўзлаштириб, жанубга томон силжиб борган. Археологлар Хараппа билан бирга Мохенжо-Даро шаҳри ҳаробаларини ҳам топдилар. Бу шаҳар қадимда 265 кв км майдонни эгаллаган.

Ўнлаб йиллар давомида археолог, тарихчи, тилшунос, этнограф олимлар Хараппа маданияти билан боғлиқ материалларни ўрганмоқдалар. Ҳозир ўша шаҳар-давлатлар кўриниши, уларнинг жойлашиши, аҳолининг ҳаёти, маиший турмушини тасаввур қилиш имконини берадиган кўплаб материаллар тўпланган. Бу цивилизация тараққиёти даражаси ҳақида олимлар қазилма натижалари асосида ҳукум чиқаради. Агар аввал Хараппа даври қазилмалар асосида Мохенжо-Даро ва Хараппа ўрганилган бўлса, ҳозир бу рўйхатни Калибанган, Лотхал Сурката, Чанху-

Даро ва Амри каби шаҳарлар билан давом эттириш мумкин. Улар қишлоқларга нисбатан яхши ривожланган.

Ҳар икки шаҳар –Мохенжо-Даро ва Хараппа Ҳинд водийсида, катта дарёлар қирғоғида жойлашган. Шимолроқ Ғарбий Панжобдаги Хараппа эса Ҳинднинг йирик ирмоқларидан бири Рави воҳасида жойлашган эди. Икки шаҳар лойиҳаси ўзаро ўхшаш бўлган. Шаҳар икки асосий қисмдан иборат: Археологлар фикрича 1) ҳокимият жойлашган қўрғон; ва 2) асосий турар – жой жойлашган қуйи шаҳар. Ҳозирда маълум бўлган 800 шаҳар ва қишлоқдан 15 тасида беш мингдан ортиқ аҳоли яшаган. Шаҳардаги қўрғонлар пойдевори ғиштдан қурилиб, Ҳинд водийсидаги сув тошқинидан шаҳарни сақлаган. У қуйи шаҳарга қараганда кичикроқ бўлган. Қўрғон қалин девор ва миноралар билан мустаҳкамланган. Хараппа қўрғони ёнидан қўшин ёки маросим қатнашчилари ўтадиган махсус йўл бўлган. Археологларнинг тахминича, шаҳарнинг икки қисми ўртасида алоқалар чекланган бўлиб, вақти- вақти билан қўрғонга йўл очилган.

Қуйи шаҳарда аниқ режа асосида мавзелар барпо этилган. Параллел кўчалар бошқа кўчалар билан тўғри бурчак остида кесишган. Катта кўчаларнинг эни 10 метрни ташкил этган. Турар жойлар, жамоат жойлари қурилишида ҳам мустаҳкам, намга чидамли пишиқ ғишт ишлатилган. Шунингдек, хом ғиштдан ҳам фойдаланилган. Ғишт урилганда лой қоришмаси, канализация қуришда гипс ишлатилган, бадавлат кишиларнинг уйлари 2-3 қават бўлиб, ўттизталаб хонадан иборат бўлган. Камбағаллар кулба ва чайлаларда кун кўрганлар. Улар бир хил лойиҳа бўйича қурилган. Одатда уйга йўлак орқали кирилиб, деразалар ҳовлига қараган. Уйларнинг томи ясси бўлиб, яшаш хоналардан ташқари рўзғор буюмлари сақлашадиган алоҳида ҳужра, қоровул ва хизматкорлар хонаси ҳам бўлган. Ошхонада махсус ўчоқ, дон-дун, ёғ солинадиган хум ва бошқа идишлар турган. Ҳинд қишлоқларида лой идишлар ишлатилган. Э.Маккейнинг ёзишича, уй деворларида тоқча, ёғоч сандиқ ва қутилар жойлашган. Нон тандирда ёпилган. Ҳовлида чорва моллари боқилган. Ҳар бир уйда ювиниш хонаси бўлиб, у қулайлик учун уйнинг кўча тарафига қурилган. Ювиниш хоналари кўчадаги канализация тармоғига уланган.

Ҳинд цивилизациясининг ютуқларидан бири шундаки, канализация тизимини шаҳар бошқармаси назорат қилган. Инглиз олими А.Бежемнинг фикрича, қадимда бирон цивилизация, ҳатто Рим давлати ҳам бундай водопровод тизимига эга бўлмаган. Хараппа ва Моҳенжо-Даро қўрғони яқинида археологлар бир хонали ишноатларни топдилар. Олимларнинг фикрича, бундай хоналарда уй хизматкорлари яшаган. Машҳур ҳинд олими, математик, астроном, тарихчи, археолог, антрополог Д.Косамби қадимги Ҳиндистонда шаҳар қурилишига катта баҳо бериб, шундай деб ёзади: “Тарихда бошқа бу қадар мураккаб ва такомиллашган шаҳар қурилиши тизимини учратмаймиз. Ҳатто Миср шаҳарлари ҳам меъморчилик жиҳатидан бунчалар етук эмас. Шумер, Акқод ва Бобилда ҳам ғишт бинолар бўлган, лекин бундай қурилишлар у ерда нисбатан кейинроқ бошланган”.

Ҳинд водийсининг қадимги шаҳарлари қурувчилик санаъти ривожланганидан далолат беради. Қадимги дунё ёки қадим Шарқнинг йирик шаҳарлари ва Хараппа ва Моҳенжо-Дарода қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган томорқа ерлари етарли бўлган. Шаҳарда асосан ҳукмдорлар яшаганлар. Аҳолининг бир қисми ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, юқори табақа эҳтиёжи учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқарган. Демак, жамиятда ўша вақтда озчиликнинг кўпчилик устидан

хукумронлиги асосида синфлар пайдо бўлган. Ж.Маршалл Ҳинд водийси цивилизациясини ўша давр Миср ва Месопотамия цивилизациясига таққослайди. Ж.Перу шундай деб ёзади: “Пахта фақат Ҳиндистонда етиштирилиб, 2–3 минг йил ўтганидан сўнг бошқа мамлакатларга тарқалган. Қадимда ҳатто Миср, Месопотамия ёки Ғарбий Осиёнинг бошқа мамлакатада ҳам Мохенжо-Дародаги каби уй жой ёки ҳаммомлар қура олмаганлар. Бу мамлакатда пул эҳромлар, мақбара ва шоҳона саройлар қуришга сарифланган. Оддий халқ эса тупроқ уйларда яшаган. Ҳинд водийсида аксинча, бинолар халққа қулайлик яратиш мақсадида қурилган”.

Аҳолининг кундалик ҳаёти. Ҳинд водийси Шарқдаги энг қадимги деҳқончилик марказларидан бири бўлиб, бу ерлик аҳолининг аксарият қисми деҳқончилик билан шуғулланган. Улар турли бошоқли ўсимликлар етиштирганлар. Топилмалардан маълум бўлишича, бу ерда 2 хил буғдой нави, арпа, нўхот, кунжут, пахта ва қовун экилган. Хараппа, Мохенжо-Даро ва Чанху-Дарода асосан буғдой ва арпа етиштирилган. Водий аҳолиси экинзорларни чархпалак ёрдамида суғорганлар.

Илк Хараппа ва Калибанганда олиб борилган изланишлар натижасида омоч билан ишланган далада, омоч қолдиқлари топилган. Хараппа аҳолисига омочлар аجدодларидан мерос сифатида қолган деб айтиш мумкин. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун махсус омборхона, дон ва суюқ маҳсулотлар сақлаш учун ясалган хумлар топилиши ерли аҳоли ҳаётида деҳқончилик асосий машғулот эканини кўрсатади. Дарё бўйи аҳолиси кўпроқ балиқчилик билан кун кечирган. Археологлар балиқ овлаш учун ишлатилган қармоқ ва тўрларни топганлар. Хараппа аҳолиси қорамол, қўй, эчки, чўчқа ва парранда ҳам боқиб, улар ҳатто филларни ҳам қўлга ўргатганлар. Хараппа маданияти бронза даврига тааллуқли бўлиб, мис билан бирга хўжалик ва қосибчиликда бронза ҳам ишлатилиб, кўп миқдорда болта, пичоқ ва найза топилган. Аҳоли металл эритиш ва қуйиш билан таниш бўлган. Металл таркибини ўрганиш туфайли шу маълум бўлдики, аҳоли мис ва маргимуш қоришмасидан кенг фойдаланган. Ўша даврда темир ҳали маълум эмас эди. Олтиндан зеб-зийнат, тақинчоқлар, кумушдан хўжаликда фойдаланиш учун турли идишлар тайёрланди. Бундан ташқари, хўжаликда тошдан ҳам фойдаланилган. Аҳоли орасида қимматбаҳо металллар билан бир қаторда суяк ва тошдан ясалган тақинчоқлар, узуклар кенг тарқалган.

Катта шаҳарлар ҳунармандчилик маркази ҳисобланиб, унда тикиш-бичишни билганлар. Кўпгина уйларда тикув асбоблари бўлган. Мохенжо-Дародан пахтадан тайёрланган мато топилган. Мато қолдиқлари Хараппа сополларида ҳам сақланиб, давримизгача етиб келган. Мутахассислар ўша давр ўймакор ҳунармандларининг меҳнатини юқори баҳоладилар. Сопол буюмлар катта ўчоқларда юқори ҳароратда пиширилган.

Хараппа, Калибанган каби шаҳарлардан топилган буюмлар бу ерда синфий табақаланиш мавжуд бўлганидан далолат беради. Қалъада ҳоким ҳамда бошқа ҳукмдорлар ва саройлари жойлашган. Жамоа омборлари ҳам уларнинг ихтиёрида бўлган. Кўп олимлар Хараппа сиёсий тузумини Месопотамияга қиёслаб, Ҳинд воҳасида ҳокимият қўшинлар қўлида бўлган деб ҳисоблайдилар. Хараппа марказларида ҳокимият республика идора усули шаклида бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Хараппа топилмалари бу ерда мулкӣ тенгсизлик ҳукм сурганлигини кўрсатади. Бадавлат кишилар, қосиб ва савдогарлар катта хонадонларда яшаганлар. Камбағаллар эса кичик-кичик кулбаларда кун кечирган. Шаҳар бойлари вафот

этганида чиройли буюм ва қимматбаҳо зеб-зийнатлар билан қўшиб кўмилган. Камбағалларнинг қабирлари ғарибона бўлган. Қуллар ғалла янчиш, ариқ қазиш каби оғир меҳнат билан машғул бўлганлар. Бу ҳол Хараппа жамиятида табақаланиш куртакланганидан далолат беради.

Савдо ва ташқи алоқалар. Хараппа шаҳарлари куруқлик ва денгиз йўли орқали олиб борилган савдо марказлари ролини ўтаган. Хараппага қимматбаҳо тошлар Ҳиндистон жанубидан келтирилган. Маҳаллий халқнинг Жанубий Туркменистон аҳолиси билан ҳам савдо-сотиқ ишлари олиб борганлиги Олтинтепадаги қазиш ишларидан маълум бўлди.

Водий аҳолиси Белужистон билан савдо алоқалари ўрнатган бўлиши керак. Саураштра ва Декандан бу ерга безак сифатида чиғаноқ ва баъзи тош турлари, Эрондан кумуш ва феруза келтирилган. М.Е.Массоннинг Олтинтепада олиб борган қазишмалари Хараппа цивилизацияси Марказий Осиё халқлари, Жанубий Ҳиндистон вилоятлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганидан далолат беради. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг натижалари Хараппа шаҳарларининг маданий ва савдо-сотиқ алоқалари миқёсини янада кенгайтирди. Ҳинд водийсидан Месопотамияга моллар денгиз ёки куруқлик йўллари орқали келтирилган. Шумерда ҳам Хараппа маданиятига оид моллар топилган. Қадимги Шумер битикларида Мелуха деб ном олган юртга фақат денгиз орқали бориш мумкин деган қайд сақланган. Олимлар фикрича, Мелуха Ҳинд водийсининг айнан ўзи. Ҳинд савдогарлари Месопотамияга асосан пахта келтирганлар. Олимлар топилмаларга таянган ҳолда Месопотамияни Ҳинд водийси билан боғлаб туришда Баҳрайн муҳим нукталардан бири бўлган деган хулосага келдилар. Лотхал қазишмалари чоғида бир неча портлар топилди. Бу Хараппа аҳолиси денгиз йўллариغا интилганидан далолат беради. Археологлар бу ерлардан кемасозлик анжомларини топдилар. Кема тасвирлари Мохенжо-Даро ва Хараппа муҳрларида ҳам учраб туради. Қадимги ҳинд савдогаелари мамлакатдан нима олиб чиққанлар деган ўринли савол туғилди. Улар мисдан ташқари фил суяги, маймун, товус ва марварид билан савдо қилганлар. Месопотамияга кичик-кичик ҳинд қишлоқлари бўлган деган фараз ҳам мавжуд.

Тил ва ёзув. Ҳинд водийсида ёзув мавжудлиги у ерда маданият юқори даражага кўтарилганидан далолат беради. У ерда ҳозирги кунгача топилган манбалар сони икки мингдан ортиб кетади. Улар 400 дан ортиқ белгини ўз ичига олади. Бу ёзувлар тўрт қиррали муҳрлар билан биргаликда сопол, бронза пичоқ ва мисс ликобчалар, фил суягидан ясалган буюмларга туширилган. Муҳрларда асосан ҳайвонлар тасвирланган. Шунингдек уларда ўн ёки ундан кўпроқ белги билан битилган ёзувлар мавжуд бўлган. Олимлар фикрича, бу ёзувлар фонетик белгилар, айримлари эса идиограммалардан (бирон маънони билдирадиган шартли белги) иборат. Ёзув ўнгдан чапга қарата ёзилган. Ёзувлар тилини Т.Барроу, М.Б.Эмено каби тадқиқотчилар дравид тиллари гуруҳига мансуб деб фикр билдирганлар. Мана, бир неча ўн йилдан бери, олимлар Хараппа ёзувлари устида тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Унга бўлган қизиқиш XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ортиб борди. Бу ёзувларнинг шумер, этруск ёзувларига яқинлиги ҳақида фикрлар билдирилди. Уларни ўқиш учун аввал уларнинг тилини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллий аҳоли эътиқоди. Археологик материаллар, муҳрлардаги тасвирлар орқали Хараппа маданияти аҳлининг динга бўлган муносабати, эътиқоди ҳақида

маълумот олиш мумкин. Баъзи олимлар Мохенжо-Дародан топилган катта бинони эҳром деб ҳисоблайдилар. Бу бинога пишиқ гиштли ҳовуз уланиб кетган. Кўплаб аёл хайкаллари маҳаллий халқ она-маъбудага сиғинганидан далолат беради. Тадқиқотчи олим А.Бэшем хулосасига кўра, хараппаликлар турмуш тарзи, урф-одатлари, расм-русмлари кейинроқ ҳиндуизм динида ўз акс этди. Масалан, лойдан ясалган она сиймоси Хараппа маданиятидан сўнг минг йил ўтгач пайдо бўлди.

Бу маъбуда халқ сиғинадиган энг улуғ сиймо бўлган. Юқори табақа вакиллари эса бошқа бир худога эътиқод қилганлар. Бу худо ҳам ҳиндуизмда ўз аксини топган. Археологлар томонидан унинг бир неча ҳайкали топилган. У соч ва соқоли ўсиқ, кўллари пастга тушириб турган эркак кўринишида. Бундай хайкаллар кўплаб топилгани ва бир-бирига ўхшашлиги билан ўша давр одамлари уларга сиғинган деган фикр уйғотади. Хараппа маданиятининг санамларидан яна бири муҳрга туширилган шохдор маъбуда сиймоси. Муҳрларда у қуйдагича акс эттирилган: ўтирган ҳолда оёқлари танасига тегиб туради, яланғоч, сочи орасидан икки шохи кўриниб турибди. Шохи орасида эса дарахт ўсади. Энг катта муҳрда унинг атрофини тўрт ҳайвон: фил, йўлбарс, каркидон ва хўкиз ўраб олган. Тагида эса иккита кийик тасвири. Ж.Маршалл тахминига кўра, бу Шиванинг илк рамзи. Шубҳасиз шохдор маъбуда Шива билан кўп жиҳатдан ўхшаш. У ҳосилдорлик маъбудаси Пашупати деб ном олган. Тарихий ҳужжатлардан маълум бўлишича, одамлар оловга, сувга, хатто дарахт ва тошга ҳам сиғинганлар.

Хараппа маданиятининг сиёсий ва ижтимоий тизими ҳали етарли даражада ёритилмаган. Яқин-яқингача олимлар орасида бу даврда давлат тизими шаклланиб улгурмаган деган фикр ҳукмрон эди. Хараппа, Калибанган ва Мохенжо-Дарода олиб борилган қазилар ишларидан маълум бўлишича, ана шу даврда ижтимоий табақаланиш вужудга келиб, жамиятда синфлар пайдо бўлган.

Академик В.В Струве Э.Маккейнинг китобига ёзган сўзбошисида Хараппа маданияти кулдорликка асосланган, унинг сиёсий тузуми эса Шумер сиёсий тузумига яқин деб таъриф беради. Худди шу фикрни бошқа олимлар ҳам тасдиқлайдилар. Ёзма далилий ашёлар бўлмаганлиги сабабли, бу фикрларнинг биронтасини биз тўғри ё нотўғри деб айта олмаймиз. Хараппада табақаланиш юз берган деб фараз қилиш мумкин, холос. Шаҳарнинг гуллаб яшнагани, йирик бозорлар, сунъий сув ҳавзалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари сақлайдиган катта омборларнинг мавжуд бўлганлиги марказлашган ҳокимият тизимидан далолат беради.

Хараппа маданияти инқирози. Янги археологик материаллар Хараппа маданиятининг сўнги даврини кўз олдимизда гавдалантиради. Бу вақтга келиб ички инқироз натижасида бир қанча марказлар ҳаёти сўна бошлади. Бу жараён ҳамма ерда бир хилда кечмай, узоқ вақт давом этди. Аввалига инқироз сабаблари босқинчи қабилалар босқини деб қаралган бўлса, янги маълумотлар бу мулоҳаза нотўғрилигини кўрсатди. Солнома маълумотларига кўра инқироз милоддан аввалги XIX-XVIII асрларда бошланган. Ҳинд археологларининг Лотхалдаги қазилар ишлари салмоқли натижа берди. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, бу ерда инқироз милоддан аввалги XX-XIX асрларда бошланган. Ҳинд археологи С.Ю. Раонинг фикрича, айнан шу даврда Лотхалда юз берган икки сув тошқини жуда катта талафотларга олиб келган. Тадқиқотчилар аниқлашича, Мохенжо-Даро ер зилзиласи туфайли ҳалокатга юз тутган. Баъзи олимлар эса шаҳар ҳам сув тошқини оқибатида вайрон бўлган деб фикр билдирадилар. Р.Л.Рейкс амалга оширган

гидрологик экспедиция ҳалокат Ҳинд дарёси сувлари кўтарилиши, ҳамда zilзила натижасида рўй берганлигини аниқлади. Лекин бу фикрга баъзи олимлар қарши чиқади. Хараппа маданиятининг ички инқироzi сабабларини ҳали ўрганиш талаб этилади. Ҳозир бунга ҳинд-орий қабилалари босқини сабаб деган фикр қайта кўриб чиқилиши лозим.

Хараппа маданияти Ҳиндистон ва унга кўшни мамлакатларнинг кейинги тарихига катта таъсир кўрсатди. Унинг таъсирида Ҳиндистон бўйлаб кулолчилик ва темирчилик кенг қулоч ёйди. Марказий Ҳиндистонда эса милоддан аввалги иккинчи минг йилликда чорвачилик кенг ривож топди.

Таянч иборалар

Хараппа маданияти солномаси, “Ўликлар тепалиги”, Мелуха, идиограмма, дравид тиллари гурухи, Пашупати.

Саволлар

- 1. Хараппа маданиятининг кашф этилиши.**
- 2. Ушбу маданиятнинг тарихий аҳамияти.**

3. Марказий ва Шарқий Ҳиндистон

Ҳинд-орийлар ва Ганг водийси маданияти. Кўп йиллардан буён орийларнинг Ҳиндистонга келган вақти, сабаби ва қайси йўллар орқали келганлиги хиндшунослар диққатини ўзига тортиб келмоқда. Айрим олимлар тараққий этган орийлар қолоқ маҳаллий қабилаларни ўзига бўйсундириб, улар Ҳиндистонга юксак маданият олиб киришди деб ҳисоблайдилар. Улар орийларни маҳаллий халқлардан юқори қўйиб, маҳаллий халқ тараққиётга мустақил тарзда эришганини инкор этадилар. Мазкур назарияга кўра, синфий жамият Ҳиндистонга орийлар кирганидан сўнг пайдо бўлган.

Ўн йиллар давомида ўзи билан «асл эътиқод» келтирган, оқтанли ва кўк кўз, баланд бўйли орийлар босқини ҳақидаги бу «назария» қадимий Ҳиндистон сирларини очадиган олтин калит ролини ўйнаб келди. Қулдорлик қай тарзда вужудга келди? Мамлакатга орийлар бостириб кириб, маҳаллий халқни ўзларига бўйсундирдилар. Давлат қандай пайдо бўлди? Уни орийлар маҳаллий аҳолига қарши муваффақиятли курашиш учун барпо этдилар. Касталар қай йўсинда таркиб топди? Буни орийлар зулмат ва жаҳолатга ботган маҳаллий халқ билан қоришиб кетмаслик мақсадида ўйлаб топганлар. Ҳинд маданиятининг манбалари қаерда? Улар мамлакатнинг кейинги тарихи давомида гўё тараққиёт асоси бўлиб қолган орийлар руҳида деб уқтирмоқчи бўладилар.

Ҳинд олими Д.Косамби ўз тадқиқотида «Ҳинд маданиятининг ҳар қандай юксак даражага эришиши – орийлар хизмати, бу нацистлар режими вақтида кенг тарғиб қилинган «орийлар тушунчаси»га янада кўпроқ чалкашликлар киритди» деб айтади.

Ҳинд водийсида тараққий этган цивилизация мавжуд бўлганининг кашф этилиши кўпчилик олимларни ўз қарашларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. Орийлар муаммоси бўйича батафсил адабиётлар яратилган ва тарихчи, тилшунос, археолог, этнограф, антрополог каби турли соҳа олимлари бу муаммо билан шуғулланиб келмоқдалар. «Орийлар муаммоси»га турли хил нуқтаи назар билан қараган олимларнинг фикрича фақат битта нарсa ўхшаш. Яъни, милоддан аввалги

2000 йилларда Шимолий Ҳиндистонда ҳинд-орий тиллари тарқалиб, уларда сўзлашувчилар ўзини орийлар деб атаганлар.

«Орий» сўзи олимлар фикрича, қадимги эронлик ва қадимги ҳинд қабилаларининг номланишини англатади. Қадимги матнларни ўқиш асосида веда даврида «арья» сўзи «келгинди», «бошқа ерлик» маъноларини билдириши аниқланди. «Хўжайин», «аслзода» деган сўзлар қадимги Ҳиндистон ва Эроннинг кўпгина ёдгорликларида учрайди.

“Орий” сўзи ҳозирги Эрон давлатининг номи билан боғлиқ. «Эрон» «арьяна» сўздан келиб чиққан бўлиб, «Орийлар мамлакати» маъносини билдиради. Қадимги ҳинд манбаларида чегаралари турлича кўрсатилган орийларнинг муққадас юрти Аръяварта ҳақида зикр қилинади. Улар тилининг яқинлиги ҳам Эрон ва ҳинд-орий қабилалари аجدодларининг кенг уруғчилик алоқалари ёки бирлигини кўрсатади. Ўрганиш ва қиёслаш қадимда бу тилларнинг грамматик тузилиши ва асосий луғат бойлиги умумий бўлганидан далолат беради. Масалан, «сув» қадимги эрон ва ҳинд тилларида «ап» деб аталган. Ер «буми»-«бхуми», «шамол» ҳар икки тилда «вата» деб юритилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундан ташқари қадимги Эрон ва Веда динини қиёслаш қадимги Эрон ва ҳинд-орий аجدодларининг диний тушунчалари ўхшаш бўлганлигини кўрсатади. Шунингдек, урф-одатлар, оловга эътикод қилиш, муқаддас ҳинд «сома» си (ичкилиги), Эрон «хаума»си ҳам бир бирига ўхшашдир.

Қадимги ҳиндлар ва эронликлар улуғлаган ва ўзларининг диний ва эпик асарларида мадҳ этилган кўпгина маъбуда қаҳрамонларнинг исмлари ҳам мос келади. Масалан, ҳар иккала қабилда асосий маъбуда Митра бўлиб, шамол ҳамда уруш маъбуди Вайу маълум эди. Диний ва адабий анъаналарда ҳам тидқиқотчилар аксар ўзаро мувофиқ афсона ва эпик ҳикоя сюжетларини аниқлаганлар.

Қиёсий маълумотлардан маълум бўлишича, Эрон ва ҳинд-орий қабилалар аجدодларининг турмуш тарзи бир хил, яъни ўтроқ ёки ярим ўтроқ бўлган. Уларнинг асосий машғулотлари деҳқончилик эди. Қадимги ҳинд-орий ва эронийлар учун умумий бўлган деҳқончилик ҳамда чорвачлик бўлган асбоблари, маданий ўсимликлар, уй ҳайвонлари, металл ҳамда жанговар арава номларини англатувчи сўзлар маълум.

Орийлар асл ватани ва уларнинг тарқалиши. Қадимги ҳинд-орийлар ва эронийлар тили бирмунча ўхшаш бўлгани, улар дастлаб ягона ўлкада яшаганлиги ҳақидаги фаразлар юзага келтиради.

Тилшунослик ва бошқа фанларни қиёслаб кўрсатишича, қадимги ҳиндлар ва эронийлар қўшни бўлиб, ҳинд-орий бирлигини ташкил этганлар. Масалан, бу халқлар тили ва қадимий ёзма асарлари («Авесто», «Веда») ўзаро яқинлиги, диний ва ижтимоий жараёнлар ўхшашлиги фикримиз далили бўла олади.

Ҳинд-орий қабилалари аجدодлари аввало Марказий Осиё ва унга қўшни ўлкаларда яшаган деган фикр кенг тарқалган фаразлардан биридир. Бу ҳудудда яшаганларнинг бир қисми Ҳиндистонга, қолганлари эса Олд Осиёга кўчиб ўтганлар. Улар маданиятининг излари тахминан милoddан аввалги II минг йиллик ўрталарига бориб тақалади. Ундан сўнг Мидия форсларининг аجدодлари бўлган эроний қабилалар Ғарбий Эрон томон силжиб борганлар.

Бошқа фикр тарафдорлари ҳинд-орийларнинг асл ватани жанубий рус даштларида деб айтадилар. Ҳинд-орийлар бу ерлардан Кавказ орқали Ҳиндистон ва Эрон томон кўчиб борганлар. Баъзи олимлар орийлар Ҳиндистонга ҳар иккала йўл,

яъни Кавказ ва Марказий Осиё орқали келган бўлиши мумкин деб тахмин қиладилар.

Ҳар йили Марказий Осиёда археологлар қўлга киритган материаллар бойиб бормокда. Қазилар ишлари ва янги топишлар Марказий Осиёда бронза даври ҳамда Марказий Осиёнинг Хараппадан кейинги маданияти ўртасидаги ўзаро алоқаларидан гувоҳлик беради.

Орий қабилаларининг жойлашиши давомли ва мураккаб жараён бўлиб, олимлар таъкидлашича, у бир неча асрга чўзилган. Веда матнлари ва археологик материаллари ҳинд-орий қабилаларининг умумий миқёсда шарққа ҳаракати ва Ганг водийсини ўзлаштиришини кузатиш имконини беради. Ўша даврда ҳам маҳаллий қабилалар билан ҳарбий тўқнашувлар, орий қабилаларининг ичида ҳам ўзаро низолар бўлиб турган.

Олимлар олдида орийлар дастлаб Ҳиндистоннинг қайси вилоятларида пайдо бўлганлигини аниқлаш каби яна бир мураккаб масала турибди. Бизгача етиб келган энг қадимий ёдгорлик – Ригведа милоддан аввалги II минг йиллик охирига мансуб деб топишган. Лекин бу асарнинг яхлит тўплам сифатида йиғилиши жараёни анча вақтни талаб қилган. Демак Ригведа муаллифларининг, яъни ҳинд-орийларнинг кириб келиши анча олдин, тахминан милоддан аввалги XIII-XII асрларда бўй берган. Шу билан бирга, олимлар ҳинд-орий қабила гуруҳининг Ҳиндистонга бу ерда Ригведа асосчиларининг пайдо бўлишидан аввал келган бўлиши мумкинлигини ҳам инкор қилмайдилар.

Охириги пайтда ҳинд-орийлар билан веда даврининг муайян археологик маданиятини ўзаро боғлаш имконини берадиган муҳим археологик материаллар топишди. Бу тадқиқотлардан маълум бўлишича, Панжоб, Жамна ва Ганганинг юқори қисмлари, бу дарё водийлари, Оллоҳобод ҳамда шимоли-шарқий Ражастон ўлкаларида кулранг наққошлик маданияти тарқалган. Олимлар унинг ривожланиш тарихини икки қисмга бўладилар. Биринчиси кўпроқ шимолий ўлкаларда милоддан аввалги XI асрга қадар давом этган, иккинчиси Харианадан жанубда ва шимоли-шарқий Панжобда милоддан аввалги 1000-500 йилларгача тарқалган. Олимларнинг сўнгги кашфиётлари Хараппа қишлоқларининг кулранг наққошлик сопол маданияти билан бевосита алоқада бўлганлигини кўрсатади. Бу топишлар сўнгги хараппаликлар бу маданият асосчилари билан мулоқотда бўлиш билан чекланмай, балки ўзаро узоқ давр ҳамкорлик қилишганлиги ҳақидадалолат беради.

Қадим ўрмонзорлар орасида яшаш жуда қийин бўлган. Ҳинд-орийлар ўрмонларни тозалаш ер очишга мажбур эдилар. Улар турли ҳудудларга бир меъёрга тарқалмаганлар. Баъзи ўлкаларда улар маҳаллий қабилалар қаршилигига деярли дуч келмай, янги ерларни эгаллаб, зудлик билан жануб ва шарққа томон кириб борганлар. Бошқа жойларда ҳинд-орий қабилалари қаттиқ қаршиликка учраганлар ва янги ҳудуд ва маҳаллий қабилаларни куч билан бўйсундирганлар.

Ҳинд-орийларнинг Ҳиндистонда маҳаллий аҳоли билан ассимиляциялашуви ва шарққа силжиши тезроқ кечган. Ҳинд-орийларнинг Шимолий Ҳиндистон ва кейинроқ жанубий вилоятлар бўйлаб кенг ёйилиши веда қабилаларининг ижтимоий ва сиёсий тизимлари тараққий этиши туфайли бўй берган. Бу ҳол веда матнларида ўз аксини топган.

Ҳинд-орийларнинг маҳаллий қабилалар билан ўзаро алоқаларига оид маълумотлар тилшунослик фани орқали ҳам ўз исботини топади. Ригведада дравит ва мунда тилларидан келиб чиққан бир қанча сўзлар учрайди. Сўнгги веда

матнларида эса бошқа тиллардан кириб келган сўзлар сони кўпайган. Масалан, Санскритда, маҳаллий ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига оид бўлмаган сўзлар кўп учрайди. Бундан ташқари тилга оид маълумотлар маҳаллий қабилаларнинг диний қарашлари ҳинд-орийларга таъсир ўзказганидан далолат беради. Аста-секинлик билан ўзида ҳинд-орий ва маҳаллий қабила ютуқларини мужассамлаштирган ва Шимолий ҳамда Шарқий Ҳиндистоннинг аксарият аҳолиси учун умумий бўлиб қолган янги маданият вужудга келади. Кўплаб текширишлар, археология, лингвистика, адабий ва диний ёдгорликлар маълумотларини қиёслаш оқибатида олимлар уни фақат орийлар маданияти, яъни келгинди маданият сифатида ўрганиш нотўғри деган хулосага келдилар. У милоддан аввалги I минг йилликка доир ҳиндлар маданиятини ташкил этади. Милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида Ганг водийсининг ўзлаштирилиши ва шимолий Ҳиндистонда ҳинд-орийларнинг келиб жойлашиши жараёни яқунланади. Веда даврининг тугаши ва Магатха-муарийлар даври бошланишини айна шу вақтдан деб белгилаш мумкин.

Веда қабилаларининг асосий машғулоти деҳқончилик ва чорвачилик бўлган. Ерга ишлов бериш ривож топиши ва аҳолининг ўтроқ ҳаёт тарзига ўтиши учун ишлаб чиқариш соҳаларида темирдан фойдаланиш туртки берди. Археологик қазилар ишлари натижасига кўра, темир милоддан аввалги X асрда ҳам Шимолий Ҳиндистонда маълум бўлган, аммо кенг кўламда у кейинроқ тарқалди.

Темир қуруллар ёрдамида Ганг водийси ўрмонзорларини ўзлаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сунъий суғориш ишлари енгиллашди. Темир ҳунармандчилик тараққиётини илгари етаклади. Ерни ёғоч омон билан ҳайдаб, аммо ҳосил ўроқ билан йиғиб олинар эди. Кўп ўтмай, ёғоч омон ўрнини темир тишли мода эгаллади. Бу эса тошлоқ ерларга ишлов беришда анча қўл келди. Ерга ишлов бериш хили кўп бўлган, жумладан, ер ҳайдаш, экиш, ҳосил кўтариш, дон-дун янчиш ва ҳ.к. Ригведада суғориш учун чархпалаклар, шу мақсадда махсус қурилган каналлар ҳақида маълумот келтирилади.

Веда даври аҳолиси бошқоқли экинлар, шу жумладан арпа, гуруч, дуккакли экинлар (ловия, нўхат ва ҳ.к.) ҳам етиштирган. Ҳинд-орийларга гуруч маълум бўлмай, уни ўстириш сирларини улар маҳаллий халқдан ўргандилар.

Веда қабилалари ҳаётида деҳқончилик билан бирга чорвачилик катта аҳамият касб этган. Бойлик асосан чорва бошига кўра ўлчанган. Хастинапур шаҳри вайроналаридан йирик қорамол суяклари топилган.

Аҳоли ҳаракатланишда ҳўкиз ёки от қўшилган аравалардан фойдаланган. Веда қабилалари кичикроқ, лекин мустақкам кўрғонларда яшаганлар. Ригведада номи тилга олинган шаҳар-пуралар қишлоқ марказлари ва лойдан солинган турар жойлардан иборат бўлган.

Ганг водийси шаҳарлари ҳунармандчилик тараққий этиши билан бирга ўсди. Ҳунармандлар орасида темирчи, дурадгор, тўқувчи, заргар ва қурулсозлар кўпчиликти ташкил қиларди. Деҳқончилик асбоблари ва қурул-аслаҳа ясовчилар, қурувчилар, темирчи ва дурадгорлар айниқса алоҳида ҳурматга сазовор бўлган. Бу даврда қабилалар ўртасида ички ҳамда ташқи савдо тараққий этган. Ташқи савдо денгиз орқали ҳам олиб борилган деган фараз мавжуд. Масалан, Ригведа мадҳияларида юз эшакли океан кемалари, океан тубидаги қимматбаҳо ашёлар тўғрисида гап боради. Шунингдек, катта дарёларда ҳам кемалар катнаган.

Мулкий ва ижтимоий тенсизлик. Ведалар жамиятида мулкий тенсизлик бўлган. Катта чорва эгаси бўлган бадавлат шахслар билан бирга камбағаллар кўп

эди. Чорванинг кимга тегишлилигини билдириш мақсадида унга тамға босишган. Ўзига тўқ одамлар катта-катта хайр–эҳсон қилар, оддий фуқаролар эса озроқ садақа бериш билан кифояланардилар. Ишловга яроқли ерлар хусусий кишиларга берилар, бу ўз навбатида мулкӣ ва ижтимоӣ тенсизликка олиб келарди. Айрим одамлар ва қабилалар ўртасида ерга ворислик хусусида можаролар келиб чиққан. Жамоанинг айрим аъзолари аста-секин бойиб, имтиёзли кишиларга айланганлар.

Мулкӣ ва ижтимоӣ тенсизликнинг ёрқин ифодаси кулдорнинг пайдо бўлиши эди. Энг аввало ҳарбий асирлар (“даса”) кулга айлантирилди. Илгарилари душманлар «дасю» ёки «даса» деб аталган. Кейинчалик жамоанинг озод аъзолари ҳам куллик асоратига туша бошладилар. Ригведа давридаги кулдорлик кулдорликнинг дастлабки кўринишларидан эди. Чунки веда жамияти уруғ-қабилачилик даражасида бўлган.

Сиёсий тизим. Илк веда даври уруғ-қабилачилик босқичини бошидан кечирган бўлса, унинг сўнгги даврида синфий жамият ва давлат пайдо бўлди. Веда қабилалари гана, яъни уруғ қабила жамоаси, сўнг синфий тусга эга бўлган уюшма тарзида умр кечирганлар. Ригведа мадҳияларида бир вақтлар ҳинд-орийлар ягона ва жипс жамоа бўлиб яшаб, биргаликда меҳнат қилганлари, худо йўлида хайру-эҳсон берганлари тўғрисида ривоятлар бор. Ганаларни ганапати бошқарган. Гана йиғинларида аёллар иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмаганлар. Уларнинг умуман бирон бир сиёсий ҳуқуқлари йўқ эди. Ички идора ишлари қабила жамоаларининг тенг ҳуқуқли аъзолари йиғини – видадха, сабха ёки самитида ҳал этилган.

Видатха энг кўҳна тизимлардан бири бўлиб, қабила оқсоқоллари йиғилиши бўлиб, самитидан фарқли ўлароқ, унда асосан сиёсий ишлар кўрилган. Самитида сабҳадан кўра кўпроқ одам иштирок этганлиги хусусида фаразлар бор.

Жамият катта патриархал оилалардан ташкил топган. Уруғчилик алоқалари ҳали кучли ва ҳаётнинг барча жабҳаларида уруғ (готра) нинг таъсири сезилиб турарди. Қишлоқ (грамма) ҳам бошқарув тизимига эга бўлган. Аста-секин қабила жамоалари табақаларга бўлиниб, қабила бошлиқлари қабила ҳокимларига айланадилар. Илк веда матнларига кўра, аввал ҳоким – рожа томонидан сайланган. Ҳокимнинг асосий вазифаси ҳалқни ҳимоя қилиш эди. Давлатнинг пайдо бўлиши давомли жараён бўлганлиги сабабли, эски сиёсий тизим қолдиқлари анча давргача сақланиб қолган.

Ҳоким тайинланишида сабха ва самита ҳали ҳам муҳим ўрин тутган. Аста-секин улар қабила йиғинидан подишонинг яқинлари, зодагонлар мажлисига айланди. Подшо ҳокимияти кучайган сари сабха билан самитанинг роли камая борди. Давлат ҳокимияти тизимлари, доимий давлат лавозимлари пайдо бўлди. Халққа солиқ солинди. Илгари қабила бошлиғи ҳоҳишига қараб бериладиган совға-ҳадялар ёки худоларга аталган қурбонликлар энди подшо амалдорларига мажбуран тўланадиган солиқ-бож тусини олди. Қабила аскарлари эса аста-секин сена ёки сенанати раҳбарлигидаги мунтазам кўшинга айланди. Уруш чоғи подшо ва аскарлар (кашатри) енгил аравада, эркин жамоа аъзолари эса пиёда жанг қилар эдилар.

Ведалар даврида подшо муқаддас ҳисобланиб ва унинг шахси илоҳийлаштирилганлиги сабабли, уни сайлаш маросимига (ражасуя) алоҳида эътибор берилган. Подшо коҳини (мурохита) тобора муҳим аҳамият касб эта борди. У бир вақтнинг ўзида подшонинг мунажжими ва маслаҳатчиси ҳисобланган. Аста-секин ҳукмдор сайлаш тизими ўрнига ворис тайинлаш йўлига ўтилди. Бунда ҳокимият отадан ўғилга қолар эди. Шундай қилиб, илк ведалар даврида ганалардан

давлат тузуми вужудга келди ва шароитга кўра бу давлатлар монархия ёки республика шаклини олди.

Варналарнинг юзага келиши. Каста-табақа тузуми. Кастанинг айрим аломатлари ва каста тузумининг баъзи кўринишлари кўплаб халқларда учрайди. Ҳиндистон каста тизимини ўзида мужассам этган. «Каста» ибораси португал тилида «уруғ», «қавм», «сифат» маъносини англатади. Бу сўз XVI асрда португаллар Ҳиндистонга кириб келиб, мамлакат ижтимоий тизими билан танишганларидан сўнг Европа тилларида ҳам тарқалди. Каста тизимини фақат Ҳиндистон учун хос деб айтилади. Бунинг сабаби, каста тузуми айнан Ҳиндистонда кенг ривожланиб, узок вақт мобайнида сақланиб қолган. Ҳинд жамиятининг бир-бирларидан ажралган гуруҳлари шу ном билан номлана бошлади. Ҳиндистондаги бу тоифа одамлари «жати» санскрит атамаси билан ифодаланган.

Қадимги ҳинд жамиятида жати билан бир вақтда синфий жамият вужудга келишидан аввал, сўнг синфий жамиятда қонунлашган ва мукамал қадимий тизим—варна, яъни табақалар пайдо бўлди. Аста-секин варналар (брахман, кшатрий, вайший, шудралар) бир-биридан бўлак гуруҳларга ажралдилар. Улар шакл жиҳатидан касталарга ўхшаб кетса ҳам, аслида каста билан варна ўзаро тубдан фарқ қилади. Каста — бу қадимги Ҳиндистон аҳолисининг меҳнат тури, ҳунари ёки ихтисоси бўйича ажралиши, варна эса-ўша жамият вакиллариининг тўрт табақага бўлинишидир. Ҳар бир каста кишилари бошқа касталардан айри, алоҳида-алоҳида яшаган. Улар ўртасида ҳар қандай муносабатлар ёки ўзаро мулоқот қилиш буткул тақиқланган. Бир каста билан иккинчи каста орасида қариндошлик алоқалари ўрнатиш ҳам қатъиян ман қилинган.

Варна сўзининг асосий маъноси - «тур», «ранг», «сифат», «даража». Бу сўз қадимги Ҳиндистонда ана шу сўнгги маъносида кўпроқ ишлатилган. Инглиз олими Бешем, ҳар бир варна муайян ранга тўғри келиб: брахман-оқ, кшатрий-қизил, вайший-сарик ва шудра-қора рангни билдирар экан, деган хулосага келди.

Веда ривоятларида тўрт варна дастлабки одам-Пурушадан келиб чиққан дейилади. “Пурушасакта” мадҳиясида ҳикоя қилинишича, брахманлар Пурушанинг оғзидан, кшатрийлар кўлидан, вайшилар сонидан, шудралар оёғидан пайдо бўлган эмиш. Олимлар варналар келиб чиқишини ибтидоий жамоа тузумининг инқироzi билан боғлашади.

Шудралар табақасининг вужудга келиши бир мунча мураккаб жараён. Бунга икки нарса: иқтисодий мустақилликдан маҳрум бўлган фуқаролар ва орийлар жамоасидан бадарға қилинган аъзоларнинг кўпайиши сабаб бўлди. Ушбу шахслар тўртинчи варнани ташкил қилдилар. Аммо варна фақат қабиладошлар эмас, балки бегоналар ҳисобига ҳам кўпайди. Тўртта варна тузуми бир вақтнинг ўзида шимолий Ҳиндистоннинг кўп ерида ривожланиб борди.

Қадимги халқларда жамиятнинг баъзи аъзоларининг бошқаларидан устунлиги олийнасаблик кўрсаткичи деб қабул қилиниб, диний қобиқ билан ўралган. Брахманлар энг олий варна ҳисобланган. Фақат улар диний маросимлар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Сарой коҳини-мурохита давлат бошлиғига таъсир ўтказа олган.

Кшатрийлар брахманларга нисбатан қуйи табақа вакили бўлишига қарамай, уларнинг жамиятдаги мавқеи баланд эди. Давлат, ҳарбий куч, моддий бойликлар асосан кшатрийлар кўлида бўлган. Брахманлар адабиётида бундай зодагонларни турлича: рожа, рожапутра каби номлаганлар.

Жамиятнинг асосий қисмини вайшийлар, яъни чорвадор ва деҳқонлар ташкил қилган. Улар брахман ва кшатрийларни моддий бойликлар билан таъминлаб туришган. Улар солиқ тўловчи тоифа вакиллари бўлишига қарамай, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиб, ерга эгалик қилиш ҳуқуқига эга эдилар. Улар давлат аппаратида муҳим роль ўйнар, шу билан бирга пиёда аскарларнинг асосий қисмини ташкил қилардилар. Вайшийлар ведалар даврида катта обрўга эга бўлиб, аммо ўша вақтдаёқ улар орасида мулкий бўлиниш кузатилган.

Дастлабки уч варна вакиллари – брахман, кшатрий ва вайшийлар «икки марта туғилганлар» тоифасига кирганлар. Шудралар бу номдан маҳрум эди. Юқоридаги уч варнага мансуб одамлар балоғат ёшида «иккинчи туғилиш» маросимини ўтказганлар. Маросимнинг асосий қисмида вояга етган боланинг бўйнига боғич тақилган. Ҳар бир варна аъзосининг боғичи турли матодан ясалган. «Иккини бор туғилган» нинг ҳаёти тўрт ажрим-боғичдан иборат бўлган. Биринчисида у брахмачарин – шогирд, иккинчисида – грихаста – уй эгаси, учинчисида – ванапрастха – ўрмон зоҳиди, тўртинчисида – санъями ёки ати, яъни тарки дунё қилган зоҳид бўлган. Кейинроқ пул олиб ўқитадиган устозлар ҳам пайдо бўлган. Ҳаётининг иккинчи қисмида уйланиб уй эгаси бўлгач, у оиласини боқиш ва худога бағишлаб ўтказиладиган расм-русумларни адо этиши керак эди. У қариб, неварали бўлганидан сўнг, уйни тарк этиб, ўрмонга кетиши ва у ерда ёлғизликда қадимги ведаларни ўрганиши, ҳаётнинг тўртинчи қисмида ҳаёти тугаётганини ҳис қилиб дунёдан кўз юмиши керак бўлган. Шудралар «иккинчи бор туғилганлари» билан бирга овқатланиши тақиқланган. Шудралар «бир марта туғилган», яъни паст табақа деб қараларди. Уларга диний маросимларда иштирок этиш, муқаддас китобларни ўрганиш ман қилинган. Шудралар давлат бошқарувида иштирок эта олмаган. Уларнинг қисмати «икки марта туғилганлар» га хизмат қилишдан иборат эди. Шудраларга нисбатан бу муносабатдан улар оғир ижтимоий шароитда ва иқтисодий номустақил бўлгани аён. Шудралар одатда камбағал, қуйи даражали косиблар, хизматкорлар бўлган. Шудралар қул бўлмасалар-да, улар вақт тақозаси билан қулликка тушиб қолиши мумкин эди.

Шундай қилиб, ибтидоий жамоа тузумининг бузилиши табақалар келиб чиқишига олиб келди. Ҳиндистон шимолининг катта қисми синфий муносабатлари шаклланган қабиалар томонидан Ганг водийси ўзлаштирилаётган ва улар ўртасидаги тўқнашувлар даврида рўй берди.

Шимолий Ҳиндистондаги қадимий сулола ва давлатлар. Ведаларда айтилишича ва эпик (халқ достонлари) даври тасаввурларига кўра шоҳ ва шоҳ сулолалари худолар иродасига боғлиқ равишда пайдо бўлган. Энг кенг тарқалган ривоятларга кўра Ганг дарёси водийсида эпик даврнинг энг йирик сулолалари Куёш ва Ой номи билан аталиб, уларнинг асосчилари Куёш ва Ой худоларининг авлодлари саналганлар. Куёш сулоласи «Рамаяна» достонининг қаҳрамони Рама билан, Ой сулоласи эса Каурави уруғи билан боғланган. Бу уруғнинг авлоди "Ригведа" да номи зикр қилинган шоҳ Бхарата бўлган. Тахминларга кўра, бхараталар "Ригведа" даврида Сарасвати (Ҳинд дарёси ирмоғи) ва Ямуна дарёлари орасида яшаганлар. Бхарата улкан шон-шухратга эга эди. Бу донгдор ҳукмдор шарафига қадимда бутун шимолий Ҳиндистон «Бхаратварша» - «Подшо Бхарата авлодлари мамлакати» деб аталган (ҳозирда Ҳиндистон Республикаси расман Бхарат деб номланади). «Махабхарата» нинг баъзи қаҳрамонлари ҳам бхаратлар уруғига мансуб. Достонда Бхарата авлодларининг улкан уруши Кауравий ва

Панддавийларнинг Куру майдони – Курукшетрадаги тўқнашуви ҳақида ҳикоя қилинади. Замонавий ҳиндшунослар фикрича, бу жанг милоддан аввалги XI-IX асрларда рўй берган. Б.Б.Лал бошчилигидаги ҳинд археологлари Кауравийларнинг бош шаҳри Хастинапурда қазилар ишларини олиб бордилар. Топилган маълумотларга кўра шаҳар аҳли тахминан милоддан аввалги XI-IX асрларда сув тошқини туфайли уни ташлаб чиқиб кетган. Бу воқеа «Махабхарата» маълумотларига мос келади.

Шу нарса диққатга сазоворки, қадимги ҳинд манбалари Курукшетрадаги жангдан сўнг янги давр бошланганини қайд этади. Аввалига қудратли ва нуфузли панчал ва куру қабилалари ўзининг сиёсий мавқеини йўқотиб, майдонга Шарқий Ҳиндистонда кичикроқ давлатлар, биринчи навбатда Кошала (пойтахти Айодха ва Шравастия), Каши (бош шаҳри Варанаси), Видеха (пойтахти Митхели) чиқадилар. Ҳозирги Бихарнинг жанубида Магатха давлати (пойтахти Гиравража, сўнг Ражагриха) ғарбий туманларда-Аванти (пойтахти Ужжайн-Ужжаяни) муайян мавқега эга бўлдилар.

Сўнгги ведалар адабиётида мамлакат уч қисмга бўлинганлиги ҳақида айтилади. Улар Арварта (орийлар мамлакати) ва Дакшинапатха - (жанубий мамлакат) дан иборат эдилар.

Ҳаёт тақозоси туфайли айнан шу ўлкалар маданият ва давлатчилик марказига айландилар. Мазкур давр ўн йиллар давомида турли мамлакат олимлари томонидан ўрганилди ва ўрганилмоқда. Тадқиқотчилар ихтиёридаги археологик манбалар қаторига ўша пайтларда яратилган адабиётлар–ведалар ва қадимги ҳинд эпоси ҳам қўшилган. Шу ерда таъкидлаш жоизки, шимолий Ҳиндистон тарихида милоддан аввалги II-минг йиллик охири ва I-минг йиллик бошлари ведалар даври деб юритилади. Ведалар даврининг кўп жиҳатларини бугун умумий кўринишда тасаввур этиш мумкин. Тарихий далиллар етишмаслиги туфайли веда адабиётига оид айрим асарлар санасини аниқлаш қийин. Қадимги Ҳиндистон тарихи босқичлари бир-биридан фарқ қилса ҳам, олимлар ўша давр моддий, маънавий, маданий ва ижтимоий ҳаётининг асосий хусусиятларини очиқ берганлар. Халқлар орасида ана шу узок ўтмиш тўғрисида, умумий фаровонлик ва ҳақиқат даври деган тасаввур сақланиб қолган бўлиб, бу давр «Олтин аср» номи билан машҳур.

Ривоятларда, чамаси, тарихий ривожланишнинг узок ўтмиши ибтидоий жамоа тузумида маданий ва ижтимоий тараққиёт шаклланиши, синфий жамият ва ижтимоий зиддиятларнинг кучайиши ўз аксини топган.

Қадимги Ҳинд адабиёти ёдгорликлари устида иш олиб борган тадқиқотчилар “Ригведа” да «умумий мулк», «умумий қорамол», «умумий чорва» каби иборалар мавжудлигини қайд этганлар. Бутун жамоа тангридан фаровонлик тилаб биргаликда сифинган. Сўнгги веда даврида эса қурбонлик фақатгина ўз омадини ўйлаган алоҳида шахс томонидан келтирилган.

Асосий ижтимоий birlik жамоа, яъни ганапати бўлиб, унинг бошлиғи гана номини олган. Жамоалар жипс ва бирлашган гуруҳни ташкил этган.

“Ригведа” ва сўнгги веда адабиётлари ибтидоий жамоа муносабатлари барҳам топиб, моддий ва маънавий табақаланиш юзага келганидан далолат беради. Жамоа мулкчилигига хос анъаналар секин-аста кучсизланиб борди. Бутун бошли қишлоқни тухфа қилиш ҳақида маълумотлар мавжуд. Ер олди-сотдиси, брахманларга ер ҳадя этиш ҳоллари ҳам учрайди. Кўп ҳолларда қурбонлик қилиш маросими алоҳида шахслар томонидан ўтказилган. Бора-бора “Ригведа”нинг айрим мадҳияларида камбағал ва бойлар ҳақида ҳикоялар учрай бошлади. Чорвага тамға қўйиш муҳим

маросим бўлиб, маълум таомилларга мувофиқ амалга оширилади. Бу ҳам хусусий мулкчилик қарор топганидан далолат беради. Қорамол бойликнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланиб, у қабилалараро зиддиятлар келтириб чиқарган. Қорамол совға қилиш ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.

Веда даврининг охирида озод тўрт табақали тизим таркиб топиши билан кишилар ўртасидаги тенгсизлик юзага келди. Бу ижтимоий табақаланишдан далолат бериб, жамиятнинг моҳияти уни икки синф: кул эгалари ва кулларга бўлинишини келтириб чиқарди. Кул сўзини англатувчи «дас» ибораси қадимий ва унинг дастлабки маъноси «душман», «жоҳил», «диндан қайтган» маъноларини англатган. “Ригведа” да бу сўз «қабилалараро тўқнашувларда асир тушган ёки жамоанинг кулликка маҳкум қилинган аъзоси» маъносини билдирган. «Орий» сўзи «дас» сўзига карама-қарши бўлиб, “олий ҳиммат” ҳамда "озод" маъносида қўлланилган. Биринчи навбатда ҳарбий асирлар ва маҳв этилган аҳоли кул қилинган. Бироқ куллик фақат уруш туфайли келиб чиқмай, балки ибтидоий жамоада ишлаб чиқариш кучларининг ривож ва ижтимоий тенгсизлик туфайли унинг келиб чиқиши учун шарт-шароит этилган. Куллар ҳам мулкнинг бир қисми ҳисобланган.

Кулдорликнинг мустаҳкамланиши фуқаролик алоқалари ўрнатилиши, давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиши, янги ахлоқий мезонларнинг шаклланиши суратини тезлаштирди. Бир шахс бошқалар розилиги билан қонуний асосда бошқа бировни, ҳатто қабиладоши ёки қариндошини сотиб олиши, уни ҳадя қилиши ёки ўлдиришига рухсат этилди. Шу тариқа ибтидоий жамоа тузумидан тубдан фарқ қилган янги ижтимоий тузум юзага келди. Кулдорлик ривож жиддий аҳамиятга эга бўла бошлагач, одамларни қурбон қилиш тўхтатилди.

Қадим Ҳиндистонда далаатнинг пайдо бўлиш жараёни узоқ давом этди. Бу хусусда турли фикрлар мавжуд. Улардан бирига кўра, дастлабки ҳукмдор кўпчилик томонидан сайланган, йўлбошчи йўқлиги салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини барча тушунган. Кишилар Қуёш худосининг ўғли Манудан ўзларига бошчилик қилиши, уларни душманлардан ҳимоя этиши, баҳс ва муаммоларни ечишда ҳакамлик қилишини илтимос қилганлар. Уни таъминлаб туриш мақсадида солиқ йиғиш йўлга қўйилган. Манбаларга кўра ҳокимият тизими аста-секин қабила бошқарувидан келиб чиққан. Давлатлар кичик бўлиб, бир ёки бир неча қабилани бирлаштирган. Давлат энг йирик ва қудратли қабила номи билан аталган. Қабила раҳбари рожа бу вақтга келиб яқка ҳоким сифатида намоён бўлган. “Ригведа” ва “Атхарваведа” мадҳияларига кўра рожа айрим ҳолларда халқ мажлиси – Самита томонидан сайланган. Ҳукмдор асосан таниқли, бой ва уруғ-аймоғи кўп оила вакили бўлган. Веда давридаёқ шох ҳокимияти мерос қоладиган, яъни тахт отадан катта ўғилга ўтадиган бўлди. Халқ мажлиси кўпинча тахт вориси масаласини муҳокама қилган. Достонларда халқнинг давлат ишларида қатнашиши ҳақида айтилган бўлса ҳам, фаол бўлмаган. Веда адабиётида умумхалқ мажлисини англатган – сабҳа ибораси ҳам учрайди. Тадқиқотчилар тахминича, сабҳа фаолияти қарорлар чиқариш билан боғлиқ бўлган. Мазкур сўз суд жараёни ўтаётган бино маъносини ҳам англатган. Шох ҳокимиятининг мустаҳкамланиши билан мазкур қабила ўрнига ҳукмдор ҳузуридаги нуфузли шахсларни бирлаштирган Кенгаш – Паришад вужудга келди.

Рожа давлат мулкчининг ва биринчи навбатда ернинг олий бошқарувчиси ва шох бошқарув маҳкамасига раҳбарлик қилган. У адолат ва тартиб ҳимоячиси, ҳам

бош ҳакам бўлиб, айбдорларни шахсан жазолаган. Ведалар даврида рожаларнинг алоҳида мавқеи туфайли давлат ҳокимияти муқаддас деб ҳисобланган.

Қадимги ҳинд дostonларининг гувоҳлик беришича, ҳукмдор давлат тизимида мансабдор қариндошларининг ёрдамига таянган. Уларга жангларда қўлга киритилган ҳарбий ўлжанинг катта қисми теккан. Шоҳ атрофида бошқа яқинлари йиғилган ва давлат тузумида бир неча доимий лавозимлар пайдо бўлган. Сарой руҳонийси – пурохит, ҳарбий қўмондон – сенани, хазиначи – санграхит, солиқ йиғувчи – багадукха ва бошқалар шулар жумласидан. Жуда қадим замондан айғоқчилик хизмати ташкил топган. Эпос манбаларига кўра арава ва филларда жанг қилган ражаний ёки кшатрийлар асосий ҳарбий куч ҳисобланган. Давлат тузилмаларини таъминлаш мақсадида солиқ бали йиғилган. Бу ҳақда “Ригведа”да ҳам айтилади.

Ведалар даврида яшаган ҳиндлар Ганг водийсининг ўрмон билан қопланган катта қисмини ўзлаштирганлар. Бу жараён узок давом этган. Ҳинд-орий қабилалари ерли халқ билан аралашиб, маҳаллий ҳаёт тарзи ва ҳўжалик фаолиятига кўника бошладилар.

Темир казиб олиш ва қайта ишлаш ўша даврнинг асосий ютуқлари сифатида ҳўжалик ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Ганг воҳасининг ғарбий туманларида олиб борилган казиш ишлари одамлар ўша даврда темирдан фойдаланганлигидан далолат беради. Масалан, 130 га яқин турли темир буюм-камон учи, найза, болта, пичоқ, игна ва шу каби ашёлар топилган. Қадимги ҳиндлар гарпун, уй-рўзгор буюмлари, қурилиш ашёлари – мих кесгич, қисқич, қишлоқ ҳўжалиги буюмлари – ўроқ, болта, зеб зийнатлар ясашган.

Нисбатан мукаммал ишланган меҳнат куроллари янги ерлар очишда қўл келган. Арпа, шоли, буғдой, сули, бошоқли донлар экилган. Арпанинг қора, тезпишар ва бошқа навлари ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек пахта ҳам етиштирилган. Манбаларда айрим меваларнинг номини учратиш мумкин. Ерлар омоч ёрдамида ҳайдалган. Сунъий суғориш мавжуд бўлган. “Ригведа”да чархпалак – “чакра” ҳақида маълумот берилган. Қорамол, биринчи навбатда сигир қадимги ҳиндларнинг асосий бойлиги бўлган. Тадқиқотчилар ҳиндуизм динида сигирга эътиқод қилиш шу тариқа келиб чиққан деб такидлайдилар.

Веда адабиётида темирчи, кулол, дурадгор, кончи, заргар, қассоб, мусаллас таёрловчи, сарторош, тикувчи каби касб эгалари ҳақида маълумотлар учрайди. Тўқимачилик асосан уй машғулоти бўлган.

Ведалар даврида қабилалар ўртасида алоқалар ривожланиб, ўзаро савдо ишлари гуллаб – яшнади. Савдогар ва судхўрлар пайдо бўлди. Чирик қорамол қиймат ўлчови бўлиб, тўлов бирлиги сифатида, шунингдек, бўйин тақинчоғи – “нишка” ҳам ишлатилган. Бундан ташқари, бу мақсадда металл парчаларидан ҳам фойдаланилган. Савдо куруқлик ва дарёлар орқали амалга оширилган. Денгиз ҳақида, юз эшакли кемалар мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги маълумот денгизчилик ривож топганидан далолат беради. Ушбу даврда бошқа мамлакатлар билан алоқалар яна тараққий этган. Бунга мисол қилиб, милoddан аввалги VII-VI асрларда Дажла ва Фрот воҳасида ибодатхона ва саройлар қурилишида ҳинд дарахти – тик ишлатилганини айтиш мумкин. Қадимги яҳудий тилидаги пахта, маймун, товус каби ашё ва жониворлар номини англатган сўзлар ҳинд тилларидан қабул қилинган бўлса керак. Оссурияда “сункху” (Ҳинд дарёсининг қуйи оқимидаги Синдх вилояти номидан олинган) “пахта” маъносини англатган.

Қадимги Ҳиндистон тарихининг ведалар ва улардан кейинги давр ҳақида анчагина маълумот мавжудлигига қарамай, ушбу давр, хусусан, ведалар даврининг сиёсий тарихини тиклаш ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда. Пурана ва эпос манбалари бир-бирига зид. Энг қадимги пураналар нисбатан кечроқ III-IV асрларда яратилган. Сўнги йилларда мазкур муоммони ўрганишга янгича ёндашилмоқда.

Ведалар даврида дин ва маданият. Веда дини, афсона ва маросимлари.

Ведизм Ҳиндистоннинг энг қадимий диний тизимидир. У мамлакатнинг кейинги даврдаги диний қарашлари ва фалсафий таълимотига катта таъсир кўрсатди. Веда динига политеизм – кўп сонли маъбудаларга эътиқод этиш хос. Ведалар даврида ҳиндлар табиат, унинг ҳодисалари шунингдек маъбудаларга сиғинганлар. Уларнинг фикрича худолар инсонга хос фазилат ва нуқсонларга эга эдилар. Веда худолари одам ва жонивор шаклида тасвирланган. Худолар шарафига мадҳиялар ўқилиб, қурбонликлар қилинган. Қадимдаги ҳиндлар дунёси уч қисмдан: осмон, ер ва антарикша (ер ва осмон орасидаги макон) дан иборат, уларнинг ҳар бири ўз маъбудига эга деб ҳисоблаганлар. Само маъбудалари қаторига қуёш маъбудаси Сурия, тонг маъбудаси Ушас ва фалак тартиботни маъбудаси Варуна кирган. Ер маъбудалари ичида олов маъбудаси Агна ва ичкилик маъбудаси Сомага кўпроқ эътиқод этилган. Антарикша маъбудалари қаторида момақалдиروқ маъбудаси Рудра, шамол маъбудаси Вайю ва қудратли маъбуда Линдрани кўрсатиш мумкин. “Ригведа” мадҳияларининг катта қисми айнан унга бағишланган. Маъбуда Агна алоҳида эҳтиромга эга бўлган. Олов дин учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, одамлар билан маъбудалар ўртасида воситачи ҳисобланган. Қуёш маъбудаси Сурия гўё ҳар тонгда оташ рангли отлар қўшилган аравада намоён бўлган. У атрофни ёритиб ҳаётбахш иссиқлик таратади деб ҳисобланган.

Халқ эътиқодига кўра осмон эгаси қадимги маъбуда – Варуна у ўз аравасида сайр қилиб юрган. У дунёда тартибот ҳимоячиси ҳисобланган. У ер, осмон ҳавони тутиб турган ва йил-фасл алмашувини тартибга солган. “Ригведа” нинг кўп мадҳиялари маъбуда Сомага бағишланган. Сома маъбудалар ҳаётининг асоси ҳисобланган.

Ведалар даврида эзгулик маъбудалари билан бирга жин-ажиналар (ракшаса) ҳамда маъбудаларнинг душманлари (асурлар)га ҳам ишониб, ўсимлик, тоғ ва дарёларни илоҳийлаштирганлар.

Сўнгги ведалар адабиётида ягона учликдан иборат асосий маъбудлар –Брахма, Шива ва Вишну алоҳида ўрин олди. Уларга атаб қурбонлик қилиш, ҳадя – ионалар бериш катта аҳамият касб этди. Мадҳиялар кўпинча қўшиқ тарзида ижро этиларди. Маъбуда шарафига қурбонлик қилиш жараёни тобора мураккаблашиб, кейинроқ диний маросимларни бир неча коҳин ўтказадиган бўлди. Ҳиндлар махсус дабдабали маросимларда иштирок этишдан ташқари кундалик ҳаётда дхарма – ахлоқ ва турмуш қоидаларига биноан турли урф – одатларга риоя қилардилар. Бундай маросимлар, масалан бола туғилганда, никоҳдан ўтаётганда, яқинлари вафот этганда ўтказиларди.

Веда давридаги ҳиндлар ҳар бир нарса, ҳатто тоғ, тош ва ўсимликларда ҳам сўзлаш, оғриқ сезиш, хурсанд бўлиш каби ҳиссиётлар мавжуд деб ўйлаганлар. Сўнгги ведалар даврида ҳар бир тирик жонзот икки қисмдан иборат, яъни кўз билан кўриш мумкин бўлган тана ва кўзга кўринмас руҳдан иборат деб ҳисоблашган. Қадимги ҳиндлар одам ўлганидан сўнг унинг руҳини олиб кетиш учун дунёнинг ҳукмдори тангри Яманинг элчилари келишига ишонганлар. Вақт ўтиши

билан одамлар қайта дунёга келиш тушунчаси пайдо бўлган. Ниҳоят, илк упанишадларда Карма ҳақидаги таълимотга аниқлик киритилди. Рух инсон ўлимидан сўнг ўлмай, балки бошқа танага кўчади. Бунда рух ҳаётида қайси табақадаги одам танасига кўчиб ўтиши таъкидланган. Шоҳ кейинги ҳаётида қароқчи, бой эса камбағал, брахман-шудра бўлиб дунёга келиши, ҳатто ўсимлик ёки ҳайвон тусини олиши ҳам мумкин деб ўйлаганлар. Кейинроқ юзага келган ҳиндуизм динида руҳларнинг кўчиб юриши сансара номини олди. Бу тасаввур секин-аста ривожланиб, янада мукаммал ҳолга келди. Рухнинг қандай жойни эгнлаши инсоннинг ҳаётидаги қилган ишларига боғлиқ. Амаллари (карма) қандай бўлса, кейинги ҳаётга ҳам худди шу тарзда келади. Карма қонунига кўра у ўз ишлари билан келажагини белгилайди. Аммо бу қонунда нафақат келажак, балки одамнинг ҳозирги аҳволи ҳақида ҳам сўз боради.

Маъбудаларга сиғиниш, қурбонлик келтириш билан боғлиқ мадҳиялар анчагина бўлган. Қурбонлик келтириш маросими жамият барча табақалари ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу маросимни уй соҳибининг ўзи ўтказарди. Расмий маросимлар алоҳида тантанавор ва мураккаблиги билан ажралиб, шраута деб номланган. Махсус тайёрланган уй ҳайвонлари қурбонлик қилиниб, гўштининг бир қисми оловга ташланса, қолган қисмини маросим иштирокчиларига тарқатилар эди. Ҳиндлар тасаввурича, маъбудлар ўтда ёнган нарсалар билан озиқланишган. Шоҳларнинг маросимлари айниқса дабдабали ва тантанали бўлган ва бир неча ойлаб давом этган. Айниқса, отни қурбонлик келтириш алоҳида эътибор берилиб, бу маросим ашвамедха деб аталиб, уни фақат ҳукмдор ўтказиши мумкин бўлган. Диний маросимлар инсонларнинг бутун ҳаёти давомида туғилганидан то вафот этгунига қадар бўлган даврни қамраб олган.

Веда маросимларини ўтказиш учун махсус ижрочилар – қоҳин ва уларнинг ёрдамчилари талаб этилган. Қоҳинлар кейинчалик асосий ўрин эгалладилар. Бу даврда тарки дунё қилиш муҳим аҳамият касб этган. Баъзилар камроқ овқат истеъмол қилишга чақирса, бошқалар умуман таом емасликка, яна бировлар эса тиланчилик билан кун кечиришга даъват этарди.

Ведизм ибтидоий динлардан одамларнинг ижтимоий тенгсизлигини илоҳийлаштириш билан фарқ қиларди. Карма ҳақидаги таълимот ижтимоий тенгсизликни оқлаш имкониятини берган. Ҳукмдорлар илоҳийлаштирилган, маъбудаларга тўла – тўкис бўйсунуш ҳар бир одамнинг олий бурчи бўлган.

Аввал веда қабилаларининг эҳромлари бўлмаса ҳам, улар кейинчалик маъбудаларга сиғиниш учун махсус бинолар қурдилар.

Веда адабиёти. Ведалар Ҳиндистоннинг адабий ёдгорлигидир. Улар ўзида турли тарихий босқичларга матнларни жамлаган. Ҳинд тарихчиларидан А.Ч.Банержи ва Н.К. Синха веда адабиёти милоддан аввалги 2500 йилдан то 500 йилга қадар бўлган давр оралиғида яратилган дейдилар. Бугунги кунда ҳам ҳиндлар туғилиш, ўлим ёки никоҳ тўйи муносабати билан боғлиқ диний маросимларни қадимги веда урф – одатлари бўйича ўтказишади. Брахманларнинг ҳар куни уч маҳал қиладиган тоат – ибодати икки ёки уч минг йил илгариги ведалардан келиб чиққан. Ведалар давридан сўнг ривожланган санскрит адабиётининг асоси ва келиб чиқиши ведалар билан боғлиқ. Ҳинд фалсафий тизимлари асосида Ведалар таълимоти ётади. Ҳиндларнинг анъанавий ҳукукий муносабатлари, хўжалик ва диний урф одат ва маросимлари ҳамон Ведаларга асосланган.

Веда адабиётининг таркибига тўрт тоифа асарлар киради: Самхит, яъни мадҳиялар, тоат – ибодат, курбонлик дуолари ва ҳ.к. Тўртта ведалар тўплами мавжуд:

“Ригведа” (мадҳиялар девони) энг муҳим тўплам. У милоддан аввалги XI – X асрларга таалукли бўлиб, 1028 мадҳиядан (сукт) иборат. Баъзи мадҳиялар қадимдан маросим дуолари сифатида хизмат қилган, аммо бошқача йўналишдаги мадҳиялар ҳам бор. Булар самовий ва тўй мадҳияларидир.

Яна бир мадҳиялар тўплами “Атхарваведа”. Ҳозирги кунда у 731 мадҳиядан иборат бўлиб, 20 та китобга бўлинади. Бу асар “Ригведа”га нисбатан кечроқ яратилиб, руҳлар, жин ва сеҳрли кучларга эътиқод хусусидаги маълумотларни жамлаган. Олимлар фикрича, у этнография ва дин тарихи учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Учинчи тўплам – “Самаведа” (қўшиқлар девони) – 1549 мадҳиядан иборат. Улар курбонлик маросимида айтилган.

Тўртинчи тўплам – “Яжурверда” (курбонлик ва ҳайр-эҳсон тиловатлар девони). У қисман мадҳиялар ва наср парчалар (журлар) дан иборат.

Брахманлар ёки насрий матнлар. Урф – одатлар ва курбонлик маросимларига оид дуолардан иборат. “Ригведа” га тааллуқли илк брахман Айтарее брахман ва Кашутаки брахман катта аҳамиятга эгадир.

Араньяклар ёки ўрмон китоблари. Бу китоблар шу қадар муқаддас ҳисобланганки, уларни фақат ўрмонда (аранья) ўқишга рухсат берилган. Улар фалсафий мулоҳазалар, мажозий маросимлар ва саҳийларнинг сирли аҳамиятидан баҳс этади. Аранья ўрмонда ҳаёт кечириётган зоҳидлар учун ёзилган деб фараз қилинади. Бу асарларда курбон келтириш маросимлари аста-секин кейинги ўринга ўтиб, уларнинг ўрнини ҳақиқат ва табиат ҳақида фалсафий мулоҳазалар эгалайди.

Упанишадлар ва уларнинг таълимоти. Веда адабиётининг хотима қисми упанишадлар, яъни веда ривоятлари ва маросимларига оид турли фалсафий ва диний-фалсафий шарҳларни жамлаган матнлар йиғиндиси.

Упанишадлар «веданта», яъни ведалар ниҳояси деб аталган. Тахминларга кўра 108 упанишад бўлиб, уларнинг энг қадимгиси милоддан аввалги VII – IV асрларда яратилган. Улардан 13 матн асосий деб ҳисобланади.

Упанишадлар кейинчалик жайнизм ва буддизмда ҳам ўз ифодасини топган карма ақидасини шакллантирганлар. Бунга биноан дунёдаги барча нарсалар ахлоқ қонунига бўйсунди. Ҳар бир нарсанинг жони бор, у туғилади ва вақти келиб ўлади, сўнг ҳаётида қилган ишларига яраша бошқа бир шаклда ёки бошқа бир одамнинг жисмида қайта намоён бўлади.

Одам тириклик пайтида яхши хулқ – атворга зид ҳатти – ҳаракат қилган бўлса, кейинги ҳаётида бирор жонивор, ўсимлик ёки тош кўринишида туғилади, аммо эзгу ишлари, хушфезлиги билан у яна инсон қиёфасига қайтиши мумкин. Жон жаннат роҳатларидан баҳраманд бўлиши ёки дўзах қаъридан жой олиши мумкин, аммо у ҳамиша бирдай аҳволда бўлмайди. Упанишадларда карма ҳақидаги таълимот – сансар, яъни фалакнинг гардиши сингари ҳаёт ҳамиша айланиб туриши ҳақидаги фикр билан боғланган. Шу икки тушунча, яъни карма ва сансар Ҳиндистоннинг кўпгина диний – фалсафий тизимлари таркибига кирган. Жумладан, упанишадлардаги баъзи қарашлар кейинчалик буддизм ва жайнизмда ҳам ўз ифодасини топди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бирор халқ қадимги ҳиндлар каби ибтидоий жамоадан то цивилизация давригача ведалардек кўплаб ёдгорлик қолдирмаган. Тўрт

минг йилдан ортиқ давр ичида юзлаб брахман авлодлари ведаларни хотираларида сақлаб келишган ва ёзма равишда тарих ёдгорлиги сифатида қолдиришган.

Эпик адабиёт. Қадимги Ҳиндистоннинг энг катта эпик дostonлари «Махабхарата» билан «Рамаяна» милоддан аввалги I мингинчи йиллар охири – милодий I асрда шаклланди. «Махабхарата»да пандавийлар билан куравийлар ўртасида Курукшетра майдонида 18 кун давом этган жанг ҳақида ҳикоя қилинади.

«Рамаяна»да ёвуз жин – Равана томонидан Ланка оролига зўравонлик билан олиб кетилган шоҳ Раманинг севгилиси Ситани қутқариш учун Раманинг шу оролга юриши тўғрисида сўзланади. Бир қатор олимларнинг фикрича, «Рамаяна»да ҳинд-орийларнинг шимолдан узоқ Ланка (ҳозирги Шри - Ланка)га кириб бориши ҳақидаги тарихий факт ифодасини топган. Иккала дoston ҳам йирик асар: «Махабхарата» 100000 байт (шлок), «Рамаяна» эса 24000 шлокдан иборат. «Махабхарата» муаллифлигини донишманд Вясега нисбат беришади. «Рамаяна»нинг муаллифининг номини эса Вальмике деб атайдилар. Аммо, олимлар бу икки шоир ҳаёти ҳақида аниқ маълумот келтирмаганлар. Улар ҳар иккиси ҳам шу қадар маълум ва машҳурликлари сабабли, номлари асрдан асрга сақланиб келди. Иккала асар ҳам қадимги Ҳиндистоннинг ўзига хос ёдгорлиги ва қомуси. Уларда ўша давр сиёсий, маданий, ижтимоий ҳаёти, давлат тузуми, қадимги ҳиндларнинг кундалик турмуши тўғрисида қизиқарли ва диққатга сазовор маълумотлар бор. Ҳиндистоннинг ҳозирги, шунингдек қадимги ҳудудида ҳам бу асарларга мувофиқ ўзга асар йўқ. Қадимги даврнинг ўзида Шарқий ва Жанубий Осиё, Узоқ ва Яқин Шарқда бу асарларнинг аҳамияти бекиёс бўлган. Улар Европа тилларига ҳам таржима қилинган. Улар кўплаб адабиёт, санъат арбобларини шу асарлар мазмунига ҳамоҳанг янги санъат асарларига илҳомлантирган. Ҳозир ҳам Ҳиндистонда бу дostonлар севиб, ардоқлаб ўқилади.

«Махабхарата»да ҳикоя қилинган уруш тахминан милоддан авалги 1100 йили бўлиб ўтган. Сўнгги ведалар даврида Керру қабиласи энг қудратли орий қабилаларидан ҳисобланган. Хастинапур ва Индрапрастха эса тарихий шаҳарлар. Косала узоқ вақт мобайнида қадимги Ҳиндистоннинг буюк давлатларидан бири бўлиб келди. Олимлар фикрича «Рамаяна» сюжети ҳам, тарихий ҳақиқатга мос келади. Нафақат Ҳиндистонда, балки умуман Шарқда бунчалар шухрат қозонган дoston мавжуд эмас. Бу асарлар Шарқ ва Ғарб халқларида Бетховен, Ҳейне, Ганди ҳамда Тагор каби арбобларни ўзига мафтун қилган.

Илмий билимларнинг пайдо бўлиши. Веда матнлари асосида ведалар давридаги илмий билимларнинг ривожланишини кузатиш мумкин. Ведаларда математика фанининг ривожланиши ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Шулпасутралар, яъни ўлчам қоидалари тўплами ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади. Шулпасутраларда турли шаклларнинг тузилиши, ҳисоблаш тизимлари ҳақида баён қилинган. Тиббиёт ҳам юксак даражада ривожланган. Бу соҳада ҳиндларнинг билими чуқур бўлиб, улар турли ўтлар, сув, махсус малҳам ва дуолар ёрдамида кўп касалликларни даволаганлар.

Илк веда асарларида айтилишича, у вақтларда табиблар ҳам бўлиб, улар бхишаж номи билан аталганлар. «Атхарваведа»да тиббиёт тўғрисида кенг маълумот берилади. Қадимги ҳиндлар касалликлар сабабини худонинг ғазабига йўйиб, беморнинг соғайиб кетишини ҳам тангри раҳмдиллиги туфайли деб билганлар. Қадимги шифокорлар юрак, ошқозон, кўз, тери ва ўпка касалликларини билиб, тузата олганлар. Матнларда одамнинг 300 га яқин тана аъзолари номи қайд этилган.

Ведалар даври аҳли астрономияни ҳам яхши билган. Улар нафақат Қуёш ва Ой, балки сайёралар ва юлдузларни ҳам батафсил ўрганишган. Қадимги ҳиндлар тақвим (календар) лар ҳам тузганлар. Ушбу тақвимга кўра йил 12 ой, бир ой эса 30 кундан иборат бўлган.

Таянч иборалар

Ҳинд-орий, ведалар, Гана, Ганапати, варна, каста, Курухшетра, “Махабхарата”, “Рамаяна”, “сома”, “хаума”, “Ригведа”, мунда тиллари, пуралар, “даса”, видадха, готра, грамма, рожа, самита, сена, ражасуя, мурахита, жати, Пуруша, Арварта, панчал, куру, Паришад, чакра, нишка, сункху.

Саволлар

- 1. Орийлар муаммосини тавсифлаб беринг?**
- 2. Каста ва Варна тушунчалари нимани билдиради?**

4. Милоддан аввалги VI-IV асрларда Шимолий Ҳиндистон

Милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида шимолий Ҳиндистонда темирчилик, деҳқончилик, хунармандчилик, савдо, шаҳарларнинг ривожланиши, пул муомаласи ижтимоий-иқтисодий тараққиёт белгиларидан ҳисобланган. Қўшни халқлар билан савдо-сотик ва маданий алоқаларнинг кенгайиши ижобий ўзгаришлар келтириб чиқарган. Ўрганилаётган даврда дунёдаги уч йирик диндан бири – буддизмнинг ривожидан маданияти билан ҳамбарчас боғлиқ эди.

Милоддан аввалги VI-IV асрларда дастлабки йирик давлатлар ташкил топади ва улар ўртасида устунликка эга бўлиш учун кураш кучаяди. Манбалар кўплаб урушлар, халқлар ва қабилалар, монархия ва республика ўзаро тўқнашувлари, сулолалар ўртасидаги низолар ҳақида маълумот беради.

Илк буддизм асарларига кўра, Будда ҳаёти даврида Шимолий Ҳиндистонда 16 та махажанапад – «буюк давлат» мавжуд бўлиб, улар: Анга, Магадха, Каши, Кошала, Важи, Мала, Чеди, Вамса, Куру, Панчали, Магха, Шурасена, Ашмака, Аванти, Гандхара, Камбоджа давлатларидир. Баъзи маълумотлар мазкур рўйхат милоддан аввалги VI аср ўрталарида эмас, балки ундан ҳам олдинги даврга тўғри келишини таъкидлайди. Бу рўйхатда шимолий Ҳиндистондаги қудратли ва йирик давлатлар номи зикр қилинган. Қадимги Ҳинд олими Панинининг таъкидлашича, асли бу рақам жуда катта, яъни 30 тадан кўпроқ. Жанапат яъни давлатлар Пуранларда эса 175 та давлат номи кўрсатилган.

Баъзи Жанапатлар аста – секин ўз ҳудудини кенгайтириб борган, баъзилари эса йирик давлатлар таркибига кирган. Манбаларда уларнинг ҳаммаси ҳам мустакил давлат деб айтилмайди. Магадха давлати шимолий Ҳиндистон сиёсий ҳаритасида марказий мавқе эгаллаган. «Атхарваведа»да бу ном илк марта учраб, аммо баъзи кейинги давр қадимги ҳинд манбалари, чунончи, “Брахман”, “Аранияка”, эпик дoston, пуран, шастри ва бошқа ҳужжатларда бу ном қайт этилган.

Милоддан аввалги I мингинчи йиллар ўрталарида тўрт аср мобайнида давом этган қадимги Ҳиндистон тарихининг янги даври – Магадха, маурийлар ҳукмронлиги бошланди. Маурийлар даврида Ҳиндистон тарихида илк бор яхлит ва ягона давлат вужудга келди, маданият юксалди, ёзув кенг тарқалди. Бу пайтда буддизм барқарорлашиб, қулоч ёйди, вишнуизм ва **шиваизм** динлари юзага келди.

Магадха-маурийлар даврини ўрганишда эпиграфик манбалар (маурий шоҳи Ашока фармонлари ва ёзма асарлар, масалан шоҳ Чандрагупта саройидаги салавкийлар элчиси Мегасфеннинг хотиралари) катта аҳамият касб этади. Чандрагупта маслаҳатчиси Каутилия қаламига оид «Ардхашастра» сиёсий асари ҳам маурийлар сулоласи даври ва ундан олдинги пайтга мансуб.

Милоддан аввалги VI-V асрларда қадимги Магадха ҳозирги жанубий Бихар худудида муҳим жўғрофий, стратегик ва савдо мавқеини эгаллаган. Дарёлар кемалар қатнови учун қулай, сувидан эса суғориш ишларида фойдаланар эдилар. Бу давлат Ҳиндистоннинг кўп ўлкалари билан савдо ишларини йўлга қўйган ҳамда қазилма бойликлари, айниқса металл кўплиги билан ажралиб турар эди. Қадимги Рижагриха (ҳозирги Ражгир) баъзида Гирибаж (тоғли қалъа) номи билан аталиб, унинг атрофи тепаликлар билан ўралган. У ердан асосий савдо йўллари, жумладан Таксила, мамлакатнинг ғарбий қирғоқлари орқали ўтган. Ҳинд археологларининг казишмалари бу шаҳарнинг ўша даврдаги кўринишини очиб беради. Шаҳар мустаҳкам қўрғондан иборат бўлиб, у шаҳарлик ҳукмдорларнинг манзили вазифасини ўтаган. Милоддан аввалги 493 йиллари **Харена** сулоласи асосчиси Бимбисара қўшни Ангу давлатини бўйсундириб, ўз мамлакати Магадха мавқеини кучайтирди ва қўшни мамлакатларни истило қилиш сиёсатини бошлади. Маълумотларга қараганда, у, Кошала, Вайшала, Мадра каби давлатлар билан алоқаларни яхшилаб, Ужаян ва Таксила шоҳи ҳамда бошқа ҳукмдорлар билан дўстлик алоқаларини ўрнатган.

Бимбисаранинг ўғли Ажаташатру даврида (милоддан аввалги 493-461йй.) Магадханинг сиёсий ютуқлари никоҳ – қариндошлик ришталари билан мустаҳкамланди. У Кошала устидан ғалаба қозонди. Буддавий ва жайнлар матнларидан маълум бўлишича, шимол давлатлари билан кураш узоқ давом этган. Курашларнинг асосий сабаби Ганг дарёси портининг мавжудлиги дарё устидан назорат қилиш имконини берар эди. Ажаташатру личхавларнинг босқинидан сақланиш мақсадида Паталигаму қалъасини қурдирди.

Бу урушларда Магадха ҳукмдорларининг ютуқлари давлат чегараларини кенгайтириш имконини берди. Шишунага сулоласига асос солинган даврда Магадха давлатига кўплаб, шу жумладан, узоқ муддат қаршилик кўрсатган Аванти давлати ҳам қўшиб олинди. Шу билан бирга, ушбу сулола даврида Магадха давлати ўз ҳукмдорлигини Ғарбий Ҳиндистонга ҳам ёйди. Удайин (милоддан аввалги 461–445 йй.) магадха тарихида илк маротаба пойтахтни Ражагрихадан Паталипутрага кўчириб, бу шаҳар тез орада шимолий Ҳиндистоннинг йирик марказига айланди. Пойтахтнинг Паталипутрага кўчиши Магадха ва унинг истилочилик сиёсати кучайганидан далолат беради.

Янги сулола шоҳи Шишунага даврида Магадха томонидан Ғарбий Ҳиндистоннинг қудратли давлати Авантининг кучи синдирилди. Сўнг Магадха тахтига Нандалар сулоласи чиқиб, давлат йирик империяга айланди. Бимбисара асос солган Харянка сулоласи милоддан аввалги 437-411, Шишунага сулоласи милоддан аввалги 413-345 йилларда ҳукмронлик қилган бўлса, Нандалар сулоласи милоддан аввалги 345-317/314 йилларда ўтирди.

Ганг воҳасидан фарқли ўлароқ Шимолий Ғарбий Ҳиндистонда ана шу даврга келиб қабила ва халқларни этник, тил ва маданий жиҳатдан ўз атрофида бирлаштирган йирик давлат бўлмаган. Нисбатан кучли давлатлардан Камбоджа ва Гандхара мавжуд эди. Шимолий-Ғарбий Ҳиндистоннинг айрим вилоятлари

милоддан аввалги VI асрда Аҳмонийлар империяси таркибига кирган. Аҳмонийлар шоҳи ДороI (милоддан авалги 522-486 йй.) ёзувларида Гандхара билан Ҳинду унинг сатрапиялари(вилоятлари) сифатида қайд қилинган. Улар таркибига Ҳинд дарёсининг қуйи ва ўрта оқими ва қўшни ҳудудлар кирган бўлиши мумкин.

Милоддан авалги VI асрнинг иккинчи ярми давомида шоҳ КирII Эронда кучли давлат барпо қилган. Аҳмонийларнинг ушбу буюк давлати ғарбда Ўрта Ер денгизидан шарқда то Ҳиндистонга қадар чўзилган эди. Антик давр муаллифларининг маълумотларига кўра, Кир Ғарбий Ҳиндистон вилоятларини босиб олган. Юнон муаллифи Плинийнинг сўзига қараганда, у Канишани вайрон қилиб, Ҳинд дарёси ва Кофеен (Қобул) орасидаги вилоятларни ҳам бўйсундирган. Юнон тарихчиси Арианнинг «Индика» асарида Ҳинд дарёси ғарбида яшовчи ҳинд қабилалари ҳам «Эронга қарам бўлган ва бож тўлаган» дейилади. Ксенофонтнинг «Киронедие» асарида Кир Бактрия ва ҳиндлар ҳудудинини ҳам босиб олганлиги айтилади. Чамаси форс шоҳи Гандхаранинг бир қисмини ҳам эгаллаган. Бу ўлкаларда Аҳмонийлар Эронининг маданий ва сиёсий таъсири сезиларли бўлган. Орийлар тили Аҳмонийларнинг расмий ишларида қўлланиб, бу ҳудудда кейинги даврларда ҳам истифода этилган.

Юнон тарихчиси Геродот гувоҳлик беришича, Гандхара Эрон империясининг еттинчи сатрапиясига кирган. Ҳинд водийси эса йигирманчи сатрапияни ташкил қилган. У Аҳмонийлар давлатида энг кўп даромад келтирадиган вилоят ҳисобланган. Геродот Эронга ҳар йили бож сифатида 360 талант (тахминан 9 тонна кум аралаш ювилмаган олтин) тўланганини қайд этади. Маҳаллий қўшинлардан ташкил топган Ксеркс қўшини Искандарнинг Ҳиндистонга юришидан аввал ҳам машҳур бўлган. Вилоятнинг асосий савдо маркази Пушкаравати ҳозирги Чараса ўрнида жойлашган. Ҳинд-юнон даврига оид танганинг бир томонида ҳинд туяси, иккинчи томонида эса қўлида нилуфар тутган она маъбуда Амби тасвирланган. Такшашила (Таксила)да топилган тангаларни ўрганиш натижасида олимлар Магатха милоддан аввалги V асрнинг охиридан бошлаб Уттарапатха, яъни «Марказий мамлакат»га олиб бориладиган савдо-сотик йўлини тўлиқ назорат қилганлигини аниқладилар.

Ҳиндистоннинг Аҳмонийлар қўли остига ўтган ерлари жуда оз бўлишига қарамай, бу вилоятлар Аҳмонийлар давлатининг маданий ва сиёсий таъсиридан четда қолмади. Маурийлар даврига оид Таксиладан топилган ёзувлар ҳамда Қандаҳордаги Юнон-оромий ва ҳинд-оромий ёзувлари оромий тили Аҳмонийлар сулоласи инқирозидан кейин ҳам ишлатилиб келганидан далолат беради.

Кўпгина тадқиқотчилар фикрича, Аҳмонийларнинг давлат ишлари юритиш тажрибаси таъсирини Ашоканинг фармонларида ҳамда Ашока ва Эрон шоҳи Доронинг фармонлари ўзаро ўхшашлигида кўриш мумкин. Аҳмонийлар давлат тузумининг баъзи элементлари Маурийлар империяси давлат тузумига ўхшаб кетади. Шу ерда яшаб ўтган, Ҳинд тилшунос олими Панини ижоди айнан шу заминда камол топган.

Аҳмонийлар даврида ҳинд моллари юқори сифати ҳамда харидоргирлиги билан ажралиб турган. Суза шаҳрида шоҳ саройи қурилишида Гандхара вилоятидан келтирилган маҳсус ёғоч турлари ва фил суяги ишлатилган. Милоддан авалги VI аср охири ва V аср бошларида ҳиндлар билан ўзаро савдо алоқалари ўрнатилган. Ҳужжат матнларига қараганда, мазкур шаҳарлар билан бўладиган савдо-сотик

ривожланган. Баъзи ҳолларда савдо карвонлари 180 тадан ортиқ кишини ташкил этган.

20 ёшли ўспирин македониялик Искандар отаси ўлдирилгач, (милоддан аввалги 336 й.) давлат тахтини эгаллади. У Юнонистонда ўз давлатини мустақамлаб милоддан аввалги 334 йилда Эронни забт этиш мақсадида юриш бошлади. Сулолалар кураши ва сарой тўнтариши оқибатида кучсизланган Эрон империяси Юнон – македон қўшинлари ҳамласига бардош бера олмади. Кетма-кет Кичик Осиё, Сурия, Фаластин, Финикия, Миср давлатлари босиб олинди. Гавгамел яқинидаги (шимоли – шарқий Месопотамия) жангдан сўнг Аҳмонийлар қўшини янада кучсизланди Бобил, Суза, Персеполь, Пасаргард шаҳарлари забт этилди. Беҳисоб ўлжалар қўлга киритилди. Шаҳаншоҳ Кир валиаҳди Доро Кодоманн ва Доро III ўлдирилди. Шу билан Аҳмонийлар сулоласи тугатилди. Македониялик Искандар Аҳмонийлар шоҳи билан қариндошлик ришталарини боғлаб, босиб олган вилоятларни ўзиники қилиб олди. Македония тарихчиларининг маълумотига кўра, Искандарнинг бу ўлкадаги пойтахти Ҳирот атрофида бўлган. У Гедрозия сатрапиясига асос солиб, Пура шаҳрини пойтахт этиб белгилайди. Кейинчалик бу жойда ҳозирги Қандаҳор шаҳри барпо бўлади. Бактрия эгаллангач, унинг ҳукмдори Бесс Амударёнинг нариги бетига ўтиб қочади. Шу билан Македония империяси яна бир вилоят билан бойиди. Александр Бессни қувиб бориб, Сўғдиёнани босиб олади, ҳамда Сирдарёни империясининг шимолий чегараси этиб белгилайди. Шу билан Искандар Сўғдиёнани бирлаштириб, ушбу дарё бўйидаги ҳозирги Хўжанд шаҳрига асос солади. Милоддан аввалги 327 йилда у ўзини подшо Доронинг вориси, яъни «Улуғ шоҳ» деб эълон қилади, саройда дабдабали шарқона расм - русумлар жорий қилади.

Айнан шу, яъни милоддан аввалги 327 йилда македониялик Искандар Панжобга кириб келади. Бу юришдан сўнг юнонларнинг Ҳиндистон ҳақидаги тасаввурлари ўзгаради. Авваллари юнонлар Ҳиндистонни афсонавий мамлакат, филлар каби қўлга ўргатиш мумкин бўлган ноёб жониворлар, дарахтларида жун толалар ўсадиган, шакар ва бамбук эса баҳайбат дарахтларда териб олинадиган ўлка кўринишида тасаввур қилишар эди. Бу ўлкада кам меҳнат эвазига, йилига 2-3 марта ҳосил олиниши юнонларни лол қолдирарди. Чунки улар юртида йилига фақат бир марта ҳосил олинарди. Македониялик Искандар Ғарб ва Шарқ ҳукмдорларини енгиб, Эллададан то Ҳинд дарёсига қадар ҳудудларни эгаллаган улкан империясини яратди.

Искандар Ҳиндистонни буюк ғалабалари туфайли шон-шухратга буркаган даврида босиб олди. Кучли ва яхши қуролланган қўшини унга муваффақият ва ютуқлар келтирди. Эрондаги енгил ғалаба ва Ҳинд дарёси ортининг афсонавий бойликлари буюк саркарданинг диққат – эътиборини жалб этади. Ўттиз кунлик камалдан сўнг у Чарасаддани ишғол қилди. Арриан маълумотларига кўра, юнон – македон қўшинининг Ҳинд ва Гидасп орасидаги Таксила шаҳри ҳокими македонияликларни қулай манзил ва мўл – кўл озиқ овқат билан таъминлаб, кучли қўшни душман давлатларга қарши юнонлар билан бирга қўшилиб жанг қилиш истагини билдирди.

Шимолий Ҳиндистондаги давлатларни ўзаро нифоқлари Ҳиндистон ичкарисига кириб боришни осонлаштирди. Бунга Искандарнинг ўзга давлатларни ўзига оғдириб, қаршилиқ кўрсатганларни шафқатсиз жазолаши ҳам ўз вазифасини ўтади. Аммо барча ҳукмдорлар ҳам Таксила ҳокимидек иш тутмадилар. Искандар

дастлабки юришларида баъзи қабилаларнинг кучли қаршилигига дуч келди. Ҳиндлар беш метрли найзалар билан қуролланган Македония аскарларига қарши ўзларининг жанговар араваларини қўйдилар. Юнонлар бронза совут кийган бўлса, ҳиндлар чармдан совут кийиб, қалқон ҳамда металл дубулғалар билан жангга кирар эдилар. Ҳинд филлари ҳар қандай пиёда қўшин ичига ёриб кириш қудратига эга эди, лекин ярадор фил ўз жангчиларини ҳам эзиб ташлаши мумкин эди. Филлар ҳужум бошлашдан аввал кучли отлиқ, камончи ва пиёда қўшин паноҳида бўлардилар. Баъзи ҳолларда ҳиндларнинг камон ўқлари қалқон ва совутни тешиб ўтар, Искандар ҳам шундай ёй ўқидан яраланган эди. Яқин масофадан отилган ёй совутни тешиб ўтиб, қовурғасига тегиб, уни ҳалокатга олиб келишига оз қолди. Одатда ҳинд қабилаларига ёлланма кшатрийлар ёрдам берган. Бу қабилалар аҳил бўлмай, тинимсиз ўзаро жанг қилардилар.

Арриан маълумотларига кўра, баъзи қабилалар кучли қуролланган эдилар.

Уларда 30000 гача пиёда, 2000 гача суворий, 30 тагача филлар бўлган. Пор номи билан маълум бўлган Пўрулар шоҳи ўзининг кучли қўшини билан юнонларга қарши чиқди.

Милоддан аввалги 326 йили июль ойида Гидасп дарёси қирғоғида бўлган жанг Искандарнинг Ҳиндистон юриши тарихида ўчмас из қолдирди. Ҳинд шоҳлари қўшини нафақат миқдор, балки маҳорат бобида ҳам ажралиб турарди. Аррианнинг маълумот беришича, ҳал қилувчи жангда 4000 суворий, 300 ҳарбий арава, 200 фил, 30000 минг пиёда қўшин қатнашган. Искандар ҳийла йўли билан биринчи ҳамладаёқ Пўруларнинг ҳарбий араваларини тор-мор қилди. Порнинг асосий кучлари билан жанг кун бўйи давом этди ва оқибатда Пўруларнинг деярли бутун ҳарбий қўшини кириб ташланди. Пўрулар шоҳининг жасорати Искандарни ҳайратга солиб, у ҳукмдор жонини сақлаб, ҳокимиятини ҳам унинг ихтиёрида қолдирди.

Юнонлар қўшини Шарқ томон Гидроат (ҳозирги Рави) дарёсига қадар етиб борди. Искандар Гифасис (ҳозирги Беас) дарёсидан кечиб ўтишдан аввал дарёнинг ортидаги мамлакат, унинг ҳукмдори, қўшиннинг қудрати ҳақида маълумот олмоқчи эди. Маҳаллий ҳукмдорлар Искандарга у мамлакатнинг бойлиги, Аграмес номли шоҳи ва унинг улкан қўшини ҳақида маълумот бердилар. Айни шу пайтда Искандар қўшинида норозилик бошланди. Аскарларнинг маънавий ва жисмоний аҳволи ниҳоятда оғир бўлиб, руҳи тушиб кетганлиги сабабли, кўпчилик бу машаққатли юришни тўхтатишни талаб қилди. Чунончи улар саккиз ярим йил давомида ўз оила ва ватанидан узоқда бўлиб, Ҳиндистонга қадар хавф-хатарга тўла 18000 км йўлни босиб ўтишган эди. Натижада аскарлар бениҳоя ҳолдан тойгандилар. Бунинг устига Ҳиндистоннинг ноҳуш иссиқ иқлими, бу ўлкага хос ёмғирлар мавсуми, чакалак ўрмонлар Юнон-македон жангчиларининг тинкасини қуритди. Гифасис дарёсининг шарқ томонида улар билмаган, нотаниш ўлка ва вилоятлар мавжудлигидан хабар топган аскарлар юришни давом эттиришдан қатъиян бош тортдилар. Ўз қўшини билан шон-шухрат қозонган Искандар бу гал уларга ён босишдан бошқа илож топа олмай, ортга қайтишга фармон берди.

Юнон-македон қўшинлари ватанлари томон йўл олганида уларга қарши ғалаён ва кўзғолонлар кўтарилди. Айниқса кучли қўшинга эга малла қабилалари билан шиддатли тўқнашувлар бўлди. Ҳиндистонни тарк этар экан, Искандар босиб олган жойлардаги сатрапияларни сақлаб қолди ва уларни идора қилиш учун ўзининг синалган лашкарбошилари ва айрим маҳаллий ҳинд ҳокимларини ноиб этиб тайинлади.

Искандар Ҳиндистонда Пор бошчилигида янги вилоят тузди. Сўнг Ҳимолай қарағайларидан кемалар қурилиб, юнон қўшинининг бир қисми денгиз орқали, қолган қисми эса қадим савдо йўли билан ватанига жўнадилар. Йўл давомида ерли қабилалар билан тўқнашувлар давом этди.

Ҳиндистон юришида ҳиндларнинг мағлубияти улар ичида бирлик йўқлигини кўрсатди. Чет эл истилочиларига қарши кураш кейинроқ маҳаллий ҳукмдорларни кучларини бирлаштиришга мажбур этди. Шу билан бирга юнонларнинг Ҳиндистонга юриши маълум даражада бу ўлкада қадимги юнон – Эллин маданиятининг ёйилишига сабаб бўлди. Искандарнинг бу юришида иштирок этган солномачилар Птолемей (кейинроқ Миср императори), Неарх, Эвмен, Диодот ва бошқалар томонидан бу мамлакат ҳақида тарихий асарлар яратилди. Ҳиндистонда юнонлар асос солган Никея, Буцефал каби шаҳарлар қад кўтарди ва улар узок муддат яшадилар. Юнонлар юриши Ҳиндистоннинг ташқи маданий ва савдо алоқаларининг кенгайиши ва мустаҳкамланишига имкон берди.

Юнон-македон қўшинларининг айрим қисмлари бир неча йилгача Ҳиндистонда қолиб кетди. Баъзи вилоятларда уларнинг ҳукмронлиги оз муддат давом этди. Милоддан аввалги 317 йилда Искандарнинг ноибларидан Эвмен бошчилигидаги қўшин Ҳиндистон ҳудудини тарк этди.

Милоддан аввалги 323 йилда Искандар Бобилда безгакдан вафот этди. У қисқа умр кўришига қарамай, тарихда буюк афсонавий шахс сифатида ном қолдирди. Искандар Ҳиндистон шаҳарларини забт этиш билан чекланмай, уларга юнонлар таъсирини ўтказишга ҳаракат қилди. У босиб олган ҳудудларида ҳокимият тепасига ўз одамлари ёки ҳинд ҳукмдорларини қўйди. Унинг баъзи чора – тадбирлари ерлик халқ ўртасида юнон ва ҳинд маданиятини ўзаро яқинлаштирди. Европа мамлакатлари билан Ҳиндистоннинг алоқалари мустаҳкамланди. Эллин дунёси шу вақтга қадар номаълум давлат билан яқиндан танишди. Искандар империяси эгаллаган улкан ҳудуд ҳақида ватанига қайтган аскарлар кўрган – билганларини сўзлаб бердилар. Ҳарбий раҳбарлар ва юриш қатнашчилари ҳинд халқининг урф одатлари ҳақида нисбатан тўлиқ маълумотга эга бўлдилар.

Тарихчилар Искандарнинг юриши Ҳиндистондаги жараёнларга таъсир кўрсатиб, келажакда мамлакат бирлашуви ва маурийлар империясининг кенгайиши учун туртки бўлди деган фикрни билдирдилар. Ҳинд тарихчиси Косамбининг кўрсатишича, шимоли – ғарбий Ҳиндистон узок вақт Магадха империяси ҳукмронлигида бўлган. Искандар маҳаллий қабилавий давлатларни мағлуб қилиб, улар кучини синдирмаганида, Чандрагупта Маурийнинг бу ўлкани бўйсундириши кийин кечарди.

Македониялик Искандарнинг юриши вақтида Магадха пойтахтида Пандалар сулоласидан Аграмес шоҳлик қилган. Панда империяси ҳақида маълумотлар маҳаллий ҳинд манбалари орқали ҳозирги вақтга қадар етиб келган. Маҳаллий ҳинд шоҳлари Искандарга Панда қўшинларининг кучи, аммо шоҳ Аграмес у қадар катта нуфузга эга эмаслиги ҳақида хабар бердилар. Юнон тарихчиларидан Диодор ва Курций Руф Аграмес қўшинида 200 минг пиёда, 20 минг отлик аскар, 2 минг енгил арава ва 3-4 минг жанговар фил мавжуд бўлган деб айтадилар. Қадимги ҳинд манбаларида Пандаларнинг бойликка ўчлиги, ҳатто тери-чарм, дарахт, қимматбаҳо тошларга ҳам солиқ солганликлари ҳақида айтилади.

Пандалар қудратли қўшин ёрдамида солиқ тўловларини йўлга қўйиб, фаол ташқи сиёсат олиб бордилар. Улар баъзи маҳаллий сулоалар кучи ва

мустақиллигини барбод этиб, Деканнинг жанубий ўлкаларига кириб борганлар. Эпиграфик ёдгорликлардан маълумки, Калинга (ҳозирги Орисса) ёки унинг бир қисми Нандлар империяси таркибига кирган. Бу империя кейинчалик янги барпо бўлган Маурийлар сулоласи томонидан бирлаштирилган. Бу эса янги ҳинд давлати ташкил топиши учун барча шароитни юзага келтирди.

Ҳинд тарихий манбаларига қараганда, Нандлар кшатрийларни тугатиб, тахт тепасига келган шудралар авлодидан ҳисобланади. Нандлар сулоласига Махападма асос солган. Брахман манбалар бўлмиш пуронларда Нандлар ёмон фазилатли ва пасткаш деб таърифланади. Бу таъриф антик муаллифлар асарларида ҳам сақланиб қолган. Тарихчи Плутарх сўзига биноан ўша даврда Паталипутра тахтида «зоти паст ҳукмдор» ўтирган. Жайн асарларида айтилишича, Нандларнинг кўпчилиги жайнизм динига эътиқод қилганлар.

Таянч иборалар

Махажанапад, жанапад, “Артхашастра”, Ражагриха, Паталипутра, Доро, Кир, юнон-махаронлар, Пор, Нандлар, Гирибаж, Кофеен, Уттарепатха, малла, қабилалари, Эллин маданияти.

Саволлар

1. Милоддан аввалги VI-IV асрларда Шимолий Ҳиндистонда ижтимоий-сиёсий тараққиёт қандай бўлган?

2. Ахамонийлар ва Македониялик Искандар томонидан Ҳиндистонни истило этилиши қандай нажаларга олиб келди?

5. Маурийлар империясининг ташкил топиши. Биндусара ва Чандрагупта ҳукмронлиги

Бир қанча олимлар буддизм манбалари ва ҳинд анъаналарини ўрганиб чиқиб, Чандрагупта Магадха кшатрийлари сулоаларидан бири – маурийларга мансуб деган хулосага келдилар.

Шоҳ ёшлигида устози ва маслаҳатчиси Каутиля (бошқа манбаларда Чанакя) билан учрашган. Магатха тахтини ўз қўлига олиш режасини Таксилада тузганлиги ҳақида қайдлар мавжуд. Қадимги манбаларда кўрсатилишича, Чанакя Таксила браҳманининг ўғли бўлган.

Шри-Ланка йилномаси орқали Чандрагупта тахсил олишни тугаллаб, Чанакя билан бирга қўшин тўплагани бизга маълум. Улар турли туманлардан аскар ёллаб, қисқа вақт ичида катта қўшин тўплаганлар. Ҳинд манбаларида айтилишича, Чандрагуптанинг тахтни эгаллаш нияти амалга ошгач, у шоҳ Пор билан иттифок тузади. Чандрагупта ва Пор биргаликдаги ғалабадан сўнг империяни бўлиб олишга келишганликлари ҳақида маълумотлар сақланган. У даврда Ҳиндистонда Искандар қўшини кучли мавқега эга бўлгани сабабли юнон-македонияликларга қарши курашиш амри маҳол бўлган. Вазият қисқа фурсатда ўзгариб, Искандар ўз қўшини билан мамлакат ҳудудини буткул тарқ этади. Истило қилинган ерлар эса сатраплар ҳамда ҳинд ҳукмдорлари ўртасида тақсимланади.

Кейинги воқеалар кескин тус олди. Македонияликларга қарши кураш, сатрапларнинг ўзаро тўқнашувлари, Филиппнинг ўлдирилиши, уларнинг вақтинча Эвдем ва Амбхи ҳукмига берилиши, ва ниҳоят, Искандарнинг вафоти сиёсий майдонда ўз аксини топди. Панжопдаги вазият қўшини тобора кучайиб бораётган

Чандрагуптага қўл келди. Милладан аввалги 317 йилда Эвдем Порни яширинча ўлдиради ва унинг жанговар филларини олиб, Ҳиндистонни тарк этади.

Порнинг ўлими билан Ҳиндистон қудратли ҳукмдордан жудо бўлади. Қотиллик Чандрагуптанинг иштирокисиз ёки хоҳишсиз амалга ошмаганлиги аён. Асосий эътибор энди бир қанча давлатлар иттифоқига таянган ҳолда, Магадха тахтини эгаллашга қаратилган эди. Ҳиндистонда юнонларга қарши кураш асосан Искандар ўлиmidан кейин бошланди.

Чандрагупта милoddан аввалги 317 йилдан кейин тожу–тахтга эга бўлди. Юстин, Страбон, Плутарх ва бошқа юнон муаллифларининг асарларида Чандрагуптанинг Македониялик Искандар лашкарбошиси Селевк билан ўзаро алоқалари ҳақида айтилади. Уларнинг ўзаро тўқнашувларидан сўнг тинчлик ўрнатиш мақсадида Селевк Чандрагупта саройига элчи Мегасфенни йўллайди. Икки ўртада тузилган сулҳга биноан Чандрагупта Селевкка 500 жанговар фил тақдим этган. Маурийлар ихтиёрига эса Паропамисада, Арахосия ва Гедросия (ҳозирги Покистон ва Эрон ҳудудида) ўтади. Бу воқеа Мегасфеннинг «Индика» асарида ўз аксини топган. Бизга бу асарнинг айрим парчаларигина етиб келган. Антик муаллифлардан Диодор Чандрагуптани «юнонларни ҳурмат қилган ҳукмдор» деб тасвирлайди. Чандрагупта давлатининг пойтахти Паталипутра бўлган. Уни антик муаллифлар катта, гўзал ва ҳашаматли шаҳар деб тасвирлайди.

Чандрагупта Ҳиндистоннинг энг машҳур шоҳларидан бўлиб, турли афсоналар, ривоятлар туркуми унинг номи билан боғлиқ. Чандрагупта тахтни тахминан 24 йил (милoddан аввалги 317-293) бошқарган. Сўнг тахтга унинг ўғли Биндусара ўтиради. Қадимий ривоятларда у «ўз душманларига қирон келтирувчи» номини олиб, милoddан аввалги 293-268 йилларда ҳукмронлик қилган. Шу билан биргаликда Биндусаранинг Жанубий Ҳиндистон халқлари билан алоқалари ҳақида мавжуд маълумотлар ҳам аҳамиятга эга. Биндусара 16 пойтахт – шаҳарни эгаллаб, давлати ҳудудини «Шарқий океандан Ғарбий океанга» қадар ёйди. Юнон ва Рим муаллифлари Маурий шоҳининг Миср ва Селевк империялари билан ўрнатган дипломатик муносабатлари ҳақида маълумотлар қолдирганлар. Страбон Маурий элчилари ҳақида ёзиб қолдирган. Плиний элчи йўллаган Миср шоҳининг исмини Филадельф деб атайди. Биндусара ҳудудига Мегасфендан сўнг элчи Дионис юборилган. Антик даври тарихчиларидан Ҳиндистоннинг бу ҳукмдори Ғарб билан алоқани кучайтириб, Чандрагупта сиёсатини давом эттиргани маълум.

Юнон тарихчиларидан Афиний Селевк шоҳи Антиох билан Биндусаранинг бир-бирига мактуб йўллаганини кайд этади. Ҳинд шоҳи Антиохдан ўз саройига ширин мусаллас, қуритилган хурмо ва шу билан бирга файласуф юборишини илтимос қилади. Антиох хатга жавобан хурмо билан мусаллас юборишимиз мумкин, аммо бизда файласуфлар сотилмайди, деб ёзади. Турли манбаларда Биндусара давлатида брахман динига эътиқод қилинганлиги таъкидланган. Биндусара вафотидан сўнг унинг ўғиллари орасида тахт учун кураш бошланиб, пировардида Паталипутра тахтини Ашока эгаллайди.

Таянч иборалар

Чандрагупта, Каутиля (Чанакя), Биндусара, Магадха, “Индика”.

Саволлар

- 1. Жайнизм ва буддизм моҳияти нимадан иборат?**
- 2. Маурийлар империясининг вужудга келиши.**

6. Ашока империяси

Ашока даврида маурийлар сулоласи буюк қудратга эга бўлди. Маълумотларга кўра, Ашока ҳокимият учун узоқ вақт кураш олиб борган. Шу сабабли у тож кийиш маросимини ҳокимиятни қўлга олишидан 4 йил кейин ўтказган. Маурийлар империяси қадимги Ҳиндистоннинг машҳур арбобларидан бири, сулоланинг учинчи ҳукмдори Ашока даврида гуллаб яшнади. Унинг даврида империя ҳудуди шимолда Кашмир ва Ҳимолай, жанубда Майсурга, шимоли-ғарбда ҳозирги Афғонистондан шарқда Бенгал кўрфазигача ёйилган эди. Империя Ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатди. Бу давлат ўша даврнинг йирик империясига айланиб, шон-шўхрати оламга ёйилди. Мамлакатда будда дини ҳам ривож топди.

Бизгача етиб келган Ашока фармонларида маурийлар сиёсати, империяни бошқариш усуллари ва ўша давр тарихи ҳақида муҳим маълумотлар бор. Фармонларда маурий шоҳи «Пиядаси Деванамния» деб аталади. Бу ном санскритча «Худога мақбул ҳукмдор» маъносини билдиради. Пиядаси Ашоканинг шахсий исми бўлганлиги эҳтимоли ҳам мавжуд. Ашока исми эса «ғамдан холи» деган маъносини билдириб, Косамби ўз монографиясида Ашока ёки Асока номини «ғам билмас» деб таржима қилади.

Шри-Ланка йилномаларига кўра Ашока 37 йил, Пурана маълумотларига кўра 36 йил давомида ҳукмдорлик қилган.

Шоҳ фармонларига биноан, унинг даврида Бенгал кўрфазининг жанубий соҳилидаги Калинга давлати билан уруши энг катта ҳодиса бўлган. Шоҳ бу тўғрида қуйидагиларни ўн уч қояга ўйдириб ёздирган: «Саккиз йил ичида шоҳ Пиядаси томонидан Калинга босиб олинди. 150 минг киши асир олинди. 100 минг одам қатл этилди. Бундан ҳам кўпроғи урушда ҳалок бўлди». Калинга қўлга киритилиши билан маурийлар империяси янада қудратли бўлди. Бу ҳудуд нафақат стратегик жиҳатдан, балки савдо-сотиқ нуқтаи назаридан ҳам қулай эди. Калинга урушидан сўнг Ашока фаол ташқи сиёсат юритди. Катта қудратга эга Ашока баъзан ҳарбий куч, баъзан сиёсий усуллар билан ғалабага эришган. Забт этилган юртларга махсус элчилар йўллаб, маҳаллий ҳукмдорларга улкан ваъдалар берган. Рус олими Г.М.Бонгард-Левин узоқ изланишлардан сўнг Ашоканинг будда дини ва дҳарманинг кенг ёйилишига эътибор берганини аниқлади. Юқорида айтилганидек, у кўп давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Жумладан, Селевк шоҳи Антиох, Миср ҳукмдори Птолемей, Македония шоҳи Антигон Тонат, Кирена шоҳи Мак ва Эпир шоҳи Искандар ҳузурига ўз элчиларини йўллаган. Ашока Цейлон билан ҳам яқин муносабат ўрнатган. У ўз ўғли бошчилигидаги элчиларни Цейлонга будда динини ёйиш мақсадида жўнатганида, Цейлон шоҳи унга тақдидан Деванампия номини олади. У ҳам Магадхага ўз элчиларини юборган.

Маурийлар империяси улкан ҳудудни эгаллаган эди. Бу империя таркибига этник, тил ва маданий жиҳатдан фарқ қилган ва диний эътиқоди, урф-одати турлича бўлган халқлар бирлашган эди. Ашока тарихчилари ёзувларига кўра, давлат ҳудуди Жанубий океандан Ҳимолай тоғларига қадар ерларни эгаллаган. Ҳозирги Афғонистондаги Арахосия ҳам мазкур империя таркибига кирган. У жанубда Чола, Кералапутра, Сатяпура давлатлари билан чегараланган.

Таянч иборалар

Паришад, сабҳа, вижита, Чахравартин, ражухий, астином, Калинга, дхарма, “Пиядаси Деванамния”, Косамби, Ашока.

Саволлар

1. Ашоканинг ҳокимият тепасига келиши қандай кечди?
2. Маурийлар империясининг вужудга келиши.

7. Маурийлар даврида шоҳ ҳокимияти

Маурийлар даврида монархия кучайди. Қабилалар бошқаруви ёки республика тизимининг роли аста секин тушиб борди. Мазкур жараён Ашока фармонларида ва «Артхашастра»да айтилгани каби, давлатчиликнинг асосий шиори «Давлат-бу шоҳдир» маъносини англатади. Ворислик қондасига қатъиян риоя қилинар, шоҳ ҳаётлигидаёқ ўғилларидан бири, одатда тўнғич ўғлини тахт вориси этиб тайинларди. Аммо кўпинча шаҳзодалар ўзаро қизғин курашдан сўнг тахтга эришардилар. Тахтга чиқиш махсус маросим – абхишека ўтказилган. Маурийлар ҳокимияти даврида Ҳимолайдан Жанубий денгизларгача ёйилган ҳудуднинг ягона ҳокими – Чакравартин – яъни «ҳокимият ғилдирагини айлантирувчи» тушунчаси шаклланди. Бу тўғрида «Артхашастра»да муфассал айтиб ўтилган. Бинобарин, мазкур жараён улкан империянинг барпо бўлиши билан боғлиқ ҳинд давлатчилиги тарихидаги янги даврни ифода этади. Ашока битикларига кўра, маурий шоҳи давлат тепасида туриб, қонун чиқариш ҳуқуқига эга бўлган. У йирик давлат арбобларини ўзи тайинлаган. У хазинабон ҳам олий суд бошқарувчиси бўлган.

Шоҳ саройида браҳман зотидан бўлган қоҳин муҳим ўрин тутган. Ҳукмдор лавозимларга ўз одамларини тайинласа ҳам, аммо улар орасида махфий кузатувчилари бўлган. Нопок амалдорларини жазо тариқасида қонларда оғир ишларни бажартирган. Умуман, назорат ишларига катта аҳамият берилган. Фақат амалдорлар эмас, балки оддий аҳоли ҳам кузатув остида бўлган. Тахтга даъвогар – шаҳзодалар алоҳида назорат остида сақланган. Шоҳ тунлари хуфий айғоқчиларни қабул қилар, кундузлари эса давлат ишлари ёки маишат билан машғул бўларди. Шоҳнинг ўзи қўшинларнинг бош қўмондони ҳисобланган. Метасфен ёзишича, шоҳ Чандрагуптанинг 400 минг кишилиқ қўшини бўлган.

Паришад ва сабҳа. Давлатни бошқаришда шоҳ аъёнлари кенгаши – паришад катта роль ўйнаган. «Артхашастра» да мазкур кенгаш – мантрипаришад (шоҳ вазирлари мантринлар мажлиси) деб аталган. Кенгаш барча буйруқларни бажариш ва тизимни текшириш билан шуғулланган. Паришаддан ташқари бир неча ишончли шахсдан иборат тор доирадаги махфий кенгаш мавжуд эди. Паришад таркиби давлат эҳтиёжидан келиб чиқиб тайинланган. Ашока даврида паришад дхарма қонун-қоидалари бажарилишини назорат қилган ва мамлакат ўлкаларини бошқариш усуллари билан таниш амалдорлар вазифаларини белгилаган. Паришадда қизғин тортишувлар бўлиб турар, гоҳо ҳукмдор ва паришад аъзолари ўртасида ҳам келишмовчиликлар чиқарди. Айниқса, Ашока даврида бундай қарама-қаршиликлар кескин тус олди.

Паришад ўз имкониятларини кенгайтиришни истаган зодагонлар, ҳарбийлар ва қоҳинлардан ташкил топган. Ведалар даврида у таркиб жиҳатидан анча кенг бўлиб, рожалар сиёсатига ижобий таъсир кўрсатар, демократик услубда иш олиб борар эди. Аста-секин унинг таркиби қисқариб, фақат аслзодалар иштирокидаги

маслаҳатчи органга айланиб қолди. Маурийлар даврида подшо ҳокимияти кучайганда ҳам паришад ўз мавқеини сақлаб қолди. Шундай жараён зодагон ва халқ вакиллари кўпчиликни ташкил қилган сабҳада ҳам рўй берди. Сабҳа муҳим сиёсий вазифаларни адо этар, Маурийлар даврида унинг таркиби ҳам анча қисқарди. Паришадга нисбатан рожа сабҳа кўпроқ ваколатга эга бўлиб, унинг ҳайъатига шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг айрим вакиллари кирар эди. Подшо кўпинча кўмак истаб рожа сабҳага мурожаат қиларди. Ашоканинг рожа сабҳа аъзолари олдида маъруза қилгани маълум. Сабҳа Чандрагупта даврида ҳам мавжуд бўлган.

Солиқлар. Шоҳнинг муҳим вазифаларидан бири солиқ йиғишни ташкил этишдан иборат бўлган. Кучли ҳокимият асосини хазина ташкил қилади. Шу сабабли ҳукмдор ҳамиша хазина тўлишидан манфаатдор бўлган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 1/6 қисмига тенг бўлган шоҳ улуши – бҳага солиқнинг асосий тури эди. Шоҳни ҳатто шадбҳагин, яъни “олтидан бир қисмини олувчи” деб ҳам атаганлар. Ҳосил яхши бўлган мавсумларда бҳага 1/4 ва 1/3 ҳажмига қадар ҳам олинган. Тақчиллик вақтида бу улуш янада ортиши ва шоҳ эҳром бойликларини ҳам ўзлаштириши мумкин эди. Солиқларнинг асосий қисми ҳукмдор хазинасига келиб тушган ва уларнинг катта қисмини деҳқонлар – катта ерга эга бўлмаган эркин жамоа аъзолари тўлардилар. Бундан ташқари савдогар, косиб ва чорвадорлардан ҳам солиқ олинган.

Аҳолининг айрим қатламлари солиқдан озод қилинган. Антик муаллифларнинг айтишича ва қадимги ҳинд қонунлари – шастриларда кўрсатилишича, муқаддас матн билимдони ва юқори Варна-тоифа вакили сифатида браҳманлар солиқ тўлашдан озод этилганлар. Шунингдек, шоҳ хизматида бўлганлар ҳам солиқ тўламаганлар. Бу эса жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳлари орасида зиддиятлар келтириб чиқарди.

Вилоятларни бошқариш тизими. Вилоятлар қадимий анъана ва тартиб-қоидалар асосида бошқарилган. Маурийлар эски тизимни янги шароитга мослаштирдилар. Шунингдек, давлат бошқарувининг янги усуллари ҳам ишлаб чиқилди. Империя асоси вижита – («забт этилган») ҳисобланиб, унга ер-мулки билан шоҳ назорати остида бўлган баъзи туманлар кирган. Вилоятларнинг тўрттаси – шимоли-ғарбий (пойтахти – Таксила), ғарбий (пойтахти – Ужжаяна), шарқий (Калинга вилояти, пойтахти–Тосала) ва жанубий (пойтахти–Суварнагири) алоҳида ҳуқуққа эга эди. Бу вилоятларни шахзодалар бошқариб, улар империя сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Энг йирик вилоятлар маълум даражада ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга эдилар. Барча вилоят шахзодалари (Калингадан ташқари) ўзлари идора этаётган ҳудудларни текшириш мақсадида махсус тафтишчиларни йўллар, аммо Калинга ҳокими бундай ҳуқуққа эга эмасди. Бу вилоятда назорат иши бевосита император томонидан бошқарилар, чунки бу вилоят кейинроқ забт этилиб, у император мулки ҳисобланарди. Оддий вилоятлар-жанапад, улар эса туман – прадеш, округлар – ахалеларга бўлинган. Вилоятлар тепасида йирик давлат амалдорлари – ражукийлар турган. Вақт ўтиши билан мазкур амалдорларнинг мавқеи кучайиб, ўз ҳудудларида қозилик ҳуқуқини қўлга киритди. Ахале тепасида турган махаматралар ражукийлар қўл остида хизмат қилганлар. Вилоятларнинг йирик шаҳарларида амалдорлар мажлис қиладиган махсус жойлар бўлган. Мирзолар тегишли фармонларни ёзиб шу ернинг ўзидан вилоятларга жўнатганлар. Маурийлар айирмачилик (сепаратизмга) қарши курашиш билан бирга

империя ичида автоном бирлик ҳуқуқи асосида айрим гана-республика бирлашмаларини сақлаб қолдилар.

Шаҳар бошқармаси. Маурийлар даврида ўз-ўзини бошқаришнинг айрим хусусиятлари шаҳарларда ҳам сақланиб қолган. Ашока ёзувларида ички, яъни вижита ичкараси ва ташқи шаҳарлар ҳақида сўз боради. Империя пойтахти – Паталипутра эди. Мегасфен ўз асарида махсус шаҳар амалдорлари – астиномлар ҳақида ёзиб қолдирган. Мазкур амалдорлар шаҳар ҳаётининг маълум соҳалари устидан назорат қилганлар. Шаҳар кенгаши амалда шаҳар бош ташкилоти ҳисобланарди. Унинг аъзолари марказ ёки вилоят амалдорлари томонидан тайинланган.

Аҳолининг ҳар бир гуруҳи варна – табақа ва ихтисосига кўра, шаҳарнинг муайян қисмида яшаган. Шаҳар амалдорлари жамоа бинолари, шаҳардаги тартиб, озодалиқ, муқаддас жой ва эҳромлар устидан назорат қилардилар. Мабодо, бирор киши шох саройи ёнидан ўтиб қолса, у ҳибсга олинар ёки унга жарима солинарди.

Ашоканинг диний сиёсати. Маурийлар даврида Будда дини Ҳиндистонда кенг тарқалди. Милоддан аввалги III асрда буддизм қадим ҳинд жамияти маънавиятида асосий йўналиш бўлиб қолди. Бу вақтда будда жамоаси – Сангха мавжуд бўлиб, бу динга оид муҳим асарлар яратилди. Айнан шу даврда буддавийлик кенг тарқалиб, тараққий этди. Будда дини кучли давлат тепасидаги яқка ҳоким – Чакравартин ғояси билан бирлашган империя таянчи бўлиб қолди.

Манбаларга кўра, Ашока бу динни дабдурустдан қабул қилган эмас. Отасининг саройида турли диний йўналишларни чуқур ўрганган ва мазҳаб уламолари мунозараларида қатнашган. У Будда таълимотини ҳам ўрганиб, упасака даражасига етиб борган. Император аввалига будда жамоасига жиддий эътибор бермаган. Кейинчалик роҳиблар ҳаётини пухта ўрганиб, уларни қўллаб-қувватлаган. Бу таълимотнинг ахлоқий устунлигига бўлган қизиқиш Калинга жангидан кейин янада ортган. Ашока урушдан аввал буддавийлик тарафдори бўлса ҳам, айтиш мумкин, урушдан кейин дхаммавижаи (дхармани эгаллаш), яъни асосий ахлоқ қоидаси – дхармани эгаллаш унинг сиёсатида алоҳида ўрин тутди.

Ашока ўз даврида зўравонлик билан эмас, балки турли таълимот мезонлари заминидан барча мазҳабларни бирлаштиришга интилдиги. Паталипутрада буддавийларнинг учинчи йиғини ўтказилди. У фақат будда роҳибларигина эмас, балки будданинг оддий издошлари бўлган халқ талабига асосланиб иш қўрди. Айтиш мумкин, Ашока биринчи бўлиб мамлакатни бирлаштиришда дин ролини тушуниб етди. Унинг кўп фармонлари Будданинг барча таълимотидан ҳам бохабар бўлмаган халқ оммасига қаратилган эди.

Ашоканинг дхарма – ахлоқ-одобга оид фармонлари. Дхарма – ахлоқ-одоб қоидалари, инсоний ҳаёт тарзидир. Шунингдек, бу сўз умумий будда таълимотини ҳам англатади. Ахлоқий қоидалар ота-онага итоат, катталарга ҳурмат, саҳийлик, жониворларга озор бермаслик қабилардир. Бундай қоидалар барча учун баробар. Баъзи олимлар фикрига кўра бу қоидалар дхармадан келиб чиққан. Тўғри, дхарма подшо фармонлари учун асос вазифасини ўтаган ва унга ҳурмат билан боққанларга подшо марҳамат кўрсатган.

Ашока фармонларида келтирилган дхарма турли варна ва ижтимоий гуруҳлардан иборат аҳоли учун умумий қоида бўлган. Шуниси эътиборлики, амалдорлар будда брахманларининг фаолиятини назорат қилган, бу эса уларнинг ҳаддидан ошиб кетмасликларини таъмин этарди.

8. Магадха – маурийлар даврида Жанубий Ҳиндистон

Ашока фармонларида империя чегаралари бўйлаб жойлашган Жанубий Ҳиндистон давлатлари – Панда, Чола, Чера, Сатяпутра ва Кералапутралар санаб ўтилади. Мегасфеннинг илк асарларида ҳам Панда давлати номи мавжуд (мил. ав. IV аср охири). Жанубий Ҳиндистон ва Шри-Ланка ҳақидаги маълумотлар Искандар юриши қатнашчилари бўлмиш тарихчилар қаламига мансуб. Улардан бири – Онисикрит ёзувларида Шри-Ланка оролига саёҳати ҳақида ҳикоя қилинади. Жанубий вилоятлар Маурийлар империясига қўшилганидан кейингина Шимолий Ҳиндистон билан маданий алоқалар ўрнатилди. Буддизм жанубга томон тарқала бошлади. Декан вилоятидан топилган II-III аср ёзувлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Мазкур ёзувларда бхожи, андхра, пулинди каби Ашока даври халқлари номи зикр этиб ўтилган.

Мегасфен асарида 300 шаҳарни бошқариб, 150 минг кўшинга қўмондонлик қилган, 500 жанговар фили бўлган Пандия маликаси ҳақида ҳикоя қилинади. Каутилиянинг «Артхашастра» асарида Жанубий Ҳиндистон бойликлари, Пандия мамлакати ва бошқа вилоятлар ҳақида муфассал маълумотлар бор. Виндхя тоғлари ва қалин чангалзорлар билан ўралган Жанубий Ҳиндистон Шимол билан алоқалар ўрната бошлади. Деканда топилган тангалар ҳам ана шундан далолат беради. Амаравати (Андхра Прадеш) дан 8 мингга яқин танга топилган. Жанубий вилоятларга Маурийлар ҳокимияти билан бирга ҳинд маданияти – буддизм ва жайнизм кириб келади. Хитойлик саёҳатчи Сюан Цзан Ашока даврида жанубий туманларда Будда хайкаллари учратганлигини айтади. Антик муаллифлар жануб иқлими, табиий шароити, ўсимлик дунёси ҳақидаги маълумотларини сақлаб қолганлар. Маурийлар империясининг кучсизланиши ва қулаши оқибатида маҳаллий сулолалар мавқеи ошиб, кўп микдордаги вилоятлар империядан ажралиб чиқди. Пушямитра даврида Шунгалар ичида биринчи бўлиб Деканда мустақил Видарбха давлати вужудга келди. Пушямитра оғир курашлардан сўнг Видарбхanning парчаланишига эришди ва унинг шимолий қисмини ўзига бўйсундирди.

Маурийлардан кейин Деканда кучли Сатаваханлар давлати ном қозонди. Пуранада Сатаваханлар андхралар номи билан аталган. Андхра халқи Гвадари ва Кришна дарёлари ўртасидаги телегулар мамлакатада яшаган. Ставаханлар ҳақида маълумот берилган дастлабки манбалар Марказий Ҳиндистон ва Шимолий Декандан топилган. Сулола асосчиси Симука (Пуранада Шимука), Ставаханлар тарихининг аввалги давридаги кўзга кўринган ҳукмдори шоҳ Сатакани ёки Шатакарни бўлган. Унинг ҳукмронлигида давлат ҳудуди кенгайтирилиб, шоҳ «Жанубий мамлакат соҳиби» номига сазовор бўлган.

Ушбу давлат бир неча юз йил давомида катта ҳудудда ҳукмронлик қилиш, шимолий Ҳинд давлатлари билан муваффақиятли рақобатлашиш ва босқинчи қабилаларга қарши туришга муваффақ бўлди. Қадим ҳинд манбаларига кўра, ушбу давлат маданият ва бошқарув соҳасида кучли тартиб ўрнатиш билан бирликка эришган.

Ставаханлар даврида маданият сезиларли ривожланди, Ғарб мамлакатлари, биринчи навбатда Рим билан алоқа ўрнатилди. Бунга ёзма манба маълумотлари ҳамда археологик материаллар ҳам тасдиқлайди. Маурийлар даврига келиб Калинга нандлар ҳукмронлигидан озод бўлиб, мустақил ва қудратли давлатга айланди. Калинга ҳукмдори 60 минг сипоҳий, мингта отлик ва кўплаб жанговар филлардан

иборат улкан ва кудратли кўшинга эга бўлган. Ашока бу мамлакатни бўйсундириш мақсадида машаққатли ва қонли уруш олиб борди. Калинга маурийлар империяси таркибига кирар экан, шахзода томонидан бошқариладиган вилоят деган алоҳида мавқеини сақлаб қолди. Афсуски, маурийлар империясидан кейин сўнгги Калинга ва машҳур Кхаравелла давридаги унинг равнақи ҳақида маълумотлар жуда оз. Кхаравелла 24 ёшида «Калинганинг буюк ҳукмдори» унвонини олиб, катта сиёсий ютуқларга эришади. У ўз ҳукмронлигининг иккинчи йилиёқ Ғарбга юриш қилиб, Ставаханлар шоҳи Сатанани мағлуб этади.

Ёзувларда шоҳ ҳукмронлигининг учинчи йилида пойтахтда дабдабали байрам ўтказганлиги ҳақида маълумотлар бор. У уч марта Шимолий Ҳиндистонга юриш қилади. Ҳукмронлигининг саккизинчи йилида катта кўшин билан Магадҳанинг аввалги пойтахти Раджагрихага ҳужум уюштириб, уни қамал қилади. Ёзувларда шоҳнинг шимолий ва жанубий Ҳиндистонга кўп сонли ҳарбий юришлари ва унинг ички тадбирлари ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Унинг буйруғи билан қароргоҳ – «Буюк ғалаба саройи» курилади. Жайнизм тарафдори сифатида шоҳ жайн қоҳинлари учун махсус бино қурдиради. Ҳукмдор хотини ҳам жайнизмга эътиқод қилиб, қоҳинларга улкан ғор ҳадя этади. Кхаравелладан сўнг Калинга шухрати тушиб кетади.

Таянч иборалар

Панда, Чола, Чера, сатяпутра, Видарбха, Сатаваханлар, мантринлар, рожа сабха, шадбхагин, шастри, вижита, жанапад, абхишека, прадеш, ахалелар, ражукийлар, махаматра, гана, Санга, Чакравартин, дхамавижаи, упасака, адхралар, телегулар.

Саволлар

- 1. Милоддан аввалги IV-II асрларда Жанубий Ҳиндистон давлатлари.**
- 2. Магадха – маурийлар даврида Калинганинг ўрни ва роли қандай бўлган?**

9. Маурийлар даврида Ҳиндистоннинг иқтисодий ривожига ва ижтимоий тузуми

Қадимги Ҳиндистон иқтисодий ҳаётида Магадха-маурийлар империяси муҳим ўрин тутди. Бу даврда ижтимоий-иқтисодий тузум равнақ топиб, кейинчалик янада ривожланди. Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликнинг юксалиши, темир курулларнинг кенг тарқалиши туфайли тараққиётнинг янги босқичига ўтилди ва кўпгина ишлаб чиқариш тармоқлари тез суръатда ривожланди. Чет давлатлар билан алоқалар кенгайгани ҳам муҳим аҳамиятга молик. Кўп манбаларда бу даврда иқтисодий муаммоларга алоҳида эътибор берилгани ҳақида айтилади. Каутилянинг «Артхашастра» асари деҳқончилик, чорвачилик, савдогарликка оид мулоҳазалардан иборат.

Ҳиндистонда темир азалдан маълум бўлган. Таксила, Ужаян шаҳарлардан топилган металл буюмлар мазкур даврда темирчилик яхши ривожланганидан далолат беради. Темирнинг милоддан аввалги I минг йилликда маълум бўлгани ҳақида антик муаллифлар ҳам маълумот берадилар. Масалан, Курций Руф: Шоҳ Искандар Таксила (милоддан аввалги 326 йилда) устидан ғалаба қозонган Пордан анча миқдорда пўлат олди деб ҳикоя қилади. Искандар бу тухфани қадрлаган. Бундан ўша давр Ҳиндистон пўлати сифатининг қай даражада эканлигини билиш

мумкин. Темир Шимолий Ҳиндистондан аста-секин жанубий вилоятларга ҳам тарқала борган.

Бу даврда деҳқончилик хўжаликнинг асосий тармоғига айланади. Дарё кирғоғи бўйлаб унумдор ерларда деҳқончилик манзиллари пайдо бўлади. Деҳқонлар сунъий суғориш тизимини яхши ўзлаштириб оладилар. Мегасфен Ҳиндистон заминининг унумдорлигини таърифлаб, бу ерда бир йилда икки марта ҳосил олиш мумкин деб ёзади. Панинида чопиш, ўриш каби атамалар сақланиб қолган. Қадимий ҳиндлар тупроқ таркибини яхши билганлар. Ҳар бир ернинг шароитига қараб пахта, дон ёки бошқа экинлар экилган.

Мегасфенга кўра, ҳиндларнинг асосий таоми гуруч бўлиб, “Жатака”да Магадха ерларида гуруч кўп экилгани айтилади. Бундан ташқари, улар турли сабзавот истеъмол қилганлар. Деҳқончиликнинг асосий курули омов бўлиб, Панини у билан ер икки-уч маротаба ҳайдалганлиги ҳақида сўзлайди. Омовга хўкизлар кўшилган. Маурийлар янги ва ташлаб кетилган ерларни ўзлаштиришда катта ишларни амалга оширганлар. Қишлоқ хўжалигидаги махсус амалдорлар (агрономлар) деҳқончиликни ташкил қилиш ишларини йўлга қўйишда алоҳида рол ўйнаганлар. Иқлимнинг номўтадиллиги, ёғингарчиликнинг кўплиги, қор эриганда дарёларнинг тошиши, қурғоқчиликлар – буларнинг бари сунъий суғориш тизими заруратини кучайтирди ва бундай тизим иншоотлари қурилди. «Архашаистра»да суғориш иншоотлари ҳосилга замин яратди деб айтилади. Калинга ҳукмдори Кхаравелланинг ёзувларидан, подшоҳ Нанда мўъжазгина канал бунёд этганлиги маълум.

Сув иншоотларини қуриш маурийлар даврида ҳам давом этган. Бунда археологик манбалар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, ўша даврга оид канал қолдиқлари топилган. Паталипутрадаги маурийлар саройи қазилмалари чоғида археологлар шу атрофдаги далаларни суғориш учун хизмат қилган канални топдилар. Оллоҳободдан узоқ бўлмаган жойдан профессор – Б.Б.Лал раҳбарлигидаги экспедиция энг катта ва машҳур каналлар тизимига эга бўлган сув ҳавзасига дуч келди. Ганг дарёси канал орқали сув омборига келиб тушар, у ердан пишиқ ғиштдан қурилган боғловчи канал орқали сув юбориларди. Антик давр муаллифлари сунъий суғориш иншоотлари ҳақида шундай дейдилар: «Бу ерда дарёлар бир ой подшо учун, бошқа пайт халқ учун оқади. Ҳавзадан каналлар оқиб, одамлар хоҳишига кўра боғланиб кетган. Улар канал сувларини осонлик билан бошқа тарафга бурганлар». Яна бир маълумот: «Дарё ирмоқлари назоратчилари сувнинг тенг тақсимланиши учун ёпиқ каналларни назорат қилиб турардилар». Каутиля айтишига кўра, давлат сув иншоотлари созлигини зийраклик билан текшириб борган. Иншоотларга зарар етказганларга қаттиқ жазо чоралари кўрилиб, бундай кишилар шу жойнинг ўзида чўктириб юборилган. Чорвачиликка ҳам алоҳида эътибор берилган. Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, буддизмда тирик мавжудотларни ўлдириш гуноҳ ҳисобланган. Шу сабабли ўлдириш ман этилган ҳайвонлар рўйхати Ашока эдиктларида келтирилган.

Ўша даврларда ҳар бири 30 мингдан қорамолга эга йирик чорвачилик фермалари бўлган. Бу рақамлар бироз бўрттириб кўрсатилган бўлиши мумкин, лекин ушбу факт қорамоллар сони анча бўлганидан далолат беради. Ҳиндлар орасида чўпонлар ва овчилар алоҳида тоифани ташкил этиб, улар тоғларда камтарона ҳаёт кечирганлар.

«Артхашастра»да қайд этилишича, қорамол ўлдирган ёки ўғирлаган киши ўлимга маҳкум этилган. От ва филлар шохнинг мулки бўлиб, бошқа ҳеч кимга уларни боқишга рухсат берилмаган.

Шаҳарлар ўсиши, ҳунармандчилик. Бу даврда ҳунармандчилик марказлашиб, савдо-сотиқ анча ривожланди. Мазкур жараён даставвал Ганг водийсидан бошланди. Ўша давр ҳинд меъморлари бунёд этган қатор шаҳарлар ҳозирга қадар сақланган. Шуни айтиш керакки, юзлаб йиллар давомида давлат тўнтарилишлари ва урушларга бой бўлган бу заминда шаҳарлар номлари ўзгариб турган. Масалан, Паталипутра, Таксила, Матхура, Банорас, Раджагриха каби шаҳарлар илгари бошқа ном билан аталган.

Археологик қазилмалар милоддан аввалги VI-III асрларда Шривасти, Чампа, Раджагриха, Каушамби, Кушинагар, Варонаси шаҳарлари улкан мавқега эга бўлганидан далолат беради. Манбаларда бу шаҳарлар қиёфаси, бошқарув тизими ҳақида маълумотлар бор. Уларнинг кўпчилиги олдиндан белгиланган режа асосида қурилган «Артхашастра»да бинолар қурилишига алоҳида эътибор берилган.

Қадимги шаҳарларнинг аҳолиси кўп бўлган. Илк буддавий асарларда Чампадан тортиб то Бахаручакхигача – олтмишдан ортиқ борлиги тилга олинган. Магадха маурийлар даврида ҳунармандчилик ва савдо маркази бўлган шаҳарлар янада ривожланди. Археологик материалларга кўра, милоддан аввалги VI-III асрларда шаҳарлар турли шаклларда барпо этилди. Масалан, Паталипутра параллеллограмм, Каушамби трапеция, Шривасти шаҳри эса учбурчак шаклида қурилган. Булар орасида майдони ва аҳолиси жиҳатидан энг каттаси – империя пойтахти Паталипутрадир. Мегасфен кўрсатишича, унинг ҳудуди 25 км²дан зиёд бўлган. Пойтахтнинг 570та минораси ва олтмишдан ортиқ дарвозаси бўлган. Шаҳар асосан ёғочдан бунёд этилиб, баъзан тош ҳам ишлатилган. Ашока буйруғи билан саройдаги ёғочларга махсус ишлов берилган. Археологларнинг фикрича, юзта устунли катта залда Ашока мажлислар ўтказган. Саройни топган машҳур археолог Д.Спунер ёзишича, сарой шу қадар яхши сақланганки, бунга ақл бовар қилмайди. Зал устунлари 2000 йил аввалги кўринишини ҳамон йўқотмаган. Маурийлардан кейин қарийб 600 йил ўтгач Ҳиндистонга сафар қилган хитойлик сайёҳ Фа Сянь сарой маҳобатидан ҳайратга тушиб, у «илоҳий куч томонидан бунёд этилган» деб ёзади.

Милоддан аввалги IV асрга келиб Паталипутра Ганг водийсида савдо маркази сифатида жиддий мавқе эгаллайди. Манбаларда шаҳар манзилгоҳлари пура, нигама ва дурга деб номланган. Катта шаҳарлар эса алоҳида гуруҳга ажратилиб, нагар номини олган. Шаҳарларда ҳунармандчилик, айниқса заргарлик, темирга ишлов бериш ва тўқувчилик яхши ривож топган. Варанаси, Матхура, Ужаянда тайёрланган ип-газламалар айниқса қадрланган. Гандхара ўзининг жун матолари билан машҳур бўлиб, газламалар Баригази шаҳри орқали Ғарбга олиб кетилган.

Ёзма манбаларда ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари ҳақида маълумот берилади. 75 машғулот туридан олтмиштаси ҳунармандчиликка оид бўлган. Страбон Неарх маълумотлари асосида, ҳинд ҳунармандчилиги санъати, шу жумладан, темирчи ва заргар усталар ҳақида ёзади. Шаҳарлик темирчиларнинг мақоми браҳманларга тенглаштирилган.

Пахтачилик саноатининг асосий марказлари Каит, Матхура, Ванга, Калинга ва Махиша бўлиб, «Артхашастра»да тўқимачилик устахоналари санаб ўтилган. Ҳунармандлар орасида фил суягига ишлов берувчилар алоҳида мавқега эга эди. Бу

соҳа маркази Варанаси бўлиб, ўша даврда дарахт ва тош йўниб, нақш ишлаш ҳам анча ривож топади. Ҳунарманд гуруҳларининг яшаш шароити бир хил бўлмаса ҳам, улар шрен номини олган уюшмаларга бирлашганлар. Бу бир ҳунар эгаларининг бирлашмаси бўлиб, милодий I асрга келиб бу каби уюшма фаолияти янада гуллаб – яшнади. Шренлар каттиқ тартибга таянар, уларга раҳбарлик наслдан наслга ўтган. Уларнинг ички низомлари мавжуд бўлиб, уларни бузган ҳунарманд жазоланган, ҳатто ширкатдан чиқариб юборилган. Ҳунармандлар фаолиятидан фойда олган ҳокимият уларни ҳимоя қилувчи фармонлар чиқарган. Масалан, ҳунарманднинг кўзи ёки кўлига шикаст етказган шахс ўлим жазосига маҳкум этилган.

Қишлоқ ҳўжалик ишлари ҳам давлат томонидан назорат қилинган. Қишлоқ фақат маъмурий бирлик бўлиб қолмай, балки даромад манбаи ҳисобланган. Қишлоқлар аҳолиси ва ихтисосига кўра ўзаро фарқ қилган. Манбаларда темирчи ва бошқа ҳунар номлари билан аталган қишлоқлар учрайди. Қишлоқ ҳўжалиги ва ҳунармандчиликнинг юксалиши савдо-сотиқни ривожлантиришга маълум ҳиссасини қўшди.

Савдогарлар ҳам ўз ташкилотларига эга бўлиб, ҳар бир вилоят муайян товар сотишга ихтисослашган. Маурийлар даврида алоқалар асосан йўлларнинг очилиши туфайли кенгайиб борди. Айниқса, шимолий ва жанубий савдо йўллари машҳур эди. Курукликдаги савдо ва денгиз савдоси ҳам яхши ривож топди. Манбаларда ёзилишича, ҳинд савдогарлари ярим йиллаб давом этган хатарли денгиз сафарларига чиққанлар. Икки асосий савдо йўли Шарқий Ҳиндистонни шимоли-шарқ, Таксила билан боғловчи шимолий Уттарпатха ва Годавари бўйидаги Пратихтаханани Магадханинг эски пойтахти Раджагриха билан боғлаган Жанубий Дакшинатха ҳисобланган. Биринчи катта қатнов йўли Ўрта ер денгизи, Марказий Осиё, Хитой савдо йўллари кесишган Бактриядан ўтган. Савдо йўллари Варанасидан Ужаяни, Видеху, Шривасти, Таксила, Капилаваста, Кушинагар, Матхура, Митхилуга, Раджагрихандан Шривасти, Пушкалаватига, Шривастидан Каушамби ва Пратиштаханига, Сакетидан Паталипутрага олиб борарди. Дарё савдо йўллари орасида Ганг ва Жамна бўйлаб ўтган йўл катта аҳамиятга эга бўлган.

Турли вилоятларнинг савдо-сотиқ ишларига мослашувини табиий шарт-шароит, анъаналар белгилаган. Синдху ўзининг отлари билан, Каши газламалари, Капиша мусалласи билан машҳур эди. Денгиз йўли савдоси маурийлар давридан кейин янада ривожланди. Милоддан аввалги IV-I асрлардаёқ қадимий ҳиндлар узок мамлакатларга сафарлар уюштирганлар. Ҳинд савдогарлари Шри-Ланка, Бирма (Мьянма), Бобил, Жанубий Арабистон, Африканинг жанубий қирғоқларига қатнар эдилар. Бу даврда кemasозлик ҳам тараққий этди. «Артхашастра»да кemasозликка оид кўплаб маълумотлар мавжуд. Уларга кўра, шоҳ кемалари билан бирга хусусий кемалар ҳам бўлган. Ҳиндлар чет мамлакатларга от, олтин, маргимуш, сурма, ойна, турли қимматбаҳо тошлар олиб боришган. Панини асарларидаги маҳсулотлар рўйхати мол айирбошланадиган моллар қаторига ҳунармандчилик ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, кенг истеъмол буюмлари ва зеб-зийнатлар ҳам кирганини кўрсатади.

Шу даврда пул пайдо бўлади. Даставвал улар темирдан зарб этилиб, унга зарб этилган вақти ва ёзувлар туширилган. Милоддан аввалги V-IV асрларда тамғали мис ва кумуш тангалар пайдо бўлди. Аҳмонийлар империяси даврида форс сиглиси, шимоли-ғарбда эса тетрадрахмалар ишлатиларди. Манбаларда турли танга номлари келтирилиб, каршапани-кумуш, мисдан, суварна-олтиндан ва ҳ.к. бўлган.

Ер мулки. Милоддан аввалги I мингинчи йилнинг иккинчи ярмида ерга хусусий мулкчилик ривож топди. Сутра ва шастриларда сотиб олиш, топиб олиш, мерос ҳукуқи билан молга эга бўлиш кабилар баён этилган. Шахс фақат қонун билан тасдиқланганидан кейингина ерга эгалик қилиши мумкин бўлган. Мамлакат ерлари бир неча тур: шоҳга қарашли ерлар, жамоа ва хусусий ерларга бўлинган. Хусусий ер эгалари орасида бадавлатлари ҳам, қашшоқ, муҳтожлари ҳам бўлган. Катта ер эгалари ерининг ҳудуди 1000 карисгача (1 карис – 0.25га) ташкил этган. Бундай катта хўжаликларда юзлаб омон, куллар ва ёлланма ишчилар ишлатилган. Кичик хўжаликлар ўз оилалари билан деҳқончилик қилганлар. Ер эгаси ҳуқуқлари муҳофаза қилинган. Бошқалар ерини ўзлаштириб олган шахсларга жазо белгиланган. «Мону қонунлари»да, бировнинг ерига экин эккан одам ҳосилга эгалик қилолмайди деб айтилган. Ер фақат унинг эгасига қарашли бўлган ва ундан олинган маҳсулотларнинг мутлоқ эгаси ҳисобланган. Шоҳ ҳамиша хусусий ер эгаларига солиқ солар ва ер ҳажмини назорат қилиб борган. Ҳосил йиғим – терими вақтида ерини ташлаб кетган ер эгасига жарима солинган. Давлатга солиқ тўламаган кишига ҳам жарима солинар, аммо ери тортиб олинмасди. Жамоа ҳам давлат каби хусусий ер эгаларини муҳофаза қилган. Шу сабабдан ерни жамоа аъзоси бўлмаганларга сотишга рухсат берилмасди.

Ер фондининг бир қисмини давлат ери ва шахсан шоҳ ерлари ташкил этган. Шоҳ ерлари – свабхуми, унинг хўжаликлари сита номи билан аталарди. Махсус амалдор – нозирлар шоҳ мулкига кўз-кулоқ бўлиб турардилар. Қишлоқ жойларида ҳам ўз ерларига эга бўлган. Подшо ерларида куллар, коранда ва ижарадорлар хизмат қилардилар. Уларнинг баъзилари хизмати учун ҳосилнинг ярми, бошқалари $\frac{1}{4}$ қисмини олардилар. Мамлакатнинг табиий бойликлари давлат мулки ҳисобланган. Қадимги манбаларда икки турдаги солиқ: подшо ерларидан тушадиган сита солиғи ва хусусий ерлардан келадиган бхарез солиғи кўрсатилган.

Бу даврда жамоа тизими анча шаклланиб, унга аҳолининг катта қисми аъзо бўлган. Жамоа грама сўзи билан ифодаланиб, аммо амалда бу сўзнинг маъноси нисбатан кенг бўлган. Жамоа 30 тадан 1000 гача оиладан иборат бўлган. Унинг ихтиёрига умумжамоа ерлари, иншоотлар ва бошқалар кирган. Жамоа ўз ерларидан тушадиган даромаддан давлатга солиқ тўлаган. Жамоа аъзолари орасида ерида оиласи билан ишлайдиганлар билан бир қаторда, коранда ва кул ишлатадиганлар ҳам бор эди. Бунинг натижасида айрим жамоа аъзолари ҳужалиги синиб, ўз ерлари ва меҳнат куролларида ажралиб қолдилар. Жамоадаги камбағаллар эксплуатация қилинадиган бўлиб қолди. Қишлоқдаги ҳунармандларнинг ҳам аҳволи бир хил бўлмай, уларнинг айримлари хусусий корхонасига эга бўлиб, қолганлари ёлланиб ишлардилар. Ҳунармандчилик ва деҳқончиликнинг бирикиб кетиши натурал хўжалик юзага келишига сабаб бўлди ва жамоанинг ўзига хос хусусиятига айланди.

Ҳинд жамоаси ўзининг азалий умумжамоа анъаналарини сақлаб қолди. Улар сув ҳавзалари бунёд этиб, уларни биргаликда тозалаб турганлари ҳақида маълумотлар бор. Жамоа ишларида қатнашишдан бош тортган одамга жарима солинган. Жамоа ўз аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилган. Аввал эркин жамоа аъзолари бошқарув ишларини жамоа мажлисисиз ҳал қилардилар. Аммо тобора қишлоқ оқсоқолининг нуфузи орта борди. У жамоа мажлисида сайланиб, шоҳ вакили томонидан тасдиқланарди. Узоқ давр жамоалар бир-биридан ажралган ҳолда ҳаёт кечирдилар. Кейинчалик бундай хусусият аста-секин йўқола бошлади.

Қулчилик ва унинг хусусиятлари. Ведалар даврига нисбатан маурийлар даврида қулчилик анча ривожланди. Илк буддавий асарларда тобе бўлган киши қул деб аталган. Қул киши ўз эгасига қарам бўлар ва ҳеч қаерга кетолмасди. Қулларга буюм, ҳатто ҳайвон каби муомала қилинган. “Дхармасутра”да қуллар ҳам мерос сифатида қолиши ҳақида айтилади. Аҳолининг турли тоифалари қуллик асоратига тушган. Қулларни сотиш, гаровга қуйиш, қиморга тикиш мумкин эди. Уларга соғлиғи ва малакасига қараб нарх қўйилган. Қадимги манбаларда айтилишича, қуллар 3 турга бўлинган: тутқунликда қул бўлиб туғилганлар, сотиб олинган, ўзга юртлардан келтирилган (урушда асирга олинган) қуллар. Кейинчалик қулларнинг бошқа турлари ҳам пайдо бўлди. Баъзилар эгасига ҳақ тўлаб озод ҳам бўлган. Қуллар асосан қишлоқ хўжалигида ишлатилиб, бироқ ҳунармандчилик соҳасида ҳам қуллар меҳнатидан фойдаланилган. Қадимги қулдорлик тузумининг умумий жиҳати-патриалхаллигидир. Шунингдек, қулларни уй-рўзғор ишларида ҳам ишлатганлар. Хулоса қилиб айтганда, ўша давр жамиятида қулчилик муҳим ўрин эгаллаган.

Магадха-маурийлар даврида табақа – каста тузуми муҳим тузумлардан бири бўлиб, бу даврда брахманлар ўз нуфузларини сақлаб қолдилар. Айниқса диний маросимларда улар муҳим ўрин тутиб, шох маслаҳатчиси сифатида ажримларда иштирок этар, шу билан бирга катта мол-мулкка эга эдилар. Жамиятдаги янги табақаланиш туфайли брахманлар фаолиятларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Улар деҳқон, савдогар, ҳатто хизматчи сифатида кун кечиришларига тўғри келган. Сиёсий ҳокимият кшатрийлар қўлида бўлиб, Магадха-маурийлар даврида уларнинг нуфузи янада ошиб, катта ерларга эга бўлдилар.

Кўпгина манбаларда брахман ва кшатрий варналари вайший ва шудра варналарига қарши қўйилган, ҳатто уларни ўзаро қўшиб юборишга ҳам интилишлар бўлган. Натижада бадавлат вайшийлар юқори табақаларга тенглашиб, камбағаллари шудралар билан аралашиб кетди. Вайшийларнинг асосий машғулоти деҳқончилик ва ҳунармандчилик бўлган. Солиқларнинг асосий қисмини ана шу табақа тўлаб келган эди. Маурийлар даврида вайшилар нуфузи, имконияти чекланиб, ҳатто уларнинг рухсатсиз қурол олиб юриши таъқиқлаб қўйилди.

Маурийлар даврида «гана» ва «сангха» деб номланган бирлашмалар катта роль ўйнади. «Гана» ибораси кенг маънога эга бўлган. Энг ривожланган гана ва сангхаларни ҳоким идора қилган. Улар учун мезон якка ҳокимиятга эга бўлган ворисий ҳокимнинг йўқлигидир. Бошлиқ одатда гана томонидан тайинланиб, лавозимидан олиб ташланиши ҳам мумкин бўлган. «Чиваравесту» буддавий китобида Шимолий Ҳиндистондаги кучли республикалардан личхавийлар ганаси ҳақида маълумотлар бор. Янги бошлиқ сайлашда хизматлари инобатга олинган, гана билан келишиб иш тутмаган раҳбар эса лавозимидан четлаштирилган. Гана бошлиғи асосан ижро ҳокимиятига эга эди. Демак, гана – монархия бўлмаган мамлакатни англатиб келган.

Таянч иборалар

Агфономлар, Фа Сянь, Монд қонунлари, Гана, Сангха, “Жатака”, пура, нигама, дурга, шрен, тетрадрахма, сигма, каршапани, суварна, сутра, шастри, свабхуми, сита, бхарез, грама, “Дхармасутра”, “Чиваравесту”, личхавий.

Саволлар

1. Ҳиндистоннинг иқтисодий ривожланишида металлнинг роли.
2. Қадимги Ҳиндистонда қулдорлик тузумининг хусусиятлари.

10. Маурийлар даврида маданият

Ёзувнинг тарқалиши. Ҳиндистоннинг кўплаб вилоятларида топилган Ашока битикларига кўра, милоддан аввалги III асрдан бошлаб мамлакатда ёзув кенг ёйилган. Аммо, ёзувнинг бир неча аср олдин ҳам мавжуд бўлганлиги шубҳасиз. Талай буддавий асарларда мактуб жўнатиш, подшо фармонларини тарқатиш, котибларга мактабда ёзув ўргатиш ҳақида сўз боради. Панини грамматикасида “котиб”, “мирзо”ни тушунчасини англатган иборалар учрайди. Ашока фармонларида брахми, оромий ва бошқа ёзувлар қайд этилган. Юнон тарихчиси Неархнинг маълумотларига кўра, Македониялик Искандар Ҳиндистонга қилган юришидан сўнг, битиклар ип-газламага туширилаётган бўлган. Одатда ёзиш учун палма барглари ишлатилган. Бироқ намгарчилик туфайли бундай ёзувлар бизга қадар етиб келмаган. Ўша давр ёзув санъатининг ягона гувоҳи қоя тошлардир. Милоддан аввалги III асрда брахми асосий ёзув тизимига айланди. Олимлар орасида брахми тилининг келиб чиқиши ҳақида турли фаразлар мавжуд. Уни Харанна, жанубий араб ёзуви, ҳатто юнон ёзуви билан боғлашади. Милоддан аввалги II асрга оид ёзувлар бир неча хил бўлган. Будда ҳаётига бағишланган «Лалита вистара» асарида (милодий I аср бошида) маҳаллий ҳинд ва ўзгача 64 хил ёзув ҳақида айтиб ўтилади.

Илм–фан тараққий этиши. Маурийлар даврида илм – фан ривожланди. Бу даврда астрономия, геология, хандаса, адабиёт каби фанлар раванқ топди. Буддизм ва жайнизмга оид жуда катта адабий асарлар яратилди. Милоддан аввалги V-IV асрларда санскрит тили грамматикаси ҳақида ёзган машҳур ҳинд олими Панини яшаб ижод этди. Милоддан аввалги II асрда яна бир ҳинд олими Патанжали санскритнинг янги грамматикасини яратди. Бу иккала тилшунос олим маҳаллий лаҳжаларни яхши ўргандилар. Патанжали асарида пракрит тилига оид маълумотлар келтирилган. Улар асарларига кўра ўша даврда драматик асарлар ҳам ёзилган. Мазкур асарларда актёрлар, сахна ва мусиқа асбоблари ҳақида баён этилади.

Меъморчилик ва ҳайкалтарошлик. Бу даврдаги меъморчилик иншоотларининг аксарияти ёғочдан қурилганлиги сабабли, улар бизга қадар бутун ҳолда етиб келмаган. Вақт ўтиши билан бундай иншоотлар қурилишида тош ҳам ишлатила бошланди. Паталипутра қозишмаларидан шох саройи ва устунли қаср қолдиқлари топилган. Милоддан аввалги III – II асрларга оид Санга ва Бхархутдаги буддавий супалар қизиқиш уйғотади. Ашока фармонлари ўйиб ёзилган устунларнинг тепа қисми ажойиб санъат ёдгорликларидан бири.

Таянч иборалар:

Панини, Патанжали, буддавий супалар, пракрит, тили. Хандаса, брахми ва ороми ёзувлар, “Лалита вистара”.

Саволлар

1. Маурийлар даврида қандай ёзувлардан фойдаланилган?
2. Қадимги Ҳиндистонда яратилган меъморчилик обидалари номини келтиринг?

11. Маурийлар даври диний оқимлари

Жайнизм таълимоти. Бу таълимот милоддан аввалги VI асрда пайдо бўлиб, унга видахи (ҳозирги Бихар) кшатрийларидан бўлган Вардхамана асос солди. 28 ёшида у ўғай ота хонадонини ташлаб кетиб, ўрмонда умр кечирди ва тарки дунё қилиб, ҳақиқатга эришишга интилди. У оддий ҳаёт тарзидан воз кечиб, ўзини азоб-укубатларга дучор қилиб, очлик ва ташналик билан баданини чиниқтирди. Ҳиндистон вилоятларида тарғибот ишларини юритди ва атрофига кўплаб муридлар тўплади. Ҳиндистоннинг узок ўлкаларида ҳам унинг таълимот марказлари пайдо бўлди. У 80 йил яшади. Янги таълимот асосчисини Махавира, яъни “буюк қахрамон” ёки Жина - «ғолиб» деб атай бошладилар. Бундай фахрий унвон алоҳида ҳурмат эътиборга сазовор бўлган диний мураббийларга бериларди. Янги таълимот номи – жайнизм жина иборасидан келиб чиқди. Роҳиблар каби ҳаёт кечирган янги дин намоёндалари қаторига кўп сонли оддий ҳаёт кечирувчилар, яъни мол – мулки ва оиласидан жудо бўлмаган, жайнизм расм-русумларига амал қилувчилар қўшилдилар. Вақт ўтиши билан бу таълимот Ҳиндистоннинг нафақат маданий, балки ижтимоий ҳаётидаги муҳим ҳодисага айланди.

Жайнизм таълимотига кўра бутун табиат жонли. Жайнлар гуноҳкор одам тошга айланиши мумкин бўлгани каби, пировардида тош ҳам инсонга айланиши мумкин деб ишонадилар. Бошқа диний таълимотлар сингари жайнизмнинг ҳам асосий мақсади диний қонун-қоидаларни амалда татбиқ этишдан иборат. Тарки дунёчилик танани бўйсундиришдан иборат. Жайн ахлоқ қоидаларининг муҳим хусусияти – ахимса, яъни бирор жонзотга зиён етказмасликдир. Жайн роҳиб жониворларни ўлдириш эмас, балки ногоҳ бирон хашаротга зиён-заҳмат етказмасликка интилди. Жайнлар, тўғрилиқ, вазминлиқ, ўғрилиқ қилмаслик каби 28 қоидага амал қилганлар. Оддий ҳаёт кечирувчи аҳоли учун бу қоидалар мажбурий бўлмаган.

Илк буддизм ва унинг асослари. Дунёда кенг тарқалган буддизм динининг келиб чиқиши Гаутама номи билан боғлиқ. У аввало оддий фуқаро сифатида ҳаёт кечирган бўлса, сўнг тарки дунё қилиб, аскетлар турмуш тарзини қабул қилади. Ҳаётни кузатиш ўрганиш, ва чуқур мушоҳада қилиш оқибатида у Будда, яъни «билимли», «маърифатли» номини олади. Гаутама – Будда ўз тарафдорларини тўрт муқаддас ҳақиқатни англашга даъват этиб, унга эришиш йўллари баён қилади. Яъни у эътиқод, тўғри фикр, тўғри сўзлаш, тўғри хатти-ҳаракат, ҳалол йўл билан тирикчилик қилишни ташвиқ этган.

Буддизм бошқа диний-фалсафий таълимотлар сингари шимоли-шарқий Ҳиндистонга, аввало Магадхага ёйилди. Оғир каста чеклашларига қарши чиққан, туғилишидан бошлаб инсонлар орасида тенгликка чақирган бу дин янги ижтимоий пиллапоянинг қуйироқ поғонасини эгаллаган савдогар ва бадавлат вайшийларга маъқул бўлди. Буддизм кшатрийлар учун ҳам мос эди.

Буддавий жамоа–сангхага барча юқори варна намоёндалари қабул қилиниб, бу унинг нуфузини яна ҳам оширди. Унга кирмаганлар Будда таълимотига кўра, жаннат имконидан маҳрум бўлардилар. Буддизм асосини Будда томонидан баён этилган тўрт олий ҳақиқат ташкил этади. Мазкур ҳақиқатларда Будда инсонлар бошига тушадиган азоблар сабабини кўрсатиб, инсон ҳаёти азобдан иборат деб, уларни ўйин – ҳавасга берилмасликка чақиради ва азобдан халос бўлиш йўллари кўрсатади.

Сангхага қабул килинганлар ердаги ташвиш ва азоб-уқубатлардан озод бўлиб, нирвана – олий мақсадга эришишлари мумкин. Буддизмдаги ахлоқий жиҳатларнинг жиддий аҳамияти тасодифий эмас. Маълумки, ахлоқий омил инсон ҳаётида асосий ўрин тутди. Будда саккиз тамойилга чақиради: тўғри фикр, тўғри ҳулқ, тўғри ҳаракат, тўғри сўзлаш, тўғри тафаккур кабилар. Мазкур тамойиллар инсонларнинг асосий ахлоқ мезон ва меъёрларини белгилайди. Будда эътиқодига кўра, дунёдаги барча мушкулотлар инсоннинг маънавий тубанлиги, дунёвий ҳирслардан воз кечолмаслигидан.

Сидхартха Гаутама Будда номи билан танилди. Аслида у қудратли Шакья қабиласи бошлиғининг ўғли бўлиб, дунё лаззатларидан воз кечиб, дарвешларча ҳаёт кечирган. Будда милоддан аввалги 563 йилда туғилиб, 483 йилда вафот этди.

Маурийлар империясининг сўнгги даврини ўрганишда Ашока ҳақида буддавий ривоятлар муҳим аҳамият касб этади. Айниқса Ашоканинг умри охирида ҳокимиятдан четлаштирилишига оид маълумот кўп асарларда сақланган. Ашока бу вақтга келиб хазинани совура бошлаган. Манбаларда таъкидланишича, Ашока умрининг охирида Будда таълимотини янада кенгроқ ёйиш мақсадида буддавий роҳибларига кўплаб совға-саломлар жўнатган. Бунинг натижасида давлат хазинаси анча бўшаб қолган. Подшо аъёнлари тахт вориси унинг невараси Сампади императорнинг ҳаддан ташқари катта ҳайр – эҳсонлар қилаётганини етказганлар ва бу ҳолга чек қўйишни талаб қилганлар. Сампади буйруғига кўра, Ашока фармонларини бажармай қўйишадилар. Давлатни бошқариш ҳуқуқи Сампадига ўтиб, Ашока ўз ғояларини охиригача амалга ошира олмайди.

Манбаларга қараганда, Ашоканинг буддавийларга ён босиши брахман ва жайнлар норозилигини кучайтиради. Жайнизм тарафдори бўлган Сампади эса йирик амалдорлар тарафидан қўллаб-қувватланади. Бу вақтда мамлакатда оғир молиявий вазият вужудга келади. Қўзғолонлар кўтарилиб, буддизмга қарши бўлган императорнинг рафиқаси малика Тшаракшита ҳам шох душманларига қўшилади. Будда ривоятларига кўра, у хаста императордан тахтдан воз кечишини талаб қилади.

Манбаларда Таксила қўзғалони ҳақида айтишларича, марказнинг улкан давлатни бошқаришга қурби етмай қолади ва оқибатда вилоятлар мустақиллик талаб қилиб, бош кўтаради. Ашока ворислари империя бутунлигини сақлаб қололмайдилар. Империя шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетди. Ашока ўрнига Сампади ёки Дхараштра («худолар меҳрига лойиқ») тахтга ўтиради. Шундай сўнг Магадха тахтида ҳукмдорлар тез-тез алмашилиб турди. Маурийлар сулоласининг сўнгги вакили Брихадратха милоддан аввалги 180 йилда бош қўмондон Пушямитра томонидан тайёрланган фитна натижасида ўлдирилди. Ҳокимият Шунгалар сулоласига ўтди.

Пурана манбалари маълумот беришича, Маурийлар Магадха тахтида 137 йил ҳукмронлик қилганлар. Бу вақтда қадимий ҳинд жамиятида ўзига хос из қолдирган улкан ижтимоий-сиёсий воқеа ва ўзгаришлар юз берди. Бирлашган ҳинд давлатининг вужудга келиши, халқларнинг ўзаро муносабатлари ривожланиб, урф-одатларнинг бир-бирига таъсири ошди, чет мамлакатлар билан алоқалар кучайиб борди. Унинг маданияти жанубий-шарқий Осиё, шу жумладан, Шри-Ланкага ҳам етиб борди. Улкан кучга эга бўлишларига қарамай, Маурийлар ўз давлатларини сақлаб қололмадилар.

Қадимги йирик империялардан бири – Маурийлар давлатининг парчаланиб кетишининг қатор ички сабаблари мавжуд. Худудий жиҳатдан улкан бу давлат ўз

ичига ижтимоий ва иқтисодий жикатдантурлича тараққий этган вилоятларни олган бўлиб, улар куч ва зўравонлик билан бирлаштирилиб, фақат сиёсий жиҳатдан ягона давлат бўлиб таркиб топган эдилар холос. Забт этилган ўлкалар ўз урф-одатлари, удумлари асосида яшайвердилар. Марказий ҳокимият йўлга қўйилган бошқарув тизими, кучли қўшин ва дхарма қонунларига таяниб идора қилинар, марказнинг кучсизланиши эса мустаккам бўлмаган бирликни бузилишига олиб келди.

Ашोकанинг кучли ворислари бўлмаган. У ва унинг фаолияти ҳақидаги ривоятлар авлоддан-авлодга ўтиб борди. Бугунги кунда Ҳиндистон давлат байроғида Ашока устунларининг бирида тасвирланган Чакра – ғилдирак тимсоли бахт, улуғворлик ва абадий ҳаёт маъносини акс эттириб турибди. Сарнатх устунидаги тасвир эса бугунда герб сифатида қабул қилинган. Сўнгги буддавий манбаларда Пушямитра буддавийликка қарши сиёсат олиб борган деб айтилган. Қадимги қўлёзмаларда унинг браҳманлик тарафдори эканлиги ҳақида маълумотлар бор. У тахтга ўтириш чоғида ведалар даврида кенг тарқалган одат – от қурбонлик қилиш маросимини ўтказди. Пураналар кўрсатишича, Пушямитра 36 йил ҳукмронлик қилган. Шунгалар сулоласи 100 йилдан ортиқ ҳокимият тепасида бўлди. Шундан сўнггина ҳокимият Канвалар сулоласи қўлига ўтди (милоддан аввалги 68-22 йиллар). Бу даврда марказдан ажраш – сепаратизм жараёни тез кечди. Кўплаб вилоятлар марказий ҳокимиятдан ажралиб чиқди. Улар ҳокимиятни 45 йил давомида ушлаб турдилар.

12. Милоддан аввалги I аср – милодий I асрда шимолӣ-ғарбий Ҳиндистон

Маурийлар даврининг охиридаёқ шимоли – ғарбий Ҳиндистон вилоятларининг кўпчилиги амалда марказдан ажралиб бўлганди. Кейинроқ бу вилоятлар юнонлар таъсирига тушиб қолди. Кўплаб ҳинд-юнон ҳукмдорлари орасида подшо Менандр (ҳинд анъанавий манбаларида - Милинда) ажралиб турарди. Чамаси бу ҳукмдор Будда динини қабул қилган ёки унга ҳомийлик кўрсатган. Давлат пойтахти Шакала – ҳозирги Сиалкат шаҳри бўлган. Унинг ҳукмдорлиги Гандхара, Арахосия, Панжобнинг баъзи туманларига ёйилганди. Милоддан аввалги I асрда Марказий Осиёдан шимоли-ғарбий Ҳиндистонга Хитой манбаларида Се қабилалари деб номланган сак қабилалари кириб келди. Саклар аввал ҳинд-юнон сулоалари билан тўқнашиб, улар қўл остига ўтган бўлсалар, кейинчалик ўз ҳинд-сак давлатини барпо қилдилар. Улардан энг машҳури Мауэс чамаси милоддан аввалги биринчи аср ўрталарида ҳукм сурган бўлиб, Гандхара, Сват водийси ва тахминан Кашмирнинг бир қисми унинг қўл остида эди. Унинг вориси Аз «шоҳлар шоҳи» номига сазовор бўлди. Унинг давлатига Арахосия ҳам кирар эди. Милодий биринчи асрда майдонга ҳинд-парфия сулоалари чиқиб, шиддатли курашлар бошланиб кетди. Улардан Гондофор Гандхара, Арахосия (ҳозирги Афғонистоннинг бир қисми) ҳамда Сакастон, яъни саклар мамлакати (ҳозирги Сейистон) номи билан маълум бўлган Дрангиананинг бир қисмини қўлга киритди.

Милоддан аввалги II асрда яшаб ҳукмронлик қилган Апполодот даври тангаларидаги чакра тасвири ушбу ҳукмдор будда динини қабул қилгани ёки унга хайрихоҳлик қилганидан дарак беради. Милинда ҳукмронлиги даврида юнон қўшинлари Шарқий Ҳиндистонга юриш қилганлар.

Ҳинд тарихчилари И.К.Синха ва А.Ч.Банержи ёзишича, Менандр қудратли ҳукмдор бўлган. У зарб этган тангалар ғарбда то Қобулгача, шарқда Матхура, ҳатто

Бунделкхандгача етиб борган. Худди шу асрда ҳукмронлик қилган юнон шоҳи Деметр ерлари Ҳинд воҳаси билан чекланиб, «ҳиндлар ҳукмдори» номи билан машҳур бўлган. У тангаларни икки юнон ва ҳинд-кхораштхи тилида зарб этган дастлабки ҳукмдордир. Мамлакат шимоли-ғарбидаги сўнгги юнон ҳукмдор кушонлар шоҳи Кадфиз I томонидан (милоддан аввалги I аср) тахтдан туширилган.

Таянч иборалар:

Менандр, Шелсала, Се, Мауэс, Деметр, Катшрап, Аз I, “ҳинд-кхораштхи тили”, чакра, Пурана манбалари, жина, ахимса, аскет, нирвана, Сидхартха Гаутама, Будда.

Саволлар:

1. Милоддан аввалги I аср – милодий I асрда шимолий Ҳиндистонда чет эл истилолари якуни.

2. Илк буддизм асослари нимадан иборат?

13. Юнон-бактрийларнинг Ҳиндистонга босқини

Манбаларда Ҳиндистонга бостириб кирган юнон-бактрийлар яванлар номи билан юритилади. Юнон тарихчиси Страбон ҳинд ерлари Менандр ва Бактрия шоҳи Деметр томонидан бўйсундирилганлиги ҳақида маълумот беради. Пушямитра ҳукмронлиги ва Патанжали ҳаёти йиллари милоддан аввалги II аср ўртасига тўғри келади.

Шунгалар даврида ҳарбий масала ўта мураккаб муаммога айланди. Ҳинд муаллифи Патанжалининг «Махабхашя» асарида айтилишича, яванлар қўшини ҳинд шаҳарлари Сакету ва Мадхиямикани қамал қиладилар деб айтилади. Яванлар билан Пушямитра ворислари, жумладан унинг набираси Васумитра ҳам курашиб, улкан зафарларга эришди. Кейинчалик икки тараф ўзаро сулҳ тузади. Маълум бўлишича, юнон шоҳи Антиалкида шу мақсадда янги пойтахт – Видишудаги шоҳ Бхагбхадра саройига ўз элчисини юборади.

Милоддан аввалги тахминан II аср ўрталарида Марказий Осиё вилоятларига қўшни яшайдиган қабилалар кириб кела бошлаганлар. Хитой маълумотиغا қараганда, хуннларнинг сиқуви остида ғарб томон ҳаракат қилаётган Юэчжи¹ қабиласи мағлубиятдан сўнг жанубга йўл олган. Се-Саклар қабиласи билан тўқнашган. Саклар Помир доvonлари, хусусан машҳур осма йўл ва Ҳиндикушдан ўтишга муваффақ бўлганлар.

Таксиладан топилган ҳинд ёзувларида Мауэс ҳукмдорлиги даврида Чукша шахрида Кшатрапа (Сатрап) бўлгани маълум қилинади. Ундан кейинги сулолалар тарихи қадимий тангалар асосида тикланган.

Машҳур олим У.Тари ҳинд-сак шоҳларининг куйидаги тадрижий рўйхатини келтиради: Вонон, Сиалирис, Аз I, Азилис, Аз II. Археологларнинг маълумотиغا кўра, Аз I ҳукмронлиги даврида давлат чегаралари анча кенгайган. Унга «шоҳлар шоҳи» деб ном берилгани унга кўп шоҳлар тобе бўлганидан далолат беради. Масалан, у Матхура ҳукмдори Сатран Риджували тангаларини нафақат бошқа шоҳлар каби юнон ва кхораштхи ёзувида, балки шу билан бирга брахми ёзувида ҳам

¹ Шимолий-Ғарбий Хитойда яшаган бу қабилалар хуннлар томонидан қувилган. Саклар билан тўқнашувдан сўнг Сирдарё бўйидаги воҳани эгаллаб олганлар. Улар милоддан аввалги I аср бошига келиб, Бактрия ва Сўғдиёнанинг барча ҳудудини эгаллаганлар. Уларга қараган ҳудуд беш хонликка бўлинган бўлиб, улардан бири Кушонлар давлати Читрал билан Ҳиндистон томонга элтувчи тоғ йўллари ўртасида жойлашган бўлиши мумкин.

зарб қилган. Сак сатраплари сулоласининг чегаралари Ҳиндистоннинг ғарб ва жанубига қадар чўзилган. Кўплаб асрлар мобайнида Ғарбий Ҳиндистонда Кардамак сулоласи ҳукмронлик қилиб, уларнинг маркази Уджайн шаҳри бўлган. Солномалар бу сулоланинг энг қудратли ҳукмдори Рудраман (милоддан аввалги 150-130 йиллар) бўлганидан далолат берадилар. Милоддан аввалги 150 йилда Жувагадхадаги қоя ёзувларида у ҳақида баъзи фикрлар баён қилинган. Уларда бу давлатнинг маданий ва сиёсий ҳаёти ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Унинг ворислари ҳақидаги маълумотлар жуда оз. Тахт ворисларининг ўзаро низолари, турли кўзғолонлар ва кучли қўшни давлатларнинг доимий ҳуружлари ушбу давлатнинг парчаланишига олиб келди.

14. Кушон империяси

Кушон империяси қадимги Ҳиндистон ва бутун қадимги Шарқдаги энг қудратли империялардан бири бўлиб, бир неча юз йиллик мобайнида осиёликларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига сезиларли таъсир ўтказиб келган. Марказий Осиё қабилалари томонидан барпо этилган империя ҳозирги Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ҳудудини эгаллаган эди. У ўша даврдаги – Рим, Парфия, Хитой каби буюк империялар қаторидан жой эгаллаган эди. Кейинчалик Гупталар қабул қилган давлатчилик тизими асослари айнан Кушон давлатидан мерос бўлиб қолган.

Бактрияда қарор топган давлатлардан бирининг тангалари «Кушон Герай» деб номланган. Хитой солномачилари 100 йилдан ортиқ вақт ўтгач, Кушон Киоцуюю тўрт хонни бўйсундириб, ўзини Гуйшуан ҳукмдори деб эълон қилди деб хикоя қиладилар. У 80 йилдан ошиқ умр кўрди. Кужула Кадфиз тангалари Қобул, Таксила ва бошқа жойларда ҳам топилган. Бу тангаларнинг олд томонидан ҳинд-юнон шоҳи Гермей тасвирланган бўлса, орқа томонида эса, кхаронгхи хатида Кадфиз исми зарб қилинган. Кейинроқ у тўла мустақилликка эришди ва ўз номи билан тангалар чиқара бошлади. Дастлабки тангаларда «мулк эгаси» деб ёзилган бўлса, кейинроқ тангалар «шоҳлар шоҳи Кадфиз» ёзуви билан зарб қилинди.

Кадфиз I давридан сақланиб қолган ёзувлар унинг ҳокимияти Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий чегараларига ёйилганидан дарак беради. Бу маълумотларда дастлабки кушонларнинг вассаларини ҳам ҳиндлаштириш жараёни ҳақида хабар берилади. Унинг ҳокимияти кенг қулоч ёйганини археологлар топилмалари ҳам тасдиқлайди. Масалан, Таксиланинг ўзидан 2500 га яқин танга топилган. Улардаги шоҳ суръати милоддан аввалги I аср Рим императорлари Август Тиберий, Клавдийларнинг суръатларига ўхшаш. Демак, улар римликлар билан алоқа боғлаганлар. Кадфиз I тахтини унинг ўғли Кадфиз II ёки Вема эгаллайди. У ўз давлатини Ҳиндистоннинг ичкарасига – ҳозирги Панжоб, баъзи фаразларга кўра Уттар Прадешгача кенгайтиради, пул ислоҳати ўтказиб, тангаларни муомалага чиқаради. Бу бутун Марказий Шарқдаги илк барқарор пул бирлиги эди. Янги пул тизими Рим таъсирида пайдо бўлган деган тахминлар мавжуд. Тангалар оғирлиги 8 грамм бўлиб, улар Кушон давлати таркибидаги давлатлардан ҳам топилган. Пул тизимини бундай ислоҳ қилиш этник жиҳатдан турли-туман бўлган Кушон давлатининг иқтисодий юксалишида муҳим омил эди. Вема тангаларида кўпинча шоҳнинг меҳроб олдида тургани, орқа томонида эса Шиванинг мукаддас ҳўкиз – панда билан ёки ёлғиз ўзининг тасвири туширилганди. Айрим олимлар Матхурадаги тош ҳайкални айти шу ҳукмдор номи билан боғлайдилар. Покистонлик профессор

А.Н.Дони «Кадфиз Кушон давлатининг асосчиси бўлса, Вема бу давлат бунёдкоридир» деб айтади.

Кушон империяси қадимги Ҳиндистоннинг машҳур ҳукмдорларидан бўлган Канишка даврида буюк ва қудратли давлат бўлди. Кўплаб ҳинд афсоналари ва ривоятлари Канишка исми билан боғлиқ. Канишка даврида Кушон империяси Хитой, Рим ва Парфия билан рақобатлашиб, бунда – Канишка ҳукмронлиги даврини аниқлаш энг жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу давр II асрнинг биринчи чораги. Кўпчилик ғарб олимлари Канишка 78 йилдан сак эрасини бошлаган деб фикр билдирадилар.

Канишка номи буддавий манбаларда ҳам учрайди. Ривоятларга кўра, у ўзининг илк шоҳлик даврида будда динини қабул қилган. Бу фарзани нумизматик, эпиграфик ва археологик далиллар ҳам тасдиқлайди. Бу шоҳнинг айрим тангаларида Будда тасвирланган. Пешовар – Канишка давридаги Кушон империяси пойтахти – Пушапурада, яъни давлатнинг шимоли-ғарбий қисмида Канишка эҳром ва катта ёғоч минора қурдирди ва у ерда баъзи буддавий ёдгорликларини жойлаштирди.

Шунга қарамай, бу даврда аҳолининг диний қарашлари ҳамон турли-туман бўлиб қолаверади. Бу вақтда бактрия тили анча кенг ривожланиб, у тангалардан кхараштхи ёзувини сиқиб чиқарди. Афғонистон шимолидаги Сурх-Коталда ҳам Канишка даврига оид ёзув топилган. Унда сўз ибодатхона қурилиши ҳақида боради.

Сюан Цзян ёзишича, Канишканинг доғруғи кўшни мамлакатларга ёйилган ва унинг ҳарбий қудратини барча тан олган. Бу даврда савдо-сотик, айниқса ташқи савдо яхши ривожланди ва шаҳар ҳаётида катта ўсиш сезилди. Кушон савдогарлари Шарқ ва Ғарб ўртасида воситачилик қилганлар. Кушонлар ўз аجدодлари – хинд-саклар ва парфияликлардан баъзи давлат бошқарув шакллариини қабул қилиб олганлар. Сарнатҳда топилган Канишка ёзувларида ҳозирги Банорас вилоятида шоҳ вакиллари – кшатрапа ва махакшатрапа мансабидаги амалдорлар кенгаши ҳақида айтилади. Исмларига қараганда, улар бактриялик бўлганлар. Бу амалдорлар катта ҳокимият ва мустақилликка эга эдилар. Айниқса кшатрапалар Канишка ворислари даврида кучайдилар. Эпиграфик ёдгорликларга кўра, буюк саркарда бўлган Канишка 23 йил ҳукм сурган. Ҳарбий муваффақиятлари туфайли катта ҳудудларни қўлга киритди. У Кашмирни эгаллади. Хитой ва Тибет адабиётида унинг Сакета ва Паталипутра ҳокимлари билан жанги ҳақидаги ривоят сақланиб қолган. Канишка Парфия ҳукмдорини енгди. Хитойликлар билан бўлган уруш Қашқар, Хўтан, Ёркентни эгаллаш билан тугади. Буюк император Хо Ди (89-105 йиллар) даврида хитойликлар Марказий Осиёда ўз қудратини тиклаб олишга интилдилар. Лашкарбоши Бон Чао Канишкани мағлуб этганидан сўнг бир неча йил ўтгач, Канишка Хитойга юриш қилди. У Хитой шаҳзодасини қароргоҳида гаров сифатида сақлаган деган тахмин ҳам бор. Ҳиндистондан ташқари Афғонистон, Бактрия, Қашқар, Хўтан, Ёркент ҳам Канишка империяси таркибига кирди. Ҳиндистонда Панжоб, Кашмир, Синд, Уттар-Прадеш (Шарқда то Банорасга қадар) унинг қўл остига ўтди. Бенгалия ва Бихарда ҳам у зарб этган тангалар топилган. Империянинг шарқий қисмини махакшатрапа ва кшатрапа бошқарганлар. Канишка пойтахт Пурушапур (ҳозирги Пешовар) да яшаган. Кашмирдаги Канишкапур шаҳри Канишка томонидан бунёд этилгани ҳақида тахминлар бор. Санъат ва адабиёт ҳомийси бўлган Канишка будда ибодатхонасини қуриш учун энг яхши меъмор ва бинокорларни жалб қилган. Унинг ўлиmidан кейин кўп йиллар Хитой ва мусулмон

сайёхларини ҳайратга солиб келган Пешовардаги супа юнон меъморлари, хусусан, Агезила исмли меъмор бошчилигида қурилган.

Сўнгги кушонлар. Тарихчи олимлар Канишкадан кейинги Кушон империяси ҳукмдорлари сулоласи қуйидаги тартибда ҳукм сурган деб ҳисоблайдилар: Васишка, Хувишка, Канишка II, Васудева II, Канишка III, Васудева III. Мадхура ва Санчи яқинида топилган ва 24-28 йилларга оид деб ҳисобланган ҳинд ёзувида Канишкадан кейин Васишка ҳукмдор бўлганлиги айtilган. Васудева ҳам узоқ йиллар ҳукм сурган. Унинг ёзувлари ва тангалари Панжоб ва қўшни вилоятлардан топилган. III асрда буюк империя майда давлатларга бўлиниб кетди. Васудева III давридаёқ Кушон давлатининг инқирозга учрагани аён бўлди. Унинг авлодлари қудратли Сосонийлар ва Эрон давлатлари билан кураш олиб борган. Айрим олимлар III асрнинг ўрталарида Шопур I (241-272) ҳукмронлиги даврида Кушон давлати Сосонийлар империяси таркибига кирган деб айтадилар. Аммо X асрда яшаб ўтган араб тарихчиси Табарийнинг ёзишича, Сосонийлар шарқда Сейстон, Абрашахр, (Хуросоннинг бир қисми), Марв, Хоразм, Балх ва Хуросоннинг чекка ўлкаларигача эгаллаб олганлар. Марвдан Форсга қайтишда Кушон ва бошқа давлатлар ҳукмдорлари унга итоат қилишларини билдирганлар. Кушон империясининг сўнгги йиллари унинг ихтиёрида фақат Гандхара вилояти қолиб, шу тариқа қадим Шарқдаги энг йирик империя сиёсий майдонни тарк этди.

Кушон давлати қадимги давр маданияти ва сиёсий – иқтисодий ҳаётида ўзига хос из қолдирди. Бир империя таркибида турли халқларнинг бирлашуви, маданиятлар алмашувиго олиб келди. Нафақат империя ичкарасидаги халқлар, балки ташқаридага Рим ҳамда Форс давлатлари билан ҳам алоқалар ўрнатилди. Империя турли анъаналар асосида ривожланди. Маҳаллий анъаналарни сақлаган ҳолда антик давр ютуқлари ҳам ўзлаштирилди. Империянинг этник жиҳатдан турлича бўлганлиги нумизматик тадқиқотлар билан ҳам исботланди. Бу давр тангаларида эрон, ҳинд, эллин ёзувлари учрайди. Бу топилмаларга кўра ҳинд маъбудалари орасида Шива, Махасена, Вишкху, Скандакумар исмлари кенг тарқалган. Кейинги уч исм Шиванинг ўғли ҳисобланган уруш маъбудаси Шиваитига тегишли. Канишка тангаларида Будданинг тасвири ҳам бўлган. Олд Осиё ва Эллин худолари Гелиос, Гефест, Селена алоҳида гуруҳни ташкил этади. Баъзи олимлар бу номлар турли-туманлиги мамлакатнинг тарихий жараёнига боғлиқ дейдилар. Бундан ташқари тангалар фақат пул бўлиб қолмай, балки ғоявий қуроли вазифасини ҳам ўтаган. Чунки бу турли элатлардан иборат империяни бирлаштириш йўлларида бири эди.

Эпиграфик материаллар бу даврдаги диний вазият ҳақида далолат берувчи энг ишончли манбадир. Бу масканлардан тош ва қояларга ўйиб ёзилган маълумотлар кўплаб топилган. Кушонлар даврида ҳинд цивилизацияси марказий ва шарқий Осиёга тарқала бошлаган. Бу даврда илк бор буддизм Хитойга кириб борган (61-67 йиллар). Буддизмнинг Ҳиндистон ташқарисида тарқалиши унинг мазмун жиҳатидан ўзгаришига олиб келди. Канишка даврида мазкур дин моҳиятан ва шаклан тараққий этди. Бу оқим буддавий таълимотини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, диний эркинлик йўлида иш олиб борган. Мазкур оқим ҳақидаги матхура ёзувида маълумотлар сақланган бўлиб, улар диний маросимлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бу каби ёзув гандхара санъати деб аталган. Чунки Будда ва Будхисата тасвирланган тошлардаги ёзувлар асосан Гандхара вилоятидан кўплаб топилган. Шунингдек, браҳманизм ҳам ўз мавқеини сақлаб қолган. Ёзувлардан

маълум бўлишича, брахманлар турли диний маросимлар ўтказганлар. Бу хусусда собиқ шўро, хусусан ўзбекистонлик археологларнинг далиллари диққатга сазовор. Сурх-Котал, Матхура ва Халчаён топилмаларини қиёслаб ўрганиш натижасида уларнинг фикралари ҳинд археологлари хулосаларига мувофиқ келди. Узоқ умр кўрган Кушон давлати бошқа давлатлар тизимига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Кушон ҳукмронлигида халқаро алоқалар ривож топди. Савдогарлар Миср, ҳатто баъзи Ғарб мамлакатларига ҳам етиб бордилар. Ўрта Ер денгизини Шарқ билан боғлаган Буюк ипак йўли ҳам айнан мана шу давлат ҳудудидан ўтган эди.

Бу давр Жанубий Ҳиндистонда савдо-сотиқ ривожланди, маданият юксалиб, шаҳарлар кўпайди. Хусусий ер эгаллиги янада тараққий этди. Шоҳ ўз ерларидан бир қисмини хусусий шахс ва брахманларга инъом қилар, бундай ерлар солиқдан озод этиларди. Феодал тизим дастлаб Деканда шакллана бошлади. Ерни амалдорлар билан биргаликда деҳқонларга инъом қилиш ҳақида I аср Декан қўлёзмаларида қайд этилган. Ажанта, Амаварати ва Нагаржуникандада топилган машҳур ҳайкалчалар, илк тамил достонлари бизга Декан ва Жанубий Ҳиндистон аҳолисининг ҳаёти ва мамлакатлари ҳақида маълумотлар беради.

Таянч иборалар:

Пурушапура, Матхура ёзуви, “Кушон Герай”, кхаронгхи хати, панда Сурх-Котал, Сакета, Агезила, гандхара санъати.

Саволлар:

- 1. Ҳиндистонда Кадфиз I ва Канишка ҳукмронлиги ҳақида гапириб беринг.**
- 2. Қадимги Шарқда Кушон империясининг роли.**

15. Қадимги Ҳиндистонда иқтисодий тараққиёт

Қишлоқ хўжалиги Кушон ва гупталар давлатининг қарийб барча вилоятлари ерлари қишлоқ хўжалиги учун яроқли эди. Экин майдонларини фақат ботқоқ ва чакалакзорлар ҳисобига кенгайтириш имкони мавжуд бўлган. Ганг ва Жанубий Ҳиндистон давлатлари сиёсий мавқеининг ошиши янги ерларни ўзлаштиришга олиб келди. Бу даврда қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги умумий салмоғи чорвачилик, ўрмон хўжалиги, балиқчилик ҳисобига ортди. Бу ҳудудларда экин майдонларига самарали ишлов бериш усуллари қўллана бошланди. Ўғитлаш, алмашлаб экиш, уруғ танлаш каби амалий ишлардан кейин йилига икки-уч марта ҳосил олиш имконияти туғилди. Бу даврга келиб гуручнинг бир неча навлари маълум бўлган. Табиийки, улар мамлакат вилоятларининг иқлим шароитига мослаштирилган. Катта меҳнат талаб этган гуруч каби деҳқончилик маҳсулотининг кўплаб етиштирилиши бу соҳада муайян ютуқларга эришилганидан далолат беради. Бу тўғрида ёзма маълумотларда ҳам айтиб ўтилади. Шуни ҳам айтиш лозимки, гуруч хорижий мамлакатларга ҳам сотилган. Пахтачилик ривожланиб, газлама ва бўёқ саноатида ҳам маълум ютуқларга эришилган.

Чорвачиликка эътибор янада кучайди. Инглиз ҳиндшуноси А.Бешем «Бу даврда деҳқонлар учун шахсий чорва билан шуғулланиш аҳамиятга молик иш бўлиб қолди» деб езади. Улардан сут ва гўшт олиш билан бирга улар ёрдамида ер ҳайдалар ва транспорт воситаси сифатида фойдаланилар эди. Шимолий Ҳиндистонда эчки юнгидан кенг фойдаланилган. Отлар асосан шимоли-ғарбда боқилган. Отлар ҳамиша қимматли жонивор ҳисобланиб, улардан кўпинча ҳарбий мақсадда фойдаланилган. Оддий аҳоли учун ҳаракатланиш учун туя ва ҳўкиздан

фойдаланилган. Филлар юксак баҳоланар ва шу сабабли шоҳ қарамоғида бўлган. Улар тутқунликда камдан кам кўпаяр, шу туфайли уларни овлашга доимий эҳтиёж мавжуд эди. Шоҳ овчи ва филбонлари ўрмон ёқасидан уй қуриб олардилар. Тухум овқатга ишлатилмаса ҳам, хонаки паррандалар боқиларди. Бой уйларда товус ва бошқа қимматбаҳо қушлар, масалан чакравака ва қирғовул сақланган. Тўтиқуш ва майналар уй кўрки бўлиб, бойвучча аёллар уларга сўзлашни ўргатганлар. Ипак курти етиштириш билан асосан Бенгалия ва Ассомда шуғулланганлар. А.Бешем ипак ведалар давридаёқ маълум бўлганлиги ҳақида хабар беради. Бу ҳақда «Артхашастра» да ҳам айтиб ўтилган. Ипак Ҳиндистонга милоддан аввалги XI асрда Хитойдан келтирилган. Бу даврда Ҳинд водийсида ўрмонлар камайиб кетганлиги сабабли, пиллачиликка эътибор бир мунча пасайса ҳам, шимолий ўлкаларда у асосий машғулотлардан бири бўлиб қолаверди. Балиқчилик эса яхши ривожланмади. Тадқиқотчилар бунинг икки сабаби бор деб айтадилар:

- 1.Денгиз қирғоқларининг қиялиги денгизчилик ва кемада сузишни қийинлаштиради.
- 2.Юқори табақалар бу ишга паст назар билан қарашган. Қимматбаҳо тош ва марваридлардан катта фойда тушар, бу махсулотлар асосан бошқа мамлакатларга сотиларди.

Ҳиндистонда сунъий суғориш усули қадимдан мавжуд бўлиб, биз ўрганаётган даврда ҳам бундай суғориш кенг тарқалганди. Манбаларда турли тўғон ва ҳовузлар бунёд этилгани ҳақида маълумотлар бор. 150-456 йилларда олимлар суғориш ишлари учун мўлжалланган жуда катта сунъий кўл бўлганлигини эътироф этганлар. Шунингдек, каналлар қазилиб, энг катта каналлардан бири Орисса вилоятидаги канал бўлган.

Хунармандчилик. Бу даврда хунармандчилик янада ривожланди. Кушонлар даврида айниқса кулолчилик тараққий этди. Тошга ишлов беришда ҳам катта ютуқларга эришилди. Ғорларда Ажанта, Эллора ва Бхубанешвар сингари улуғвор ёдгорликлар сақланиб қолган. Қадимги тоштарош, расом ва меъморлар санъати ҳозир ҳам одамлар эътиборини ўзига тортиб келмоқда. **Антик муаллифларнинг езишича, кўплаб ибодатхоналар ўз маҳобати билан барчани ҳайратга солган.** Ер ости тошларидан ибодатхоналар қуриш ҳам ўша даврда бошланди. Бундай ишлар улкан машаққат ва моҳирлик талаб этган.

Шаҳар уйлари, одатда, бир неча қаватли қилиб қурилган. Бир сайёҳ «Мен кўрган уйларнинг томлари шу қадар баланд эдики, ортидан тоғлар кўринмайди» деб ёзади. Археологлар қадимда етти ва ундан баланд қаватли қилиб қурилган иморатларни топдилар. Кушон ва гупталар даврида тўқимачилик ва ҳайкалтарошлик ривож топган бўлиб, ўша давр баёнларида кийимлар турли ранглар билан кашталангани, олтин билан тикилгани ҳақида маълумотлар бор. Эркаклар ҳам, аёллар каби, заргарлик буюмларини таққанлар.

Кемасозлик. Бу даврда ўзига хос кема устахоналари бўлиб, уларда кўплаб уста ва ишчилар меҳнат қилганлар. Кема жиҳозларини ишлаб чиқарувчи устахоналар ҳақида «Артхашастра»да маълумотлар келтирилади. Кемалар давлатга қарашли ва хусусий бўлиб, улардан ҳарбий мақсадларда ҳам фойдаланилган. Улар дарё ёки денгизга мослаштирилиб, катта ё кичикроқ қилиб қурилган. Биринчи асрда кема қатнови йўлга қўйилиб, улар Африка ва Осиёнинг турли ўлкаларига қатнаган. Ҳинд денгизчилари муссон оқимлари хусусиятларини, уларнинг қай вақт ва қай томонга эсишини яхши ўзлаштириб олганлар. Муссон оқимларининг кашф этилиши

катта аҳамият касб этди. Хитой сайёҳи Фа Сян V асрда Ява ороли орқали ёнида 200-та одами билан Ҳиндистонга келган. Қадимги Ҳиндистоннинг асосий портлари ғарбий соҳилларда жойлашиб, улар – Бхригугха (ҳозирги Бхаруч), Мумбай (Бомбей) яқинидаги Шурпарапа (ҳозирги Сапара). Тамралипти ва Нампа Ҳиндистон шарқидаги муҳим портлар бўлган. Бу портлардан кемалар соҳил бўйлаб Жанубий Ҳиндистон ва Цейлонга етиб борганлар. Юнонлар таъсиридаги Миср савдогар ва денгизчилари Ҳиндистон билан яқиндан таниш бўлганлар. Периклнинг I асрга оид юнон тилидаги «Эритрея денгизи» асарида денгиз йўллари кўрсаткичи ҳақида ҳам маълумотлар бор. Унда ҳинд шоҳларининг Рим императорига номалар йўллагани ҳақида ҳам айтиб ўтилади.

Савдо. Манбаларга қараганда, қуруқликдаги савдо барча йўналишлар, ҳатто Ҳимолай тоғлари орқали ҳам олиб борилган. Аммо энг муҳими, шимолий-ғарбий йўналиш бўлиб, ундан мамлакатни Қобул ва у орқали бошқа мамлакатлар билан боғлайдиган энг серкатнов йўл ўтган. Савдогарлар Таксила ва Пурушапура орқали Парфия ва ундан Ўрта Ер денгизи бўйи мамлакатларига чиқиб, Амударё ва Каспий денгизи орқали Қора денгиз ва Кавказга ўтардилар. Қуруқлик йўллари денгизга нисбатан бехатар бўлишига қарамай, уларнинг осойишталиги давлатлараро муносабатларга боғлиқ эди. Бундан ташқари, улар катта харажат талаб қилган. Ғарбда ҳинд молларидан қалампир, занжабилга талаб катта, хушбўй модда ва доридармон, мушк-анбар, лак ва бўёқ, бундан ташқари озиқ-овқат маҳсулотлари ва зебзийнатлар ҳам харидоргир бўлган. Ҳиндлар бошқа ўлкаларга товус, тўти каби антиқа қушларни ҳам олиб борганлар. Фил суяги ва тошбақа косасидан ясалган буюмлар машҳур бўлган. Ҳиндистон пўлати ҳам қадрланган. Бу маҳсулотларнинг бари олтин тангага сотилар эди. Хуллас, ҳиндларнинг ташқи дунё билан юритган савдо-сотиғи асосан Ҳиндистон фойдасига бўлган. Рим империяси бойликларининг Ҳиндистонга оқиб келиши Рим учун жиддий иқтисодий танглик келтириб чиқарган. Плиний айтишича, Шарққа йилига 100 млн. сестерций миқдорида олтин йўлланган.

Ҳиндистон ташқи савдосининг ривожланиши ички савдонинг равнақ топиши учун туртки бўлди. Айниқса зеб-зийнат савдоси ривож топиб, бу омил мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимига ижобий таъсир кўрсатди. Шаҳарлар юксалиб, пул муомаласи ривож топди. Савдогар ва судхўрлар бойиди. Подшо хазинасига савдо ҳамда турли тўлов ва солиқлардан катта маблағлар туша бошлади. Шу сабаб давлат савдони қўллаб-қувватлар ва мансабдор шахслар ўз мансабларини суистеъмол қилишига йўл қўймасди.

Бундан ташқари қуруқликдаги катта йўл ва дарёлар кесишган жойларда, дарёларнинг қуйилиш жойларида қадимги шаҳарлар – Бхригукачха ва Тампрамати портлари, Канакубжи, Матхура, Валапхи, Дияшипура, Прушапура, Таксила, Шакала ва бошқалар равнақ топган. Паталипутра, Вайшали, Ужаян каби шаҳарлар ўша вақтга қадар ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Шунинг билан бирга Шимолий Ҳиндистоннинг аввалги пойтахтлари – Капилавата, Кушинагар шаҳарлари таназзулга учради. Биринчи асрда Жанубий Мазуран, Канчи, Танжавур, Пратишхана каби шаҳарлар гуллаб-яшнади.

Антик муаллифлар Жанубий Ҳиндситон ва Хитой саёҳатчилари асарларида ҳинд шаҳарлари ҳақида кўплаб маълумот қолдирганлар. Бу шаҳарларда 100 минглаб аҳоли яшаб, уларда кўплаб эҳромлар мавжуд қилар, уларда коҳинлар, мусиқачилар хизмат қилардилар. Бундай ибодатхоналар кўпинча мактаб, касалхона ва бошқа эҳтиёжлар учун ҳам хизмат қилган.

Пул муомаласи. Бу даврда тангалар зарб этилиб, улардан баъзилари бизга қадар етиб келган. Жумладан, олтин ва кумуш тангалар кўплаб ишлатилган. Бу жараён мамлакатда савдо кенг кўламда қулоч ёйганидан дарак беради. Олтин тангалар кўплаб зарб этиш Кушон давлатига хос бўлган. Бу тангалар динор, суварн деб аталиб, бу тангалар соф олтиндан ясалиб, оғирлиги 7,6 граммга тенг бўлган. Бу андоза Рим тангаларидан олинган. Гупталар даврида эса тангалар оғирлиги 9,8 граммга етган. Чандарапути даври тангалари таркибда олтин миқдори аввал 80 фоизни ташкил этган бўлса, кейинроқ 50 фоизга тушиб, сўнг ундан ҳам камайиб кетди. Олтин тангаларнинг энг катта хазинаси Шарқий Рожастондан топилган бўлиб, 2100 донага тенг. Гупталар даврида пул муомаласи ривожини туфайли судхўрлик ҳам авж олди. Шу даврга оид адабиётларда қарз олиш тартиби ва ҳуқуқига аввалгидан кўпроқ эътибор берилган. Судхўрларга нисбатан аввалгидан кўра тобора камроқ чекловлар берилган. Ерни гаровга қўйиш тез-тез учрайдиган ҳолга айланди.

VI асрдан бошлаб мамлакат инкирозга юз тутди. Аввало шаҳарлар тушқунликка учради. VII асрнинг 40-йилларида Сюань Цзянь “Ҳиндистондаги Паталипутра, Вайшали, Ражагриха шаҳарлари ҳувиллаб қолган”, баъзи ерлар ҳароба бўлгани, айрим ҳудудлар чакалак-ўрмонларга айланишини баён қилади. Ганг водийсининг марказидаги Варанаси, Праяга ва Кушамби каби ерларни ўрмонлар қоплаб, улар ёввойи филлар макони бўлиб қолди. Йўлларда қароқчилар кўпайиб, улар Ганг дарёсида ҳам бебошлик қилганлар. Муаллиф Гандҳара ўлкаси маркази – Паталипутрада бўлгани ҳақида езари. Бир вақтлар гуллаб-яшнаган эҳромлар қисмати ҳам аянчли бўлди. Таксила каби йирик шаҳарлар ҳам таназзулга юз тутди. Гупталардан кейинги даврда Кашмирда ҳам шаҳар ҳаёти сўниб бориб, бундай тушқунлик Харяна, Рожастон ва Уттар-Прадеш ҳудудларини ҳам қамраб олади. Манбаларда қаровсиз қолган савдо йўллари ва бу ҳол ташқи савдога ҳам салбий таъсир кўрсатганлиги тўғрисида айтилади. Бу эса ҳунармандчилик ва савдо маркази – шаҳарларга таъсир қилди. Бундай ҳолат аввалроқ Рим империяси ва қадимги Хитойда ҳам рўй берганди. Маълумки, бу ҳол ушбу мамлакатларда янги ижтимоий муносабатлар пайдо бўлиши ва ривожини билдиради. Ҳиндистонда ҳам ўхшаш манзара юзага кела бошлади.

Таянч иборалар

Фасян, чакравака, “Эритрея денгизи”, сестерций.

Саволлар

- 1. Қадимги Ҳиндистонда қишлоқ ҳўжалигининг ривожини қандай кечган?**
- 2. Қадимги Ҳиндистонда савдо ва пул муомаласи ҳақида сўзланг?**

16. I-IV асрларда Жанубий Ҳиндистон

Айрим ҳинд тарихчилари ва Европа олимлари қадимда Декан ва Жанубий Ҳиндистоннинг иқтисодий ва маданий ривожига бир томонлама баҳо берадилар. Аммо муҳим тарихий эпиграфик ва археологик кашфиётлар бу каби бир ёқламаликка барҳам берди. Шимолдан кўра Жанубий Ҳиндистонда феодал тузум ва феодал муносабатлар эртароқ вужудга келиб, ривожланишини тасдиқловчи далиллар олинди. Жанубий Ҳиндистоннинг қадимги цивилизациясида салмоқли ўрин тутгани маълум бўлди. Жанубий Ҳиндистон I-IV асрларда Шимолга нисбатан

барқарор этник ва маданий муносабатлари билан ажралиб турган. Бу ҳудуд ижтимоий жиҳатдан тезроқ тараққий этди. Феодал муносабатлар бу минтақада жамоа тузуми асосида таркиб топди.

Тадқиқотчилар фикрича, Жанубда йирик давлат бирлашмалари-синфлар ва илк феодал муносабатларнинг шаклланиши сиёсий ҳаётнинг муҳим омилларидан бўлди. Дастлаб мамлакатнинг бу қисмини ривожланиши Шимолга нисбатан, секин борган эди. Бу даврда эса Жануб Шимолий Ҳиндистоннинг илғор ўлкалари даражасига етишди ва айрим жиҳатларда улардан ўзиб кетди. Лекин Шимолдан фарқли ўлароқ Жанубда жамият ривожланишига ташқи омиллар ҳам таъсир кўрсатди. Юқорида айтилганидек, у даврда шимолда аҳолининг этник шароитида мураккаб ўзгаришлар юз бериб, бу ерга юнонлар, парфияликлар, саклар, хун-эфталит ва бошқаларнинг кириб келиши шимолдаги ижтимоий, сиёсий, маданий муносабатларга таъсир ўтказмай қолмади. Жанубда ижтимоий ривожланиш бир текис, аммо жадалроқ кечди. Шунингдек, маҳаллий анъаналарнинг аксарият қисми сақланиб қолди. Энди Шимол давлатлари Жанубий Ҳиндистонни даромад манбаи деб ҳисоблар эдилар. Гупталар ҳам, Ватаклар ҳам унинг қудрати билан ҳисоблашишга мажбур бўлдилар. Жануб давлатлари Рим, жануби-шарқий Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатди. Жанубий Ҳиндистонда дравид маданияти билан Шимолий Ҳиндистон ҳиндуорийлари ўртасида мураккаб боғланиш жараёнлари кечаётган, жанубга буддизм ва жайнизм динлари кириб келаётганди.

Бу даврга келиб Жанубий Ҳиндистонда Сатаваханлар империяси етакчи кучга айланди. Милоддан аввалги I асрда уларнинг асосий рақиблари сифатида Ҳинд дарёси водийларида ва Катхиаварда яшаган Сак қабилалари авлодлари – кшатраплар юзага келди. Биринчи асрда уларнинг қудрати янада кучайди. Иккинчи аср ўрталарида Кшатраплар Ставаханларга тегишли Ғарбий Декан вилоятларини босиб олишга муваффақ бўлдилар. Кейинроқ Кшарахата авлодларидан бўлган кшатрап Нахапан ва унинг куёви Ушавадати улкан ҳудудларга эга бўлиб олди. Пуна яқинидаги Жунарадан Нахапан даврига тегишли ёзувлар, Насик ва Карли ўлкаларидан Нахапан, куёви Ушавадат ёзувлари топилди. Иккала ҳукмдор 119-125 йилларда Насик, Пуна, Жанубий Гужарат, Шимолий Катхиавар, Ғарбий Малва вилоятларига ҳукмронлик қилганлар. Сатаваханлар бу даврда Шак кшатраплар ҳукмронлигидан озод бўлиб, қўлдан кетган ерларни қайтиб олганлар деган фараз мавжуд. Нахапан, чамаси Сатаваханлар билан бўлган курашда ҳалок бўлган. Эпиграфик маълумотларда Сатавахан шоҳи Готамипутра устидан ғалабалари ҳақида ҳикоя қилинади. У Ғарбий Ҳиндистоннинг бир қанча вилоятларини эгаллаб олган бўлса керак. Матнда айтилишича, у «шак, яван ва палахавлар авлодига қирон келтирди». У кшарахатларни йўқ қилиб, Сатаваханлар шон-шухратини қайта тиклаган. У Нахапандан Деканнинг шимолий-ғарбий вилоятларини ҳам қайтариб олиб, сўнг Сатаваханларнинг азалий рақиб – Калинганинг айрим ерларини забт этди. Шоҳ ўзини Виндхия, Махида ва Малайи ҳукмдори деб эълон қилди. Готамипутра ҳукмронлиги даврида Сатавахан давлати янгидан гуллаб яшнади. У империянинг идора усулларини янада кучайтирди.

Ставаханларнинг ғалабалари ёрқин бўлгани билан мустаҳкам асосга эга эмас эди. Кейинроқ кшатраплар кўшинлари Готамипутра империяси ҳудудларига яна бостириб кирдилар. Сатаваханлар илгари эгаллаган кўпгина вилоятлардан ажрадилар. Рудрамана ёзувларида у ўзини Хурашатра, Аванти, Апаранта, Акара

хамда Анупания ҳукмдори деб атайди. Насик ва Пуна Сатаваханлар қўлида қолди. Мазкур ёзувда Радраман мамлакат жанубидаги вилоят ҳукмдорини икки марта енгганлиги айтилади.

Гамитапутра ворислари. Подшоҳ Гамитапутра ўғлининг исми Пулмави бўлиб, Сатаваханлар давлатининг пойтахти Нани-Пратиштхана (милоддан аввалги 140 й.) эди. Бу Птолемейнинг «География» асарида қайд этилган. Мазкур асарда келтирилган далилларга асосланиб, тадқиқотчилар Гамитапутра ворислари кардамакларга қарши курашган ҳамда шимолий Малва ўлкаси айнан кардамакларга тегишли бўлган деган хулосага келдилар. Бу иккала уруғ орасида қариндошлик алоқалари мавжуд эди. Табиийки, бу ҳол сиёсий вазият ва пул муомаласига ўз таъсирини кўрсатган. Сатаваханларнинг зарб этилган тангаларида кшатраплар пул тизимининг таъсирини кўриш мумкин. Манбаларга асосланиб, Ҳиндистон ғарбидаги Шаклар давлати Сатаваханлар юритган сиёсатга ўз таъсирини кўрсатмаган деб фикр билдирса бўлади. Шак-кшатраплар ҳокимияти сиёсий ҳокимлик билан чекланган. Шаклар маҳаллий халқ билан киришиб кетиб, ҳинд исм ва урф-одатларини қабул қиладилар. Деканга санскрит тили кириб келгач, Шак қабилаларидан ушбу ёзувда битилган эпиграфик маълумотлар қолган. Кумуш тангаларнинг муомалага киритилиши ҳам шаклар билан боғлиқ.

Пулмави вориси шоҳ Шива Шри Шатакарни ўзининг шимолдаги доимий рақибларига қарши курашни тўхтатмагани маълум. Унинг тангалари Андхрада кўплаб топилди. Кейинги ҳукмдор Сурияни Сатакани Сатаваханларининг кўпгина шимолий ерларини озод қилди. Бу шоҳ тангалари Шимолий Конкан, Баро ва Катхиварда ҳам топилган. Олимлар фикрича, бу ҳукмдор даврида Ғарбий океандан Шарқий океанга қадар ерлар империяга қайта қўшиб олинган. Бироқ бу қудратли шоҳ ворислари мамлакат яхлитлигини сақлаб қолаолмаганлар.

Сатаваханлар ҳокимияти барҳам топгач, майда сулолалар ҳукмронлик учун ўзаро шиддатли кураш олиб бордилар. Оқибатда ҳудуди асосан ҳозирги Берар вилоятидан иборат бўлган ватаклар ғолиб келди. Бу сулола тахминан 255 йилдан маълум бўлган. Унинг асосчиси шоҳ Виндхяшики шак кшатраплар ва сатаваханлардан сўнг мустақилликни қўлига олган айрим маҳаллий сулоларга қарши курашди. Виндхяшактининг вориси Параварсена 1 (275-335 й.) ўз ташқи сиёсатида анчагина омадли эди. У ғурур билан ўзини «самрат» - яқка подшоҳ деб атади. Унинг даврида сулола каттагина ҳудуд-Нарбада ва Кришна дарёлари орасидаги вилоятларга эга бўлди. Марказий Ҳиндистонда мустаҳкам ўрин эгаллашни мақсад қилиб, бу подшоҳ Нагалар сулоласи билан қариндошлик алоқаларини боғлади. У ўғли Бханавагига Нага шоҳи қизини олиб беради. Қудратли Гупталар давлати пайдо бўлганидан сўнг, ватаклар шимолий чегаралар хавфсизлиги ҳақида бош қотиришларига тўғри келди. Самудрагуптанинг Ҳиндистон жанубига қилган юриши ватак ва гупталар орасидаги муносабатларни кескинлаштирди. Гупта шоҳининг машҳур Оллоҳобод ёзувида у забт этган давлатлар номи санаб ўтилган. Улар орасида шоҳлар Аряварта Рудрева номи ҳам учрайди. Уни ўша даврдаги ватак ҳукмдори Параварсенанинг набираси Рудрасена I га (335-360) қиёс қилишади. Аммо маълумки; гупталар Самудрагуптанинг жанубга юриши чоғида босиб олинган барча вилоятларни расман ўз империяси таркибига қўшиб олишни лозим топдилар. Ҳар икки сулола вакиллари дўстона алоқалар ўрнатиш муҳимлигини яхши тушунар, гупталар ватаклар орқали жанубий ҳудудларга таъсир ўтказиш ниятида эдилар. Ватаклар эса очиқ жангда

гупталарга жиддий қаршилик кўрсата олмасдилар. Бу вақтда гупталар ғарбий кшатраплар билан бўладиган жангларга ўз диққатини қаратадилар. Рудрасена I набираси шахзода Рудрасена II эса Прабхаватигупта-гупта шоҳи Чандрагупта II Викрамадитянинг қизига ўйланади.

Вакатаклар саройида гупталар таъсири кучайди. Бу даврда мамлакат пойтахти Нандиварханга гупталар элчиси, ундан ташқари ўзга мансабдор шахслар ҳам келардилар. Кўп ўтмай ягона сулола бир неча маҳаллий сулоларга бўлиниб кетди. Улардан бири – Ватсагулими (Жанубий Берар) вакатаклари катта обрў-эътиборга эга бўлди.

Тахминларга кўра, Паллавлар Жанубий Ҳиндистондан келиб чиқиб, шубҳасиз, Шимолнинг кучли таъсирини бошдан кечирганлар. Паллавлар давлати пойтахти Канчипурам шахрининг шимолий чегараси Кришна дарёсидан ўтган. Паллавлар бир неча бор гупталар билан тўқнашдилар. Бу вақтга келиб Андхрада кшатраплар билан паллавларга қарши иттифоқ тузилган бўлса ҳам, охир оқибатда паллавлар ғалаба қозондилар. Жанубда Ашока ёзувларида зикр этилган Чера, Пандя, Чола каби давлатлар мавжуд бўлиб, улар Рим билан бевосита алоқа боғлаганлар. Сатаваханлар билан вакатаклар мукамал бошқарув тизимига эга бўлган давлат барпо этдилар. Империя вилоятларга, улар ўз навбатида туманларга бўлинган. Улар мансабдор шахслар томонидан бошқарилиб, ҳар туманда мирза, ҳарбий бошлиқлар фаолият олиб борган.

Сатаваханлар буддавийларга ҳомийлик қилиб, буддавий файласуф Нагаржуна шу даврда яшаган бўлиши керак. Бу даврда будда ва жайна динидан ташқари хиндуизм дини ҳам кенг тарқалган. Паллавлар сатавахан давлати қолдиқлари ўрнида ўз давлатларини барпо этади. Олимлар бу сулоланинг илк ҳужжатларини III-IV асрга тегишли деб ҳисоблайдилар. Унинг биринчи йирик ҳукмдори – Шива-Скандаварман бўлиб, у ашвамедха ҳамда ведаларнинг қурбонлик келтириш анъаналарини адо этган. Вармани даврида Канчипурам шахри давлат пойтахти бўлган. Санскрит ҳужжатларида V-VI асрларда ҳукм сурган паллав шоҳларининг исмлари учрайди.

VI аср охирида шоҳ Самхавишну янги сулолага асос солди ва Паллавлар давлати ҳудудини Кавера дарёсига қадар кенгайтирди. У Пандья, Чола, Чера сулолалари ва Шри-Ланка ҳукмдорларини устидан ғолиб келди. Самхавишнунинг ўғли ва вориси Махендраварман I Чалуки сулоласига оид қудратли ҳукмдор – Пулакешин II дан мағлуб бўлиб, Венги вилоятини қўлдан бой берди.

Паллавлардан бўлган кейинги ҳукмдорларнинг сиёсий тарихи юксалиш ва инқироз, гуллаш ва ўзаро урушлардан иборат бўлди. Махендра Верманинг ўғли Нарасимха Верма I ҳукмронлиги даврида паллавлар Жанубий Ҳиндистонда катта эътиборга эга бўлдилар. У Шри-Ланкага икки марта ҳужум қилиб, босиб олди ва мамлакат тахтига ўз ноибини ўтказди. Бу даврда Хитой элчиси Сюан Цзян пойтахт шаҳар Канчига ташриф буюрди. Кейинроқ у шу ўлка ҳақида ўз таассуротларини шундай деб ёзди: «Замини серҳосил, ерга доимо яхши ишлов берилади, дон-дундан мўл ҳосил олинади. Кўплаб гул ва мевали дарахтлар етиштирилади. Қимматбаҳо тошлардан тақинчоқлар ишланади. Иқлими иссиқ, аҳолиси соғлом, илм-маърифатга ихлоси катта». Паллавлар сулоласи то IX аср бошигача ҳукмронлик қилди.

Манбаларда айтилишича, аҳолининг кўпчилиги браҳман динига эътикод қилиб, Шивага сиғинган. Ҳинд маъбудларига ишонган бўлган шоҳ Махендраварма ҳаёти сўнггида Жанубий Аркотдаги жайн эҳромини вайрон қилди. Бироқ Сюан Цзян

гувоҳлигича, будда дини обидалари паллавлар давлатида сақланиб қолган. Ўша даврда ҳам дин санъат ривожига катта таъсир кўрсатган. Жанубда ҳинд меъморчилиги ва ҳайкалтарошлиги тарихи VI аср охирларида – айнан паллавлар даврида бошланди. Махендраварма эҳромларни тоғ қояларида ўйиб қурдирган. Жанубий Ҳиндистондаги кейинги йирик сулола Шантамула асос солган Ишвака сулоласи эди. Бу сулола Анхрада қарор топган. Ишавкалар Ужаяндаги шак кшатраплари ва Ванавака (ҳозирги Бомбей) ҳукмдорлари билан қариндошлик алоқалари ўрнатиб, мавқеларини кучайтирдилар. Ўша давр битиклари ишвакалар брахманизм динига мойил бўлганидан далолат беради. Ёзувлардан яна, бу сулола ўз ҳудудларини кенгайтириш мақсадида паллавларга қарши кураш олиб боргани маълум.

Жанубий Ҳиндистон сиёсий тарихидан яна Каломбо (Карнатак), Ганга (ҳозирги Майсур штати) маълумдир. Ганга сулоласига IV асрда асос солиниб, пойтахти Таланавапутра бўлган. Унинг мустақиллигига 1004 йили Чолалар чек қўйди.

Жанубий Ҳиндистонда милoddан аввалги I минг йилликнинг иккинчи ярмида юзага келган Чера, Пола, Пандья каби йирик давлатлар мавжуд бўлиб улар, Ашока битикларида ҳам ёдга олинади. Маурийлар улар билан дўстона муносабатда бўлганлар. Маурийлар империяси қулагач, шимол ва жануб ўртасидаги ўзаро алоқалар барҳам топди. Аммо тамил адабиёти илк антик асарларидан маълум бўлишича, Жанубий Ҳиндистон муҳим ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар ҳамда улкан сиёсий воқеаларни бошидан кечирган. Бу давлатлар Ғарб, жумладан Рим билан бевосита савдо алоқаларини ўрнатадилар. Жанубий Ҳиндистоннинг шарқий қирғоқларида Рим савдо факториялари бўлган. Шунингдек, бу давлатлар Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳам савдо ишларини йўлга қўйганлар. Жанубий Ҳиндистон портлари ва давлатлари ҳақида эътиборга молик маълумотлар мавжуд. Масалан, Чераларнинг яванлар билан кураши ҳақида қуйидаги фактлар маълум. Чера шоҳи яванларнинг бир қисмини асир олиб, улар қимматбаҳо тошлар ва хунармандчилик буюмлари билан товон тўламагунча ушлаб турган. Бу эса ўша даврда Рим савдогарлари билан Чера подшоси ўртасида кескин муносабатлар ҳукм сурганидан далолат беради. Манбаларда бу давлатлар орасида ҳамиша адоват бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Шу даврнинг йирик жангларида бири – Венни-Танжавур яқинидаги тўқнашувда Тамилнинг энг машҳур шоҳ Карикал II Чера ва Пандья шоҳларини мағлуб этган. Чола ҳукмдори моҳир ва адолатли сифатида улуғланган.

Жанубий Ҳиндистонда давлат тўзуми. Қадимги ёзувлар ва адабий манбаларда айтилишича Жанубий Ҳиндистон ва Деканда тахт қатъий равишда отадан фарзандга мерос сифатида ўтган. Давлатни бошқариш услуби монархия кўринишида бўлган. Сатавахан ва вакатаклар даврининг илк маълумотларидан бир неча юз йил ичида давлатни бошқариш тизимида ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмаганлиги маълум. Вакатаклар империясида марказлашган бошқарув ва марказнинг қатъий назорати йўлга қўйилган. Сатаваханлар давлати вилоят (жанапад) ларга бўлинган. Улар тепасида махсус ҳарбий амалдор – махасеналар турган. Вилоятлар ўз навбатида амат, яъни округларга бўлинган. Вакатаклар империясида: раштра (раджа), вишай, бхакти, ахара каби маъмурий бўлиниш турлари мавжуд бўлган. Қадимги ёзувларда ерни инъом қилиш тўғрисидаги

фармонларда амалдорлар (ражуклар), қишлоқ амалдорлари (грамахумалар) ҳақида айтиб ўтилади.

Сатавахан даври ёзувларида озиқ-овқат заҳираларини сақловчилар, котиб ва бошқа амалдорлар, шоҳ фармонлари бажарилишини назорат қилувчилар ҳақида сўз боради. Давлат тизими шимолдаги каби бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Жануб ҳукмдорлари ҳам Шимолдаги шоҳлар каби бош маслаҳатчи, қўшиқчилар, ривоятчиларга эга бўлганлиги маълум. Брахманлар саройда катта мавқе эгаллаганлар. Улар қурбонлик қилиш маросимларига бошчилик қилганлар.

Таянч иборалар:

Декан, Сатаваханлар, Кшатраплар, Гаинтапутра, Сапудрагупта, Шатахарни, Вакатаклар, Паллавлар, дравид маданияти, Рандрамара езувлари, самрат, ашвамедха, жананад, макасена, амат, раштра, вишай, бхакти, ахара, ражуклар, грамахумалар.

Саволлар

- 1. Жанубий Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти Шимолдан нималари билан фарқланади?**
- 2. I – IV асрларда Ҳиндистонда қандай давлатлар мавжуд эди?**

17. Гупталар империяси

Кушон давлати сиёсий жиҳатдан парчаланиб кетганидан сўнг, майдонга қудратли гупталар империяси чиқди. Бу даврга келиб кушонларнинг сўнгги вакиллари Фарбий Панжобда кичик ҳудудгагина эгалик қилардилар. Гужорат, Рожастон ва Малвада кшатраплар ҳукм сувар, Ганг водийсида, жумладан, республика тоифасидаги давлатлар мавжуд эди. Магадхада бирин-кетин кўплаб сулолалар алмашиб, улар Шимолий Ҳиндистоннинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида анча жиддий ўрин тутдилар.

Ҳиндистон қадимги цивилизациясининг гуллаган даврида гупталар давлати 200 йилдан ортиқ ҳукм сурди. Бу давлат Ҳиндистон иқтисодий ҳаётида ўзига хос аҳамият касб этди. Магадхада ҳунармандчилик кенг ривожланди. Қишлоқ хўжалиги аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминларди. Магадха асосий металл етказиб берувчига айланди. Бундан ташқари, у будда динининг муқаддас қадамжойи сифатида машҳур бўлди. Ҳомийлар ва Буддага эътиқод қилувчилардан тушган маблағ янги эҳромлар барпо қилиш учун сарфланди.

IV асрнинг биринчи ярмида Магадха гуллаб яшнади. У гупталар империясининг сиёсий марказига айланди. Бу империя мамлакат тарихида чуқур из қолдирди. Мазкур сулола асосчиси Чандрагупта гупталардан бўлгани учун давлат унинг номи билан аталди. Гупталар давлатининг бош даври 320 йилларга тўғри келади. Шу даврдан сулоланинг барча вакиллари номига “гупта” қўшимчаси қўшилди. Чандрагупта I Махарадхиража, яъни «шоҳлар шоҳи» номини олди. Бундан, у мустақил ҳукмдор бўлган деб ҳулоса қилиш мумкин. У ўзининг қисқа муддат ҳукмронлиги даврида давлат ва сулола обрўсини оширди. Маълумотларга кўра, у қўшни личхавийлар сулоласи маликасига уйланиб, катта сиёсий ютуққа эришди. Унинг рафиқаси Кумара Дева ҳақида муайян маълумотлар мавжуд. Бу даврда зарб этилган тангаларда ҳам шоҳ ўз рафиқаси билан бирга тасвирланган.

Личчхавийлар ўта қадимги қабила бўлиб, улар ҳозирда Бихар штатининг шимолий қисмини эгаллаганлар. Бу никоҳдан сўнг гупталар мавқеи янада ошиши, шарқий чегаралардаги кучлар нисбати ўзгаришига олиб келди. Манбаларда ёзилишича, Чандрагуптанинг ўғли Самудрагуптанинг онаси личчхавийлардан бўлган. Шундай қилиб, бу қариндошлик ришталари икки катта давлатни бирлаштириб, кудратли империяга айланишига олиб келди. Яна шу ёзувларда Самудрагупта икки давлат вориси сифатида кўрсатилади. У тахминан 380 йилларда вафот этган.

Тарихчилар Самудрагуптани буюк саркарда сифатида тилга оладилар. У ҳам маурийлар каби Ҳиндистонни бирлаштиришга интилган. Самудрагупта ютуқлари ҳақида Оллоҳобод устунларида ҳам қайдлар мавжуд. У ҳукмдорликни Ганг водийси давлатларини босиб олишдан бошлаган. Мавжуд маълумотларга кўра, у тўққиз шоҳни маҳв этиб, мол-мулкини ўзлаштирган. Сарой шоири ёзган қасидасида Самудрагупта Жанубий Ҳиндистоннинг 12 давлатини босиб олганлиги эслатилган. Ҳинд тарихчилари Синха ва Банержилар фикрича, чегара бошлиқлари орасида вилоят бошқарувчилари бўлиб, улар Саматата (жануби-шарқий Бенгалия), Давака (Ассам), Камарупа (Юқори Ассам), Непал, Картпишура (Шарқий Панжобдаги Жаландхар округи) дан иборат эди. Самудрагуптанинг замондошларига таъсирини, ҳатто Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон, Малва, Катхиявар ҳокимлари ҳам эътироф этганлар. Унинг шуҳрати Ҳиндистондан ташқарига ҳам ёйилиб, Шри-Ланка оролига қадар етиб борди. Цейлон шоҳи Мегхаварни (352-379) Самудрагуптага элчи юбориб, муқаддас ботхи дарахтидан унинг учун ибодатхона қуришга рухсат олган. Самудрагупта ўз талабаларини ашвамедха, яъни от қурбон қилиш маросими билан нишонлаган. Ҳукмронлиги сўнггида у Шимолий Ҳиндистоннинг деярли барча ҳудудини эгаллаб олди. У ўз ерларини кенгайтиришда муайян муаммоларга дуч келган. Шунинг учун ҳам у асосий эътиборни мамлакат ичкарисини ривожига қаратган.

Эпиграфик маълумотларга кўра, Самудрагупта вафотидан сўнг тахт унинг ўғли – Чандрагупта II га ўтиб, у 413 – 415 йилларда ҳукм сурган. Қадимги ҳинд муаллифларидан Висакхаддатнинг «Девичандрагупта» (VI аср) асарида, Чандрагупта II ҳукмронлигида гупталар янада гуллаб яшнаган деб айтилади. Лекин у акаси Рамагупта билан шиддатли жанглардан сўнггина ҳокимиятни эгаллай олди. Ака-ука орасидаги бу кураш акасининг ўлими билан тугаб, Чандрагупта II акасининг хотини – Дхурувадевиға уйланади. Чандрагупта II унинг кшатраплар билан жангларида қозонган ғалабалари ҳам унга муваффақият келтирди. V аср бошларида ғарбий кшатраплар ҳудудида Чандрагупта II тангалари муомалага киритилди. Бундан ташқари у ғарбга юришларида бир неча вилоятлар, жумладан соҳил бўйи ерларини босиб олди. Шу тарзда гупталар муҳим савдо-сотиқ марказларига эга бўлиб, натижада ташқи алоқалар кенгайди.

Чандрагупта II фаолиятига оид тарихий ҳужжат – Деҳлидаги машҳур темир устун ёзувлари. Унда Ванга (Шарқий Бенгалия) ва Бахлика (Шимолий Афғонистон) ни эгаллаб олган ҳукмдор – шоҳ Чандра ҳақида ҳикоя қилинади. Ёзувларда айтилишича, Чандрагупта II етти девон оша шимоли-ғарбга юришлар уюштирган.

Ўша давр тангаларидан Чандрагупта II пул ислохотларини амалга оширганлиги маълум. Ундан аввал ҳукмдорлар фақат олтин танга зарб этган бўлсалар, Чандрагупта II муомалага кумуш ва мис тангаларни ҳам киритди. Унинг кумуш тангаларида Шива худосининг муқаддас қуши – Гаруда тасвирланган. Бу тасвир мис тангаларда ҳам борлигини эътиборга олиб, Чандрагупта II Вишну динига

эътиқод қилган деган хулоса қилиш мумкин. «Викрамадितья» («қудрат қуёши») унвонини олган Чандрагупта II ҳинд тарихидаги энг машҳур шахслардан эди. Кўплаб шоир ва олимлар ижодини унинг фаолиятига боғлайдилар. Ҳинд адабиётида кенг маълум «Шоҳ Викрамадитьянинг тўққиз қимматбаҳо буюми» афсонаси гупталар давридаги маданий юксалиш ва саройнинг маънавий муҳитидан далолат беради. Тўққиз дур ичида тўққиз аллома тасвири туширилган бўлиб, улар орасида Калидаса, Кашапанака, Шанку, Веталабхатга, Гхатакарпара, табиб Дханвантори, тилчи олимлар – Амарасимха, Варучари, фалакиёт олими Варахамихиралар бор эди. «Викрамадитья» фахрий унвони унга илм ва фан соҳасидаги ҳомийлиги учун берилган эди.

Чандрагупта II вафотидан сўнг тахтга унинг ўғли Кумарагупта ўтирди (415-455). У ҳам отаси каби империя қудратини сақлаб қолишга интилди. Сулоланинг кейинги вакили Скандагупта (455-467) ҳам мамлакатни бутунлигини сақлаб қолди. Манбаларда у сулола халоскори сифатида тилга олинади. Гупталарнинг сўнгги вакили Будхагупта 20 йилдан ортиқ (475-497) ҳукм сурди. Унинг вафотидан сўнг хун-эфталитларга қарши уруш бошланиб кетди.

Машҳур хитой сайёҳи Фа Сянь Чандрагупта II ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонга саёҳат қилди. Унинг йўли Гоби чўли ва Хўтаннинг тоғли туманлари, Помир тоғ этаклари, Сват ва Гандхара орқали ўтди. У Ҳиндистоннинг Пешовар, Матхура ва бошқа йирик шаҳарларини зиёрат қилди. Унинг асосий мақсади буддавийлик динига оид осори атиқаларни излаб топишдан иборат эди. Сайёҳ ҳаёти ҳақидаги эсдаликларига 399-414 йиллар воқеаларини киритган. У Паталипутрада уч йил яшаб, бу вақтда санскрит тилини ўрганди. Ҳиндистоннинг маданий маркази бўлган бу шаҳар сайёҳни лол қолдирди. Шаҳар касалхонасида фақирларга доридармон ва озиқ-овқат бепул бериларди. Унинг ёзишича, бу ўлка зич аҳолиси бахтли турмуш кечирган. Жиноятларнинг оғир-енгиллигига қараб жиноятчига жарима солинар, қайта жиноят қилган шахснинг ўнг қўли кесиларди. Олинган ҳосилнинг бир қисми давлатга солиқ сифатида топширилар эди. Фа Сяннинг хабар беришича, Панжоб ва Бенгалияда будда дини тараққий этган.

Гупталар давлат тўзүми. Биринчи асрларда Ҳиндистон ҳудудидаги йирик империяларнинг бири – гупталар давлат тўзүми ҳақида кенгрок маълумотлар сақланган. Тадқиқотчилар фикрига кўра, мазкур давлат илк даврлардан марказлашган бошқарув тизимига эга эди. Уларнинг бошқарув тизими Маурийларнинг бошқарувидан деярли фарқ қилмаса ҳам, кўп жиҳатдан мукаммал бўлган. Бу империя ҳукмдорлари мазкур тўзумга бир қанча ўзгартиришлар киритдилар. Маълумки, тахт отадан ўғилга ўтар, баъзи ҳолларда ҳукмдор ворисни ўзи тайинларди. Шу сабабли тахт учун кураш шоҳ ўлиmidан олдин ворис аниқланганидан сўнг бошланиб кетарди.

Гупталар ўз истилочилик юришларида енгилган шоҳларни қатл этар, ерларини эса ўз ҳудудларига қўшиб олардилар. Бу даврга келиб Ганг водийсида яшаётган халқлар орасида тенглик қарор топди. Вилоятлар орасидаги савдо алоқалари иқтисодий турмушни тараққий эттирди. Вилоятлар ўлка ва шаҳарларга бўлинган, империя ҳудудидан ташқарида унга бўйсунган вассал давлатлар ҳам бор эди.

Таянч иборалар:

Мохараджатхиража, личчхевийлар, Самудрагупта, Чандрагупта II, “Викрамадитья”, Гаруда, Вишну, Ванга, Бахлика, вассал.

Саволлар:

- 1. Гупталар сулоласи асосчиси Чандрагупта ҳақида сўзлаб беринг.**
- 2. Гупталарнинг давлат тузуми қандай бўлган.**

18. Хун-эфталитлар босқини ва гупталар империясининг қулаши

Кумарагупта вафотидан сўнг гупталар империясининг осойишталиги бузилди. Унинг вориси Ҳиндистонга бостириб кирган хун – эфталитлар билан шиддатли кураш олиб борди. Синха ва Банержининг ёзишича, II аср ўрталарига келиб катта куч тўплаган Хун – шу қабиласи Хитойнинг шарқий қисмидан Юэ-чжи қабиласини сиқиб чиқарди. Сўнг улар янада ғарброққа кириб бориб, Амударё воҳасидаги халқларни хонавайрон этдилар. Уларнинг эфталит – “оқ хунлар” дейилиши ҳам шундан. Улар билан баъзи турк қабилалари ҳам иттифоқ тузганлар.

Эфталитлар ҳудудига кирган ерлар хитой олимлари томонидан езалган асарларини энг сўнгги араб ва форс манбалари билан солиштирган ҳолда аниқланди. Бу ҳудудга асосан Марказий Осиё ва Тохаристон кирган. Бундан ташқари эфталитлар жанубга ҳам бир неча бор истилочилик юришлари қилганлар. Улар V асрга келиб катта куч тўпладилар ва Кушон давлати ҳамда Эрон сосонийлари учун катта хавф туғдирдилар. Бу икки давлатни мағлуб этгач, Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмига ҳам бостириб кирдилар. Тахминан 457 йилда гупталар хунлар билан илк бор тўқнашдилар. Манбаларда гупталар бу курашда енгиб чиққанлари ҳақида маълумотлар бор. Улар хунлардан катта ўлпон тўлашни талаб этган, олтин тангаларнинг вазини камайтириш ва зарб этилган металллар турини кўпайтиришга мажбур бўлган.

Ҳиндистонда омади юришмаган хунлар эътиборини яна Эронга қаратдилар. Бу ҳудудда тўла устунликка эришгач, қайтадан яна Ҳиндистонга юриш бошладилар. Дастлаб улар жанубда бир қанча вилоятлар, масалан, шоҳ Торамана бошчилигидаги Синд ҳамда Рожастонни босиб олдилар. Торамана вориси Михиракула даврида гупталар жиддий талофат кўрдилар. Аммо ҳал қилувчи жангда гупталар ҳукмдори Нарасимханинг қўли баланд келди ва Михиракула шимоли-ғарбий Ҳиндистонни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Нарасимха ўз қўлида Панжоб ва Гандхара вилоятларини сақлаб қолди. 533 йилда Малва ҳукмдори ҳам хунларни мағлуб этди. Бироқ бу даврга келиб гупталарнинг кучи қирқилган эди. Баъзи вилоятлар мустақил бўлиб, империя таркибидан чиқиб кетди. Гупталар маълум вақт Магадха ва бошқа вилоятларда ҳокимиятни қўлларида тутиб турдилар. Бу давлатни бошқарган ҳокимлар гупталарнинг сўнгги ва заиф ҳукмдорлари эди.

Эфталитлар улкан давлат барпо этдилар. Бу давлат чегаралари Кушонлар империясидан ҳам катта бўлгани билан турли халқ ва миллатлардан иборат бўлгани учун мустаҳкам эмас эди. Эфталитлар Марказий Осиё ва Ҳиндистон халқлари турмуш тарзига ўзига хос таъсир кўрсатдилар. Улар кўпинча ўзлари босиб олган халқлар динини қабул қилар, улар билан ассимиляциялашиб кетардилар. Бу сиёсий кураш оқибатида гупталар империяси кулаб, унинг ўрнида бир неча тарқоқ давлатлар пайдо бўлди. Тарихчилар фикрига кўра, сўнгги шоҳ давридаги ғалаёнлар ҳам гупталар империясининг қулашига сабаб бўлган. Чунончи, шоҳ Будхагупта ҳукмронлигида Катхивардаги ҳарбий бошлиқ махарожа – буюк шоҳ номини олди ва расман гупталарга бўйсунушига қарамай, амалда мустақил бўлиб олди. Бенгалияда ҳам ўхшаш жараён юз берди. Бу маълумотлар гупталарнинг охириги

вакили Самудрагупта (543-544) битикларидан олинган. Ҳиндистонга саёҳат қилган хитойлик Сюань Цзан бу ўлкаларнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқлари вайрон бўлганлиги ҳақида ёзган. Археологик маълумотлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бу даврда қишлоқ хўжалиги, айниқса деҳқончилик яхши ривожланди. Янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонлари кенгайиб борди. Бенгалия, Бихар, Ассам, Ориссада шоли етиштирилди, нисбатан курукроқ ўлкаларда эса буғдой, арпа экилган. Жанубий вилоятларнинг доривор ўсимликлари ва қалампири машҳур эди. Ҳатто бу ўлкалар “қалампир ватани” деб ном олган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан дон бошқа мамлакатларга ҳам сотилган. Шунингдек, боғдорчилик ҳам кенг ривож топди. Цитрус ўсимликлари билан бир қаторда олма, нок каби мевалар етиштирилди.

Маълумотларга кўра, бу даврда суғориш иншоотлари ҳам тараққий этган. Сидрагена қўли ва бошқа ерларда махсус сув омборлари барпо этилиб, суғориш тизимлари кенгайган. Калинга шоҳи Кхарвела ўз мамлакатада канал ва ховузлар қурдирган.

Ер эгалиги. Хусусий ер эгалигининг тараққий этиши. I асрда ерга эгалик, хусусий мулкчилик ва ер эгасининг мулкий дахлсизлиги сақланиб қолди. Бировнинг ерини ноҳақ ўзлаштириш жиноят ҳисобланар ва бунинг учун катта жарима солинган. Ер эгаси ўзи ишлаши ё ерни ижарага беришидан қатъи назар, ер эгаси ҳисобланган. Гупталар даврида ер сотилиши ва олинишига оид ёрлиқлар пайдо бўлди. Давлат ер эгаларини муҳофаза этар, жамоа хусусий ер эгалари кўпайишига қарши бўлса ҳам, улар ихтиёридаги ерлар кенгайиб борди.

Ерни инъом қилиш ҳам ўзгача шакл олди. Илгарилари инъом қилинган ер деҳқоннинг хусусий ери бўлмас, аммо эндиликда, инъом сифатида олинган ер ҳам олган шахс хусусий мулки бўлиб қолди. Бу ўз навбатида хусусий ер эгалари мавқеини мустаҳкамлаб, уларнинг марказга тобелигини камайтирди. Бундай ёрлиқларда «токи қуёш, ой ва юлдузлар нур сочар экан» деган жумлалар туширилган эди. Шоҳ баъзи шахсларга ўз ерларини тақдим этиш билан бирга айрим ҳуқуқлар ҳам берар эди. Бу ҳуқуқлар мазкур майдондаги ҳосилни йиғиб олиш ва унда ишлайдиганларни назорат қилишдан иборат бўлган. Шунингдек, улар ҳакамлик қилиш ҳуқуқига ҳам эга эдилар. Бундай ҳуқуқдан айниқса V асрга келиб кенг фойдаланиладиган бўлди. Кейинчалик солиқ йиғиш ва подшоларнинг шахсий монополияси – конларга эгалик қилиш ҳам уларга топширилди. Бу даврда ерни ижарага бериш ҳам кенг тарқалди. Баъзи ижарадорлар бора-бора ер соҳибларига мутеъ бўлиб қолардилар.

Ҳунармандчилик. Бу даврда ҳинд дегрез ва мисгарлари мамлакат ичида ҳам, ташқарисида ҳам машҳур эдилар. V асрда улар баландлиги 7 метр, оғирлиги 6 тоннали темир устун бунёд этиб, орадан бир ярим минг йил ўтганига қарамай, унинг бирор ери на занглаган, на емирилган. Уни тайёрлаш сири ҳозиргача маълум эмас.

Ўша вақтлардаёқ олтин, мис, қўрғошиндан турли бежирим буюмлар ясаш йўлга қўйилган. Шоҳ ихтиёрида махсус темирчи ва қуролсозлар бўлган. Улар давлат назоратида турганлар. Шунингдек, конлар, қурол ишлаб чиқариш ҳам унинг тасарруфида эди. Қурол ясашда юнон-рим ҳунармандлари тажрибасидан фойдаланилган. Бироқ кўплаб темирчилар фақат маҳаллий анъаналарга таяниб иш юритардилар. Улар чиқарган маҳсулотлар аъло сифати учун чет мамлакатларда ҳам харидоргир эди. Темир ва пўлат ҳатто Африка портларида ҳам сотилар, заргарлик буюмлари эса Ҳиндистондан йироқда ҳам қадрланган.

Таксилада чет эл ҳунармандлари ясаган буюмлар топилган. Тўқимачилик, айниқса ип – газлама харидоргир бўлиб, хорижда ҳам унга талаб катта бўлган. Бу даврда ҳунармандлар **уюшмалари** – шренлар янада ривож топди. Уларнинг нуфузи анча баланд бўлиб, ҳукумат уларни ўз тасарруфига олишга интиларди. Улар хусусий шахслар билан шартномалар тузар, ҳукмдорлар билан битимлар имзолар эдилар. Уларнинг бадавлатлари буддавий роҳибларга совға-салом берар, ибодатхоналар бунёд этганлар. Археология қазилмалари жараёнида уларнинг шахсий муҳрлари топилган.

Савдо. Бу даврда савдо тез ривожланди. Гупталар ҳукмронлиги даврида очилган йўллар ташқи ва ички савдони кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳинд ва Ганг дарёлари бўйлаб савдо кемалари катнара эди. Ганг водийси асосий савдо марказларидан бири бўлиб, бу ердан мамлакатнинг барча бурчакларига йўллар ўтган. Бу марказлардан ғарбда Гохарукачгха, Ҳинд дельтаси, Патала, шимоли-ғарбий Путикалавата ва шарқда Тампалипти, Ганг водийсида Варанаси, Каушамби, Паталипутралар жойлашган эди. Савдо кемалари Бенгал кўрфазидан жанубга йўл олганлар. Шимолдан жун матолар, жанубдан эса қимматбаҳо тош ва зираворлар, шарқдан металл ва ипак, ғарбдан газмол ва йилқи келтирилган. Синд ва Арахосия отлари билан ном чиқарган. Кушон ва гупталар даврида ташқи савдонинг гуркираб ривожланишига бу даврда ҳукмдорларнинг атрофидаги мамлакатлар назарида катта нуфузга эгаллиги сабаб бўлди.

Қадимги ҳиндлар моҳир денгизчи бўлиб, муссон шамолларидан усталик билан фойдаланганлар. Бу минтақада Рим империяси савдо йўналишларини белгилаб турган. У Ҳиндистондан кўплаб маҳсулот харид қилиш билан бирга, бу ерда ўз савдо шахобчаларини ҳам ташкил этган. Айниқса Арикамеду (ҳозирги Патучери яқинида) ана шундай шахобчалар машҳур эди. Археологлар бу ердан Рим тангалари, ойна ва амфораларини топдилар. Бу даврда Август ва Троян каби императорлар ҳузурига ҳинд элчилари жўнатилган. Ғарбда ҳиндларнинг дориворлари, упа-эликлар катта шуҳрат қозонган эди. Ҳиндистондан фил суягидан ясалган қимматбаҳо буюмлар ва тилла тақинчоқлар ҳам узоқ ўлкаларга олиб кетилган. Бундан ташқари, мусиқа ва рақс санъатини ўрганган жориялар савдоси ҳам йўлга қўйилган.

Ҳиндистоннинг Узоқ Шарқ ва Ғарб билан алоқаларини йўлга қўйишда Буюк Ипак йўлининг аҳамияти жуда катта эди. Савдо ишида шрен номини олган бирлашмалар фаолият кўрсатган.

Буддизм таназзули ва ҳиндуизм. Гупталар ва улардан кейинги даврларда будда дини ўз таъсири ва аҳамиятини аста-секин йўқота бошлади. Буддавий ибодатхоналар ҳаробага айланиб, коҳинлар ҳам эътибордан четта қола бошладилар. Буддизм шимолда ва Кашмирдагина ўз мавқеини сақлаб қолиб, Ганг водийсида вишну ва шива динлари тараққий этди. Натижада мамлакат ҳудудида янги дин – ҳиндуизм вужудга келиб ривожланди. Шимолда сақланиб қолган будда дини ҳам тобора ҳиндуизм билан қўшилиб, ягона динга айланди. Янги дин жамиятда тез тарқалди. Ибодатхоналарда ҳинд маъбудалари қад кўтарди.

Ҳиндуизмнинг икки асосий йўналишидан бири вишнуизм бўлиб, у маурийлар давридаёқ таркиб топган эди. Гупталар даврида бу дин яна ҳам тараққий этди. Бунда яна бир маъбуд – Кришнага эътиқод қилина бошланди. Мазкур диний таълимотнинг бошқа динлардан фарқи – уч маъбудага бирдай ибодат қилинишида эди. Бу «учлик» ҳиндуларда «Тримурти» номини олди. Улар оламни яратувчиси – Брахма, оламни

сақловчиси – Вишну ва вайрон этувчиси – Шива маъбудаларидир. Вайрон қилиш – Шивага хос хислат бўлиб, иккинчи томондан у одамларни таркидунёчилик ва ҳайр-эҳсон қилишга даъват этади.

«Маҳабхарата» нинг бир қисмини ўз ичига олган «Бхагавадгита» ҳиндларнинг маънавий ҳаётида ўзига хос ўрин тутди. Ундаги етакчи ғоя яхши ҳулқ, инсонийлик, дунёвийлик ва илоҳийликнинг ўзаро узвийлигидан иборат.

Таянч иборалар

Ҳиндуизм, “Тримурти”, махарожа, дегрез, шренлар, Арикамеду, хиндуизм, “Бхавадгита”, “Маҳабхарата”.

Саволлар

1. Хун – Эфталит қабилалари этник келиб чиқиши.
2. Гупталар империясининг ижтимоий – иқтисодий тараққиёти қай даражада эди?

19. Кушонлар ва гупталар даври маданияти

Драматургия ва адабиёт. Канишка даврида машҳур ҳинд файласуфи, драматург Ашвагхоси яшаб ўтган. Унинг бизгача етиб келган «Буддахачарита» («Будданинг ҳаёти»), «Саундрананда ва Нанда» ва «Шарипутрапракана» (Шарипутракананинг будда динини қабул қилиши ҳақидаги драма) асарлари маълум. Бу асарлар қадимги ҳинд драматургияси учун асос бўлди. Тадқиқотчилар Бхаса асарлари ҳам ҳинд трагедиясининг қадим намуналаридан деб фараз қиладилар. Яна бир - «лойдан ясалган арава» деб номланган асарда (муаллифи Шудрака) хонавайрон бўлган савдогар билан жория муҳаббати ҳикоя қилинади.

Қадимги ҳинд маданиятига ҳисса қўшган адиблардан яна бири – Калидаса. Бизга унинг учта асари маълум: «Шакунтала» («Узук орқали танилган Шакунтала»), «Малаявикагнимитра» («Малаявика ва Агнимитра»), «Викрамарваши» («Урвашининг жасорати»). Бундан ташқари, унинг «Мегахудата» («Булут - даракчи») достони ва икки эпик: «Кумарсамбаваха» («Кумаранинг туғилиши»), «Рагхуванша» («Рагху авлоди») дostonлари сақланган.

Қадимги ҳинд театри ҳам узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтди. Гупталар даврида театр санъатига оид роллар пайдо бўлиб, уларда театр жанрлари ва турлари ҳақида батафсил маълумот берилган. I асрда Бхарта яратган «Натяшастра» асари ана шундай рисоалардан ҳисобланади. Бу асар ҳақли равишда қадимги ҳинд театрининг қомуси номини олган. Унда театр санъатига алоқадор бўлган барча нарсалар, хусусан сахна безаклари, актёрлик маҳорати ҳақида айтиб ўтилади. Ҳинд театри анъаналари антик театр анъаналарига кўра янада қадимги ва мазмунли. Санскрит тилидаги адабиёт ёдгорликлари ичида «Панчатантра» - кичик ҳикоя ва ривоятлардан иборат асар бир мунча машҳур бўлиб, у Узоқ Шарқ ва Марказий Осиёда «Калила ва Димна» номи билан шухрат қозонган. Бу асар кейинчалик кўплаб Европа тилларига ҳам таржима қилинган.

Илм – фан. Бу даврда илм – фан тез тараққий этди. Математика, фалакиёт, тиббиёт, ҳандаса каби илмлар ривожланди. Машҳур математиклар – Арябхата, Брахмагупта ва Варамихираларнинг кашфиётлари фанга катта янгиликларни олиб кирди. Ўша даврдаёқ Ҳиндистонда Пифагор теоремаси маълум бўлган. Арябхата икки номаълум чизикли тенгламанинг ўзига хос ечимини кашф этди. Улар 1, 2,... сонларини очиб, санок тизимини соддалаштирдилар. Кейинчалик бу сонлар араблар

томонидан ўзлаштирилди. Шу сабабли бу сонлар бутун оламда араб рақамлари сифатида маълум бўлди. Брахмагупта қатор тенгламаларни ечиш усуллари топи.

Фалакиёт илмига оид асарлар ҳам бу даврга келиб кўпайди ва тараққий этди. Гупталар даврида олимлар осмон ёриткичларининг ҳаракати, Қуёш ва Ой тутилиши сабабларини яхши билганлар. Арябхата Ер ўз ўқи атрофида айланишини исботлади. Брахмагупта инглиз олими Ньютондан бир неча аср аввал Ернинг тортишиш кучини аниқлаган. Варахамхиранинг «Бихатсамхита» асарида фалакиёт, жўғрофия ва минералогияга оид муҳим фактлар келтирилган.

Темирчиликни ривожлантириш учун кимёни билиш керак эди. Ўша даврда ҳиндлар пўлат қуйиш, айнамас бўёқ тайёрлаш, мато ва териға ишлов беришга жуда уста бўлганлар. Айрим асарларда улар симобдан ҳам фойдаланганликлари айтилади. Нагаржуна V асрда кимёга оид кўплаб асарлар яратди.

Тиббиёт, жумладан анатомия фанида улкан янгиликлар қилинди. I асрдаёқ одам аъзолари ва унинг ички касалликлари ҳақида муҳим маълумотлар тўпланди. Бу даврда турли асбоблар ёрдамида жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, тиббиёт бир неча тармоқларга бўлинган. Касалликларни аниқлаш ва даволаш, сувнинг шифобахш хусусиятлари ва дори–дармонлар тайёрлаш бўйича катта тажриба тўпланди. Бизга қадар Чарака (II аср) ва Сушрута (IV-V аср) каби муаллифларнинг тиббий асарлари етиб келган.

Меъморилик. Бу давр меъморилиги янги босқичга қадам қўйди. Биринчи аср бошларида Бомбей яқинидаги қояларда ибодатхоналар мажмуи барпо этилди. Ҳиндистондаги энг улкан – Гайя эҳромининг узунлиги 38 метр, кенлиги ва баландлиги 14 метр бўлган. Ғор ичидаги энг катта залда устунлар, суға ва турли тош ҳайкалчалар жойлашган. Ғор ичига ёруғлик махсус ёғоч панжаралар орқали тушган. Ундаги барча тасвирилар монолит қоялардан ташкил топан. Уларнинг ҳажми кишини ҳайратга солади. Ажанта эҳромлари гупталар даврида меъморилик нақадар юксак даражага кўтарилганини кўрсатади. V асрда бунёд этилган Санги ибодатхонаси деворларида Ашока устунларидаги каби шерлар тасвири туширилган. Бу ҳинд меъморилигининг энг яхши анъаналаридан ҳисобланади. Пойдевори ҳозиргача сақланиб қолган Наландада улкан университет бўлиб, унда кўплаб талабалар таҳсил олганлар. IV асрда Будх – Гайяда ҳашаматли эҳром қурилиши бошланиб, унинг бош минораси баландлиги 58 метрга етган. У Осиёдаги энг баланд будда дини эҳромидир. Муҳташам меъморий обидалар Шимолий Ҳиндистонда ҳам кўплаб бунёд этилган. Қурилиши II асрда бошланган Таксила ва Дхармаражика иботат хонаси V асрга келиб маҳобатли иншоотга айланди.

Тасвирий санъат. Бу даврда тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликнинг бир неча йўналишлари вужудга келди. Агар Марказий Осиёда, Бактрия давлатида дунёвий ғоялар ҳукмрон бўлган бўлса, Шимолий Ҳиндистонда гандҳара, Ганг водийсида – матхура, жанубда эса андхра мактаблари мавжуд эди. Гандҳара мактабида будда таъсири кучли бўлиб, гандҳара ҳайкалтарошлигида Будда тасвири пайдо бўлди. Бу даврга қадар Будданинг қиёфаси шартли белгилар ёрдамида ифодаланган. Гандхаранинг ҳайкалтарошлик анъаналари узоқ ва яқин мамлакатлар санъатига ҳам таъсир кўрсатди. Буддавий ҳайкалтарошлик билан бирга дунёвий ҳайкалтарошлик, яъни матхура санъати ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Бунда Кушон ҳокимлари ва оддий фуқаролар ҳайкаллари ясалган. Матхура ҳайкалтарошлик мактаби гупталар даврида Шимолий ҳинд анъаналари таъсирида юзага келди. Бунда Будда тасвирида оддийлик ва одмилик кўзга яққол ташланади.

Ҳинду динининг тикланиши ҳам ҳайкалтарошликда ўз ифодасини топди. Вишну ва шива динига оид тасвирлар кенг ёйилди.

Гупталар даврида қадимги ҳинд рассомчилик санъати муҳим босқич бўлди. Ажантадаги машҳур девор нақшлари ҳинд ва жаҳон санъатининг бебаҳо ёдгорлигидир. У ерда ёрдаги суратлар сюжети жуда хилма-хил: Будда ҳаёти, жатакаларга оид суратлар, буддавий портретлар, одамлар тасвири, турли нақш ва безаклар шулар жумласидан. Шунингдек, табиат манзаралари ва оддий ҳаётий кўринишлар ҳам улар қаторидан жой олган. Мазкур расмлар гупталарга қадар даврларда яратилиб, I аср давомида такомилга эришган. Бу буюк санъат дурдоналари нафақат ҳинд, балки бутун Шарқ маънавиятида ўзига хос ўрин тутди.

Таянч иборалар

Бхаса асарлари, “Панчатантра”, “Бихатсамхита”, Гая эхромии, Ажанта эхромии, гандхара мактаби, матхура санъати, жатакалар.

Саволлар

- 1. Қадимги ҳинд маданияти Ҳиндистон тарихида қандай роль тутди?**
- 2. Қадимги Ҳиндистонда табиий фанлар соҳасида қандай ютуғларга эришилди?**

20. Қадимги Ҳиндистоннинг ташқи алоқалари

Қадимги Ҳиндистон Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан кенг алоқалар ўрнатган. Бу муносабатлар йиллар давомида шаклланиб, ҳар икки минтақа халқлари маданиятига таъсир этди ва ўзаро бойиди.

Қадимги Ҳиндистон ва Эрон. Эрон Ҳиндистоннинг энг яқин қўшниси бўлиш билан, у билан маданий ва маърифий алоқалар ўрнатган биринчи мамлакатлардан эди. Археологлар бу икки мамлакат алоқалари неолит давридан бошланган деб айтишади. Ҳар иккала мамлакатда ҳам юксак зироатчилик мавжуд бўлиб, шаҳар цивилизациясига ўтиш жараёнларини деярли бир вақтда бошдан кечирди. Бу икки мамлакат савдогарларининг ўзаро олди-сотдиси милоддан аввалги IV-III асрда тараққий эта бошлаган. Хараппа цивилизацияси даврида бу муносабатлар воқеа, ривоят ва дostonларда сақланиб қолди. Антик давр муаллифларининг маълумотларига кўра, шимолий ҳинд ўлкалари милоддан аввалги 518 йилда Доро I тарафидан ишғол этилди. Галилеядаги жангда Ҳинд дарёсининг жанубий ҳудудларида яшовчи аҳоли форслар тарафида курашди.

Аҳамонийлар даврида Эрон ва Ҳиндистон ўртасида савдо алоқалари мустаҳкамланди. Сузадаги (Эрон) сарой қурилишида Ҳиндистондан келтирилган қурилиш материаллари яъни, Гандҳарадан темир дарахти ва фил суяги келтирилгани Доро ёзувларида сақланиб қолган.

Милоддан аввалги-V асргача Бобилда топилган ҳужжатлар ва милоддан аввалги V аср охири IV асрларга оид Персеполдаги Элам матнларида айтилишича, Ҳиндистон, Эрон ва Месопотамия вилоятлари бир империя бўлиб бирлашганидан сўнг савдо ва маданий алоқалар кучайган. Бобил ҳужжатларини ўрганган ҳинд шарқшунослари Ниппур атрофида ҳинд колониялари бўлганлигини ва уларнинг номларини аниқладилар. Маълум бўлишича, ҳиндлар туб аҳоли билан яхши муносабатда бўлганлар, эгаллаган ерлари учун ижара тўлови ҳақида шартномалар тузганлар. Улар ҳарбий хизматни ҳам адо этганлар. Персепол ёзувлари Эрондан Ҳиндистонга ўтган. Масалан, милоддан аввалги 498 йилда Қараббо исмли ҳинднинг

180 кишилиқ карвонга бош бўлиб Ҳиндистонга борганлиги ҳақида маълумот берилади. Аҳмонийлар тарафидан ҳинд ерларига оромий ёзуви киритилди ва бу туб аҳоли маданиятига ижобий таъсир кўрсатди. Баъзи тадқиқотчилар қоя тошларига фармонларни ёздириш форслардан кириб келган одат деб таъкидлайдилар. Маданий жараён уйғунлашиб борди. Санскрит тилида форсча сўзлар пайдо бўлди.

Аҳамонийлар империяси инқирозга учрагач, Эрон-Ҳиндистон алоқалари сусайди. Эрон салавийлар давлатига кирган бўлса, Ҳиндистон Бактрия давлатига қўшилди. 20-60 йилларда Ҳиндистон ва Эрон Парфияси ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилди. Кушонлар даврида эса бу алоқалар яна сусайиб қолди. Кушонлар давлатининг таназзули алоқаларнинг янада ривожланишига олиб келди. V-VI асрларда улар умумий душманлари бўлмиш хун-эфталитларга қарши биргаликда кураш олиб бордилар. Ҳиндларнинг машҳур «Панчатантра»си форс тилига таржима қилиниб, Эрондаги барча мамлакатларга тарқалди. Ҳиндистондан Эронга шахмат ҳам кириб келди. Шунингдек, нафақат Эрон, балки бошқа Шарқ мамлакатларидан ҳам илм толиблари турли фанларни пухта ўзлаштириш учун Ҳиндистонга келардилар.

Марказий Осиё археологларининг тадқиқотларидан шу нарса маълум бўлдики, Марказий Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар Хараппа давриданок бошланган экан. Марказий Осиё халқларининг удумлари ва маданияти кушонлар орқали Ҳиндистонга ўтган. Бу даврдаги асосий воқеалардан бири буддизмнинг Марказий Осиёга кириб келишидир. Буддизм воситасида бу ўлкадаги халқлар ҳинд маданиятидан баҳраманд бўлдилар. Марказий Осиёда топилган тарихий ашёлардан маълум бўлишича, гупталар даврида ҳиндлар бу ўлкада ўз қишлоқлари ва шаҳарларини барпо қилганлар. Бунинг энг ёрқин мисоли Қоратепа (Термиз атрофи, I аср) ва Ажина тепада (Жанубий Тожикистон, I аср) қайин дарахти пўстлоғига ёзилган маълумотлардир.

Тарихчилар ҳиндларнинг Африка қитъаси билан алоқалари эллинлар давридан бошланган деб ҳисоблайдилар. Нил водийсида қадимги Ҳиндистондан чиққан жонивор – зебунинг пайдо бўлиши ҳинд ва Африка цивилизацияларининг дастлабки учрашуви деса ҳам бўлади. Зебу бу ҳудудга милоддан аввалги II минг йилликда олиб келинган. Миср филлари атрофдаги мамлакатларда маълум бўлиб, ўлкада филларни овлаш учун махсус экспедициялар ташкил қилинган. Ҳиндлар Африкага фил ўргатиш учун келганлар. Гехизийнинг изоҳли луғатида «ҳинд» сўзига «эфиопия филини бошқарувчи одам» деб таъриф берилади. Маурийлар даврида Миср ва Ҳиндистон ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Ҳинд шоҳи Биндусарага Птоломейдан элчи йўллангани ҳақида айтиб ўтилади. Дионисий исмли бу элчининг юртига келтирган буюмларибарчани лол қолдиради.

Ашока фармонларида Миср шоҳларининг исми ҳам келтирилади. Маълумки, Ашока миссияси Мисрда ҳам мавжуд эди. Дендера шаҳри қабристонида унинг вакилларида бири дафн этилган деган фикрни кўпгина тадқиқотчилар тасдиқлайдилар. Птоломей даврида Мисрга Ҳиндистондан кўп миқдорда қимматбаҳо тошлар ва бошқа маҳсулотлар олиб келтирилиб, улар Арабистон орқали олиб ўтилган. Миср ва Ҳиндистон орасидаги денгиз йўли милоддан аввалги II асрда тасодифан кашф қилинган. Периплнинг таъкидлашича, Гаппал исмли шахс Африкадан Ҳиндистонга эсувчи муссон шамоллари йўналиши сирини очади. Бу билан елканли кемаларнинг ҳар икки томонга қатнашига имкон яратилди. Птоломей Ҳиндистон йўлидаги денгиз бўйи мамлакатларини тасарруфига олди. Манбалар

гувоҳлик беришича, милoddан аввалги 74-73 йилларда «Эритрея ва Ҳинд денгизлари стратеги» лавозими қайд этилган. Шимоли-шарқий Африка мамлакатларидан келган савдогарлар баъзи вақтларда Ҳиндистонда узок муддат туриб қолганлар. Рим империяси ҳудудларининг кенгайиши ва буюк Кушонлар давлатининг пайдо бўлиши Африка ва Ҳиндистон ўлкаси муносабатларини янги сифат даражасига кўтарди. I аср бошларида бу икки халқ ўртисидаги алоқалар янада мустаҳкамланди.

Худди шу асрда африкаликлар Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий чегараларига келиб ўрнаша бошладилар. Савдогарлар Ҳиндистондан Мисрнинг Искандария шаҳри орқали Ўрта Ер денгизи мамлакатларига мол олиб ўтганлиги ва бунда божхона фаолият кўрсатгани ҳақида маълумотлар археологик тадқиқотлар натижасида ўз исботини топди. Бу йўналишдаги савдодан жуда катта даромад тушган. Баъзи маҳсулотлар 100 баробар қиммат сотилиши натижасида савдогарлар тез бойиб кетганлар. III асрда Ҳиндистонга қайтган бир савдогар шу даражада бой бўлганки, ҳатто Мисрни Рим тасарруфидан чиқариб, ўзини ҳукмдор деб аташга аҳд қилган.

Савдогарлар билан икки мамлакат ўртасида саёҳатчи олимлар ҳам қатнай бошладилар. Олимларнинг Аксумдан Ҳиндистонга сафарларига оид кўплаб маълумотлар сақланиб қолган. Археологлар Қизил денгиз тубидан бир қанча сопол буюмлар топдилар. Бу идишларда Брахма ва тамил тилларидаги ёзувлар бор. Бу икки халқ орасидаги савдо алоқалари нақадар мустаҳкам бўлганидан далолат беради. Мазкур давлатлар савдо ишлари билан бирга, илм-фан борасида ҳам ўзаро тажриба алмашганлар. Ҳинд-Африка маданий алоқалари Миср адабиётида ҳам ўз аксини топган. Ҳинд диний ақидалари мисрликларга ҳам муайян таъсир кўрсатган.

Қадимги Ҳиндистон ва юнонларнинг ўзаро алоқаларига оид фактларни антик давр муаллифлари асарларида учратиш мумкин. Ҳиндистон ва Ғарб ўртасидаги маданий ва иқтисодий алоқалар минг йиллар давомида шаклланиб, раванқ топиб борди. Ҳиндистон Ўрта Ер денгизи халқлари билан савдо алоқаларини Хараппа цивилизацияси давридаёқ ўрнатган. Олимлар фикрича, юнонлар учун Ҳиндистонни Карандалик Скилака кашф қилган. У Ҳинд дарёси бўйлаб қуйи томонга сузган ва денгиз орқали Мисрга қайтиб келган. Унинг маълумотларидан Геродот ҳам фойдаланиб, у антик адабиётларда Ҳиндистон ҳақида дастлабки маълумотларни келтиради. У шундай деб ёзади: «Улар бирорта тирик жонзотни ўлдирмайдилар. Уларнинг уйи йўқ. Ўсимликлар истеъмол қилиб, кун кечиради. Бирортаси бетоб бўлиб қолса, чўлга чиқиб кетиб, ётиб олади». Ҳиндистонга оид нисбатан тўлиқ маълумотлар Македониялик Искандар истилосидан кейин пайдо бўлди. Аристабул, Птолемей, Неарх ва Анескрит маълумотлари кейинроқ яшаб ўтган – Страбон, Диодор, Арриан каби муаллифларнинг асарларида сақланган.

Рус ҳиндшунослари Г.М.Бонгард-Левин ва Г.Ф.Ильин Ҳиндистоннинг антик адабиёт давридан кейинги даврни «элчихоналар даври» деб атайдилар. Улар милoddан аввалги VI аср охири – III аср бошини ана шу ном билан белгиладилар. Деймаҳнинг «Инди́ка» асари деярли сақланиб қолмаган бўлса ҳам, у орқали Ашोकанинг шоҳ Антиох (Сурия), Антиген (Македония), Энеолит (Эпир) ва Птолемейга (Миср) элчи юборганлиги маълум. Бу ёзувлар Ҳиндистоннинг юқоридаги давлатлар билан алоқасидан далолат беради.

Рим империяси билан Ҳиндистон ўртасида ҳам дипломатик алоқалар мавжуд бўлган. Антик манбаларда император Август (милoddан аввалги 24-14 йиллар), Траян (98-117 йиллар), Андриан (117-138 йиллар) ва яна қатор ҳукмдорлар ҳузурига

хинд элчилари юборилгани ҳақида айтилади. Юнон-Рим дунёси Ҳиндистон диний-маърифий манбалари ва фалсафаси билан яқиндан танишди. III асрда яшаб ўтган машҳур файласуф Филострат Ҳиндистонга саёҳат қилгани, у ерни ўргангани маълум.

Мегасфен Чандрагупта ҳаёти ҳақида ёзиб, “шоҳ ошпазлари унга барча ҳиндлар истеъмол қиладиган шаробдан беришади” деб маълумот келтиради. Шубҳасиз, шароб Юнонистондан келтирилар, қадимги тамил шоири уларнинг хуштаъмлигига эътибор қаратади. Ҳиндистон ва Ғарб ўртасидаги савдо алоқалари ўзаро маданий алоқаларга ҳам муайян ҳисса қўшган. Ҳиндистондан турли доривор ва зираворлар, зеб-зийнат буюмлари, металл ва яна бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар олиб келтирилар, ўз навбатида Ўрта Ер денгизи мамлакатларидан турли маҳсулотлар келтирилиб савдо, қилинади. Шри-Ланка, Ҳиндистон ва Бангладеш бандаргоҳларидан топилган Рим сопол идишлари ва тангалари бу давлатлар ўртасидаги савдо-сотик яхши ривожланганидан далолат беради. Ҳозирги Путучера яқинида Аркеамедура номи Рим савдо факторияси топилиши алоҳида аҳамиятга эга. Помпейдаги археологик қазилмалар чоғида топилган фил суягидан ясалган Лакшми маъбудаси ҳайкали антик дунё хинд маданиятини яқиндан билганидан далолат беради. Қадимги тамил ёзувларида яванлар ҳақида кўплаб маълумотлар қолган. Жанубий Ҳиндистонда юнонлар ва римликларни яванлар номи билан атаганлар. Уларнинг баъзилари бу ерларда муқим яшар, кўпчилиги маҳаллий шоҳларга ёлланиб, уларнинг хизматини қилардилар.

Гандҳара санъатининг хинд маданиятида ўзига яраша ўрни бор. Бу ерда Эллин ва Рим анъаналари хинд ва будда дини анъаналари билан қоришиб кетган. Тадқиқотлар ҳиндлар юнонлардан кўп нарса олганлар деган хулосага олиб келди. Тангалар юнонлардан аввал ҳам мавжуд бўлиб, кейинги уларнинг таъсири яққол кўзга ташланди. Сопол буюмлар яшаш, металл эритиш ва мис қуйишда ҳам антик дунё таъсири номоён бўлади. Ҳиндистонда юнонлар бошқарган давлатларнинг сўнгги сулолаларидан сўнг ҳам, давлат бошқариш тизимининг уларга хос маъмурий йўналиш ва усуллари анча вақтгача сақланиб қолди. Баъзи жойларда Македония тақвими қўлланиб, санъат ва ҳунармандчиликда ҳам юнон анъаналари давом этди. Ҳинд муаллифлари Марказий Ҳиндистондаги Ужайин астрономик расадхонаси билан Александрия обсерваторияси ўртасида боғлиқлик борлигини қайд этдилар. Шунингдек, айрим кўхна юнон китобларида хинд зиёлиларининг Суқрот билан учрашганлиги маълум. Пифагорнинг хинд фалсафасига таъсири бекиёс. Профессор Х.Роулинсон бу тўғрида, «Пифагорчилар тарғиб қилган деярли барча фалсафий, математик ва бошқа маълумотлар милоддан аввалги VI асрда Ҳиндистонда маълум бўлган» деган эди.

Рудрамона ҳукмдорлиги даврида жануби-шарқий мамлакатларнинг эллинлар билан алоқалари ривожланди. Илм-фанни юксалтирган Искандария билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. 150 йилларда Юнон тилидан санскрит тилига астрологияга оид матнлар таржима қилинди. Бизга қадар қадим «Яванажаки» китоби (269-270 йиллар) етиб келди. Олимлар Бумант билан танишгач, унинг Искандарияда ёзилганини исботладилар. Эпиграфик маълумотларга кўра, шарқий кшатрал туманларида юнонлар яшаганлар. Эҳтимол улар бу ерларда бир вақтлар яшаган юнонлар авлоди ёки савдогар юнонлар бўлиши мумкин. Вақт ўтиши билан Деканда яванлар ҳиндлашиб, кўпчилиги будда ва браҳманлик динини қабул

қилганлар. Юнонлар ва римликлар фан билан бирга ҳиндлар, Бобил олимларининг ҳам илмий ютуқларини ўрганиб, хусусан фалакиёт илмини ўзлаштирганлар.

Периклнинг «Эгей денгизи» асарида Жанубий Ҳиндистоннинг Ғарб билан алоқалари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Унда мамлакатнинг жанубий шаҳарларидан Кероботрга катта миқдорда мис, кўрғошин, тилла буюмлар ва қимматбаҳо кийим-кечаклар олиб борилиб, у ердан гармдори, марварид, фил суяги ва турли хил қимматбаҳо тошлар олиб келингани ҳақида ёзилган. Птолемей асарида ҳам худди ана шу хусусда сўз боради. «Шиланпадигарам» ва «Манимехалей» дostonларида бадавлат яванлар, денгизлардаги улкан кемалар ва савдо-сотик ишлари ҳақида маълумот мавжуд. Путучери яқинидаги Арикамеда шаҳридан I асрга оид ажойиб кўзалар топилган.

Юнонистонда ҳинд элчилари ва савдогарлари фаолият кўрсатиб, Ҳиндистон жанубида эса юнон савдо факториялари бўлган.

Парфиядан Ўрта Ер денгизига ўтадиган Буюк ипак йўли вужудга келган даврдан бошлаб Ҳиндистоннинг Марказий Осиё, алалхусус Шарқий Туркистон билан алоқалари юксалди. Қадимги Туркистон аҳолиси кўпчиликни ташкил этмас эди. Кам сонли аҳоли секин-аста шаҳар ва қишлоқлар барпо этиб, юксалиш томон кадам қўя бошлади. Ҳинд-Европа негизи милоддан аввалги II минг йилликда кўчиб борган тўхар қабилалари ва кейинчалик шартли равишда хотан-саклар деб ном олган қабилалардан ташкил топган эди. Бундан ташқари Шарқий Туркистонда сўғдларнинг катта гуруҳлари, Марказий Осиёнинг бошқа қабилалари ҳамда ҳиндлар яшарди. Минтақа тарихида хун-ну ёки хунлар, шунингдек бошқа кўчманчи қабилалар ўзига хос из қолдирганлар.

Милоддан аввалги II аср охирларида Хитой императори Ву-ди Туркистонни босиб олишга ҳаракат қилди. Ҳинд ҳукмдорлиги даврида ва ундан сўнг шарқий вилоятлар муайян вақт хитойлар қўлида қолди. Айтилишича бу ерда Хитой маданияти таъсири ҳам сезилди. I асрга келиб Шарқий Туркистон маданияти маълум таъсир доирасига эга бўлди. Бу ўлкада ҳиндларнинг таъсири кучли эканини тасдиқлайдиган кўплаб далиллар мавжуд. Чунончи, мамлакатнинг Жанубий-шарқий қисмидаги Кийя-Лоулани ноҳиясида ҳиндларнинг катта колонияси ташкил топган бўлиб, бу ерлик аҳоли деҳқончилик, қосибчилик билан шуғулланган. Кўплаб буддавий ибодатхоналар қурилган. Ҳинд маданияти бу ўлкада Ҳиндистондан келган қўлчилар, савдогарлар ёрдамида илдиз отган. Шарқий Туркистондан топилган қўлчиларнинг аксар қисми санскрит ёки пракритда, идора – девон ҳужжатлари эса асосан ҳинд тилида яратилган. Қадимги ҳинд адабиётига оид асарлар маҳаллий халқ тилларига таржима қилинган. Ҳиндлар таъсири Синцзяннинг Хўтан ўлкасида бирмунча кучли бўлган. Манбаларга кўра, маҳаллий сулолалар ҳиндча исмларни қабул қилиб, ўзларини Ашока авлоди деб ҳисоблаганлар. Хўтанда Гомативихара будда ибодатхонаси мавжуд бўлиб, у шу ўлкадаги Будда таълимотининг маркази ҳисобланган. Фа Сяннинг фикрича, бу ерларда бир вақтнинг ўзида уч минг қўлчилар яшаган.

Илк тарихий маълумотларга кўра, Хитой ва Ҳиндистон ўртасида савдо йўллари милоддан аввалги II асрда пайдо бўлган. Орадан бир аср ўтиб, улар янада ривожланган. Қуруқликдан ўтган асосий йўл – Буюк ипак йўли бўлган. **Бирма ва Сичуан орқали ўтган йўллар кейинроқ** пайдо бўлган. Сичуанда будда ибодатхоналари қурила бошланиб, бу ерда Будданинг турли – туман хайкаллари бунёд этилган.

Фа Сян сўзларига кўра, у 414 йилда Ҳиндистондан Хитойга денгиз орқали қайтади. Бу йўл Ланка ороли ва Катанга орқали ўтган. Тарихчиларнинг фикрича, иккинчи асрда хитойликлар экспансияси Ғарбга қаратилган. Айтиш мумкин, шу сабаб иккала мамлакат орасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш талаб этилган. Бироқ, мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар Кушонлар даврида анча ёмонлашган. Хан империясининг парчаланиши (II аср охири - III аср боши), мамлакатдаги иқтисодий танглик ва сиёсий тарқоқлик бу мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни тиклашда муаммолар пайдо қилди.

V асрга келиб Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар кучая бошлади. 70 йил давомида Ҳиндистондан Хитойга саккиз нафар элчи ташриф буюрди. Маданий алоқалар кучайиши натижасида Хитойга буддизм кириб келди. VI асрдаги Хитой императори Миньди таклифига кўра, икки буддавий коҳин – Дхармаратна ва кашяпа Матанга Хитойнинг Чанань шаҳрига келган (603 йил). Ўша вақтда бу шаҳарда илк будда ибодатхонаси қурилган. Буддизм тарихи бўйича мутахассис Э.Цюрих бу дин Хитойга 65 йилдан бошлаб кириб келган деб айтади. Бироқ III асрдагина чуқур илдиз отди. Буддизм Хитойда кенг расм бўлиши натижасида икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларда янги давр пайдо бўлди. Хитой сайёҳлари Фа Сян, Сюан Цзян будда дини тарғиботчиси бўлиши билан чекланмай, қадимги Ҳиндистон тарихига оид қимматли асарлар қолдирдилар. Ўша вақтда кўплаб буддавий китоблар ҳинд тилидан хитой тилига ўғирилди. Кейинроқ машҳур ҳинд олимлари Буддабхадра, Кумаражива, Парамартха ва Бадхидхармалар бир гуруҳ шогирдлари ва роҳиблари билан бирга Хитойга сафар қилганлар. Улар Хитойга ўзлари билан биргаликда санскритдан хитой тилига таржима қилинган будда таълимотига оид китоблар келтирганлар. Ҳинд олимлари кейинроқ хитой тилида ҳам оригинал асарлар битганлар. Улар Хитой адабиёти, хусусан, шеъриятига ҳам катта ҳисса қўшганлар. Икки халқ орасидаги бундай алоқа туфайли хитойликлар ҳинд астрономияси ва математикасини ўзлаштирдилар. Хитой амалдорлари ҳинд олимларидан сабоқ олишар, ибодатхоналар қуришда ҳинд услубидан кенг фойдаланишарди. Ҳудди шу жараён асосида Хитойга ҳинд мусиқаси ҳам кириб келди.

Хитой ҳудудида расм бўлган будда таълимоти тез орада Корея ва Японияга ҳам тарқалди.

Оролга илк ҳиндуорийлар келиши билан, Ҳиндистоннинг Шри – Ланка маданий алоқалари ҳам ривожланди. Улар ҳинд маданияти, сингал адабиёти ва санъатига катта таъсир кўрсатдилар. Бу икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг нақадар туташ эканлигини уларнинг жуғрофий ва этник яқинлигидан ҳам билиш мумкин. Бу икки мамлакат деярли бир хил тарихий жараёнларни бошидан кечирган. Тахминларга кўра, ҳиндлар палеолит давридаёқ бу оролга келганлар. Археолог олимлар бу мамлакатларнинг неолит даврини ўрганиб, улар маданиятининг турли жиҳатлари ўзаро ўхшашлигини аниқлаганлар. Тўпланган материалларни қиёслаш асосида милoddан аввалги мингинчи йилларда Шри-Ланкада тили ҳиндуорийларга ўхшаган қабилалар пайдо бўлганлиги аниқланди.

Милoddан аввалги II минг йиллик бошларида Шри-Ланка Ҳиндистон халқларидан бири – чолалар босқинини бошидан кечирди. Ланка ҳукмдори Гажабаху (113-135) чолаларга қарши кураш олиб борди. Натижада Ҳиндистоннинг жанубий ҳудудларида сингал ҳукмдорлиги юзага келди. Бу ҳол оролда маҳаллий ва ҳинд маданияти ривожига таъсир кўрсатди.

Ланкада сингал маданияти шаклланишида буддизмнинг ўзига хос ўрни бор. Шубҳасиз бу жараён узоқ ва мураккаб кечган. Деванампия Тисса ҳукмронлиги даврида (тахминан милoddан аввалги 247-207 йй.) император Ашока Ланкага Махинда миссиясини йўллайди. Ланкада V аср машҳур олими Будгахаши фаолият кўрсатди. Самудрагуптанинг замондоши Магхавар ҳукмдорлиги даврида Ланка оролига Калинга шаҳарларидан диний ёдгорлик – Будда тиши келтирилган. Ланкадаги будда ибодатхоналари сингал таълимотининг йирик маркази ҳисобланган, уларнинг кутубхоналарида маҳаллий тарих китоблари билан бирга Шимолий Ҳиндистондан келтирилган асарлар ҳам сақланган. Ланканинг палий адабиёти Ҳиндистоннинг қадимги тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Қадимги Ҳиндистон Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари билан савдо ва маданий алоқалар ўрнатган. Маълумки, Жануби-шарқий Осиёда бронза ва бошқа металлларга илк бор ишлов берила бошланган. Ҳиндистонга металл, бронза маҳсулотлари Австралия-осиё халқларидан – мундалар томонидан келтирилган. Бирма маданиятининг Ҳиндистон билан боғлиқлиги ҳам ўз тасдиғини топди. Бирманинг асосий аҳолиси номи – “талаинга”, Жанубий Ҳиндистондаги “теленгания”ни эслатади. Унинг пойтахти Шрикатра бўлиб, у ерда ҳиндлашган қабилалар истиқомат қилганлар. Бирманинг шимоли-ғарбий ўлкаларида ҳинд сулолалари ҳукмдорлик қилган. I асрда мамлакатнинг Аракон вилояти орқали буддизм тарқала бошлади. Қадимда «олтин ер» (Ҳиндихитой) ёки «олтин орол» номини олган Индонезия Жантакапурана ва бошқа ҳинд тарихий ёдгорликларида тилга олинади. Айрим маҳаллий давлатлар Айдохья (Аютия), Чалпа (Аннам) каби ҳиндча номланган. Ҳинд муаллифлари ёзишича, Камбоджадаги биринчи ҳинд давлати - Фу-нань милoddан аввалги I асрда барпо бўлган. Унинг тўлиқ номи Камбожеша бўлиб, ўз даврининг кучли давлатларидан бири ҳисобланган. Сулолалар номи ҳам ҳиндча бўлган. Масалан, Индраварман, Сурьяварман II, Жаяварман VII каби номланган. Сиам (Таиланд)да биринчи ташкил топган давлат Сукходая деб номланган. Ҳинд тарихчиларининг кўрсатишича, Яванинг ҳиндлар томонидан забт этилиши I асрдан бошланган. Ява ҳукмдори Давеварман 132 йилда Хитойга элчилар юборган. V ёки VI асрда оролнинг ғарбида кучли давлат – Калинга пайдо бўлади. Суматрадаги илк ҳинд давлати, тахминан IV асрда вужудга келган Шри Ваяя, VII асрда будда динининг муҳим марказига айланди.

Бу минтақада ўша давр расмий ҳужжатлари синскрит тилида битилган. Санскритда битилган энг қадим ёзув Вьетнам жанубида топилган. Бу даврда эпиграфик қайдлар фақат санскрит ёзувида бўлиб, кейинроқ қайдлар маҳаллий тилларда ҳам ёзилган. Жануби-Шарқий Осиё тилларидан кўплаб санскрит ва пали сўзлари жой олган.

Ўша даврда минтақада буддизм ва ҳиндуизм кенг ёйилиб, будда қоҳинлари учун ибодатхоналарбунёд этилди. Улар ҳинд дини ва маданияти марказига айланиб, ҳукмдорлар ва бой кишилар ҳомийлигига эришдилар. Шарқий-жанубий Осиё мамлакатларида ҳинд маданияти ва санъатига яқин ажойиб меъморчилик, ҳайкалтарошлик обидалари яратилди. Мазкур минтақада «Рамаяна» ва «Махабхарата» кенг танилиб, шунингдек, ҳинд тилида ҳуқуқ соҳасига оид асарлар ҳам маълум эди. Мону қонунларига асосланган асарлар жануби-шарқий Осиё халқлари тилларига таржима қилинган.

Икки буюк ўлка – Ҳиндистон ва Марказий Осиё дунё цивилизацияси бешиги ҳисобланади. Ҳиндистон ва Туркистон каби буюк ўлка халқлари орасида доимо сиёсий, маданий ва иқтисодий алоқалар мавжуд бўлиб, улар ҳозир ҳам давом этиб келмоқда. Бу икки юрт кўп жиҳатдан ўхшаш, ҳар иккиси ҳам Буюк ипак йўлида жойлашган.

Неолит даврида Марказий Осиё ва Ҳиндистон шимолида бир – бирига яқин деҳқончилик экинлари экилган. Олтинтепада (Жанубий Туркменистон) олиб борилган қазилар ишлари натижасида Ҳинд водийси халқлари билан Жанубий туркман қабилалари орасида бронза, яъни Хараппа маданияти гуллаган бир даврда мустақил алоқалар ўрнатилгани маълум бўлди. Хараппа маданиятига оид ва профессор М.К.Массоннинг фикрича, фол очиш учун ишлатилган фил суяги топилган. Худди шундай ўйинчоқ суяклар Хараппа ва Мохенжо Дародан ҳам топилган. Марказий Осиё савдогарлари Ҳиндистонга бориб ушбу буюмни олиб келганлиги ҳақиқатдан узоқ эмасдир. Жанубий Туркменистондан топилган уч бошли маҳлуқ кўринишидаги муҳрларда худди Хараппа муҳрлари каби икки эчки боши ва балиқ тасвирланган.

Олтинтепада топилган яна бир ноёб буюм бу икки белгили қадимий ҳинд ёзувидир. М.Е.Массон шунга эътиборини қаратганки, унда жониворлар расми эмас, балки пиктографик матн мавжуд. Унинг фикрича, Олтинтепада яшаган бирон бир кимса ҳиндча матнни ўқий олмаган. Бундан келиб чиқиб, муаллиф Марказий Осиё жанубидаги бир неча қабилалар дравид тиллари оиласига мансуб деган фикрни ўртага ташлади.

Бу икки мамлакат алоқаларида Аҳмонийлар сулоласи ва Македониялик Искандар юришларини алоҳида таъкидлаш керак. Марказий Осиёнинг Бактрия, Сўғд, Парфия, Хоразм вилоятлари билан Шимолий Ҳиндистоннинг Гандҳара ва Ҳинд водийси ягона империя таркибига кирган. Милоддан аввалги II асрда сак ва бошқалар Помир орқали Шимолий Ҳиндистонга келганларида, ўзлари билан Марказий Осиё маданияти анъаналарини олиб келишган. Бунга Таксиладан топилган темир қиличлар ва бронза дисклар далил бўла олади.

Помирда амалга оширилган қазилмалар вақтида маҳаллий сакларга мансуб кўплаб қабрлар топилган. Қабрларнинг 4000 метр баландликда ҳам 250га яқин кўрғонлари топилган. У ердан Ҳиндистонга хос маҳсул ишланган қимматбаҳо маржонлар, кўзни даволайдиган чиғаноқлар топилган. Худди шундай нарсалар Ҳиндистонда ҳам учрайди. Шундай қилиб, милоддан аввалги III асрдаёқ саклар ва ҳиндлар ўртасида маданий алоқалар мавжуд бўлганлиги аниқланди.

Икки давлат ўртасидаги алоқалар Кушон империяси даврида янада мустаҳкамланди. Бу даврда Марказий Осиё ва Ҳиндистоннинг шимолий қисми ягона империя таркибига кирган. Маданиятнинг яқинлиги аввало маданий мерос билан боғлиқ. Ўрганилаётган давр тарихчиларининг ёзишича, Ҳиндистонга кўчиб келган Марказий Осиёликлар буддизмни қабул қилганлар. Таксиладаги ёзувлар Бактрияда буддавий ибодатхоналар қурилганлиги ҳақида маълумотлар беради.

Ҳиндистонда топилган тангаларга форс маъбудалари тасвири, жумладан, Митра, Вретрагна ҳиндларнинг Шива маъбудаси таъсирида шаклланган. Уларда Вахш дарёсининг худоси Охшо тасвирланган. Матхурадаги меъморчилик ёдгорлигидан шу нарса маълумки, Марказий Осиё анъаналари ҳиндларнинг қурол-аслаҳаси ва кийимига катта таъсир кўрсатган. Баъзи олимлар Гандҳара маданияти юнон ва буддизм маданияти қоришмасидан иборат дейдилар.

Француз олимларининг Афғонистонда ва Г.А.Пугаченкованинг Халчаён ва Далварзинтепадаги топилмалари Кушон маданияти келиб чиқиши ва унинг характерини очиб беришга имкон яратди. Гандхарада бошланган қазилма ишлари Афғонистон ва Марказий Осиёда давом этди. Бу изланишлардан Гандхара мактабидан олдин юзага келган ўзига хос Бактрия мактаби мавжуд бўлганлиги аниқланди. Кейинроқ буддизм кенг ёйилиши натижасида Кушон давлати ва Бактрияда ҳам бу динга эътиқод қилувчилар сони кўпайди. Шунга қарамай, Бактрия ўз таракқиёт йўлидан юришда давом этди. Бу маълумотлар Термиз, Далварзинтепа, Халчаёндан топилган ёдгорликлар орқали ҳам ўз тасдиғини топди.

Бактрия маданиятининг аҳамиятини тўла англаб етиш учун, бу ерда милoddан аввалги III асрда ҳукм сурган Юнон-бактрия давлати ва юнон маданиятини эслаш кифоя. Давлат чегарасининг жануб ва жануби-шарқ томон кенгайиши Бактрияни ҳинд маданиятига ошно қилди. Бу даврда Халчаён ривожланди, қўрғон қурилиб, шаҳар мустаҳкам девор билан ўраб олинди. Кейинроқ Бактрия ҳудудида бешта кичик давлат қарор топди. Кадфиз I даврида улар бирлашиб, Кушон империясини ташкил қилдилар. Халчаён ҳунармандчилиқ мактаби Кушон ва Бактрия маданияти учун асос бўлиб хизмат қилди.

Кушонлар даврида Гандхара мактаби ва унинг буддавий шакли Тоҳаристон маданиятига ҳам маълум таъсир ўтказди. Буни Далварзинтепада олиб борилган казиш ишлари натижалари ҳам тасдиқлайди. Бу ерда милoddан аввалги III-II асрда юнон-бактрия шаҳарлари бўлиб, улар айниқса милoddан аввалги I асрда-милодий I асрда юксалганлар. Айнан шу вақт – Кадфиз I ва Кадфиз II ҳукмронлиги даврида Бактрияга будда дини кириб келди. Мазкур масканда эҳром, унда бир қанча ҳайкал ва супачалар бор эди. У ердаги лой ва чиннидан ясалган ҳайкалчалар деворга осилган. Ҳайкалчалар анъанавий ҳинд санъатига оид бўлса-да, уларда маҳаллий урф-одатлар аксини ҳам кўриш мумкин.

Халчаён ва Далварзинтепа ҳайкаллари таққослаш оқибатида шу маълум бўлдики, ҳар икки маданият турли йўлдан борган. Масалан, Халчаён ҳайкаллари портрет кўринишида, реал ва будда анъаналаридан анча йироқ, Далварзинтепадаги суръатлари анча кейин ишланган. Шунингдек, бу санъат Бактрия мактабини эллин ҳинд-будда анъаналари билан боғлаган.

Далварзинтепадан топилиб, ҳиндшуносларни қизиқтирган яна бир ашё I асрнинг иккинчи ярмига тегишли олтин буюмлар хазинаси. Шу каби олтин буюмлар Гандхарадан ҳам топилган. Энг муҳим топилмалардан яна бири кхарош хатида ёзилган олтин куймадир. Бу хат шимоли-ғарбий Ҳиндистонда тарқалган бўлиб, ёзувлар мадҳия ва бағишловлардан иборат. Унда қадимги Бактриянинг Ҳиндистон ва Марказий Осиёдаги будда динига оид ҳаёт тарзи акс эттирилган. Бу топилмалар тарих фанининг бойишига катта хизмат қилди. Шу билан бирга Ҳиндистон ва Марказий Осиё халқларининг ўзаро алоқаларини очиб беришда алоҳида аҳамиятга эга. Кўриниб турибдики, икки халқ орасидаги алоқалар қадимдан мавжуд ва ҳамон давом этиб келмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, қадимги Ҳиндистоннинг жаҳон маданияти, хусусан, шарқ маданиятига кўшган ҳиссаси улкан. Қадимги Ҳиндистон асрлар мобайнида Ғарб ва Шарқни кўплаб мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтирган. Улар билан турли жабҳаларда алоқаларни мустаҳкамлаш билан бирга, ўз маданияти ва урф-одатларини ҳам сақлаб қолишга эришди. Қадимги ҳинд маданияти ҳинд халқининг бўлғуси маданиятига асос бўлди. Бу маданият шу даражада кенг

камровли, ранг-барангки, жаҳоннинг исталган бурчагида унинг таъсири сезилиб туради.

Таянч иборалар

Оромий езуви, “Панчатантра”, зебу, Гаппал, “элчихонлар даври”, “Индика”, яванлар, “Яванажаки”, тўхарлар, пракрит тили, палий, чолалар, сингал, мундалар, “талаинга”, Сиам, Мону қонунлари, дравид тиллари, Охшо, кхарош хати.

5. Қадимги Эрон

1. Аҳамонийлар давлати. Кайхисрав II юришлари

Эрон ҳудудига мидияликлар билан бирга бошқа қабилалар ҳам кириб келган. Қабилалардан бири Оссурия ёзувларида парсуа номи билан аталиб, улар қадимги эронийларнинг аجدодлари деб тахмин қилинади. Оссурия шоҳлари бу қабилалар билан кураш олиб борганлар. Парсуалар Элам ўлкаларидан бири – Аншанда мустаҳкам ўрнашиб, бу ерда қабилаларнинг йирик иттифоқини ташкил қилганлар. Эламнинг вайрон этилиши тўғрисидаги ривоятда Оссурия шоҳи Ашшурбанипал “Парсуаш шоҳи Кайхисрав” ни эслатиб, Кайхисрав Оссурия шоҳига бўйсунгани ва ўзининг катта ўғлини совға - саломлар билан Нинуво шаҳрига йўллаганини айтади. Оссурийларга, сўнгра мидияликларга қарши курашда Эрон қабилалари иттифоқи кучайиб, мустаҳкамланган. Милоддан аввалги VI аср ўрталарида анча йирик Эрон шоҳлиги ташкил топган.

Тарихий анъаналар ва антик муаллифлар бу давлатга Кайхисрав II, Ашшурбанипалга замондош – Кайхисрав I ворисларидан бири эканлигини бир овоздан таъкидлайдилар. Кайхисрав II қадим ва қудратли Эламнинг юксак маданиятининг азалий анъаналарига таяниш ниятида, ўзини “Аншан шоҳи”, шунингдек “Парсу”, яъни Эрон шоҳи деб атади. Геродот асарида Кайхисрав болалик, ўспиринлик йиллари ва фаолиятини тасвирлаган бир қанча ривоятлар сақланиб қолган. Улкан давлатга асос солган буюк шахс ҳаётини тасвирлаган бу ривоятлар замонасига хос, афсона шаклида берилган. Кайхисравнинг фаолияти ўз замондошларига кучли таъсир кўрсатгани ва ўз даврининг буюк арбоби Кайхисравнинг образи ҳақида халқ ижоди, қисман коҳинлар мадҳида шундай ҳикоя бор: шоҳ Саргон I каби, Кайхисрав ҳам асранди бола бўлиб, уни бир чўпон тарбиялаб ўстирган, ёки Римга асос солган Ромул ва Рем сингари Кайхисравни ҳам бир жонивор боқиб катта қилган эмиш. Эрон шоҳлигига асос солган бу машҳур шахснинг сирли келиб чиқиши, унинг дунёга илоҳий тарзда келганлиги ҳақидаги афсоналарга ҳатто Геродот ҳам танқидий назар билан қараган. Бундай афсонлар Эрон шоҳлари қадимги Шарқ дунёсини қурол билан бўйсундириб, истило қилинган кўплаб мамлакатлар устидан Эрон “шаҳаншоҳи” ҳокимиятини ўрнатиш ниятини оқлаш мақсадида кейинги замонларда яратилган бўлиши ҳам мумкин.

Бобил солномалари ва шу даврга оид баъзи ҳужжатларда сақланиб қолган маълумотлар тарихий нуқтаи назардан бирмунча ишонарли. Бу ҳужжатлардан Кайхисрав Мидия шоҳи Астиаг (Иштувечу) га қарши уруш бошлагани маълум. Геродот бу урушни тасвирлар экан, халқ эртакларидан фойдаланиб, жумладан, Кайхисравни Астиагнинг невараси деб кўрсатади. Бу ярим афсонавий ҳикоя Эрон шоҳи Кайхисравнинг Мидия тахтига даъвосини оқлаш мақсадида тўқилган бўлса керак. Воқеаларни бир мунча объектив баён қилувчи Бобил солномаларида айтилишича, “Иштувечу Аншан шоҳи Кайхисравни енгил учун, унга қарши қўшин

тўплаб борган. Бироқ Иштувечу кўшини исён кўтариб, унинг ўзини асир қилиб, Кайхисрав кўлига топширган. Кайхисрав унинг пойтахти Экбатана устига юриш қилиб борган. Экбатана хазиналари талон - тарож қилиниб, Аншанга олиб кетилган”. Шундай қилиб, бу уруш Мидиянинг тор - мор қилиниши ва эронликларнинг тўла ғалабаси билан тугаган. Эрон кўшинлари Мидия пойтахти Экбатанани босиб олганларидан сўнг, Кайхисрав Мидияни ўз давлатига кўшиб олган.

Шуниси характерлики, Бобил солномаларида ҳамда Геродот ҳикоясида таъкидланишича, Кайхисравнинг муваффақиятига ва Астиаг енгилишига мидияликлар норозилиги сабаб бўлган. Улар Астиагга қарши қўзғолон кўтариб, Кайхисравнинг Мидия кўшинини тезда енгилишига имкон берганлар.

Тарихий солномаларда Кайхисрав Мидия шоҳи Астиагни асир қилиб олгандан кейин, унга ўз давлатидан ўрин берганлиги ривояти бор. Бу ривоят Мидия зодагонлари Эронда форс зодагонлари билан бир хил имтиёзга эга бўлганлари тўғрисидаги факт билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Кайхисрав Мидияни истило қилганидан кейин ҳам истилочилик сиёсатини давом эттиради. Кайхисрав қисқа вақт ичида Арманистон, Каппадокия, Лидия (милоддан аввалги 547 - 546 йиллар) ва ниҳоят Бобилни (милоддан аввалги 538 йил) истило қилади. Навуходоносор II замонидан юксак тараққий этган янги Бобил шохлиги савдо соҳасида етакчи бўлиб, пойтахти Бобил шахри қудратли ва енгилмас, мустаҳкам қалъа эди.

Кайхисрав Бобилнинг бойлиги ва ҳарбий кучига юксак баҳо бериб, дастлабки вақтда эътиборини Олд Осиёнинг шимолий қисмида, асосан, Кичик Осиёда ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратади. Бу Лидия шоҳи Крез ва Миср подшоси Амазис (Яхмос II) Бобил подшоси билан Эронга қарши мудофаа иттифоқи тузганлиги учун ҳам муҳим эди. Шу сабабли, Кайхисрав дастлаб иттифоқчиларнинг энг заифи Лидия шоҳига зарба берди. Бу билан у Олд Осиёнинг шимолий қисми бойликларини қўлга киритиб, Бобилни иттифоқчиларидан ажратиб, савдо ва ҳарбий алоқа йўллари тўсиб қўйди. Эрон истилочисининг зарбалари остида Лидия қулаганидан сўнг, қудратли Бобил бевосита хавф остида қолди. Эндиликда Кайхисрав бутун ҳарбий кучини Бобилга қарши қаратиш имконига эга бўлди, чунки кўшини учун Шарқ ва Шимолдан ҳеч қайси куч хавф солмасди. Иттифоқчиларидан маҳрум бўлиб, ғалаёнлар оғушида қолган Бобил истилочиларга қаршилик кўрсата олмади.

Кайхисрав Бобилни осонлик билан қўлга киритгани ва ўз давлатига кўшиб олгани барча манбаларда тасдиғини топади. Бундай муҳим сиёсий ҳодиса тўғрисида Набониднинг Бобил солномаси, Бобил қоҳини Бероснинг тарихий асари, юнон тарихчиси Геродот асарлари ва ниҳоят Кайхисрав фармонларида ҳам маълумот сақланган. Кайхисрав фармонларининг миҳхат билан ёзилган матни ҳозирга қадар сақланган. Унда эронийларнинг кўп сонли кўшини “Бобилга қаршиликсиз кириб келди” дейилади. Бу ерда Кайхисрав ўзини Бобил, унинг маданияти ва дини ҳомийси қилиб кўрсатади. Кайхисрав Бобилни истило қилишда шу йўсинда маҳаллий қоҳинлар кўмагига таянгани шубҳасиз. Кайхисрав ўз манифестида – “Ҳамма муқаддас жойларга ғамхўрлик кўрсатдим, бинобарин, Бобил халқи ҳам кўнглидаги тилак-орзуларига эришди, уни бераҳм зулмдан қутқардим... биз улуғ тангри Мардук биз унинг юксак номига атаб чин қалбимиздан қувонч тўла

мадҳиялар ўқиганимиздан кейин, уни иззат қилувчи мен, яъни шоҳ Кайхисравга ва ўғлим Қамбизга ва барча қўшинимизга фотиҳа берди” дейди.

Бутун қадим Шарқни ўз қўл остида бирлаштиришга даъво қилган Эрон давлатига Бобилнинг қўшиб олиниши, Бобилнинг савдо ва кулдорлик зодагонларига ташқи савдони ривожлантириш учун кенг йўл очиб берди. Шу сабабдан, Бобилнинг зодагон савдогарлари Эрон давлати таркибига кириш тарафдори бўлиб, савдо қўламини кенгайтиришдан манфаатдор бўлган. Бобил коҳинлари ҳам истилочиларни қўллаб – қувватлаганлар.

Кайхисрав Бобилни истило қилиш билан чекланмади. У истилочилик сиёсатини давом эттириб, Бобилдан ғарбдаги мамлакатлар билан савдо алоқаларини кенгайтиришга интилиб келган зодагонларининг якка ҳокимига айланди.

Таянч иборалар

Кайхисрав II, Иштувегу, Бобил солмонаси, парсу, Аншан, миххат езуви, Мардук.

Саволлар

- 1. Кайхисравнинг ҳарбий юришларида қандай омил асосий ўрин турган?**
- 2. Нима учун Бобил коҳинлари Кайхисравнинг босқинчилик юришларини қўллаб - қувватлаган?**

2. Қамбиз (милоддан аввалги 529 - 523 йиллар) ва эронийларнинг Мисрни истило қилиши.

Қамбизнинг шоҳлик тарихи бизга юнон тарихчилари ҳикоялари ва эронийларнинг Миср истилоси даврига оид Миср ёзувларидан маълум. Кайхисрав вафотидан кейин унинг катта ўғли Қамбиз қонуний вориси сифатида тахтга ўтиради. Бироқ бу вақтда мамлакатда ола – ғовур давр бошланди. Кайхисрав томонидан бўйсундирилган, аммо иқтисодий жихатдан Эронга қарам бўлмаган айрим мамлакатлар давлат таркибига ҳали буткул кириб улгирмаган эдилар. Кайхисрав бўйсундирган айрим халқлар мустақилликлари учун курашга тайёр бўлиб, озодликка чиқиш имконияти туғулиши билан, бош кўтариб чиқиши тайин эди. Айрим халқлар Кайхисрав ўлиmidан фойдаланиб, Эрондан ажралиб чиқдилар. Қўзғолонларни бостириш учун Қамбиз кўп куч сарфлашига тўғри келди. Бу қўзғолонларга Кайхисравнинг иккинчи ўғли ҳам аралашган бўлса, эҳтимол. Беҳистун ёзувида унинг исми Бардия, Геродотнинг асарида эса Смердис деб берилган. Ксенофонт айтишича, “Кайхисрав вафот этиши билан унинг ўғиллари ўртасида низо келиб чиқди, шаҳар ва қабилалар ҳам Эрон таркибидан чиқа бошлаган”. Қамбиз Эрон давлатининг тўлақонли шоҳи сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида укаси Бардияни қатл қилдиради, аммо Беҳистун ёзувларида қайд қилинишича, “Камбужий Бардияни ўлдирганида халқ бундан беҳабар қолган”.

Қамбиз ўз мавқеини мустаҳкамлаб, қўзғолон кўтарган халқлар устидан ҳукмронлик ўрнатганидан сўнг, Кайхисравнинг истилочилик сиёсатини давом эттириш мақсадида, Мисрга қўшин тортиб боришга тайёрлана бошлайди. XXVI Саис сулоласига мансуб тадбирли фиръавнлар замонида бир қадар кучайган, ўзининг минг йиллик қадимги маданияти ва ўтмишдаги қудрати билан мағрур Миср Эрон ҳукмдорлари учун хавфли рақиб эди. Миср фиръавни Яхмос II Мисрнинг юнонлар билан савдосини ривожлантириб, ўз қўшинига юнонлардан ёлланма

аскарлар йиғиб, улар ёрдамида Мисрнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини мустҳкамламоқчи бўлган. Бундан ташқари, фиръавн Кипр, Лидия, Бобил ва Самос ороли билан иттифоқ тузган. Бироқ Эрон қудратининг ортиши кучсизланиб бораётган ва ичидан заифлашган Миср ҳукмдорларининг сўнгги умидларини ҳам пучга чиқарди. Бобил билан Лидияни Кайхисрав ўзига бўйсундирган эди. Кипр, ҳатто юнон ёлланма қисмларининг бошлиғи бўлиб, аввалроқ Яхмос II га хизмат қилган иониялик Факет ҳам Қамбиз томонига ўтган эди. Шундай қилиб, иттифоқчиларидан ажралган Миср бутун Ғарбий Осиёни истило қилган ва селдек ёпирилиб келган истилочига қарши якка ўзи курашиши лозим эди.

Гоят катта қўшинини ва иттифоқчилари - финикияликлар, кипрликлар ва самосликларнинг кучли флотига таяниб, Қамбиз милoddан аввалги 526 йилда Мисрга қарши юриш бошлаган. Бу юришда Лидиянинг собиқ шоҳи, кекса Крез ва Поликрат Самосскийнинг акаси Силосон Қамбиз билан бирга иштирок этган. Қамбиз араб қабилалари йўлбошчиси билан битим тузишга муваффақ бўлиб, унга кўра, у Синай кўлидан ўтаётган Эрон қўшинларини сув билан таъминлаган.

Эроннинг кўп сонли қўшини Миср чегараларига яқинлашиб келаётган пайтда Яхмос II вафот этади: Яхмос II замонасининг йирик сиёсий арбоби бўлиб, юнонлар ёрдамидан усталик билан фойдаланган. Тахтга Псаметик III ўтирган, аммо у ўз мамлакатини душманлардан асраш ва давлати мустақиллигини сақлаб қолишнинг уйдасидан чиқа олмади. Миср қўшинлари Пелузия ёнидаги жангда ҳам, Мемфис камали чоғида ҳам қаттиқ қаршилик кўрсатишларига қарамай, эронликлар томонидан батамом мағлуб этилиб, Мисрни ўзларига бўйсундирганлар. Мисрнинг ғарб томонида яшаган Шимолий Африка қабилалари эронликларга ўз ихтиёрлари билан таслим бўлганлар. Масалан, Геродот сўзларича, “Мисрнинг бу ахволга тушиши Мисрга қўшни бўлган ливияликларни кўрқитган. Шундан сўнг ливияликлар эронийларга урушсиз таслим бўлиб, улар ўз-ўзларига хирож белгилаб Қамбизга совға - саломлар юборганлар”.

Юнон тарихчилари, Қамбизнинг Мисрда жуда шафқатсиз тартиб ўрнатганлигини сўзлайдилар. Страбон Қамбизнинг Сарапей билан Мемфисни ёқиб юборганини айтади; Диодор эса “Қамбиз Рамессейни талон - тарож қилди” дейди. Геродот Қамбиз ёвузликларини тасвирлар экан, уни “ақлсиз ва тентак одам” деб атайди. Геродот, Қамбиз ғазаби кўзгаб, ўзини билмай қолган пайтда қадимги мисрликларнинг муқаддас буқаси -Анисни найза билан ўлдирганидек ҳомиладор хотини Рахшонани ўлдирган ва умуман Қамбиз “телбалик касалига” мубтало бўлган одам эди деб ҳикоя қилади. Қамбизнинг шафқатсизлиги ва Мисрни бошқаришдаги золимлиги ҳақида юнон тарихчилари сўзларини Элефантин папирусларидаги ёзувлар ҳам қисман тасдиқлайди. Папирусда “Қамбиз Миср худоларининг барча ибодатхоналарини бузиб ташлади” дейилади. Шу даврга оид Миср ёзувларидан бирида “бутун мамлакат бошига бу қадар оғир кулфат тушган эмас” дейилади.

Қамбизнинг истилочилик сиёсати Мидия ва Эрон давлати таркибидаги бир қанча мамлакатларда норозилик келиб чиқишига, Мисрда ватанпарварлик руҳи кучайиб, юнон олами жунбушга келишига сабаб бўлди. Мисрда ғалаёнлар бошланиб, эронийлар жазо чораларини қўллайдилар, жумладан, XXVI сулолага мансуб сўнгги Миср фиръавни Псаметик III ни ўлдирадилар: Геродот гувоҳлигича, у “мисрликларни кўзғолонга чакиришда айбланади”. Шунинг учун Қамбизнинг шафқатсиз ва мустабидлиги ҳақида хусусан афсоналар тўқилган. Бу афсоналар юнон тарихчилари, жумладан Геродот асарларида аниқ акс этган. Насихатгўй юнон

тарихчилари “инсонпарвар ва одил” Кайхисравни “рахмсиз ва фаросатсиз” Қамбизга қарши қўяди, лекин ҳар икковининг ҳислатлари ҳам муболағалаштириб юборилган. Масалан, Геродот эронийлар “Қамбизни хожа, Кайхисравни ота деб атайдилар, чунки Қамбиз “шафқатсиз ва такаббур”, Кайхисрав эса “шафқатли ва фуқаро фойдасини кўзлайдиган одам эди” дейди.

Бироқ Миср ҳужжатлари, жумладан Саисдаги маъбуда Нейт ибодатхонаси бош руҳонийси Ужагорресент ёзувидан, истило қилинган мамлакатларга нисбатан Кайхисрав қандай сиёсат тутган бўлса, Қамбиз ҳам Мисрга нисбатан шундай сиёсат олиб борганлиги маълум. Қамбиз Миср динини таҳқирламаган, аксинча, Ужагорресент гувоҳлигича, Миср коҳинларининг эронийларга тарафдор доираларига таяниб иш кўрган. Масалан, унинг ҳикоя қилишича, Қамбиз Саисдаги маъбуда Нейт ибодатхонасини тиклаган, қадимги Миср исмини ва Миср фиръавни унвонини қабул қилган ва ҳатто маъбуда Нейт шарафига уюштирилган диний маросимларда катнашиб турган. Бинобарин, юнон тарихчилари ёзганидек, Қамбиз мисрликлар динига тиш – тирноғи билан қарши бўлмаган. Руҳонийнинг фахр билан айтишича, Қамбиз унинг илтимосига кўра “Нейт ибодатхонасига кириб олган осиеликларни хайдаб чиқариш, уларнинг ибодатхона ичидаги уйлари бузиб ташлаш... Ибодатхонани поклаш, унинг барча хизматчилари ва соқчи коҳинларини қайтариш” тўғрисида буйруқ берган. “Шоҳ ҳазратлари Саисда илгаригидек, буюк худодлар онаси – улуғ Нейт шарафига назр – ниёз бериш ва қурбонлик келтиришга буйруқ берди”.

Қамбиз Мисрни истило этиш билан чекланмади. У Африканинг бошқа мамлакатлари, жумладан, Карфаген воҳалари ва узоқ Эфиопияни ҳам бўйсундиришга уриниб кўрди. Бироқ унинг бу ҳаракатлари муваффақият келтирмади. Финикия флоти карфагенлик қабиладошларига қарши урушдан бош тортган; воҳаларга йўлланган экспедиция саҳроларда ҳалок бўлган. Қамбиз қўшини Эфиопияни эгаллай олмади. Юнонларга ярим қарам бўлган Киренаика ва унга қўшни ўлкалар Қамбизга бўйин эгди, холос. Эрон қўшинлари Алхаржа воҳасини ҳам ишғол қилганлар деб фараз қилинади.

Қамбиз шоҳлиги тугашига яқин катта қўзғолонлар бўлиб, улар Эрон давлатини ларзага солди. Ахамонийлар истило қилган кўп сонли мамлакатлар аҳолиси Эрон шоҳлари истилочилик сиёсатидан норозилик билдирганлар, чунки унинг оғирлиги оддий халқ зиммасига тушган. Беҳистун ёзувида: “Қамбиз Мисрга жўнаб кетганидан сўнг халқ унга ёв бўлиб, мамлакатда, ҳам Эронда, ҳам Мидияда, шунингдек бошқа мамлакатларда унга қарши гап-сўз кўпайди” дейилади. Қамбизнинг Мисрда узоқ вақт қолиши, унинг Эфиопияга юришининг муваффақиятсиз чиқишидан фойдаланиб, Мидия коҳинларидан Гаумата ўзини Эрон шоҳининг ўлдирилган укаси Бардия деб атаб, Қамбизга қарши қўзғолон кўтаради. Бу қўзғолонни Мидия мустақиллигини тиклаш ва зодагонларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини тиклаш ниятида Мидия зодагонлари билан коҳинлари ташкил қилганлар. Гаумата халққа мурожаат қилиб, уларни ҳарбий мажбуриятдан уч йилгача озод қилиши ва солиқларни камайитириши тўғрисида ваъдалар бериб, атрофига кўпгина куч тўплашга муваффақ бўлади. Қамбиз вафотидан кейин кўпгина тобе мамлакатларда Эрон ҳукмронлигига қарши қўзғолонлар кўтарилади. Улкан Эрон давлати тезда парокандаликка учрайди.

Таянч иборалар

Смердис, Беҳистун ёзуви, Киренянлар, Кайхисрав, Пелузия, Факет, Анис, Элефантин папируслари, Ужагоррисент езуви, Алхаржа вохаси, Гаутама.

Саволлар

- 1. Қамбизнинг Мисрга қилган юришида Мисрнинг яккаланиб қолиши сабаблари**
- 2. Қамбиз ҳукмронлиги охиридаги қўзғолонлар ва мамлакатнинг инқирозга учраш сабаблари**

3. Доро I нинг давлат тепасига келиши. Давлат аппарати

Милоддан аввалги 523 йил бошларида Комбиз Эфиопия юришидан қайтиб Миср пойтахти Мемфисда кўтарилган қўзғолонни бостиради. Милоддан аввалги 522 йилнинг баҳорида эса укаси Бардия Эронда қўзғолон кўтариб, ўзини шоҳ деб эълон қилганлиги маълум бўлди.

Аммо у йўлда Бардия тарафдорлари томонидан ўлдирилди. Бардия аслида кимлиги тўғрисида турли маълумотлар мавжуд. У чамаси сохта шоҳ бўлиб, унинг асл исми коҳин Гаумата бўлган. Машҳур Беҳистун ёзувлари, Эсхил, Геродот, Ктесий, Помпей Трог, Полиен китобларида ҳам у тўғрида турлича фактлар келтирилган.

Беҳистун ёзувларида, Қамбиз Миср юришидан олдин, Бардияни ўлдирганлиги хақида айтилади. Геродот гувоҳлигича, Бардия (яъни Смердис) Миср юришидан кейин ўлдирилган. Бошқа муаллифлар ҳам юқоридаги маълумотни такрорлайдилар. Гаумата давлат тўнтаришини амалга оширгач, мамлакатни етти ой давомида бошқарган. У Бардия ўлимидан хабар топиб, ўзини Кир II ўғли деб атаб, мамлакатни идора қила бошлаган. Гаумата давлат бошига келиши билан мамлакатни турли ҳудудларида қўзғолонлар кўтарилади. Қўзғолонлар Мидия, Марғиёна ва бошқа вилоятларга ёйилган. Гауматага етти қабила оқсоқоллари кенгаши норозилик билдиради. Кейинроқ Гаумата милоддан аввалги 522 йил декабр ойида Доро I томонидан ўлдирилган.

Эрон шоҳлиги вилоятлари ўртасида алоқалар йўқлиги, Қамбиз шоҳлигининг охирида ва Доро I шоҳлигининг дастлабки даврида кескин синфий кураш ислохотлар ўтказишни талаб қилган. Бу ислохотлар Эрон давлатининг ички аҳволини мустаҳкамлаши керак эди. Юнон тарихчилари айтишича, Доро бутун Форс давлатини бир қанча вилоятлар (сатрапиклар) га бўлиб, ҳар бир ўлкага муайян миқдорда хирож солган. Бу хирож мунтазам равишда шоҳ хазинасига жўнатилган. Бундан ташқари, Доро пул ислохоти ўтказиб, давлат учун ягона олтин танга – дарик жорий қилди (дарик – 8,416 грамм олтинга тўғри келган). Сўнгра Доро йўл қуриш ишларини авж олдириб, давлатнинг энг муҳим иқтисодий, маъмурий ва маданий марказларини йўллар орқали бир - бирига боғлаган, алоқа ишларини йўлга қўйган, ва ниҳоят, қўшин ҳамда ҳарбий ишни қайтадан курган. Доро I ислохотлари ва ундан кейинги ҳукмдорлар фаолияти натижасида Эрон давлати монархия таркибига кирган халқларнинг маданий ютуқларидан самарали фойдаланиб, янгича давлат ташкилотига эга бўлган.

Доро ислохотлари идора ишларининг мураккаб бюрократик тизими ёрдамида давлатни бир қадар марказлаштиришга олиб келса - да, лекин мамлакатда ҳар ҳолда

кадимги қабилачилик иттифокининг ўта ибтидоий кўриниши сақланиб қолди. Шоҳ якка мустабид ҳукмдор бўлишига қарамай, баъзи масалаларда қадимги уруғ – қабила зодагонларидан чиққан олий-насаб вакиллар таъсирида бўлган. Масалан, Геродот ёзишича, Доро етти энг улуғ Эрон зодагонлари кенгашида шоҳ этиб сайланиб, бу одамлар шоҳ ҳузурига тўғридан - тўғри кириш ҳуқуқига эга бўлганлар. Шу билан бирга, шоҳ ана шу зодагонлардан бирининг қизига уйланиши шарт эди. Беҳистун ёзуви матнида, Доро I Гауматани ўлдиришда ва ҳокимиятни қўлга киритишда ёрдам берган бу эронийларнинг номларини санаб кўрсатиб, бўлғуси Эрон ҳукмдорларига “Сен, замона зайли билан шоҳ бўлсанг, бу зотлар авлодини эҳтиёт қил” деб мурожаат қилган. Геродотнинг сўзига қараганда, ҳатто Ксеркс ҳам юнонларга қарши юришдан аввал бу масалани шу олий зот вакиллари кенгашида муҳокама қилишга мажбур бўлган. Бироқ замон ўтиши билан қабилаларнинг аввалги иттифоқи қадимги Шарқ классик деспотияси шаклини ола борган. Шоҳ ҳузурида марказий идоранинг айрим тармоқлари, яъни ҳазина, суд ва ҳарбий ишлар шоҳ номидан юқори мансабли амалдорлар томонидан бевосита бошқарилган. Шоҳ бошлиқ марказий ҳокимият маҳаллий идора ишларининг барча соҳаларига фаол аралашган. Чунончи, шоҳ фуқаролар, масалан, бирорта ибодатхона қўғонларининг шикоятларини кўриб чиққан, солиқ масалаларида енгилликлар жорий қилган, ибодатхона ёки шаҳар деворлари қуриш тўғрисида фармойиш чиқарган. Шоҳ муҳри босилган ҳар бир фармон қонун бўлиб, бажарилиши шарт бўлган. Давлатни идора қилиш тизими кўплаб амалдорлар томонидан юритилган. Шоҳ амалдорлар билан махсус нома (хатлар) орқали боғланган. Шоҳ маҳкамалари ва саройда ёзув – чизув ишлари эътибор билан олиб борилган. Барча фармойишлар алоҳида баённома ва кундалик дафтарларга оромий тилида ёзиб борилган.

Аста – секин оромий тили Эрон давлат тилига айланган. Олий давлат нозири (“ҳукмдор кўзу - қулоғи”) марказлашган давлатнинг мустаҳкамланишига ёрдам берган, у шоҳ топшириғи билан олий назорат қилиш каби маъсулиятли вазифани бажарган.

Ажрим ишларининг шоҳ ва алоҳида “шоҳ ҳакамлари” қўлида бўлиши марказий ҳокимиятни янада мустаҳкамлаган. Ўша давр тилида айтганда, “ҳуқуқшунослар” фаолиятида чекланмаган шоҳ ҳокимиятини асос қилиб олганлар. Бу “шоҳ ҳакамлари” нинг вазифаси барча можароли масалаларда ҳукмдорга маслаҳат беришдан иборат бўлган. Ҳакамлар умрбод тайинланиб, жиноятга қўл урган ёки порахўрликда айбланган ҳакамлар вазифасидан маҳрум этилган. “Шоҳ ҳаками” вазифаси баъзан отадан ўғилга мерос сифатида ўтган. Ҳакамлар нафақат Эрон, балки унинг таркибидаги бошқа мамлакатларда ҳам адолатпешалик қилганлар. Тавротдаги маълумотлар ҳамда эронликлар ҳукмронлиги даврига оид Бобил ҳужжатлари (улар Ниппурдан топилган) шундан далолат беради.

Бошқа қадимги шарқ мамлакатлари сингари, Эронда ҳам натурал хўжалик ҳукм сурган. Қишлоқ жамоаларида етиштирилган маҳсулотлари шу жойнинг ўзида истеъмол қилинган. Етиштирилган маҳсулотнинг ортиқча қисми бозорга чиқарилган. Қадимги натурал хўжалик қоидаларига мувофиқ, товарлар муайян миқдорда ифодаланган. Масалан, Персеполдаги ёлланма ходимлар иш ҳақи сифатида маҳсулот, яъни нон, ёғ, балиқ олганлар. Маҳсулот шаклида тўланадиган иш ҳақи “шак” ибора билан ифодаланган. Персеполдан топилган ва кейинги даврга оид ҳужжатларда иш ҳақи сифатида қўй ва шароб тўланганлиги қайд этилган. Бироқ

савдо ишлари ривожланиб борган сари баҳонинг бу ибтидоий товар эквивалентини дастлаб оғир металл пул, сўнг зарб қилинган танга тобора сиқиб чиқарган.

Ташқи савдо анча тараққий этган Лидияда милоддан аввалги VI асрда зарб қилинган танга пайдо бўлиб, у Бобилнинг энг қадимги пул оғирлик ўлчови тизимидан фойдаланиш асосида келиб чиққан. Эронда пул тизими Кайхисрав замонида ташкил топган. Кайхисрав Суза, Сарда ва Бобилда олтин тангалар зарб қилдириб, бу танга “дарик” номини олган (дари сўзи қадимда эроний “олтин” сўзидан олинган бўлса керак). Эроннинг ғарбида савдода пул ишлатиш расм бўлиб, бу ерда, Бобил каби кўхна савдо марказлари равнақ топган. Шарқий ўлкалар, жумладан, Ўрта Осиёда асосан қадоқ тилла ишлатилган. Бироқ Эрон тангаси бу ерга ҳам етиб келган. Афросиёб (ҳозирги Самарқанд яқини) ва эски Термиз ҳаробаларидан Эрон дариклари топилди.

Доро I замонида Эронда савдо тараққий этганлигини шоҳнинг Сузада қурилган саройи мисолида кўриш мумкин. Бизга қадар етиб келган ёзувда саройни қуриш учун турли мамлакатлардан келтирилган қурилиш материаллари рўйхати муфассал баён қилинади. Масалан, кедр дарахти Ливан тоғларидан, олтин – Сарда ва Бактриядан, ложувард (лазурит) ва қизил тош - Сўғдиёнадан, феруза - Хоразмдан, кумуш ва бронза - Мисрдан, фил суяги - Эфиопиядан, Ҳиндистон ва Арахозиядан (ҳозирги Афғонистонда) келтирилган.

Эрон давлатида савдо ишларини янада ривожлантириш ва мамлакатнинг айрим ўлкалари ўртасида иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш учун бутун давлат ҳудудида ягона пул тизими жорий қилиш зарур эди. Шундай ягона пул тизимини ўрнатиш мақсадида Доро пул ислохотини амалга оширди. Мамлакатда давлатнинг ягона пул бирлиги – дарик (8,416 грамм) жорий қилинган. Энг юқори қадоқ ва танга бирлиги – Эрон таланти 3 минг дарикка тенг бўлган. Олтин танга зарб қилиш имкони ёлғиз марказий ҳокимият қўлида бўлган. Маҳаллий ҳукмдорлар, ҳамда айрим ўлка ва шаҳар ҳокимлари фақат кумуш ва мис танга зарб қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Майда чақа ўрнида кумуш пул – эрон шекели юриб, унинг вазни 5,6 граммга тенг бўлган. Шу билан бирга, Дор шоҳ хазинасига топшириши лозим бўлган солиқ миқдорини ўлкалар тараққиётига қараб белгилаган. Айрим баҳоловчилар солиқ ундиришдан бойлик орттирганлар. Шу сабабли солиқлар ва баҳоловчилар ҳақи аҳоли устига оғир юк бўлиб тушган. Мамлакатнинг хўжалик ҳаёти ва хусусан савдо ўсиши билан жуда яқиндан боғлиқ бўлган мамлакат хўжалик молия - ишларининг ташкил қилиниши тўғрисида Геродот шундай дейди: “Доро муайян солиқ белгилагани ва бошқа шу каби тадбирлар кўргани учун эронликлар уни савдогар деб атайдилар”.

Савдони ривожлантириш ва бутун хўжалик ҳаётини мунтазам мувофиқлаштириш учун йўл қурилиши ва алоқа хизматини йўлга қўйиш муҳим ўрин тутган. Бу масалада эронликлар қадимги хеттлар билан оссурийлар қурган кўплаб йўللاردан фойдаланиб, уларни савдо қарвонлари, почта алоқаси ва аскарлар ҳаракатланиши учун мослаштирилганлар. Шу билан бирга янги йўللар ҳам қурилган. Савдо ва маъмурий марказларни бирлаштирган йўللар ичида “шоҳ йўли” номини олган энг катта йўл алоҳида аҳамиятга эга бўлган. У Кичик Осиёдаги Эгей денгизидан тортиб Месопатамия марказига борган. Бу йўл Эфесдан Фрот дарёси, Арманистон, Оссурия орқали ва Дажла дарёси ёқалаб Сарда ва Сузага етиб борган. Бобилдан Загр дарёси орқали ва Беҳистун қояси ёнидан, Бактрия ва Ҳиндистон чегараларига элтувчи йўл ҳам стратегик аҳамиятга эга бўлган. Ниҳоят, Ис

кўлтиғидан то Синопгача бутун Кичик Осиёни кесиб ўтган йўл ҳам бўлиб, у Эгей денгизини Кавказ орти ва Олд Осиёнинг шимолий қисми билан бирлаштирган. Юнон тарихчилари Эрондаги бу йўллар ғоят обод сақланганлиги ҳақида ҳикоя қиладилар. Бу йўллар парсангларга (беш километр) бўлиниб, унинг ҳар 20 километрида шоҳ бекати ва меҳмонхона бўлган. Чопарлар шоҳ номаларини шу йўллардан элтганлар. Юнон тарихчилари Эронда шоҳ почтасининг қандай ташкил қилинганлигини тасвирлаб, ҳар бир бекатда захирада от ва чопарлар бўлганини ҳикоя қиладилар. “Шундай ҳоллар бўладики, - деб ёзади Ксенофонт, - бу чопарлар кечаси ҳам тўхтамай йўл юрганлар, кундузги чопар ўрнини тунги чопар эгаллаб, баъзи одамлар айтганидек, чопарлар шу тартибда югуриб, манзилга шамолдан ҳам тез етиб борганлар”. Гулхан ёрдамида хабар бериш усулидан ўша вақтлардаёқ фойдаланган бўлсалар керак. Ўлка ва чўлларнинг чегаралари, шунингдек катта дарёларнинг кечув жойларида истехкомлар қурилиб, уларда гарнизонлар жойлашган. Бу йўлларнинг ҳарбий аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

Ғоят кенг ҳудуддан иборат бўлган Эрон империяси бирлигини сақлаш, унинг поёнсиз чегараларини қўриқлаш ва мамлакат ичидаги қўзғолонларни бостириш учун қўшин ва умуман, ҳарбий ишларни ташкил қилиш зарур эди. Тинчлик вақтида мунтазам қўшин эронийлар билан мидияликлардан иборат бўлиб, улар асосий кучни ташкил қилган. Шоҳ сара қўшини (гвардияси) отлик аслзодалар билан 10 минг кишилиқ “ўлмас” пиёдадан тузилган. Эрон шоҳининг 10 минг кишилиқ шахсий соқчилари бўлган. Уруш вақтида бутун давлат ҳудуди бўйлаб халқ лашкари тўпланиб, шу билан бирга, айрим ўлкалар муайян миқдорда жангчилар юборишлари талаб этилган. Доронинг қўшинни ва бутун ҳарбий ишни қайтадан қуриш мақсадига бошлаган ишлари Эрон давлатининг ҳарбий қудратини янада оширди. Юнон тарихчиси Ксенофонт қадимги Эронда ҳарбий ишлар ғоят юксак даражада ташкил этилган деб тасвирлайди. Унинг айтишича, ҳар бир сатраплик қўшини миқдори, отлик, тирандоз, соққончи ва қалқончилар сонини, шунингдек айрим қалъалардаги гарнизонлар сонини Эрон шоҳининг ўзи белгилаб берган. Эрон қўшинларини, жумладан шоҳ саройи атрофидаги қўшинларни ҳар йили шоҳнинг ўзи кўриқдан ўтказиб турган. Узоқ ўлкаларда бундай кўрикни махсус йўлланган амалдорлар ўтказган. Ҳарбий ишларни ташкил қилишга алоҳида эътибор берилган. Қўшинга эътибор билан қараган сатраплар юқори мансабга кўтарилган ва уларга қимматбаҳо буюмлар инъом қилинган, аммо қўшинга беъэтибор бўлганлари эса лавозимидан олиб ташланиб, қаттиқ жазога тортилган. Бир қанча ўлкаларни бирлаштирган йирик ҳарбий округлар тузилиши ҳарбий ишни ва асосан ҳарбий идорани марказлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган.

Эрон давлатини ичидан мустаҳкамлаш учун маҳаллий бошқарманинг мунтазам тизимини ташкил қилиш талаб этилган. Кайхисрав замонида бўйсундирилган мамлакатлар йирик ўлкаларга бирлаштирилиб, уларни алоҳида ҳокимлар идора қилган. Бу ҳокимлар сатрап деб аталган (сатрап форсча – “хшатрапаван” – “мамлакат мутасаддилари”). Сатраплар шоҳнинг ўзига хос ноиблари бўлиб, улар ўлкадаги барча идора ишларини ўз қўлларида марказлаштирганлар. Улар ўлкаларда тартиб ўрнатиб, улардаги рўй берган қўзғолонларни бостирганлар. Сатраплар маҳаллий ҳакимга ҳам раҳбарлик қилиб, улар жиной ва фуқаролик ишлари бўйича ҳукм чиқарганлар. Сатраплар ўлкадаги қўшинга қўмондонлик қилиб, ҳарбий таъминот ишларини юритганлар, ҳатто

шахсий гвардия сақлаш ҳуқуқига ҳам эга бўлганлар. Масалан, Лидия сатрапи Оройтнинг бир минг соқчидан иборат шахсий гвардияси бўлган.

Молия-солиқ ишлари ҳам сатрап қўлида эди. Аҳолидан солиқ йиғиш, янги солиқлар жорий қилиш ва даромадни шоҳ хазинасига топшириш ҳам шулар ихтиёрида бўлган. Бундан ташқари, ўлканинг ҳаёти, жумладан, деҳқончиликни ривожлантиришни эронийлар хўжаликнинг энг муҳим турларидан деб билганлар. Ниҳоят, ўлкаларда амалдорларни тайинлаш ва ишдан олиш ҳамда бу амалдорларнинг фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқи ҳам сатрап қўлида эди. Шу тариқа сатраплар катта ваколат олиб, деярли мустақил ҳукмдорларга айланиб, ўз сарой ва сарой аҳлига эга бўлганлар.

Эрон шоҳлари ғоят кенгайиб кетган давлат ҳудудини назоратда тутишга ожизлик қилиб, маҳаллий ҳукмдорларнинг бир қанча ҳуқуқини сақлаб қолганлар. Масалан, Киликия ҳукмдорлари милоддан аввалги V аср охиригача ўз қўл остидаги ерларини сатрап сифатида идора қилиб келганлар. Кичик Осиёда, Финикия, Сурия ва Фаластинда, Ўрта Осиёда ва узоқ шарқий ўлкалар, Ҳиндистон чегараларида маҳаллий князлар ўз ҳокимиятини сақлаб қолиб, ўлкаларини Эрон “шаҳаншоҳи” номидан идора қилганлар.

Маҳаллий ҳоким ёки сатраплар мустақиллиги бу ўлкаларда шоҳга қарши кўзғолонлар келтириб чиқарди. Кўзғолонлар доимий назоратни талаб қилган. Жумладан, Доро сатраплар Оройт ва Ариандни ўзбошимчалиги учун жазолашига тўғри келган. Ўзбошимчалик баъзан шоҳ амрига бўйсунмай, ҳатто шоҳ чопарини ўлдиришда намоён бўлган.

Доро I замонида Эрон шоҳлиги 25 яқин сатрапликка бўлиниб, улар номи Беҳистун, Нақширустам ва Сувайш ёзувларида келтирилган. Бу ўлкаларни шоҳга тўлайдиган солиқ миқдори Геродот асарларида берилган. Бироқ бир - бирига номувофиқ бу рўйхатларнинг бирини маъмурий аҳамиятга эга деб бўлмайти. Сатрапликлар ўзбошимчалигига чек қўйиш мақсадида шоҳлар чора кўришига қарамай, сатраплар кўпгина эркинликларни узоқ вақт қўлларида сақлаб қолганлар. Айрим сатрапликларда (Бобил, Миср, Яҳудия) маҳаллий ҳуқуқ, маҳаллий оғирлик ва узунлик ўлчовлари, маъмурий бўлиниш (Мисрнинг номларга бўлиниши), ибодатхона ва коҳинларнинг солиқлардан озод қилинганлиги ва бошқа имтиёзлари сақланиб қолган.

Айрим мамлакатларда маҳаллий тиллар расмий тил сифатида сақланган. Эрон давлатининг расмий “маҳкама тили” бўлиб, қолган оромий маҳаллий тиллар билан бир қаторда аста – секин муҳим ўрин тута борди. Аммо Кайхисрав империясида ягона ва барча фуқаролар учун тушунарли тил йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Сақланиб қолган ҳужжатлардан, ҳар бир мамлакатда ўз маҳаллий тили сақланиб қолганлиги маълум. Масалан, Мисрда - қадимги миср, Бобилда – бобил, Эламда – элам тилида ёзиб, сўзлашганлар.

Шоҳ қўли остида маъмурий ва ҳарбий жиҳатдан ягона кучли давлатга бирлашган Ғарбий эрон қабилалари давлат асосини ташкил қилганлар. Эронийлар имтиёзли мавқега эга бўлганлар. Улар барча солиқлардан озод қилинганлиги сабабли, солиқлар оғирлиги бўйсундирилган халқлар елкасига тушган.

Эрон шоҳлари эронийларнинг “хизмат ва қадр - қимматлари”, шунингдек ҳукмрон мавқе эгаллаганликларини ёзувларида доим уқтириб келганлар. Доро I қабри устига қўйиладиган тошга: “Сен шоҳ Дорога қанчадан - қанча мамлакатлар бўйсунган”лигини ўйлаб кўрсанг, тахтни кўтариб турган одамларнинг тасвирига

кара: шунда сен Эрон аскарининг найзаси узоқ мамлакатларгача бориб етганини, шунда сен Эрон аскарини Эрондан узоқда ҳам душманини енгганини англайсан” деб ёздирган. Эронийларни ягона тил ва дин, хусусан, олий Худо – Ахурамаздага бўлган эътиқод бирлаштирган.

Эрон шоҳи олий худо Ахурамазда томонидан тайинланади ва шунинг учун барча эронийлар ўз шоҳига содиқ бўлишлари шарт, деган фикрни коҳинлар халқ орасида тарғиб қилганлар. Эрон ёзувларида, Ахурамазда иродасига кўра Эрон шоҳи тахтга ўтирди деб кўрсатилади. Масалан, Доро I шундай ёзади: “Ахурамазда иродасига кўра, бу вилоятлар менинг қонунларимга итоат қила бошлади, мен нимани буюрсам, шуларнинг бари бажарилмоқда. Бу ҳокимиятни менга Ахурамазда берди. Мен шоҳликка Ахурамазда иродасига кўра эгалик қилмоқдаман”. Персепол саройидаги ёзувда, Доро I ўз мамлакати ва халқи учун ибодат қилди; у Эрон шоҳлари хонадонидан эканлиги билан фахрланади дейилади. Эрон ёзувларидан шоҳ ўз юртимга бўладиган ҳар қандай хужумни бартараф қиламан ва унинг тартибларини ўзгартиришга уринишларга йўл қўймайман деб қасамёд қилгани маълум. Масалан, диний мафкура Аҳамонийлар сулоласидан чиққан шоҳларнинг ташқи ва ички сиёсатини асослаб бериб, ундан мақсад қулдорлик зодагонларнинг ҳукмронлик мавқеини ҳар томонлама мустаҳкамлашдан иборат эди.

Бироқ ўша даврда дунёга ҳокимлик қилишга интиланган Эрон шоҳларининг даъволарини ҳам асослайдиган ягона мафкура пайдо бўла бошлади. Шоҳ “мамлакатлар шоҳи” ёки “шаҳаншоҳ” ёки ”кун чиқардан кун ботаргача мамлакатлар аҳлининг султони” номини олган. Шоҳ ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун қадимги эрон динидан ҳам фойдаланилган, унга оид диний қарашлар Эрон давлати таркибига кирган халқлар, жумладан Ўрта Осиё халқларидан олинган. Аҳамонийлар шоҳлигида қарор топган бу сиёсий-диний назарияга кўра, осмон билан ерни яратган олий худо – Ахурамазда Эрон шоҳини “бу бепоён ер юзининг ҳокими, бирдан - бир ҳукмдори”, “денгизнинг у ва бу томонидаги тоғ ва текисликлар, ҳар икки тарафдаги чўлнинг ягона эгаси” этиб тайинлаган. Эрон шоҳларининг Персеполдаги саройи деворига дунёнинг ҳар томонидан Эрон шоҳига турли хирож ва қимматли тортиқлар келтирган одамлар сурати туширилган. Доро I ўз давлатининг баҳайбатлиги ҳақида олтин ва кумуш лавҳаларда қисқа ва маъноли тарзда баён этади: “Доро буюк шоҳ, шаҳаншоҳ, мамлакатлар шоҳи, Каштосиб ўғли Аҳамонийдир. Шоҳ Доро “Сўғдиёнанинг ортидаги саклар мамлакатидан то Кушга қадар (яъни Эфиопиягача), Ҳиндистондан Сардагача шоҳликни менга улуғ худо Ахурамазда ато этган. Ахурамазда юртимни ўз паноҳида асрасин”.

Таянч иборалар

Смердис, сатрапликлар, дарик, классик деспотия, “шоҳ ҳакамлари”, шак, ложувард, Арахозия, шекел, парсанглар, шоҳ бекати, “ўлмас пиёдалар”, шаҳаншоҳ, Беҳистун, Нақширустам. Сувайш ёзувлари, “маҳкама тили”, “хшатрапаван”, Таврот, ложувард, талант, тирандоз, номлар, Куш.

Саволлар

- 1. Доро I амалга оширган пул ислохатининг моҳияти нимада?**
- 2. Нима учун Доро I сатрапликлар ҳукмдорларига кенг ваколатлар берган?**

4. Доро 1 нинг ташқи сиёсати

Доро ўзидан олдинги шоҳлар - Кайхисрав ва Қамбиз сиёсатини давом эттириб, Эронни бошқа мамлакатлар устидан ҳукмрон бўлган қудратли давлатга айлантиришни мақсад қилиб қўйди. Кайхисрав Ҳиндикуш атрофи ва Қобул водийсида яшаган ҳинд қабилалар, жумладан қандахор қабиласини бўйсундирган. Эрон давлати таркибига кирган қabila ва ўлкалар орасида бу қабila бўлганини ҳам ўзининг машҳур Беҳистун ёзувида эслатиб ўтади. Доро Сулаймон тоғларининг этакларидан то Ҳинд дарёсига қадар текисликни алоҳида ўлкага айлантирган. Доро ҳатто юнон тарихчиларига ҳам яхши маълум бўлган ҳинд олтинини излаб Ҳиндистоннинг ичкарасига кириш ниятида Ҳинд дарёси оқимини ва унинг қуйиладиган жойидан то Қизил денгизгача бўлган денгиз йўлини текшириш учун Скилик қўмондонлиги остида флот йўллаган. Дорони ўз давлатининг шарқий чегараларида Эрон таъсирини мустаҳкамлаш ва ҳатто Шимолий Ҳиндистон ерларига киришга интиланлиги шундан ҳам кўриниб туради.

Денгиз йўллари муаммоси Доронинг ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутган. Доро денгиз йўли орқали Мисрни Месопатамия ва Эрон билан боғлаш учун фиръавн Нехонинг Нил дарёсидан то Қизил денгизгача канал қазиб бўйича бошлаган ишини тамомлайди. Тошга ўйиб ёзилган хатида Доронинг шундай сўзлари битилган: “Мен форсдан чиққан эронийман... Мисрни олгач, канал қаздиришга буйруқ бердим, канал Пирава (яъни Нил) дарёсидан чиқиб Мисрнинг ичидан то Эрондан бошланадиган денгизгача боради, бу канал мен айтган қабил қазилди ва Мисрдан чиққан кемалар бу канал орқали менинг иродамга кўра Эронга қараб юрадиган бўлди.”

Эрон шимолида жойлашган мамлакатлар Дорони айниқса қизиқтирган. Кайхисрав ҳам бактрияликлар ва сакларга қарши кураш олиб борган. Ниҳоят, у Ўрта Осиёдаги массагет қабилалари билан жанг чоғида Яксарт (Сирдарё) дарёси бўйида ҳалок бўлган. Саклар яшаган баъзи ўлкалар Доро даврида аввал эгалланган бўлса керак. Доро I замонидаги Эрон таркибига кирган ўлкалардан – Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна ва саклар қабилалари ёдга олинган. Эрон давлатини мустаҳкамлаш учун Доро I милoddан аввалги 517 йилда сакларга қарши катта юриш қилган деб фараз қилинади. Беҳистун ёзувининг сўнгги қисмида Доро I буни қуйидагича тасвирлайди: “Доро айтади: саклар қўшини билан бирга мен саклар юртига бостириб кирдим. Ул саклар юрти дарёнинг нариги томонида бўлиб, аларнинг ўзи чўққи қалпоқ кийиб юрур эдилар. Алқисса, мен дарёда кемалардан кўприк қилиб ўшал кўприк орқали саклар юрти ичкарасига кириб бордим ва уларни ер билан яксон қилдим. Саклар қўшинининг бошлиқларидан бирини асир олдим. Бошқаларини қўлларини боғлаб менинг ҳузуримга келтирдилар. Шулар ичида уларнинг каттаси – Скунха номли одамни ҳам тутиб, қўл – оёғини боғлаб, менинг ҳузуримга келтирдилар. Мен ўз амрим билан саклар юртига янги ҳукмдор тайин қилдим. Шундан сўнг мамлакат менинг қўлимга кирди”.

Сакларга қарши бу ҳарбий юриш вақтида Доро Амударё билан Сирдарёнинг қуйи томонлари, шунингдек амасиак қабилалари ўрнашган ўлкаларигача етиб борган деб айтиш мумкин. Гарчи Доро сакларни бир неча бор мағлуб этган, ҳатто сак йўлбошчиларидан бири (Скунхани) асир қилиб олган бўлса ҳам, баъзи бир манбаларга кўра, Доро I Ўрта Осиёдаги сак қабилаларини батамом бўйсундира олмади. Шунинг учун ҳам Доро I Қора денгиз шимолида яшаган европалик скифларга қарши катта ҳарбий юриш қилди (милoddан аввалги 512 йил) ва уларни

бўйсундирди. Доро I Ўрта Осиёдаги қабилаларни ўзига узил - кесил тобе қилиш, уларнинг орқасидан массагет қабилаларига зарба беришни мўлжаллаган. Бироқ шох режасини амалга ошира олмади. Эрон кўшинлари европалик скифлар эгаллаган худуднинг ичкарасига кириб, натижада таъминотсиз қолади. Бир қанча муваффақиятсизликдан сўнг Доро I Эрон кўшинларини орқага қайтаришга ва шу билан ўз мағлубиятини тан олишга мажбур бўлган.

Доро I ғарбга қилган юришларида йирик ютуқларга эришди. У Эгей денгизининг юнон қабилалари жойлашган вилоятларга яқинлашиб бориб, уларни батамом истило қилиш мақсадида яна ғарбга қараб юришга тайёргарлик кўра бошлаган. Доро I Демокед бошчилигида Юнонистонга экспедиция йўллайди. Бу экспедиция Юнонистонга, хатто Тарентга қадар етиб борди. Доро I жанубий чегараларни мустаҳкамлаш мақсадида Баркани истило этади. Бу билан Шимолий Африканинг Ливия бўйида, Шимолда эса скифлар билан кураш бошлаб, Фракияда мустаҳкамланиб олган. Доро I юнонлар билан уруш натижасида Фракия, Византия, Самос ва бошқа бир қанча оролларни истило қилиб, Эгей денгизи бўйигача борган.

Доро I нинг вориси Ксеркс (милоддан аввалги 486 – 465 йиллар) ташқи сиёсатда жаҳонга ҳукмдорлик тўғрисидаги орзусини амалга оширмоқчи бўлган. У барча юнон қабилаларини бўйсундириш ва Ўрта ер денгизининг ерларида танҳо ҳукмронлик қилишга интилди. Геродот Ксеркс тилида сўзлаб, шундай дейди: “Агар афиналиклар ҳамда уларга кўшни Фригияни, Пелоп тупроғида яшовчи халқни бўйсундирсак, Эрон ерини Зевс осмони каби кенгайтирган бўлар эдик. Қуёш бундан кейин бизнинг еримиздан бошқа жойга ўз нуруни сочмас эди. Мен сизлар билан бутун Европани кезиб, бу ерларни бирлаштираман. Агар биз бу халқларни бўйсундирсак, у ҳолда одамлар айтганича, бундан кейин биронта шаҳар, халқ бизга қарши курашишга журъат эта олмайдди. Шундай қилиб, биз гуноҳкорларнинг ҳам гуноҳсизларнинг ҳам бўйнига асорат занжирини осамиз”. Асосий мақсади ҳарбий босқинчилик ва бойликдан иборат бўлган Эрон кулдорлик сиёсати Ксеркснинг бу сўзларини очиқ ифодалаган.

Бироқ дунёга ҳоким қилиш учун юритилган бу сиёсат Эронни ҳалокатга элтди. Юнонлар бирлашиб, Эронга қақшатқич зарба берди.

Тарихчиларнинг, қадимги Эрон маданиятининг Месопатамиядаги халқларнинг маданияти билан чатишуви ўзига хос Эрон маданиятининг орқага кетишига ва кудратли Эрон давлатининг кучсизланишига олиб келган деган фикри асоссиз. Ақсинча, Эрон қабилалари миҳсимон хатни, (миҳхат езуви) моддий ва маънавий маданиятнинг кўпгина элементларини, шунингдек давлат ташкилотини оссур - бобилликлардан олганликларини биз яхши биламиз.

Қадимги Эрон дини ва маданияти Ахамонийлар даврида қадимги форс тилида ёзилган миҳхатлар, ўша даврда моддий маданият ёдгорликларида акс эттирилган турли суратлар, тасвирлар ҳамда баъзи юнон тарихчиларининг ёзиб қолдирган маълумотларига, шунингдек “Авесто” га асосланиб қадимги форсларнинг дини ҳақида тасаввур қилиш мумкин.

Қадимги шарқ – Эрон, Марказий Осиё халқларининг урф – одатлари, расм – русмлар тўплами ва диний китоби ҳисобланган “Авесто” қадимги афсоналар асосида тузилган. “Авесто” асари эзгулик худоси – Ахурамазда билан ёвузлик худоси Аҳриманнинг ўзаро кураши баёни асосига қурилган. Унда гоҳ эзгулик, гоҳ ёмонлик кучлари ғолиб чиқиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатадилар.

“Авесто” нинг қадимги қисмлари – “Гатлар” (муқаддас ашулалар, куйлар) форсларнинг аҳамонийлар даврига қадар қадимий динларини ифода этган.

Энг қадимги форсларнинг дунёқараши оддийлиги билан ажралиб туради. Бошқа Шарқ халқлари сингари, форслар муқаддас сувларга сиғинишган. Форсларда олий тангрининг ўғли бўлмиш олов алоҳида эъзозланган. Оловга сиғиниш одати эронликларда кенг расм бўлиб, узоқ вақтгача сақланиб қолган. Энг қадимги замонларда муқаддас жониворлар: буқа, қорамол, от ва итга эътиқод ҳам мавжуд эди.

Доро I давридан форсларнинг дини ўша вақтдаги истибдод тузум ва кулдорчилик муносабатларининг мустаҳкамланишига хизмат қилган. Ўша вақтда Ахурамазда Олий худо деб эълон қилинади. Доро I давридаги қабр тошларида, “Ахурамазда Дорони, осмонни, ерни, инсонни яратган, Дорони шоҳ этиб, унга шоҳлик қилишни топширган” дейилади. Шундай қилиб, олий худо – яратгувчи Ахурамазда шоҳлар ҳукмдори – осмон худоси сифатида тасвирланади.

Форсларнинг динида шоҳларнинг илоҳий келиб чиқиши ҳар томонлама уқтирилади. Эрон шоҳларининг дунёга ҳукмронлик қилиш ғояси кенг тарғиб қилинади.

Олий худо Ахурамазда эзгулик, ёруғлик, нур тимсоли ҳисобланса, унга қарама – қарши қора кучлар ҳомийси Аҳриман ўлим ва зулмат, ёвузлик тимсоли сифатида тасвирланади. Ана шу диний дуализмга асосан инсонлардан виждонлик, камтарлик, саховат, адолат ва инсонпарварлик мажбуриятларини бажариши талаб этилган.

Таркибида кўп мамлакат ва элатларни бирлаштирган йирик Эрон давлати, унинг шоҳларидан ягона давлат дини, ягона олий худони жорий қилишни талаб этган. Шундагина улкан давлатни бошқариш, идора қилиш осон бўлган. Шунинг учун Ксеркснинг шоҳлик давридан бошлаб қадимги “дайв” ларни қувғин қилиш бошланди. Улар золим руҳлар деб эълон қилинди. Ўша даврдаги ёзувларнинг бирида Ксеркснинг: “Ахурамазда иродаси билан мен “дайв”лар турган жойларини вайрон қилдим, токи уларга бундан буён ҳеч ким ишонмасин” деган сўзлари битилган. Шундай қилиб, Эронда ягона олий шоҳнинг ҳимоячиси, ўлим кучлари устидан ғолиб келган Ахурамаздага эътиқод жорий қилинди. Қадимги Эрон динига Оссурия - Бобил динлари ҳам таъсир кўрсатган.

Аҳамоний ҳукмдорлар Ахурамазда сиймосини унинг ердаги ноиби - шоҳ билан боғлайдилар ва ўз номларига “саошиант” – “инсониятнинг халоскори, ҳомийси” нисбатини кўшиб оладилар.

Йиллар ўтиши билан кейинги вақтларда пайдо бўлган ривоятларга кўра бу диний тизимни асосланиши ва диний маросимларнинг амалга оширилиши пайғамбар Заратуштрага нисбатан берилган.

Эрон халқи динига оид тушунчалар Геродот, Страбон, Ксенофонт, Цицерон ва бошқа антик муаллифларнинг асарларида келтирилган. Аҳамонийлар даврида форслар табиат худолари Митра (куёш ва нур худоси), Анахита (сув ва ҳосилдорлик худоси)га эътиқод қилганлар.

Қадимги Эрон тарихи ва маданиятини ўрганишда 1933 – 1937 йилларда Кошоннинг жануби – ғарбида жойлашган Сиалкдаги археологик қазилмалар муҳим аҳамиятга эга. Милоддан аввалги VI – IV минг йилликларда бу ерда одамлар яшаган. Бу ердан топилган қабристонлар темир даврига тааллуқли бўлиб, ундан ўн бешта қабр топилган. Уларда марҳумлар сопол идишлар билан бирга қўмилган. Яна бир қабристон қабрлар шаклида фарқ қилади. Қабрда “чойнаклар” керамикадан

ишланган одам ва ҳайвонлар тасвири туширилган идишлар учрайди. Силалк археологик қазилмалари Р.М.Гришман томонидан амалга оширилган. Бу ерда топилган ёдгорликлар Қум, Қазвин, Техрон ва бошқа туманларда топилган маданий ёдгорликларни эслатади.

Қадимги Эрон маданияти ҳақида шуни таъкидлаш жоизки, форслар қадимги шарқ халқларининг маданий ютуқларидан кенг фойдаланганлар. Юнон тарихчиси Геродот ҳам шуни таъкидлайди. Унинг айтишича, “форслар бошқаларга нисбатан ўзга халқларнинг урф - одатларини хоҳиш билан қабул қилганлар”. Форсларда, жумладан, мидияликларнинг кийимлари, жангчиларда эса мисрликларнинг ҳарбий кийимлари одат бўлган.

Қадимги форслар қўшни халқлар санъатини ўзлаштириб, ундан фойдаланганлар. Масалан, Неховендан топилган бронза идишидаги тасвир қадимги шумер услубида ишланган. Эрон шоҳлари қасрларини безаган бўртма расмлар сюжети, бадиий услуби Янги Бобил, Оссурия давридаги рельефларга жуда яқин.

Саройларини қўриқлаб турган баҳайбат жониворлар ҳайкали Эрон меъморчилик санъатининг қадимги Месопатамиянинг архитектура санъатига яқинлигини кўрсатади. Саройнинг мухташам устунлари Миср меъморчилигидан олинган. Эронликларнинг хизмати шундаки, улар ўзга халқларнинг маданий элементларини ижодий ўзлаштириб, уларни ривожлантириш асосида ягона, маҳобатли бадиий услуб яратганлар. Буларни Эрон шоҳларининг хароба сарой, қасрлари мисолида кўриш мумкин.

Шу билан бирга қадимги Эрон дини, санъати ва маданиятида юнонлар таъсири ҳам сезилиб туради. Айни вақтда форслар ҳам антик маданияти ривожига ижобий таъсир ўтказганлар. Масалан, дуализмга (дунё асоси материя билан руҳдан иборат деб билувчи фалсафий таълимот) асосланган қадимги Эрон диний таълимоти юнон диний фалсафаси, жумладан, кейинги юнон гностицизми (худо ва дунёнинг яратилиши ҳақидаги таълимот) ривожига муҳим ўрин тутган. Бундан ташқари форс диний таълимоти насронийлик дини учун асос бўлиб хизмат қилган.

Аҳамонийлар ҳукмронлиги даврида Шарқ халқлари маданиятининг ўзаро таъсири кучайди. Бунга аввало империянинг ташкил топиши (Мисрдан тортиб, то Ҳиндистоннинг шимолий – ғарбий ҳудудларигача); иккинчидан, Аҳамонийларнинг маҳаллий халқларнинг маданий анъаналари ва динига нисбатан бағрикенглик сиёсати; учинчидан, қўплаб шаҳар ва туманлар ўртасида юзага келган алоқалар (иқтисодий, илмий - маданий, этник) сабаб бўлган. Бу алоқалар туфайли улкан минтақада кўп жиҳатдан янги моддий ва маънавий маданият шакллانган. Айниқса Аҳамонийлар давлатининг шарқида оромий ёзуви кенг тарқалди. Оромий тили амалда давлат тили ҳисобланиб, мазкур ёзув асосида Эрон ёзувлари пайдо бўлди.

Аҳамонийлар империяси даврида рўй берган маданий жараёнлар антик дунё маданияти ва илм – фани ривожига катта роль ўйнади. Аҳамонийлар даврида айниқса монументал – ҳашаматли санъат кенг ривожланди. Бу санъат турли Эрон бадиий анъаналарининг Элам, Оссурия, Миср, юнон техник усуллари уйғунлиги асосида пайдо бўлди. Аҳамонийлар даврининг илк ёдгорликлари сифатида Пасаргададаги Кир II саройи, қабр ва рельефлари (бўртма расмлари), Персеполь ҳамда Нақши - Рустамдаги шоҳлар саройи ва қабрларида ўз ифодасини топган.

Тарихдан Эрон давлати Ҳиндистон билан чегарадош, жумладан Гандхар вилоятидаги ҳинд қабилалари билан алоқада бўлган. Эрон шоҳлари Ҳиндистоннинг

шимолий - ғарбий хуудларига бир неча бор юриш қилганлар. Улар бу вилоятларда яшаган ҳинд қабилалари билан тўқнаш келганлар.

Шундай қилиб, Эрон Ўрта Шарқ ва Олд Осиё мамлакатларини антик дунё маданияти билан боғлаб турган. Ана шундай ўзаро боғлиқ тарзда маданиятлар ривож топган.

Таянч иборалар

Яксарт, саклар, Сюнхани, орий, скифлар, Пирава канали, Сқунха, амасиак қабилалари, Демокред, миххат езуви, гатлар, “саошиант”, Заратуштра, рельеф, сюжет, стиль, дуализм, гностицизм, дайвлар, насроний, монументал.

Саволлар

- 1. Доро I ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари нимадан иборат?**
- 2. Доро I ташқи сиёсати мамлакатнинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатди?**
- 3. Эрон маданиятининг ривожланиш жараёнлари қандай кечган?**
- 4. Эроннинг қадимий дини ва маданияти ривожда “Авесто”нинг роли қандай бўлган?**

6. Қадимги Хитой

1. Хитой манбашунослиги

Қадимги Хитой давлати ташкил топиши, унинг тарихи ҳақида анча маълумотлар мавжуд. Хитойнинг тўрт минг йиллик ёзма тарихи бизга қадар етиб келган. Тарихчилар хитой халқининг энг қадимги ҳаёт йўлини сўнгги даврларгача сақлаган ва шу сабабли бир қадар ўзгарган тарихий анъаналар асосида эмас, балки моддий маданиятнинг қадим ҳужжат ва ёдгорликлари асосида ўргандилар. Археология манбалари қадимги Хитой иқтисоди ва тараққиётини қисман ёритса ҳам, аммо Хитойнинг энг қадимги тарихи тўлиқ манзарасини бермайди. Энг қадим ҳужжатлар, жумладан милоддан аввалги II минг йилликка оид ҳамда тошбақа косаларидаги ёзувлар тарих учун муайян аҳамиятга молик. Милоддан аввалги Шань Инь давлатига оид қисқа маълумотларни юқоридаги манбалардан олиш мумкин. Қадимги Хитой тарихий анъаналари классик адабиёт асарларида ўз аксини топади, унинг таркибига тарихий, диний - фалсафий ва бадий асарлари киради. Бироқ қадимги Хитой классик адабиёти асарлари милоддан аввалги V - III асрларда бир мунча таҳрирдан ўтган. Баъзи классик китоблар ўша даврда ҳукмрон ижтимоий – сиёсий ва диний – фалсафий назариялар таъсирида буткул қайта ишланган ва шу туфайли матни анча ўзгарган. Масалан: Чунь Цюнинг китоби “Баҳор ва Куз” Лу хонлигининг солномаси таҳрир қилиниб, тузатилганда, Лу ҳокимларидан тўрт нафари қатл қилингани, биттаси ҳайдаб юборилгани, яна бири душман томонидан ўлдирилгани ҳақида ҳеч нарса айтилмаган.

Хитойнинг турли вилоятлари халқ кўшиқларини йиғиш натижаси – машҳур “Кўшиқлар китоби” – “Шицзин” юзага келиб, у қадимдан бери сақланган. Кўшиқларда мифологик оҳанглар қадимги тарихий воқеалар тўғрисида халқ ёдида сақланиб қолган хотиралар билан чамбарчас боғлиқ. Шицзин китобига муқаддас кўшиқлар ҳам кирган, буларда ота - боболарининг илоҳийлаштирилган қахрамонликлари ҳақида қуйланади.

Қадимги Хитой классик адабиётига кирган тарихий китоблари орасида “Ҳужжатлар китоби” ни, “Тарихий китоб” – “Шу цзин”ни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу китобда қадимги ҳукмдорлар ёки уларнинг маслаҳатчиларига қарашли нутқ, насиҳатлар ва фармонлар келтирилган. Ундан мамлакатнинг топографияси ва бошқариш тизимига доир қизиқарли маълумотларни топиш мумкин. Бироқ “Ҳужжатлар китоби” ни Конфуций қайта ишлаган ва натижада у диний ва сиёсий анъаналар билан омукта бўлиб, насиҳатлар тўпламига айланиб қолган. Хитой тарихини тўла қонли равишда пойдеворини яратган шахс Сима Цзянь. У машҳур тарихчи бўлиб, милоддан аввалги II - I асрларда Хитойда яшаб, ўтган. Сима Цзяннинг “Тарихий хотиралар” деб номланган асари қадимги Хитой тарихига оид манба ҳисобланади. Муаллиф бу асарида Хитойнинг қадимги тарихини тартибга солади. Сима Цзяннинг бир қадар сиёсий ахлоқий ва тарихий асари Хитой тарихшунослиги ривожига катта таъсир кўрсатади. Кейинчалик эса Хитой тарихнависида барча сулолалар тарихи ҳақида китоблар сақланиб қолган. “Юань тарихи”, “Мин тарихи”, “Цинь тарихи” асарлари шулар жумласидандир. Уларда сарой тантаналари ҳақида маълумот берилади. Бундан ташқари, ҳар бир император ва у юритган ташқи сиёсат ҳақида айтиб ўтилади.

Шунингдек европалик олимлар асарларида ҳам Хитой тарихига оид маълумотлар билан танишиш мумкин. Марко Полонинг “Мўъжизалар китоби”, План Корнининг “Шарққа саёҳат”, Рубрук асарларидан мамлакат, унинг тарихига оид кўплаб қизиқарли фактлар олиш мумкин. Хитой тарихига бағишланган дастлабки асарлардан бири – Мендозанинг “Буюк Хитой шоҳлиги тарихи” дир. Бу асар 1585 йили нашр этилган. 1618 йили Гоэснинг Хитойга XVII аср бошида қилган миссионер саёҳати ҳақидаги китоб чоп этилди. XVIII асрда кўплаб европаликлар Хитойга миссионер бўлиб ташриф буюрадilar. Улар Хитой адабиёти ва классик ёзуви ҳақида бир қанча маълумотлар қолдирадilar. Французлар Абель Ремюза ва Шовони Сима Цзяннинг “Тарихий хотиралар” асарини биринчи марта француз тилига таржима қилиб, Европани Хитой тарихи билан таништирдilar.

Хитой тарихини ўрганишда рус олимларининг асарлари қимматли манбалардан биридир. Рус саёҳатчилари ва оимлари Хитойни, хитой тили, тарихи ва адабиётини ўрганиш ишига йирик ҳисса қўшдilar. Россия XVI аср бошларида Хитойга ўз миссионерларини жўнатади. Улардан В.Тюменец, И.Петлин, И.Бойков, Н.Г.Спафарийлар қимматли маълумотларни қолдирганлар. Масалан, Спафарий “Хитой баланд деворлари” номли асарини ёзган.

XIX асрда таниқли рус хитойшуноси И.Бичурин ўзини ўн етти йил умрини Хитойда ўтказади. Унинг “Ўрта Осиёда энг қадимдан яшаб келган халқлар. Тибет ва хунлар тарихи”, номли асари катта аҳамиятга эга бўлди. Бичурин Хитой вилоятлари топографиясини хариталар билан изоҳлаб беради. Унинг асарлари нафақат рус хитойшунослигида, балки Европа синологиясининг хитойшунослиги тараққий этишига ҳам таъсир кўрсатди. Кейинчалик В.П.Васильев “Ўрта Осиёни қадимги тарихи” асарида ҳам кўп фактлар баён этган. У Хитойда будда динининг ёйилиши ҳақида “Хитой хрестоматияси”, “Буддизм ва унинг тарихи” асарларини яратди. Рус оимлари Потонин, Грум – Гржималло – Обручев, Козловлар томонидан бой материаллар тўпланди.

Қадимги Хитойнинг маданияти ва тарихини ўрганишга машҳур хитой олими Гомо – Жо ҳам йирик ҳисса қўшди. У Хитой тарихини йирик тадқиқотчиси

сифатида бой манбалар қолдирди. Олимнинг “Қадимги Хитой жамоаси”, “Қулдорлик даври” асарлари диққатга сазовор.

Таянч иборалар

“Баҳор ва куз”, “Хужжатлар китоби”, Сима Цзянь, тошбақа косаси, пиктография, “Шицзин”, “Шу цзин”.

Саволлар

- 1. Хитой тарихи манбашунослиги ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?**
- 2. Хитой тарихи (хронологияси) тамойиллари нимадан иборат?**

2. Қадимги Хитой табиати ва аҳолиси

Қадимги Хитой географик шароитининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Хитой халқи Хуанхэ дарёсини ўрта ва қуйи оқимидаги ерларда, Сарик дарё сувлари суғорадиган водийларида ва пасттекисликларда жойлашиб, қулай иқлим, ҳосилдор ерлар деҳқончилик хўжалигини эрта ривожланишига сабаб бўлган. Хитойда ёғингарчиликнинг умумий ҳажми 500 - 600 мм етади. Хитойнинг шарқий қисмида ёмғир кўп ёғса, марказий ва ғарбий вилоятларида ёғингарчилик камроқ бўлади. Ёғингарчилик вақтида Хуанхэ дарёси тошиб, кўп қишлоқ, экинзорлар ва ўтлоқлар сув остида қолиб кетар эди. Шунинг учун хитойликлар бу дарёни “Тентак дарё”, “Хитойнинг шўри” деб аташган. Бунинг оқибатида етиштирилган ҳосил кўпинча барбод бўларди. Шунинг учун қадимги Хитой аҳолиси сунъий суғориш усулини қўллаган. Хуанхэ соҳиллари сарик қумсимон унумдор тупроқдан иборат бўлган. Ундан сув етарли бўлганида яхши ҳосил олиш мумкин бўлган. Янцзи дарёси соҳилидаги ерлар ҳам унумдор эди. Қадимги Хитой аҳолиси сунъий суғориш усуллари кўллашдан ташқари, Хуанхэ дарёси тошқинига қарши курашганлар. Бу тошқинлар мамлакат учун катта ҳалокатлар келтирар эди. Уй – жойларини ва хўжаликларини сув тошқинидан тўғонлар кўриб, асраганлар.

Қадимги Хитой аҳолиси. Қадим замонлардан бошлаб Хитойни серҳосил ерларида, тоғларда ва кенг далаларда қадимги қабилалар жойлашган. Улар асосан кўчманчи бўлиб, чорвачилик билан шуғулланганлар.

Ҳосилдор ерларда яшаган деҳқонлар кўчманчи қабилаларни босқинидан зарар кўрган. Милоддан аввалги V - III минг йилликларга келиб Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида дастлабки деҳқончилик вужудга келиб, аҳоли дарё бўйида кичик қишлоқларда турғун яшай бошлаган. Улар дастлаб тарик, арпа ва буғдой экиб, чўчка ва ит боққанлар, хунармандлар кулолчилик билан шуғулланиб, ажойиб сопол идишлар ясаганлар. Милоддан аввалги II минг йиллик бошларида Хуанхэ соҳиллари ўзлаштирилиб, тарик, буғдой, шоли ва сабзавот кўпроқ етиштирилган. Чорвачилик ҳам ривож топган. Қадимги хитойликлар йирик қорамол, қўй, эчки, чўчка боқиш билан шуғулланганлар. Чорвачилик Хитойнинг ғарбий вилоятларида, хусусан, Тибет ясси тоғларида айниқса кенг тарқалган.

Шундай қилиб, қадимги давлатлар яратилиши даврида хитойликлар кўчманчи қабилалар ерлари мустамлакага айлантирилди. Бу ерларда маданият ривож топмаган ва табиий шароит ноқулайлиги учун фақат чорвачилик тараққий этган. Хитойнинг этник таркиби турли – туман бўлган. Улкан ҳудудда бутун ер шарининг 1/4 аҳолиси – турли элатлар ташкил топган. Шимолда тунгуслар, манчжурлар ва мўғуллар ва жануби – ғарбда тибет қабилалари яшаган. Жанубда Бирма ва Ҳиндихитой - хитойликларга яқин қабилалар яшаган.

Таянч иборалар
“Тентак дарё”, “Хитойнинг шўри”,

Саволлар

- 1. Қадимги Хитойнинг табиатини бўйсундириш йўлида қандай суғориш усуллари қўлланилган?**
- 2. Хитойнинг қадимги аҳолисини асосий хўжалик ишлари нималардан иборат эди?**

3. Шан - Инь давлати тарихи

Шан - Инь давлати даври. Хитой хронологиясига кўра бу давр одатда милoddан аввалги XVIII - XII асрларга тўғри келади. Қадимги Хитой тарихий анъанасига кўра, Шан қабила бошлиғи Пань Гэн милoddан аввалги тахминан 1400 йилларда қабилани Аньянга олиб келиб, Хуанхэ дарёси бўйида “Катта Шан шахри” ни қурдириб, давлати ҳукмдорлар сулоласини ҳам ўз номи билан атайди. Милoddан аввалги 1124 йилда Вей дарёси хавзасида яшаган Чжоу қабилалари Шан шоҳлигининг сўнгги пойтахтини вайрон қилиб, давлатни “Инь” деб номлаганлар.

Ривоятларга кўра, қабила бошлиғи Пань Гэн истилочилик сиёсатини юритмай, ўз ҳукмронлигидаги қабилаларни тинч идора қилган. Бу давр тарихини ўрганишда Хэнань вилоятининг Сяотунь қишлоғи яқинидан топилган буюмлар катта аҳамиятга эга. Бунда Шан - Инь даврига оид ёдгорликлар, сарой, ибодатхона, тўрт бурчак шаклида қурилган кўпгина уй қолдиқлари топилган. 300 мақбара, булар орасида баҳайбат ва серхашам шоҳ сағанаси ҳам топилган (4 та). Мақбаралар ўша даврда синфларга бўлиниш мавжуд бўлганлигини тасаввур қилиш имконини беради. Зодагонларнинг ҳашаматли даҳмлари билан бирга оддий амалдорларнинг нисбатан оддий ва камбағалларнинг ҳароба қабрлари бўлган. Бу қазилмаларда бронзадан ясалган кўпгина маросим буюмлари, идишлар, мармар ҳайкаллар ва жуда кўп қуръа ёзувлари топилган. Шоҳ хазинасидан олтин, бронза, нефрит, тошбақа косаси ва садафдан ясалган олти мингга яқин қимматли буюмлар топилган.

Ёдгорликларни ўрганиш тарих фани олдига бир қанча янги, жумладан, Хитой маданиятининг келиб чиқиш муаммосини қўйди. Европа ва ҳатто Хитой тарихшунослари Инь даври аҳолисини ғарбдан келиб, Хуанхэ дарёсининг ўрта ва қўйи оқимида жойлашган истилочи қабилалар деб ҳисоблар эдилар. Бироқ бу фикр нотўғри. Неолит даври маданияти Инь даври моддий маданияти билан узвий боғлиқ. Неолит даврига хос уч оёқли идишларнинг ўзига хос шакли, катта шахарнинг пахса деворлари, уй ҳайвонлари (от), каолиндан ясалган оқ керамика, ниҳоят суяк қуръалар Шан - Инь даврида ҳам мавжуд бўлган. Антропология маълумотларига ҳам неолит даври билан Шан даври одамлари ўртасида ўхшашлик мавжудлигини аниқлаш имконини беради.

Шан – Инь даври маданиятини Хитойнинг азалий туб аҳолиси яратиб, улар қадим замонлардан бўён шу ерда яшаб келганлар ва Шимолий Хитой худудида неолит даврининг маданий ютуқларини сақлаб келган деб фараз қилиш учун барча асос бор. Моддий маданият ёдгорликлари, санъат асарлари, қадимги ёзувлар, жумладан, қадимги Хитой классик адабиёти асарларининг суяк ва бронза идишларига битилган намуналар Шан - Инь даврининг хўжалик, ижтимоий ва давлат тузумини, гарчи умумий тарзда бўлса ҳам, тасвирлаб беради. Афсуски, энг

қадимги Шан - Инь ёзув парчалари ўша даврдаги давлат тузилиши тўғрисида фақат умумий тарзда хулоса қилиш имконини беради. Бу даврда Хитойда ер давлат қўлида марказлашиб, ҳокимият ҳам шу асосда ташкил топган. “Қўшиқлар китоби” да барча ерлар шоҳга тегишли эканлиги айтилади. Давлат мамлакатнинг асосий бойлигига ва хўжалик асоси – ерга таяниб “марказлашган қўриниш” ола борган.

Дин ҳукмдор обрўйини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Шоҳ буюк шахс, улуғ зот деб кўрсатилиб, худога тенглаштирилади. Афсоналарда сулолалар асосчиси бўлган ҳукмдор аталади. Ривоятларга кўра Це авлодидан бўлган Чэн Тан Ся сулоласининг сўнгги шоҳини ағдариб, Ин сулоласига асос солган. Энг қадимги кулдорлик жамияти ташкил топиш даврида шоҳ айнаи вақтда қоҳин ҳам ҳисобланган. Аста - секин амалдорлар синфи юзага келиб, булар қаторига дастлабки уруғ зодагонлари, сўнгга кулдорлар вакиллари кирган.

Мамлакатни бошқаришда шоҳ ёрдамчиларидан иборат олий даражали амалдорлар иштирок этганлар. Булар орасида шоҳнинг бош вазири, “улуғ амирлар ва шоҳ фармонлари ” бошлиғи, ўз ёрдамчилари штати билан, шоҳ фармонларини битувчи бош мирза, шоҳ архиви ва шоҳ хазинасининг бошлиғи муҳим ўрин тутганлар. Ҳукмдор ҳузурида уруғ зодагонлари ва қабила бошлиқларининг авлодларидан иборат зодагонлар кенгаши бўлган. Қуръалардаги ёзувларда бу кенгаш “Катта ва кичиклар кенгаши” деб аталади. Қадимги шоҳлик даврида Мисрдаги каби шоҳ уруғи йирик бир шоҳ қавми бўлиб, унга мансуб одамлар давлатни идора қилиш ва ҳарбий ишларда қатнашиб, йирик мансабларни эгаллаганлар. Бу эса давлат ҳамда шу сулола ҳукмронлигининг мустаҳкамлигини таъминлаган.

“Шоҳ (ван)” сўзини англатган ибора Инь даври ёзувларида кўп учрайди. Хитой тарихчиси Мажо сўзига кўра, иероглиф белгиларда “ван” ва “цзу” (насаб) аломатларининг қуръа ёзувларидаги архаик шакллариининг айнан бирига ўхшайди. Баъзи ёзувларда урушлар тўғрисида айтилади. Хитой шоҳи Хитойнинг гуллаб яшнаган ерлари, деҳқончилик қиладиган серунум ўлкаларини қўриқлаб, кўчманчи қабилалар билан ҳамиша урушганлар. Хитой шоҳлари Шан - Инь давлатига тез – тез ҳужум қилган ғарбий тоғлиқларга қарши билан айниқса қаттиқ курашган. Ҳукмдор шу тоғлиқ қабилалар билан уруш бошлаш ва унинг муваффақиятли тугаши хусусида доим қоҳин билан маслаҳатлашган. Қадимги ёзувларда мамлакат чегараларини ажнабийлар тинчлик бермаётганлигидан шикоятлар баён қилинган. Шоҳ худодан маслаҳат ва ёрдам сўраб кўчманчиларга қарши уруш олиб бориш зарурлигини айтади.

Кўпинча урушлар очикдан - очик талончилик ҳарактерига эга бўлиб, ўлжага эга бўлиш, асирлар олиш мақсадида бошланиб, асирлар кейинчалик қул қилинган. Инь сулоласи ҳукмдорлиги даври ўртаси ва охирида кўчманчилар яшаб турган тоғли туманларни шунингдек, Вэй ва Фэнь водийси, яъни Шэньси вилоятининг марказий қисмини ва Шаньси вилоятининг жануби-ғарбий қисмини хитойликлар эгаллаб, мустамлака қиладилар.

Кўчманчилардан ҳимояланиш зарурлиги кучли қушин тузишни талаб қиларди. Инь даври ёзувларида жанг аравалари ва отлиқ қўшинлар тилга олинади. Аньяндаги қазималар қўшинлар бронза қуроллар билан қуролланганидан далолат беради. Инь давлатининг синфий хусусиати қўшинлар тузилишида кўринади. Пиёдалар оддий деҳқонлардан, жанг аравалари эгалари эса зодагонлар бўлган. Кўчманчилар билан бўлган урушлар Инь давлатини заифлаштиради, натижада

жанговар Чжоу қабилалари Инь шоҳлигини тугатиб, янги Чжоу шоҳлигини барпо этадилар.

Таянч иборалар

Кохин, “Катта Шан шаҳри”, “Инь”, Пань Гэн, “Қўшиқлар китоби”, “ван”, “цзу”.

Саволлар

- 1. Инь даври ёдгорликлари фанга қачон маълум бўлди ва уларнинг аҳамияти нимада?**
- 2. Қуръа ёзувлари Инь даври тарихини ўрганишга ёрдам берадими?**

4. Чжоу давлати (милоддан аввалги XII - VIII асрлар)

Қадимги Хитойнинг Вэй хэ дарёси ҳавзасида жойлашган Чжоу қабилалари қадимги Инь шоҳлиги устидан бир неча бор ғалаба қозаниб, унинг ўрнида янги давлатга асос солди. Бу давлат қабила номидан Чжоу деб ном олди. Чжоу қабилалари ҳақидаги илк маълумотлар У Дин ҳукмронлиги давридаги эпиграфик ёдгорликларда келтирилади. Ўша вақтда Чжоу қабилалари Инь давлатининг сиёсий таъсирида бўлган.

Манбалардан маълумки, Чжоу қабилалари ғарбий туманларга келиб, Ғарбий Чжоу давлатига асос соладилар. Улар милоддан аввалги II мингинчи йилнинг иккинчи ярмида чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Чжоу қабилалари шанлилар билан гоҳ яхши ва гоҳ ёмон муносабатда бўлганлар. Чжоу қабилалари шанларга қарши иттифоқ тузиб, Мус (Хэнан) да бўлган машҳур жангда шанлар уюшмасига қатъий зарба бериб, Хуанхэ дарёсининг ўрта ва қуйи ҳавзаларида ҳукмронлик ўрнатганлар. Уларнинг пойтахти Хао шаҳри бўлган.

Чжоу давлатини асоси бўлган қабилалар неолит давридан бошлаб Шимолий Хитойнинг Шэньси вилояти Вэйхэ дарёси ҳавзаларида яшаганлар. Йиллар ўтиши билан Чжоу қабиласи Вэйхэ дарёси ҳавзасининг бошқа қабилалари устидан ҳукмронлик ўрнатати йирик қабилалар иттифоқини ташкил қилади. Манбаларда Чжоу қабиласи Инь давлати билан чегарадош бўлганлиги айтилади. “Чжоу” сўзи манбаларда кўп учрайди. Кўзга кўринган оилалар, ҳатто Инь давлати ҳукмдорлари қизларини Чжоу қабиласи сардорларига узатишган. Чжоу қабилалари Шан – Инь давлати маданияти элементларини қўллаганлар. Жумладан, Чжоу қабилалари инлардан ёзув, хронологик тизим, меъморчиликка хос хусусиятлар ва баъзи диний жиҳатларни олганлар.

Қадимги Хитой адабиётида сақланган ривоятларга кўра, Чжоу шоҳи Вэнь Ван (“Ван” - шоҳ) жуда катта ҳарбий юришлар қилган. Натижада Чжоу давлати ҳудудлари кенгайган. Вэнь Ван Инь шоҳлигини босиб олиш режасини ишлаб чиққан. Чжоу ҳукмдорларидан бири: “Биз шоҳ Вэнь Ваннинг ишини давом эттиришимиз керак. Токи бизнинг давлатимиз жаҳон давлатига айлангунига қадар, денгиз бурчакларидан тортиб кун чиқар ўлка одамларининг барини бизнинг қонунларимизга бўйсундириш учун курашишимиз керак” деган эди.

Инь давлати ўзаро ички зиддиятлар, курашлар натижасида заифлашиб қолди. Бундан фойдаланган Чжоу шоҳи У Ван ҳукмдорлик даврининг ўн биринчи йилида катта қўшин билан шарққа томон юриш қилди ва Инь давлатини босиб олди. Шундай қилиб, милоддан аввалги XII асрда Хитой шимолида Чжоу давлати вужудга келди.

Чжоу давлатининг хўжалиги ва ижтимоий тузуми. Чжоу давлати даврида хўжалик асосини деҳқончилик ташкил қилган. У анча ривожланган эди. Шимолий Хитойнинг ҳосилдор ерларидан деҳқонлар катта ҳосил олишга эришганлар. Бу ерда кишки ва баҳорги донлар экилар, боғдорчилик, полизчилик, мевали дарахтларни кўпайтириш, ҳамда каноп етиштириш яхши йўлга қўйилган.

Қишлоқ хўжалиги билан бирга хунармандчилик, жумладан, тўқимачилик анча ривожланган. Бу вақтда темирчилик алоҳида аҳамият касб этади, чунки хунармандчилик соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй берган эди. Айниқса темирдан деҳқончилик учун зарур асбоб - ускуналар ясаш кенг йўлга қўйилади.

Чжоу давлати даврида ижтимоий тузум ҳақида сўзласа, бу даврда патриархал оила мавжуд бўлганини айтиб ўтиш керак. Патриархал оилада отанинг роли чексиз эди. Унга оила аъзолари сўзсиз итоат қилган. Отанинг обрў - эътибори давлат томонидан қўллаб - қувватланган. Масалан, шоҳ Сюань фармонида айтилишича: “Фукаролар бевосита бошлиқларининг қароридан шикоят қилишга ҳақли эмаслар. Агар уларга шикоят қилиш ҳукуқи берилса, у ҳолда ўғил ўз отаси билан судлашиши мумкин. Натижада катта билан кичиклар ўртасида ҳеч қандай фарқ қолмайди.” Аёл ўз уйини ташлаб кетиши катта гуноҳ ҳисобланган.

Чжоу даврида қишлоқ жамоаси муҳим ўрин тутган. Энг қадим кулдорлик давлатида мамлакатдаги барча ер фондлари, жумладан, жамоа ихтиёридаги ерлар ҳам илоҳийлаштирилиб, шоҳга тегишли деб ҳисобланган. Масалан, “гун - тянь” (жамоа даласи) ибораси айна вақтда “даласи” деб тушунилган. Агар қадимги Хитой гуниси ванга (подшо) тегишли бўлса, жамоанинг барча ери давлат ер фондига айланган. “Ши - цзин” кўшиқлар китобида, Чжоу ҳукмдори Лю юришга чиқишдан аввал “дала ва омборлардаги заҳира донларни йиғиб катта қопларга солган”. Чжоу давлатининг ҳукмдорлари “одамларни ерларга бириктирганлар”. Бошқача айтганда, улар катта миқёсдаги ерларда ўз хўжалиқларини ташкил қилган. Ҳукмдорлар ўз яқинлари ва зодагонларга кўплаб ерларни тақсимлаб берган. Натижада Чжоу давлатида ерга эга бўлган табақалар - давлат мулозимларини, зодагонларни пайдо бўлишига олиб келган. Хўжаликда қул меҳнатидан фойдаланилган. Инь даврида юзага келган қулдорлик Чжоу даврида анча кенгайди ва ривожланди.

Чжоу даврида “нун - фу” (қул) атамаси пайдо бўлди. Ўша вақтдаги манбаларда “нун - фу” меҳнати ҳақида, бу одамларнинг ўзларини ишлаб чиқариш куроли бўлмаганлиги қайд этилади. Бундан қулларнинг қулдорлар ерларида ишлаганлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Қуллар меҳнатидан деҳқончилик ҳамда ҳарбий ишда фойдаланганлиги ҳақида маълумот бор. Қуллар ўртасида меҳнат тақсимооти жорий этилган. Манбаларда жанубий қабилаларга тегишли бўлган қуллар отбоқарлик қилган. Давлат муассасалари ҳамда алоҳида амалдорлар ихтиёрида бир неча гуруҳ қул бўлган. Масалан, амалдорлар бошлиғи ихтиёрида 120, маориф бошлиғи ихтиёрида 120, ер хўжалигида 120, камончи ва ўқчилар бўлимида – 80 та қул борлиги ҳақида маълумот “ Чжоу - ли” китобида келтирилади. Қулчилик ривожини билан қул савдоси ҳам пайдо бўлган. Бронза идишлардаги ёзувларда “бешта қул бир от ва бир калава ипакка алмаштирилганлиги” тўғрисида айтилади. Шундай қилиб, қадимги Хитойда табақаланиш юзага келган. Юқори табақа билан қуйи табақалар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар, норозиликлар чиқиб турган.

Давлат тузуми. Чжоу-ли трактати асосида Чжоу сулоласи давридаги давлат тузумини ўрганиш мумкин. Бу даврда Хитойда мураккаб давлат тузилмаси шаклланади. Давлат аппарати мамлакатни шоҳ номидан бошқаради. Ҳукмдор

атрофида зодагон амалдорлар гуруҳи бўлиб, улар юқори лавозимларни эгаллаганлар. Давлат бошида шоҳдан сўнг биринчи ёрдамчи туради. Бу амалдор билан бир қаторда уч оксоқолдан иборат гуруҳ: ер ишлари бошлиғи (амлоқдор), иккинчиси - от-улов ҳамда шоҳ қўшинлари сардори, учинчиси - ижтимоий ишлар бошлиғи вазифасини адо этганлар. Амлоқдор мамлакатда қишлоқ ишларини ташкил қилиш, ер ишлари билан банд бўлган аҳолини бошқариш билан шуғулланган. Иккинчиси, ҳарбий вазир сифатида мамлакат ҳарбий бошқарувини амалга оширган. У аскар йиғиш, ҳарбий таълимга раҳбарлик қилиш, қўшин таъминоти билан шуғулланган. Учинчи бошлиқ мамлакатдаги барча ер фондларини бошқариб, давлат сув таъминотига раҳбарлик қилган. Хитойдаги барча суғориш иншоотлари устидан назорат қилиш шу шахслар қўлида эди.

Кейинчалик мамлакатда бошқа амалдорлар ҳам пайдо бўлди. Улар шоҳ ерлари, турар – жойлари, саройи, суд ишлари, диний ишларни бошқарадилар. Қадимги Хитойда суд ишлари ёзма қонунларни, ҳуқуқларни шаклланишига олиб келди. Чжоу давридаги қонунлар ҳукмдор шахси ва унинг ҳокимиятини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Масалан, шоҳни таҳқирлашга қарши қабул қилинган қонунда шоҳни камситган шахс ўлим жазосига маҳкум этилиши ёзилган.

Жиноий қонунлар мажмуи, яхлит жазо тизими ишлаб чиқилди. Унда ўлим жазоси, эркакларни бичиш, аёлларни саройга қамаб қўйиш, оёғини кесиб ташлаш каби оғир жазолар жорий этилди. Бу туплам қадимда афсонавий шоҳ Му томонидан ишлаб чиқилиб, 3 минг моддадан иборат бўлган. Олий суд оғир жиноий ишларни, қуйи судлар эса кичикроқ ишларни кўриб, ҳукм чиқарган.

Чжоу даврининг сиёсий тарихи хусусида шуни айтиш мумкинки, Чжоу сулола шоҳлари Инъ давлатини босиб олиб, кучли давлат ташкил этишди. Милоддан аввалги V - IV асрларда ёзилган “Осмон ўғли Мунинг тарихи” номли китобда Чжоу даврига оид афсоналар берилган. Унда Чао ва Му шоҳлари буюк фотиҳ сифатида тасвирланади. Хитойлар Хан дарёси бўйларида ва Хубейда яшаган қабилаларни бўйсундиради. Подшо Сюань (милоддан аввалги 827 - 782 йиллар) тарихий шахс ҳисобланади.

Унинг урушлари қўшни қабилаларни бостириш, уларни ўзига тобе қилиш учун бошлаган юришлари ўша даврдаги адабий асарларда ўз ифодасини топган.

Чжоу давлати ўзаро ички зиддият кучайиши, кўчманчи қабилаларга қарши олиб борган тинимсиз урушлар, мамлакат ичидаги иқтисодий тизимнинг мустаҳкам эмаслиги сабабли милоддан аввалги VIII асрга келиб мустақил давлат ва хонликларга бўлиниб кетади.

Таянч иборалар

Эпиграфика, коалиция, патриархал, трактат, Мус. Гун-тять, нун-фу, амлоқдор.

Саволлар

- 1. Чжоу қабилалари қаерларда яшаган ва қандай қилиб Чжоу давлатини ташкил қилганлар?**
- 2. Чжоу давлатининг ижтимоий ва сиёсий тузуми қандай бўлган?**

5. Чжоу шоҳлигининг инқирозга учраши (милоддан аввалги VIII-III асрлар)

Чжоу давлати Хуанхэ дарёси ва унинг ирмоқлари бўйидаги бой унумдор водийларга дахшат солган кўп сонли ва кучли кўчманчи қабилалар билан узоқ вақт давомида кураш олиб бориб заифлашди. Бу эса синфий зиддиятларни туғдириб, мамлакат ичида иқтисодий бирдамлик йўқлиги туфайли кучсизланиб, кейин бир неча мустақил давлатларга бўлиниб кетди. Бу шоҳликлар бошида зодагон кулдорлар ва марказий ҳукуматга тобе бўлмаган қудратли амалдорлар турган.

Милоддан аввалги 770 йилда Чжоу подшоларидан бири Пин Ван ғарбий кўчманчилар сиқуви оқибатида ўз пойтахтини шарқдаги Ло-и шаҳрига (кейинроқ Хэнань вилоятидаги Ло - янга) кўчирган. Хитойнинг мустақил майда шоҳликларга бўлиниб кетиши айнан шу даврдан бошланди. Улар энди Шарқий Чжоу давлатига бўйсунмайдиган бўлиб олдилар. Милоддан аввалги VII асрда бешта энг қудратли шоҳлик иттифоқ тузиб, марказлашган давлатни барпо қилиш ҳаракати юзага келди. Бироқ бу вақтинчалик бирлашув бўлиб, мустаҳкам эмас эди. Бешта катта шоҳликнинг ҳар бири устунликка урингани туфайли, кучлар мувозанати бузилди. Улар ҳокимлиги даври, яъни милоддан аввалги VII - V асрлар одатда “беш ҳоким” даври деб ном олди. Милоддан аввалги V асрда айрим шоҳликлар ўртасида кураш айниқса кескинлашди. Шунинг учун ҳам милоддан аввалги V - III асрлар даври “Курашувчи шоҳликлар” (Чжань - го) номини олган.

Қадимги Хитой тарихининг бу даври кўп манбалар асосида ўрганилиши мумкин. Аммо ўзаро синфий муносабатлар характери ҳамда баъзи ижтимоий - иқтисодий атамаларнинг маъносини аниқ белгилаб олишга имкон берадиган махсус манбашунослик ва тарихий – лингвистик асарларнинг йўқлиги туфайли ижтимоий - иқтисодий муносабатлар масаласини тўла ҳал қилиб бўлмайди. Лекин Хитой тарихчилари ва собиқ мамлакат олимларининг асарлари баъзи фактларни аниқлашга имкон бериб, улар Хитой кулдорлиги тарихидаги ўзига хос хусусиятларни билиб олишга ёрдам беради.

Темирни ривожлантиришда секин – аста бурилиш ясалиши, янги ва анча мукаммал темир курулларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Милоддан аввалги VII асрда Ци ҳукмронлигида давлат темирни ўз монополиясига олади. Омоч учун темир тишлардан фойдалана бошлайдилар, бу эса меҳнат унумдорлигини оширади ва қишлоқ хўжалигида кўплаб куллардан фойдаланиш имкониятини беради. Бироқ аввалги қишлоқ жамоаларининг барқарорлиги кулдорлик муносабатларининг ривожланиш жараёнига тўсқинлик қилади. Бу жамоаларнинг кўпи, айниқса мамлакатнинг узоқ жойларидаги жамоалар жуда содда уруғ - қабилачилик шароитида ёки бир қадар тараққий этган оила – жамоа тузуми шароитида яшаганлар. Хитой подшолари томонидан қўшни ерларнинг истило қилиниши ҳамда бир қанча мустақил шоҳлик ташкил этилиши йирик уруғ - қабила ва оила - жамоа гуруҳларини кул қилишдан иборат қадимги Хитойнинг ўзига хос, алоҳида шакллариининг пайдо бўлишига олиб келиб, бу гуруҳлар расмий жиҳатдан давлат “қули” ҳисобланса ҳам, амалда қисман айрим амалдорларнинг ихтиёрида бўлганлар. Шу сабабли эркин жамоа аъзоларини англатадиган айрим атамалар баъзан кулларни ифодалаш учун ҳам қўлланилган.

Иккинчи томондан, кулдорлик муносабатлари ривожланмаган бир шароитда кулдорларга қарамликдан эркинликка ўтиш босқичларини билдирадиган градациялар (даражалар) ҳукм суриб, буни патриархал кулдорчиликнинг

сақлангани, бутун - бутун жамоалар оммавий кул қилингани, ниҳоят Хитойнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этган марказий туманлари билан Хитойнинг Чжоу давлатига қарашли кенг чекка ерларга жойлашган кўчманчилар ва деҳқонлар турмуши ўртасидаги кескин фарқ ҳам кўрсатиб туради. Доимо урушлар чиқиши ва давлат марказларининг жойдан жойга кўчирилиши, “сиёсий соҳада”ги ўзгаришлар кулларни кўпинча ялписига озод қилиб юборилишига, эркин деҳқонларни эса, аксинча, кулликка тушишига олиб келган. Ваҳоланки, жамоалар натурал хўжаликка асослангани учун, ишлаб чиқариш усули ўзгармай қолаверган. “Чэнь” сўзи “хизматкор”, “кул”, жумладан “уй кули” маъносини англатган. “Минь” сўзи бирга кўшиб ишлатилганида, одатда, бутун меҳнаткаш халқни, эҳтимол, оғир куллик, карамлик шароитида яшаган жамоачиларни англатган бўлса керак.

Файласуф Мэн - Цзининг ижтимоий - сиёсий асарида (милоддан аввалги IV - III асрлар) сақланиб қолган маълумотлар бу даврнинг хўжалик ва ижтимоий тузумига тавсиф беради. Айрим шохларнинг устун бўлиши ва ҳокимлик қилиш учун олиб борган ўзаро урушлари меҳнаткаш халқ оммаси гарданига ғоят оғир юк бўлиб тушган.

Қишлоқ хўжалиги ҳамда кулдорликка асосланган хунармандчиликнинг ривожланиши савдо айирбошлашнинг янада ўсиб, шаҳарлар пайдо бўлишига ва савдогарлар қатлами ўсишига олиб келди. Хуанхэ дарёси атрофидаги ҳудудлардан топилган моддий маданият ёдгорликлари ишлаб чиқариш пайдо бўлаётганлигидан далолат беради. Гуаньцзи асарида бозор аҳамияти ҳамда товарлар нарҳини тартибга солиш ҳақидаги фикрлар берилган. Муаллиф савдогарларни халқнинг алоҳида қатлами сифатида кўрсатади, “бозор билан боғлиқ” одамларнинг катта сиёсий ва иқтисодий билимлардан хабардор эканлигини уқтиради. Бу давр учун судхўрлик ривожланиши хос бўлган. Бу вақтларда судхўрлик махсус амалдорлар томонидан текшириб турилган. Цинь давлати ташкил топган даврга келиб алоҳида “бойлар” табақаси пайдо бўлади. Улар йирик мулк (ер) га эга бўлиб, савдо ишларида фаол иштирок этганлар. Хитой манбаларининг хабар беришича, ўша даврда бойлар кўпайиб, Цинь Ши Хуан - ди ўз пойтахтида савдони тараққий эттириш учун уларнинг оиласини пойтахтга кўчириб келтирган. Бу рақам муболаға билан айтилган бўлиши ҳам мумкин. Савдо ва судхўрлик ривожланиши синфий зиддиятларнинг кучайишига сабаб бўлади. Синфий курашнинг кескинлашувига йўл қўймаслик учун ижтимоий ислоҳот лойиҳалари илгари сурилди. Мазкур лойиҳалар ҳукмрон амалдорлар синфи манфаатларини ва, биринчи навбатда, савдогар табақаларининг манфаатларини юз бериши мумкин бўлган ижтимоий ларзалардан қўриқлашни мақсад қилган. Синфий зиддиятларнинг кескинлашуви ҳукмрон синф - кулдорлар синфининг яшаши ва бойишига жиддий хавф туғдирган. Ижтимоий ислоҳот ўтказишга уринишлар шиддатли синфий курашни кучсизлантира олмади. Амалдорлар ер эгаллигининг ўсиши ва савдонинг ривожланиши натижасида ирригация шаҳобчаларини сақлаб қолиш, шунингдек, мамлакатни кўчманчилардан мудофаа қилиш зарурати юзага келди. Марказлашган кучли давлатни тиклаш ҳамда бутун мамлакат учун мустаҳкам ва ягона давлат аппарати барпо қилишни талаб этарди. Ана шу муносабат билан милоддан аввалги VI асрдаги фалсафий асарларда давлатни идора қилиш тамойиллари вужудга келади ҳамда алғов – далғовлар давридан кейин мустабид тузумини тиклаш зарурлиги кўрсатилади. Масалан, файласуф Мэн – Цзи деҳқончилик устидан давлат назорати ўрнатилишини тавсия

қилади. Жумладан, қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун императорларга ирригация чораларини кўриш хусусида кўрсатма беради.

Милоддан аввалги IV асрда Цинь шоҳлиги бошқа барча катта подшоликлар орасида энг кучли подшолик бўлиб қолади. Цинь шоҳлиги ҳукмдорлари бутун Хитойга ҳокимлик учун бир аср мобайнида қаттиқ кураш олиб борадилар.

Цинь ҳукмдори Чжэн барча қолган шоҳликларни бўйсундириб, бутун Хитойни ўз ҳокимиятига бирлаштириб, Цинь Ши Хуанди (милоддан аввалги 221 - 210 йиллар) унвонига эга бўлди. Ҳукмронлиги даврида ягона ва марказлашган Хитой давлати тикланди. Аввалги мустақил шоҳликлар ўз мустақиллигини йўқотдилар. Шу тариқа Чжоу хонлиги тугатилиб, унинг ўрнига янги марказлашган Цинь шоҳлиги ташкил топди.

Таянч иборалар

“беш ҳоким”, “Чжань-го”, “Чэнь”, “Минь”, градация, “уйқули”.

Саволлар

- 1. Чжоу шоҳлиги инқирозининг асосий сабаблари нималардан иборат эди?**
- 2. Шан Ян ислохотлари нима мақсадда ўтказилган?**

6. Милоддан аввалги III аср бошларида Хитойда Цинь сулоласи даври

Милоддан аввалги IV аср ва III аср бошларида Хитойнинг тобора парчаланиб, бориш жараёни мамлакатда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ва айирбошлашнинг ривожланишига тўсиқ бўлди. Бутун мамлакатда ягона суғориш тармоқларини вужудга келтириш, дарё сувларини мунтазам тақсимлаб туриш иши барча ўлкалар бирлашувини тақозо этган. Аммо майдалашув шароитида бунинг иложи бўлмаган. Шундай ҳодисалар юз берганки, бир туманда бошқалари билан келишмай тўғон қурилиши келишмовчиликлари табиий офат келтириб чиқарган. Иккинчи томондан, ўзаро душман бўлган шоҳликларнинг чегараларида ўрнатилган божхона ғовлари хўжалик соҳасидаги ўзаро муносабатлар тараққиётига тўсқинлик қилган. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, синфий курашнинг кескинлашуви ва кўчманчилар томонидан солинган хавф ҳукмдор табақаларда мамлакат бирлигини тиклашга интилиш пайдо қилган. Ички ва ташқи душманларни енгиш учун кулдорлар марказлаштирилган ҳокимиятни мустаҳкамлашга муҳтож эдилар.

Мамлакатни янгидан бирлаштиришда Хитойнинг ғарбий туманларини ўз ичига олган ва ҳукмронлигини жанубдан, Янцзи қирғоқларигача ўрнатган Цинь шоҳлиги асосий ўрин тутди.

Милоддан аввалги IV асрда Цинь шоҳлигида Шан Ян номли катта мансабдорнинг ташаббуси билан муҳим ислохотлар ўтказилган. Бу ислохотчи давлат хизматидаги оқсуякларга ва савдогар - судхўрлар доирасига таяниб, патриархал оила ва қишлоқ жамоаларига қатъий зарба берган. Ер ислоҳоти шундан иборат эдики, ерни истаганча хусусий мулк қилиб олиш ҳамда ерни эркин тарзда сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган. Шан Ян катта оилаларнинг парчаланиб, мулклари бўлинишига хайрихоҳ, шунингдек жамоадаги чек ерларни сотишга ижозат берган. Солиқ зулми кучайтирилган. Ҳосилдан олинадиган солиқ ер солиғи билан алмаштирилган, бу солиқ ер миқдорига қараб ҳар бир ер эгасидан олинган. Солиқлар ҳосилга боғлиқ бўлмай, ҳосил бўлмаган йили жамоанинг маҳсулот топшира олмаган аъзолари (ер ҳажмига қараб белгиланган) хонавайрон бўлиб,

ерлари, ҳатто озодлигидан ажраб қолган. Ниҳоят, махсус маъмурий ислоҳот мамлакатдаги барча аҳоли устидан назорат жорий қилишни кўзда тутиб, аҳоли муайян майда гуруҳларга бўлинган. Шу билан бирга экин майдонини кенгайтириш ва мамлакатга деҳқон аҳолисини тортиш юзасидан ҳам бир қанча тадбирлар кўрилган. Бу эса деҳқончилик хўжалиги даражасини кўтаришга хизмат қилган.

Цинь ҳукмдорлари шу йўл билан ғоят катта маблағ тўплаганлар. Бу маблағ уларга қўшинни қайта ташкил этишда ёрдам берган. Бронза қуроли – яроқ ўрнини темир қуроли эгаллаган. Қўшинда янада каттиқроқ интизом, рағбатлантириш ва мукофотлаш тартиби ўрнатилган.

Шан Ян ислоҳотлари туфайли Цинь подшолиги қўшини ўз жанговарлиги билан бошқа шоҳликларнинг қўшинларидан устун бўлиб, бу кейинги урушларда намоён бўлди. Милоддан аввалги III асрнинг биринчи ярмида Цинь подшolari барча душманларини тор - мор қилди. Чжоу сулоласи милоддан аввалги III аср ўрталарида ҳокимиятни қўлидан бой берди.

Ин Чжен ўз шоҳлиги даврида (милоддан аввалги 246 - 210 йиллар) бутун ҳудудидаги барча мамлакатларни ўзига бўйсундирди. Милоддан аввалги 221 йилда у император (хуанди) унвонини олиб, Цин Ши - Хуанди (Циннинг биринчи императори) деган ном олди.

У шимолда хуннлар, жанубда (Янцзи) Юэ мамлакати билан (ҳозирги Гуандун ва Гуанси вилоятлари ҳудуди ҳам шу мамлакат таркибига кирган) бир неча бор муваффақиятли уруш қилган. Шимолий кўчманчилардан мамлакатни ҳимоя қилиш учун Буюк Хитой девори (Садди Чини) қурилган. Бу тупроқ тепалар, тош ва ғиштдан ишланган девор ва миноралардан иборат мураккаб истехком бўлиб, унинг узунлиги 4000 километр, баландлиги 10 метрга тенг. Девор шу қадар калинки, унинг устида ёнма-ён олтита отлик бемалол юра олади. Бу истехком қурилаётганда аввалги истехкомлар ҳам Буюк Хитой деворига қўшилиб кетган, шундай бўлсада бениҳоя улкан иш амалга оширилган. Бу истехком қурилишида салкам икки миллион киши (асосан ҳарбий асирлар ва ҳукм қилинган жинойтчилар) меҳнат қилган.

Цинь Ши – хуанди ўзининг ички сиёсатида Шан Ян қонун-қоидаларига амал қилган. Бутун давлат 36 вилоятга бўлиниб, бу вилоятлар шоҳ амалдорлари томонидан идора қилинган. Аввалги зодагонлар бошқариш ишларидан четлаштирилиб, каттиқ назорат остига олинган.

Марказий ҳокимият томонидан уруғ зодагонларига, шахсий ер эгалари билан савдогарларга кўрсатилаётган ҳомийлик каттиқ қаршилик туғдирган. Бутун маориф ишларини ўз қўлларига олган конфуцийчилар (Конфуций фалсафаси мактаби вакиллари) бунда раҳбарлик қилганлар. Улар эскилик тарафдори, янгиликнинг душмани бўлиб, Шан Ян ислоҳотларини тан олмаган. Цинь Ши - Хуанди бу оқимга қарши каттиқ чоралар кўрди. 460 та конфуцийчи олим қатл қилинган. Ривоятларга кўра, император ўзга тартиблар ҳукм сурган замонга оид барча фалсафий ва тарихий адабиётларни ёқиб ташлашни буюрган.

Цинь Ши - Хуандининг ички ва ташқи сиёсати, қўшинни ва амалдорлар аппаратини боқиш ҳамда истехком ва саройлар қурилиши ғоят катта маблағни талаб қилган. Солиқ ва мажбуриятлар оғирлиги асосан деҳқонлар гарданига тушган. Қишлоқ жамоалари буткул тушкунликка юз тутганлар.

Хитойда марказлаштириш жараёни авж олди. Бир - бирига таянч бўлиб, бир - бирини қўллаб – қувватламаслиги учун, император Вэй дарёси шимолий соҳилидаги

янги пойтахт – Сяньян шахрига аслзода оилаларини кўчириб келган. Улар ўзларининг аввалги маҳаллий уруғ- қабилаларидан узоқлаши, пойтахтда ҳеч қандай таянч ва кучга эга бўлиша олмаганлар. Вассалларни маҳаллий этник исм билан аталиши ман этилиб, оддий аҳоли “қорабошлар” номини олган.

Цинь Ши - Хуанди тадбирлари каттиққўллик билан ўтказилиши туфайли, нафоқат оддий халқ, балки зодагонларнинг ҳам қаршилигига учради. Цинь Ши – Хуанди даврида Хитойнинг барча туманларида кўзғолонлар кўтарилиб, улар аёвсиз бостирилган. Император ҳаётига тўхтовсиз суиқасдлар сабабли, у ўз маконини доимо ўзгартириб, тўхтаган жойи маълум бўлмаган. Цинь Ши-Хуанди милоддан аввалги 210 йилда асаб касаллигидан вафот этади. Унинг ҳукмдорлик давридан нишона сифатида Буюк Хитой Девори қолди, холос.

Цинь Ши-Хуанди ўлиmidан сўнг деҳқонларнинг оммавий кўзғолонлари кўтарилиб, унга куллар ҳам қўшилганлар. Бу ҳаракат йўлбошчиларидан бири Лю Бан исмли қишлоқ оқсоқоли айниқса ном қозонди. У халқ оммасигина эмас, балки Цинь Ши-Хуанди вақтида тор-мор бўлган зодагонларни ҳам ўзига оғдириб, рақибларини давлат бошқарувидан четлаштирган. Милоддан аввалги 206 йилда у Цинь сулоласининг сўнгги вакилини ағдариб, биринчи, ёки Катта Хань сулоласи деб ном олган янги сулолага асос солди.

Таянч иборалар

Шан Ян, маневрли суворийлар, Ин Чжен, Хуанди, Цин Ши, хуннлар, Садди Чин, конфуцийчилар, Лю Бан, Катта Хань сулоласи

Саволлар

- 1. Хитойда марказлаштириш жараени қандай тўсиқларга дуч келди?**
- 2. Нима учун Цин Ши Хуанди конфуцийчилар таълимотини таъқиқлаб қўйди?**

7. Қадимги Хитой Хань сулоласи даврида (милоддан аввалги 206 – миладий 220 йиллар)

Цинь сулоласи ҳукмдори Ши-хуанди ҳокимиятига қарши деҳқонларнинг норозилиги ортиб, улар кўплаб кўзғолон кўтардилар. Милоддан аввалги 206 йили кўзғолончи деҳқонлар йўл бошчиларидан бири Лю Бан тахтни эгаллаб, Цинь сулоласи ҳукмронлигига якун ясади ва янги давлатга асос солди. Бу кўзғолон натижасида деҳқонларнинг иқтисодий аҳволи бирмунча яхшиланиб, солиқлар камайтирилди ва давлат меҳнат мажбуриятлари енгиллаштирилди. Аммо ҳокимият кулдор зодагонлар қўлида қолаверди. Улар дастлаб деҳқонларга бир оз ён берган бўлсалар ҳам, вақт ўтиши билан шароит яна илгариги аҳволига қайтди.

Меҳнаткашлар оммасининг хонавайрон бўлиши кулдорликни янада ўсиши ва мамлакатда куллар сонининг ортишига сабаб бўлди. Ночор аҳволда қолиб, амал – тақал тирикчилик қилган камбағаллар кўпинча болаларини кул қилиб сотишга мажбур бўлганлар.

Уруш йилларида мамлакат хўжалик ҳаёти издан чиқар, шу пайтда ҳукумат қўшимча солиқлар солар эди. Хань сулоласи даврида одатий солиқлардан ташқари, ҳосилга қараб натурал солиқ жорий қилиниб, у ери бор одамлардан олинган; шу билан бирга аҳолидан олинадиган пул солиғи жорий қилинган. У Ди ҳукмронлиги

даври хазина тушумини ошириш мақсадида туз ва темирга монополия жорий қилинган. Қул савдоси ҳам ривожланиб, махсус қул бозорлари вужудга келган.

Қуллар сони кўпайганлигига қарамай, уларнинг меҳнати у қадар фойда бермай қўйди. Қуллар меҳнатининг унумини ошириш мақсадида қулларга кичикрок ер берилиб, уларни шахсий хўжалик юритишига рухсат этилган.

Айни вақтда ижара муносабатлари ҳам тараққий эта бориб, деҳқонлар бойлар ерини ҳосилнинг 50% эвазига ижарага олганлар. Ижара ҳақининг юқорилиги туфайли кўплаб деҳқонлар асоратга тушганлар.

Хань даврида Хитойнинг ташқи савдоси ўсиб, истилочилик сиёсати кенг кўламда юритилди. Хитойликлар милoddан аввалги II аср охирида, император У Ди даврида (милoddан аввалги 140 - 87 йиллар) ғарбнинг узоқ жойлари, Ўрта Осиёгача, “Ғарбий чет жой” (Си юй) деб аталган мамлакатга қадар кириб борганлар. Хитой карвонлари Шарқий Туркистон орқали Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ўлкаларга етиб борган. Хитойликлар айниқса Фарғона билан савдо муносабатини ўрнатганлар. Хитой молларини Эрон савдогарлари бу ердан Сурия, Эрон, ҳатто Рим империясигача олиб борганлар.

Муҳим савдо йўли – “Буюк Ипак йўлини” қўлга киритишга интилиш, истилочилик сиёсатини давом этишига сабаб бўлди. Хитойлик саркарда ва дипломат Бан Чао (милoddан аввалги 32 - 102 йиллар) Шарқий Туркистонга бир неча марта қўшин тортиб борган ва бу ерни истило қилган. Хитойликар шарқда Корея, Ҳинди - Хитойнинг айрим ҳудудларига ҳам кириб бориб, Ҳиндистонга йўл очмоқчи бўлганлар. Ташқи савдо ва истилочилик сиёсати кенгайиб бориши оқибатида зодагонлар янада бойиганлар.

Хань даврида Хитой давлати қудратининг ошиши маданиятнинг юксалишида ҳам ўз ифодасини топган. Манбаларда кўрсатилишича, бу вақтда академия, кутубхона ташкил қилинган, давлат ёзувчиларга ҳомийлик қилган, очиқ имтиҳонлар ўтказиб, амалдорларнинг малакасини оширган. Аммо меҳнаткаш халқ аҳволи оғир бўлиб қолаверган.

Ижтимоий зиддиятларни камайтириш мақсадида Дун Чжун - шу, Ван Чун ва Ван Ман ислохотлар ўтказишга ҳаракат қилганлар. Дун Чжун - шу катта ер - мулкларни бир киши қўлида бўлишини тақиқлаш, туз ва темир монополияси, “қулдорларнинг ўз қулларини қатл этиш ҳуқуқини бекор қилиб, қулдорликка барҳам бериш”, солиқларни камайтириш, ҳарбий ва меҳнат мажбуриятларини енгиллаштиришни таклиф этган.

Хитойда ўтказилган ислохотлар кутилган натижа бермаган. Пировардида камбағаллар очарчилик натижасида кўтарган қўзғолонлари тобора кучайиб борди.

Фан Чун бошчилигида 18 йилда кўтарилган “қизил қошлар” қўзғолонида Шандун аҳолисининг кўп қисми иштирок этди. Ван Чун ислохотларидан норози айрим зодагонлар ҳам қўзғолонга қўшилдилар. Фан Ман раҳбарлигидаги 10 минг кишилиқ қўзғолончилар лашкари Ван Ман қўшинини мағлуб этди. 23 йили Ван Ман қўшини батамол тор - мор этилиб, пойтахтни қўзғолончилар эгаллаб олишди. Лекин 27 йилда “қизил қошлар” орасига кириб олган зодагонлар қўзғолончилардан устун келиб, уларни тор-мор келтирганлар ва аввалги тартибни қайта тикладлар.

184 йилда яна бир катта қўзғолон рўй берди. Бу Чжан Цзяо раҳбарлигидаги “сарик рўмолликлар” қўзғолони бўлди. Қўзғолончиларнинг қўшини бир неча юз минг кишига етганди ва кўп сонли қуллардан иборат алоҳида бўлинмалари ҳам бор эди. Бу оммавий, ҳақиқий халқ ҳаракати кенг тус олганига қарамай, қўзғолон

бостирилган. Бироқ Хань сулоласи ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қола олмади. Кўпдан-кўп қўзғолонлар Хань давлатини ҳолдан тойдириб, давлатни пароканда бўлишига сабаб бўлди.

Таянч иборалар

“Ғарбий чекка”, “Ипак йўллар”, “сарик рўмолликлар”, “ҳукмдор ерлари”, “қизил қошилилар”, Си Юй.

Саволлар

- 1. Хань сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилганидан сўнг, ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун қандай тадбирлар амалга оширилган?**
- 2. Хань давлатида йирик қўзғолонлар кўтарилиши сабаблари?**

8. Ван Ман ислохотлари

Синфий зиддиятларнинг кескинлашуви ҳукмрон синф бўлмиш зодагонларнинг бойишига жиддий хавф туғдира бошлайди. Ижтимоий ислохотлар ўтказишга уринишлар каттиқ синфий курашни кучсизлантира олмайди. Хан даврида Хитой қай аҳволда бўлганлигини Ван Ман ислохотлари очиқ намоёйиш этди. Ван Ман даврида қишлоқ ва шаҳарларда яшаган ўрта табақа аҳолининг иқтисодий аҳволини яхшилашга ва ижтимоий зиддиятларни сусайтиришга интилан. Ван Ман шу ўрта табақадан чиққан деган фаразлар мавжуд. 8 йилда Ван Ман тахтга чиқиб, янги – Синь сулоласига асос солди.

Шу даврда синфий эксплуатацияни сусайтиришни мақсад қилган назариялар тарқала бошлади. Кескин тус олган ижтимоий зиддиятларни бир қадар сусайтириш орқали қўзғолонларни бостиришга ҳаракат қилинди. Бу жиҳатдан Дун Чжун - шу ва Ван Чун ғоялари ҳамда Ван Ман ислохотлари характерлидир.

9 - 10 йилларда Ван Ман талай ислохотларни амалга оширди. Унинг ғояларида “Цзин тян” тизими, яъни қадимги жамоа ер мулкани тиклаш ислохотлари эълон қилинади.

1. Ер ислоҳоти. Зодагонларга қарашли ерлар мусодара қилиниб, давлатга тегишли ҳамма ер “ҳукмдор ери” - “ван тянь” деб эълон қилинган. Шу билан бирга ер фондини қайтадан тақсимлашга ҳамда ер эгалигини чеклаб қўйишга ҳаракат қилинган.

2. Ер ва қул сотиш тақиқланган. Қулларни “шахсий қарамлар” - “сы шу” деб номлаш қулчиликни бекор қилиш йўлидаги илк қадам бўлса ажаб эмас.

3. Давлатнинг темир, туз, вино ва кон хунармандчилиги устидан монополияси вақтинча сусайган бўлса ҳам, кейинчалик у янада кучайди.

4. Ишлаб чиқариш ва савдони тартибга солиш мақсадида, мамлакат хўжалик ҳаёти устидан қатъий ва амалий назорат ўрнатишда давлат ҳокимиятидан фойдаланилган.

Лекин бу ислохотлар юқори табақалар томонидан қўллаб - қувватланмаган. Ван Ман ислохотлари муваффақиятсиз якунланди. 3 йилдан кейин, 12 йилда ер ислоҳоти бекор қилинди. Қул сотиш ва сотиб олишга рухсат яна берилди. Бу ярим ислохотлар кутилган натижа бермади. Иккинчи томондан, улар юқори табақаларнинг манфаатларига зид бўлиб, улар ўртасида норозилик колтириб чиқарди. 1 асрнинг Чжоу давридаги қадимги Хитой жамиятида камбағал халқнинг

аҳволи тубдан ўзгаргани йўқ. Камбағалларнинг кўзғолонлари, ижтимоий ҳаракатлари давом этиб, тобора кучайиб бори.

Таянч иборалар

Дун Чжун-шу концепцияси, Ван Ман ғоялари, ҳукмдор ери, ван - тянь, шахсий қарамлар(«сы-шу»).

Саволлар

- 1. Ван Ман ислохотларининг ижтимоий - иқтисодий омилларини кўрсатиб ўтинг**
- 2. Ван Ман ислохотларининг моҳияти нимадан иборат эди?**

9. Қадимги Хитой маданияти

Хитой маданияти жуда қадим замонлардан мавжуд. Энг қадимги иероглиф ёзувининг пайдо бўлиши дастлабки тараққиёт жараёнларини кузатиш имконини беради. Сақланиб қолган адабий манбалар, қадимги Хитойнинг классик адабиёти, Хитой диний фалсафаси, ҳуқуқшунослигининг қандай пайдо бўлиб, ривожланганини ва жуда қадимги ижтимоий - сиёсий тизимларнинг тараққиётини кузатишга имкон беради. Бу жараён кўп минг йиллар давом этиб келган.

Қадимги замонда яшаган бошқа халқларнинг диний эътиқодлари каби, хитойлар дини ҳам фетишизм, табиатга сиғинишнинг қадимги шакллари, ота-боболар “арвоқлари”га эътиқод қилиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган тотемизмдан бошланади. Тарихий манбаларда табиатни илоҳийлаштириш билан боғлиқ бўлган тасаввурлар кенг тарқалган замонлар ҳақида эсдаликлар сақланиб қолган.

Қадимги Хитойда табиатга, айниқса ер ва тоқларга топиниш кенг расм бўлган. Хитойда қадимдан одат бўлиб келган тоқга топиниш одати Хитой ерининг рельефи ва ўша замоннинг ҳўжалик турмуши билан боғлиқ бўлган, чунки хитойларнинг қадимги аجدодлари ёзда тоғларда қишда эса даштда яшаганлар. Шу билан бирга қадимги хитойлар кўёшни, юлдузлар, дарё ва дарахтларни худо деб эъзозлаганлар. Бошқа жуда қадимги халқлар сингари, хитойлар ҳам ота-боболарини илоҳийлаштирганлар, патриархал турмуш тарзи билан маҳкам боғлиқ бўлган бу эътиқод шаклда кейинги вақтга қадар сақланиб келган.

Хитойда эркаклар, одатда, бутун бир иерархия тизимидан иборат учта кучнинг ҳукми остида бўлган. Бу кучлар:

1) давлат тузуми - ҳокимиятнинг умумдават, ўлка, туман ва маҳаллий органлари (сиёсий ҳокимият);

2) уруғчилик тузуми - ота – боболарнинг уруғ ибодатхонаси, уруғ тармоғи аجدодлари ибодатхонаси, оила бошлиғи ибодатхонаси (уруғ ҳокимияти);

3) диний тузум: а) ер остидаги кучлар дўзахнинг олий эгаси, руҳлар шахрини сақловчи ва маҳаллий руҳлар; б) осмон кучлари худолар ва авлиёлар, осмоннинг олий эгасидан тортиб то турли туман руҳларидан иборат. Буларнинг бари биргаликда нариги дунё кучларини (дин ҳокимиятини) ташкил этади.

4) Аёллар эса шулар билан бир қаторда яна эркакка ҳам қарам (эри ҳокимлигида) бўлган. Ҳокимликнинг ана шу тўрт тури сиёсий уруғчилик, дин ҳокимияти ва эр ҳокимлиги - феодал - патриархал мафкура ва тартибини акс эттириб, хитой халқини, айниқса деҳқонларни, чўлғаб олган энг даҳшатли аломатдир. Қадимги диний эътиқодлар кулдорлик ва феодал даврлари давомида яшаб, яқин-яқинга қадар уларнинг асорати сақланиб келган.

Хитойда диний эътиқодлар ўта қадим замонларда шаклланган. Классик адабиёт асарларида қадимги муқаддас матнлар бўлганлигини кўрсатувчи маълумотлар сақланган. Бу матнларни диндор одамлар эъзозлаганлар. Аммо милoddан аввалги VI - V асрларда маълум шаклга кирган ва энг сўнгги динларга асос бўлган диний - фалсафий тизимлар Хитойда айниқса катта аҳамият касб этади. Конфуцийнинг диний - фалсафий тизими Хитой маданий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, у қадимги замонда ром очувчиларнинг мактабларида таъсис қилинган. Конфуцийнинг шахсий ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар бизда жуда кам, фақат у билан боғлиқ бўлган бир қанча номлар, саналар ва унинг қасрда вафот этгани маълум, ҳолос.

Конфуций ўзича янгилик киритишга уринмаётганини бир неча марта уқтирган. У “мен мавжуд нарсани ўргатаётиман, ўзим ўйлаб чиқармайман” дейди. Конфуций тизимида тарбия элементларига катта эътибор берилган. Қулдор зодагонлар бу диний фалсафий тизимдан фойдаланиб, кишининг характериға ювошлик, итоаткорлик ва ўзидан катталар ҳамда раҳбарларға бўйсуниш руҳини сингдиришға ҳаракат қилган. Конфуций тарбия киши ҳаётида ғоят катта ўрин тутайди деб билган. Шунинг учун Конфуций фалсафаси одам характериғни ўзгартириш зарурлиғи ва буткул ўзгартиришға оид ақидани илғари сурган. Конфуцийчилик ҳар бир одамни синфий нуқтаи - назардан камолотға етказиш муқаррар ва зарур деган ғояни шу тезис асосига қурган.

Конфуций таълимотига доир китобларда шундай дейилади: “Одамларнинг ҳаммаси ҳам туғма хусусиятиға кўра ўзаро яқин. Туғилгандан кейин ҳосил қилган хусусиятларига кўра улар бир - бирларидан фарқ қиладилар.”

Конфуций таълимоти қулдорларнинг меҳнаткашлар оммасини эксплуатация қилишиға оид қоидаға асосланган синфий нуқтаи – назари очик ифодаланган, яъни “авом халқ зодагон ва донишмандларға итоат қилиш керак”. “Агар авом юқори табақа ва ўқимишли кишиларға итоат қилмай қўйса, мамлакатда осойишталик бўлмайди.” Бу фикр конфуцийчиликка доир машҳур “Меъёрилиқ ва доимийлик” китобида қуйидаги сўзлар билан баён этилган: “Оддий халқнинг юқори табақаға итоатсизлиғи тартибсизликнинг бошланишидир”. Яна шу китобда “донишманд” ҳалойиққа қарама - қарши қўйилади. “Донишманд” деганда зодагонни анлаш керак, албатта. Конфуций таълим бериб, “донишманд ҳамиша меъёрийлик ва доимийликка риоя қилади, авом халқ эса меъёрийлик ва доимийликка зид иш кўради. Меъёрийлик ва доимийликка амал қилган донишманд бу билан фақат одобилиқ ва яхшилиқ қилади, аммо бу қоидаға амал қилмайдиган авом халқ эса, ҳеч нарсани фарқиға бормай, дуч келган ишни қилади”. Шундай қилиб, бу меъёрийлик ва доимийликка даъват қилувчи қадимги хитой файласуфи жорий қилмоқчи бўлган синфий мувозанат синфий кучлар уйғунлиғи ғоясини ташвиқ этмоқчи бўлади.

Бу синфий мувозанат назарияси конфуцийчилик китобларида жуда пухта ишлаб чиқилган. Конфуцийчилик хожа ва хизматкор, ота-она билан фарзандлар, эр-хотин, катталар ва ёшлар, дўст - ёрлар ўртасида алоҳида муносабатлар ўрнатишни, яъни ривоятларға кўра, энг қадимги патриархал даврда мавжуд бўлган ўзаро муносабатларни ўрнатишни тарғиб қилади. Конфуцийчилик таълимотида синфий жамият ва қулдорлик давлати фақат ана шундай патриархал даврда мавжуд бўлган ўзаро муносабатларни ўрнатишни тарғиб қилади. Конфуцийчилик нуқтаи - назаридан синфий ҳокимият ва қулдорлик давлати фақат ана шунда патриархал муносабатларнинг, жамият ва давлатда идеал мувозанат сақлашни ўзига мақсад

қилиб олган муносабатларнинг доимо сақланиши асосидагина тинч яшаши мумкин эмас.

Шу билан бирга конфуцийчилик диний фалсафасида: “Бирлик туфайли зодагонлар ва ҳокимлар жаҳонда намуна бўлмоқдалар” дейилади. Иккинчи томондан, ушбу ижтимоий - фалсафий таълимотда катта бойлик орттирган ва эркин жамоа аъзолари, камбағаллар, жумладан, қулларни шафқатсиз эксплуатация қилувчи бойлар аёвсиз фош қилинган: “Агар бойлар ва зодагонлар кибрланиб кетсалар, ўз бошларига бахтсизлик келтирадилар.” Лао - цзи халқни эзувчи ҳукуматга қарши яна кескинроқ гапиради. “Халқ шунинг учун ҳам очки, солиқлар ҳаддан ташқари катта”. Лао - цзи одамлар учун фақат бахтсизлик келтирувчи урушга қарши айниқса каттиқ гапиради. “Яхши қўшин - бахтсизлик туғдирувчи восита, тирик жон борки, ҳаммаси уни ёмон кўради. Ўзига ғалаба билан шуҳрат келтирмоқ - кишиларни ўлдиришдан хурсанд бўлмоқдир. Мамлакатда меҳр - мухаббатга сазовор бўлолмайди. Кўплаб одамларни ўлимидан аччиқ кўз ёши тўкмоқ керак, холос. Ғалабани эса мотам маросими деб билмоқ керак”. Лао - цзининг бошқа аксарият фикрлари сингари, бу сўзларида ҳам курашдан четга чиқиш ва воз кечиш, урушга нафрат билан қараш руҳи очиқ сезилиб туради. Шу билан бирга эски патриархал турмушга қайтиш зарурлиги ва халқни маданий жиҳатдан қолоқ ҳолда сақлаш тўғрисидаги, шубҳасиз, реакцион фикрлар келиб чиқади. Масалан, Лао - цзи бундай дейди: “Халқнинг билими ортса, уни бошқариш мураккаблашади”.

Таянч иборалар

фетишизм, тотемизм, Конфуций, Лао-цзи, матриархат, “Қўшиқлар китоби”

Саволлар

- 1. Хитойда Конфуций таълимотининг кенг тарқалиши сабаблари**
- 2. Қадимги Хитой маданиятининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?**